

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети

Фалсафа факультети

# Ижтимоий фалсафа

## (ўқув қўлланма)

**Масъул муҳаррир:** А.Ўтамуродов

**Муаллифлар:** Қ.Назаров, А.Ўтамуродов, Б.Тўйчиев, Ё.Тоиров, Х.Хайдаров, И.Тўхтаров, Қ.Рўзматов, Ш.Тўраев, М.Ёқубова.

**Тақризчилар:** ф.ф.д., проф. С.Мамашокиров.  
ф.ф.д., проф. У.Абилов.

Ушбу ўқув қўлланма олий таълим тизимидаги «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» (5141500) йўналиши ўқув режасидаги 80 соатга мўлжалланган ўқув дастури асосида тайёрланган. Бу фан талабаларда фалсафий дунёқарашни шакллантириш, ижтимоий тараққиёт муаммоларини тўғри англаш, жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришларга ҳолисона ёндашишга ёрдам беради.

Ўқув қўлланмада жамиятнинг таркиби, унинг тараққиёт қонунлари, ижтимоий фалсафанинг асосий тушунча ва категориялари, инсон, унинг моҳияти, ижтимоий ҳаётдаги роли, ҳозирги даврдаги глобаллашувнинг фалсафий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари таҳлил этилган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
Ўқув-усlubий Кенгашининг \_\_\_\_\_ №\_\_\_\_-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилган.

## Мундарижа

Кириш.....	3
1. Ижтимоий фалсафа фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	5-17
2. Ижтимоий фалсафа тараққиётининг асосий даврлари.....	18-29
3. Ижтимоий фалсафанинг тушунчалари, категориялари ва асосий функциялари.....	30-40
4. “Қонун”-ижтимоий-фалсафий категория сифатида.....	41-52
5. Ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	53-67
6. Ижтимоий онг ва унинг намоён бўлиш шакллари.....	68-78
7. Жамият унинг тузилиши ва таркиби.....	79-96
8. Жамият ривожланиши қонунларининг таснифи.....	97-103
9. Жамият қонунларининг ижтимоий шарт-шароит билан ўзаро боғлиқлиги ва намоён бўлиш шакллари.....	104-113
10. Қонунларда ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг ифодаланиши.....	114-126
11. “Инсон” тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни.....	127-142
12. Шахснинг жамиятдаги ўрни.....	143-172
13. Инсон фан ва техника оламида.....	173-189
14. “Цивилизация” тушунчаси: моҳияти ва мазмуни.....	190-202
15. Жаҳон цивилизацияси ва Ўзбекистон истиқболининг фалсафий масалалари.....	203-220
16. Инсон ва жамият тараққиётининг умумбашарий муаммолари.....	221-238
17. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-фалсафий масалалари.....А.....	239-246
18. Фойдаланилган адабиётлар.....	247-249

## 1-мавзу. ижтимоий фалсафанинг мазмун - моҳияти, мақсад ва вазифалари

Фалсафанинг бир-бири билан узвий боғлиқ ва йўналишлари мавжуд. Уларнинг бири – ижтимоий фалсафа бугунги дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни тушуниш, уларга тўғри муносабатни шакллантириш, уларни ҳозирги куннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолаш, воқеликдан оқилона хулосага ёрдам берадиган фалсафий фандир. Ижтимоий фалсафа ҳақида чуқур билимга эга бўлиш учун аввало, ушбу тушунчанинг моҳияти ва мазмунига алоҳида аҳамият бериш, унинг “жамият фалсафаси”, “социал фалсафа” “инсон фалсафаси” кабилар билан алоқанинг билиши лозим. “Ижтимоий фалсафа” тушунчаси “ижтимоийлик”, “ижтимоий ҳодиса” “ижтимоий жараён” тушунчалари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу тушунчалар жамиятдаги бир-бири билан узвий боғлиқ воқеа, ҳодисалар ва жараёнларни ифодалайди.

Ижтимоий фалсафанинг фан сифатидаги баҳс мавзуларини ижтимоий борлиқ, инсоннинг биосоциал моҳиятини намоён этиш имкониятлари, ижтимоий жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари ташкил этади. Ижтимоий борлиқ нима? Унинг мураккаб хилма-хил қирралари нималардан ибодат? Инсон қандай пайдо бўлган, унинг сиру-асрорлари нимада? Жамият бир бутун яхлит тизим сифатида ривожланадими? Унинг ҳаракатлантирувчи кучлари нимада? Шахснинг жамият тараққиётидаги роли қандай? Инсон ижтимоий борлиқ моҳиятини, унинг истиқболини аввалдан билишга қодирми? Умумбашарий муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари қандай? - деган саволларга жавоб бериш ва бу борадаги жавоблар асосида илмий фалсафий дунёқарашни шакллантириш ижтимоий фалсафа шуғулланадиган энг муҳим масалалардир.

Бу масалалар “Инсон фалсафаси” дея аталадиган Антропологияда ҳам ўз ўрнига эга, ammo ижтимоий фалсафани антропология билан айнилаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Антропология инсонни ижтимоий жонзот сифатида, кўпроқ биологик вужуд сифатида қараса, ижтимоий фалсафа учун эса инсоннинг ўзи эмас, балки ундаги инсонийлик, яъни ижтимоийлик муҳим аҳамият касб этади. Ҳолбуки, антропология инсонни айни бир вақтда ҳам биологик, ҳам психологик мавжудот сифатида ўрганади. Ижтимоий фалсафа учун инсоннинг асосий ижтимоий сифатлари, унинг ҳаёти ва шу орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш, тараққиёт йўналишларини белгилаш муҳимдир. Бу фан жамиятда рўй берадиган ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилишда муайян тамойилларга таянади ва асосланади.

*Хусусан жамиятга яхлит ва бир бутун тизим сифатида ёндашиш* тамойилига кўра ижтимоий тизим элементлари бир-бири билан узвий боғлиқ, деб қаралади, улар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқалари ва ички қонуниятларни ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

*Тарихий ёндашувга* кўра эса жамият ҳаётида рўй берадиган ҳодиса ҳамда жараёнлар ўзгариш ва ривожланиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Ҳар бир ижтимоий тизим таркибига кирувчи муайян элемент бошқа элементлар билан узвий алоқадорликда ўрганилади. Бу жараёнда ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш уларни тарихий асосдан сунъий равишда ажратиб олиш эмас балки уйғунликда ўрганиш учун асос бўлади.

Бундан ташқари ҳодиса ва жараёнларни тарихий ворислик нуқтаи назаридан ўрганиш, тараққиётга ҳалақит бераётган консерватив, реакция ҳодиса ва жараёнларни аниқлаш, жамият ривожланишини таҳлил қилишда алоҳидалик ва конкретликдан умумийликка бориш ҳам мазкур фанга хосхусусиятлардан биридир.

Шу маънода ижтимоий билиш ўз моҳият ва мазмунига кўра, табиий-илмий билишдан фарқланади, унга муқаррар равишда сиёсий мафкура, қадриятлар, ижтимоий-сиёсий идеаллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса ижтимоий ва табиий-илмий билишни бир-бири билан айнилаштиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини англатади.

Муайян жамиятда рўй бераётган барча ҳодиса ва жараёнларнинг барча жузъий томонларини батафсил ўрганиш ижтимоий фалсафа эмас, балки социология фанининг вазифаси эканлиги маълум.

Жамият ҳаётида рўй бераётган барча ҳодиса ва жараёнларни бирон-бир ижтимоий фан тўлалигича қамраб ололмагани каби, ижтимоий фалсафа ҳам жамиятни билишда фақат фан хулосалари эмас, балки бадиий адабиёт, санъат, дин, сиёсат, мафкура соҳасида эришилган ютуқларга ҳам таянади. Замонавий ижтимоий фалсафада хилма-хил оқимлар ва мактаблар вужудга келганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Ҳар қандай даврда ҳам ижтимоий фалсафа жамиятда рўй бераётган жараён ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини акс эттиришда ижтимоий амалиётдан узилиб қолмасигина инсон ва унинг фаолияти учун муайян аҳамият касб этади.

Ижтимоий фалсафанинг инсонпарварлик, тараққийпарварлик моҳияти шундаки, у жамиятни аниқ бир мақсадга мувофиқ равишда оқилона бошқаришга ёрдам беради. Бироқ бошқа системаларда бўлгани сингари жамиятда ҳам баъзан онглилик онгсизлик билан, тартиблилик тартибсизлик билан алмашиб туради. Жамият аъзоларининг интеллектуал салоҳияти ортиб бориши билан жамиятнинг онгли равишда бошқариш, уни аниқ бир мақсадга йўналтириш имконияти кенгайади.

Бу фаннинг дунёқараш ва методологик аҳамиятга эга бўлган қоидалари барча ижтимоий ҳамда гуманитар фанларнинг ривожланишига, жамиятнинг онгли бошқаришга яқиндан ёрдам беради.

Ижтимоий фалсафа Инсоннинг жамиятдаги ўрни, роли, инсон ҳаётининг маъноси сингари масалалар ҳақида баҳс юритади. Шу билан бирга у қатор функцияларни бажаради. Аввало, кишиларда ижтимоий воқелик тўғрисидаги қарашларни шакллантиради, одамларнинг ижтимоий борлиғи билан уларнинг онги ўртасидаги муносабат муаммосини ҳал этишга кўмаклашади.

Мазкур фаннинг методологик функцияси ижтимоий фанларнинг ривожланиши, ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этишнинг умумий йўналишларини белгилашда, унинг қоидаларидан дастурул-амал сифатида фойдаланишда яққол намоён бўлади. Унинг прогностик функциясига кўра жамиятнинг ривожланиш истиқболларини олдиндан кўришга, кишилар фаолиятини илгаридан билишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида жамият тараққиёти мазмунини билиш ва тахмин қилиш учун асос яратади. Фалсафий методология чуқурроқ эгаллаб борилгани сари ижтимоий фалсафанинг юқорида кўриб чиқилган функциялари янада тўлароқ намоён бўлиб, илмий тафаккур маданиятига эга бўлган кишиларда изчил ва тизимли фикрлаш, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни диалектик боғлиқликда ўрганиш қобилияти шаклланиб боради. Ҳар бир киши ўз касб-кори ва ихтисосидан қатъи назар, жамият тўғрисидаги фалсафий билим ва таълимларнинг чуқур эгаллаш орқалигина теварак-атрофда рўй бераётган ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг келиб чиқиш

сабаблари ва оқибатларини тўғри англаш, уларни бошқариш қобилиятига эга бўлади. Шундай кишигина бунёдкор ва яратувчан кучга айланиши мумкин. Айнан ана шу тамойил ижтимоий фалсафанинг жамият ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини белгилайди.

Маълумки, жамият тўғрисида энг умумий фалсафий билимга эга бўлиш, жамиятни бир бутун ҳолда идрок этиш орқалигина уни ижтимоий тизим сифатида ўрганиш, жамиятни ташкил этувчи элементлар фаолиятини мувофиқлаштиришга эришиш, унинг яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Бу эса барча ижтимоий ҳодисаларнинг умумий асосини аниқлаш, яъни ижтимоий ҳаёт барқарорлигининг фундаментал мезонларини белгилаш, жамиятни яхлит ҳолда сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун асос яратади.

Ҳар қандай ижтимоий фаннинг гуманитар билимлар тизимидаги ўрнини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Худди шундай бу фаннинг фалсафий билимлар ва ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни, роли ҳамда баҳс мавзуга сингари масалаларга аниқлик киритиш, айниқса, ижтимоий фалсафанинг социология ва тарих фалсафаси ва билан ўзаро муносабатини аниқлашга алоҳида диққат қилиш лозим. Негаки, узоқ йиллар давомида собиқ совет даврида ўқитиб келинган тарихий материализмга айнаи бир вақтда ҳам ижтимоий фалсафа, ҳам тарих фалсафаси ва социология сифатида қараб келинди. Аслида, ижтимоий фалсафа ушбу фанлардан ўз предмети, тушунчалари, билиш усулларига кўра тубдан фарқ қиладиган умумий фалсафанинг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий жараёнлар тўғрисидаги тадқиқотлар ва илмий фактларга таянади, конкрет жамият тўғрисида аниқ тушунчаларга асосланади. Шу аснода у кўплаб ижтимоий-гуманитар фанларнинг хулосалари, ютуқлари таяниб, жамиятнинг умумий манзараси, ижтимоий борлиқнинг ўзига хос тараққиёт қонунлари тўғрисида умумий тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради. Кишилиқ жамиятнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти, инсоннинг ижтимоий табиати, жамиятдаги ўрни ва роли тўғрисидаги мавзулар бу фаннинг асосий мазмунини белгилайди. Ушбу йўналишда у жамиятни тадқиқ этиш эмас, балки жамият тўғрисидаги фанларнинг ютуқларига таянган ҳолда хос дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради. Жамият, инсон, ижтимоий борлиқ, ижтимоий муносабат, жамият, ҳаёти, халқ, миллат, шахс каби ҳаётда кўп қўлланиладиган тушунчалар ушбу фаннинг категориялар тизимини ташкил қилади.

Ижтимоий фалсафа категориялари ва тушунчалари умумбашарийлиги ва теран мазмундорлиги билан ажралиб туради. Социологик тушунчалар эса конкрет ва илмийлиги билан тавсифланади. Чунончи, социологик тушунчалар (социал структура, социал страфикация, ижтимоий ҳаракат, ижтимоий макон, мобиллик, девиант хулқ-атвор, ижтимоий жараён, ижтимоий бирлик, ижтимоий институт ва ҳ.о.) алоҳида олинган конкрет жамият (ижтимоий тизим)нинг турли томонлари тўғрисида билим беради. Бошқача айтганда, ижтимоий фалсафа инсон ва жамиятнинг умумий томонларини яхлит ҳолда билишга имкон берса, социология конкрет жамиятнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, унинг ривожланиш истиқболларини олдиндан кўришга, социал катаклизмлар (бўҳронлар)ни оқилона ҳал этишга имкон яратади. Агар социология фан сифатида амалий вазифаларни ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, ижтимоий фалсафа дунёқараш аҳамиятига эга бўлган муаммоларни ҳал этишни, “инсон нима?”, “унинг моҳияти қандай?”, “Инсоннинг яшашдан мақсади нима”, “жамият нима?”, “жамият тараққиётининг асосини нима ташкил этади?” сингари саволларга жавоб беради. Ҳар бир халқ, мамлакат ёки конкрет жамият тараққиёти қанчалик ноёб, ўзига хос ва бетакрор бўлишига қарамай, ўзида умумбашарийлик, умумийликнинг муҳим белгиларини мужассамлаштиради. Ана шу умумий жиҳатлар қанчалик тўлароқ, яққолроқ намоён бўлиши билан яхлит жаҳон ҳамжамиятининг шаклланиши, умумий тинчлик ва тотувликнинг қарор топиши учун қулай имкониятлар вужудга келади.

Шу маънода, Ижтимоий фалсафа бутун эътиборини алоҳидалиқдаги умумийликка қаратади яъни, ижтимоий фалсафа ва социологиянинг нисбати умумийлик ва алоҳидалиқнинг ўзаро муносабатини англатади-ки, ҳар бир алоҳидалиқда умумийлик ва ўзига хосликни кўриш мумкин.

Жамият ҳақидаги умумий фан сифатида ижтимоий фалсафа барча гуманитар фанларга, хусусан, тарих фалсафаси ва социологияга йўналиш берадиган методологик асос бўлиб ҳисобланади. Бу фан доирасида ижтимоий организмнинг нормал фаолият кўрсатишида, ҳар бир элементнинг қандай роль ўйнашига, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади нимадан иборат эканлигига асосий эътибор қаратилади. Шу аснода жамият ҳаётининг моддий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, бадиий-эстетик, экологик, этник, миллий, демографик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов асарлари бугунги ижтимоий фалсафанинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларини янгича тушунишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги энг муҳим, мураккаб ва долзарб масала жамият ҳаётининг устувор фалсафий муаммолари хусусида янгича фикр юритиш, замонавий дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ.

Ижтимоий фалсафанинг бу борадаги вазифаларини самарали ҳал этиш учун аввало, бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим. Яъни ижтимоий фалсафа ҳаётни яхлит ҳолда тасвирлабгина қолмай, балки ижтимоий институтларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ҳам белгилашга хизмат ыилади. Шу билан бирга бу фанда шахс ва жамият ўзаро муносабати масаласига алоҳида аҳамият қаратилади ва жамиятнинг асосларини, яъни мавжудлик шарт-шароитларини аниқлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш муаммоларини ечиш йўллари аниқлайди ҳамда ижтимоий ҳаётни илмий билишнинг методологик масалаларини ҳар томонлама изоҳлайди.

Ижтимоий фалсафа бошқа ижтимоий фанлар, яъни тарих, ҳуқуқ, иқтисодиёт назарияси, социология, статистика каби фанлар билан яқин алоқадор бўлиб, мазкур фанлардан бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради.

Масалан, у ижтимоий ҳаётни юқори даражада таҳлил қилади, мавҳум тушунчалар, қонунлар ва тенденцияларни очиб беради, ўз хулосаларини умумий назария шаклида умумлаштиради ва амалиёт учун зарур кўрсатмалар беради. Шу билан бирга у конкрет фанлар учун ижтимоий ҳодисаларни билишда методологик асос бўлиб, жамият ривожланишининг умумий қонунлари ва тенденцияларини ўргатади, ижтимоий жараёнлар ва тарихий тараққиётнинг умумий назарияси вазифасини бажаради.

Ушбу фаннинг умумназарий ва методологик вазифалари жамиятнинг моҳияти, ижтимоий ҳаётнинг асл мазмунини билишда, жамиятни яхлит ижтимоий тизим сифатида тадқиқ этиш, ижтимоий ҳаётнинг асосий

соҳаларини, жамиятнинг моддий ва маънавий асосларини атрофлича ўрганиш, тарихнинг моҳияти ва маъносини тўғри англаш, инсоннинг фалсафий муаммоларини тадқиқ этишда яққол намоён бўлади.

Шу маънода, ижтимоий фалсафа бошқа турдош фанларнинг илмий назарияларини ишлаб чиқишда методологик асос бўлиб хизмат қилади, негаки ҳар қандай ижтимоий фан жамият ривожланиши ва инсон тўғрисидаги фалсафий таълимотга таянади, инсонга хос ҳаётий заруриятларни асослаб беради. Бу эса ижтимоий фалсафанинг инсон фаолиятининг назарий асоси сифатидаги мақомини белгилайди. Жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш, инсонни янада фаоллаштириш, ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга эҳтиёж сезилган вақтда ижтимоий фалсафага хос қонунлар устувор аҳамият касб этади. Бу борадаги энг асосий вазифаларидан бири жамият нима, унинг инсон ҳаёти учун қандай аҳамияти бор, жамият борлиги нима ва у биздан нимани талаб этади каби саволларга жавоб излашдан иборатдир.

Ана шу саволларга жавоблар мазкур фаннинг асл моҳиятини белгилайди. Ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий жараёнлар ижтимоий фалсафанинг билиш объекти бўлиб уларга хос бўлган табиий томонларга, индивидуал, жиҳатларга эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг умумий қонуниятларини атрофлича тадқиқ этишга кўпроқ эътибор қаратилади. Бунда ижтимоий ҳаёт иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларни ўз ичига олиши, ижтимоий ҳаракат ва ижтимоий муносабатларнинг асосий субъектлари ижтимоий гуруҳлар ёки яхлит жамият эканлигига алоҳида эътибор берилди. Ана шу социал ҳодисаларнинг ўзаро алоқалари, умумий қонуниятлари ва тенденциялари тўғрисидаги фалсафий қарашлар тизими ижтимоий фалсафанинг тузилиши ва мазмунини ташкил қилади ҳамда унинг асосий функцияларини белгилайди.

1. Яхлит жамият ривожланишининг умумий қонун ва йўналишларини тадқиқ этиш, йирик ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий жараёнлар тўғрисида илмий билимлар бериш гносеологик функцияни аниқлатади;

2. Ижтимоий ҳодисаларни билишнинг илмий методлари тўғрисида билимлар, назария, категория, қонун, принципларни ишлаб чиқиш методологик функция доирасига киради.

3. Илмий башорат функцияси жамият тараққиёти, инсон ва инсоният келажагини тахмин қилишга имкон беради.

4. Дунёқараш функцияси жамият аъзоларининг умумий тафаккури ва ҳаётий позициясини шакллантиришга хизмат қилади.

5. Аксиологик (қадриятлар) функция жамият ва инсон қадрини, ҳаёт ва умр мазмунини англашга ёрдам беради.

Бир-бири билан узвий боғлиқ бу функциялар улар яхлит ҳолда ижтимоий-фалсафий билимларнинг ўзига хослиги ва моҳиятини белгилайди, ўз моҳияти билан жамият истиқболини илмий асосда кўришга хизмат қилади. Хилма-хил тарихий воқеаларни ва ижтимоий тизимнинг ривожланиш қонуниятлари, йўналишлари, тенденциялари ҳамда ҳал қилувчи омилларини аниқлаш ижтимоий фалсафанинг асосий вазифасидир. Бу борада билишнинг назарий моделларидан ва усулларидан фойдаланиш, тарихий жараёнларни жаҳон тарихи нуқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Жамият ва инсон ҳаётига бундай турли-туман ёндашувлар улар ҳақида тўлиқ тасаввур беради, инсонга тарихнинг ҳақиқий субъекти ва объекти сифатида қараш, унинг ҳаётдаги ўрни, умрининг мазмуни, ҳаётининг маъноси каби масалаларга чуқур эътибор қаратиш имконини яратади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий фалсафанинг ўзига хос фан соҳаси эканлигини исботлайди.

## **2-мавзу. Ижтимоий фалсафанинг ривожланиш босқичлари**

Бошқа фанлар каби ижтимоий фалсафанинг ҳам жамият ҳақидаги фалсафий билимлар тарихида ўз ўрни бор. Бу унинг фалсафа фани шаклланиши ва тараққиёт тарихи айни билан бевосита алоқадорлигида яққол кўринади. Маълумки, энг қадимий даврлардан бошлаб инсон ва унинг оламга муносабати муаммоси фалсафа тарихида энг асосий ўрин эгалаган. Мазкур фан тарихи билан шуғулланган баъзи мутахассислар фикрича ижтимоий фалсафанинг тарихи 3 босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичи ижтимоий фалсафанинг XIX асргача шаклланиши ва тараққиёти даврини ўз ичига олади. Иккинчи давр XIX асрда ижтимоий фалсафанинг махсус йўналиш сифатида умумий фалсафадан ажралиб чиқишини ифодайди.

Учинчи давр эса XX ва XXI асрлардаги ижтимоий фалсафанинг тараққиётини ўз ичига қамраб олади.

Энг қадимги ижтимоий фалсафий қарашлар нафақат олам, табиат ҳақидаги, айни вақтда, жамият ва инсон, инсоннинг жамиятга муносабати тўғрисидаги билимлардан ҳам ўз иборат бўлган. Бу билимлар одамлар жамият бўлиб яшай бошлаган даврлардан шакллана бошлаганлиги маълумки.

Ижтимоий фалсафий билимлар қадим-қадимдан вужудга келганлиги жаҳон олимлари томонидан эътироф этилган. Қадимги Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Хитой, Миср, Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна, Шош, Афросиёб) инсон ва жамият, масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Чунончи Марказий Осиёда инсон ва табиатга оид ижтимоий фалсафий қарашлар “Авесто”даги ҳикмат, мақол ва ривоятларда ўз ифодасини топган. Қадимги Шарқ мамлакатларининг савдо алоқалари илмий-маданий соҳалардаги алоқалар учун кенг йўл очиб берган. Айни пайтда, бу алоқалар ижтимоий-фалсафий билимларнинг ривожланиши учун ҳам имкон яратган. Бу борада инсон, давлат, жамият, ҳақидаги билимларнинг ривожига оид таълимотларни алоҳида таъкидлаш лозим. Қадимги дунёга хос изланувчанлик, хурфикрлик кўплаб ижтимоий фалсафий оқимлар ва мактабларнинг шаклланишига олиб келган. Антик дунё яратган инсон ва жамият фалсафаси Осиё мутафаккирларининг ижодий фаолиятида ривожлантирилди, уларнинг илмий қарашлари жамият ва инсон ҳақидаги фаннинг тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Инсон ва жамият ҳаёти билан боғлиқ таълимотлар, изланишлар бутунлай тўхтаб қолмаган. Бу даврда яратилган илғор ижтимоий фалсафий анъаналар Марказий Осиёда янада ривожланди, янги кашфиётлар қилинди. IX-XII асрларда араб халифалари Хорун ар-Рашид, унинг ўғли Маъмун ва хоразмшоҳ Маъмуннинг ҳомийлигида ўша даврнинг ўзига хос фанлар академиялари хусусан, IX аср ўрталарида Бағдодда «Байт ал-ҳикма» (“Донишмандлар уйи”), Хоразмда «Маъмун академияси» вужудга келди. Марказий Осиёдан етишиб чиққан Мусо ал Хоразмий, Аҳмад ал Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Марғионий ва бошқалар жамиятшунослик, фикр, сиёсатга оид фанларни янада ривожлантирдилар. Шарқда илмий ижтимоий фалсафий

билимларнинг ривожланиши диний ақидаларни инкор этмагани ҳолда инсонни янада камол топтиришга, борлиқ моҳиятини ақл ва тафаккур воситасида билишга асосланган эди. Ўрта асрларда яшаган Шарқ олимлари қадимги юнон мутафаккирларининг илғор анъаналарини давом эттирганлар, илмий билишнинг янги усулларини тақлиф этганлар.

Шарқ фалсафий тафаккури одил жамиятга интилиш баркамол инсон шахсини шакллантириш, ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, табиат сирларини билиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган эди.

Марказий Осиё мутафаккирларининг илғор илмий қарашлари ва асарлари Европада илм-фаннинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган. Европаликлар Албарон (Ал-Беруний), Авиценна (Ибн Сино), Ал-Фраганус (Ал-Фарғоний), Улуғбек ва бошқаларнинг илмий меросини чуқур ўргандилар, уларнинг анъаналарини давом эттирдилар. Масалан, буюк итальян мутафаккири Данте Алегери «Илоҳий комедия» (XVI аср) асарида Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирларни жаҳоннинг буюк алломалари қаторига қўйди ва улуғлаган. Марказий Осиё олимларининг жаҳон фани ривожига қўшган ҳиссалари математика, алгебра, астрономия, минералогия, геодезия, география, тиббиёт, тарих, тилшунослик, мантиқ, фалсафа ривожига яққол кўзга ташланади. Мусо ал Хоразмий математиканинг янги соҳаси -алгебрага асос солди. Ибн Сино «Тиб қонунлари» асари билан тиббиётни илмий асосга қўйди. Унинг асарлари Европада кўп асрлар давомида муҳим қўлланма бўлиб келди ва келмоқда. Мирзо Улуғбекнинг астрономияга оид «Зижи жадиди Кўрагоний» асари жаҳон фанига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Бу каби қатор асарлар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Илм-фан, айниқса, ижтимоий фалсафа ривожланиши кишиларнинг олам ҳақидаги қарашларини тубдан ўзгартирди. Жамиятга дунёвийлик нуқтаи назаридан қараш имконияти вужудга келди, яъни ижтимоий воқеликка диний қарашдан кескин фарқ қиладиган илмий ёндашув шаклланди.

Жаҳон ижтимоий-фалсафий таълимотининг вужудга келиши ва ривожланишига Шарқ ҳамда Ғарб олимлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ижтимоий тараққиётнинг маълум даврларида Шарқ мамлакатлари етакчилик мавқеини эгаллаган. Осиё ва Европа мамлакатлари халқларининг жаҳон фалсафа фани ривожига ролини бир ёқлама бўрттириш ёки камситиш хато. Ҳар қандай фан, ўз моҳиятига кўра, умумбашарийдир. Ер юзидаги ҳар бир халқ катта-кичиклигидан қатъий назар, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган.

XIX асрнинг ўрталарида табиатшунослик фанларида қилинган буюк кашфиётлар (эволюцион назария, ҳужайра назарияси, энергиянинг сақланиши ва ўзгариши қонуни) фалсафий дунёқарашнинг ўзгаришига, жамият тўғрисидаги илмий назарияларнинг вужудга келишига туртки берди.

XIX асрнинг охирига келиб, фаннинг муҳим соҳаларида эришилган ютуқлар фан тараққиётида янги давр бошланганидан далолат берди. Физика соҳасида оптика, термодинамика, электр ва магнетизмнинг ўрганилиши, элементлар даврий системасининг яратилиши, химия соҳасида кимёвий бирикмалар хоссаларининг ўрганилиши, математикада аналитик геометрия ва математик анализ каби илмларда яққол кўринди. Бу даврда социологиянинг мустақил фан сифатида ривожланиши ижтимоий зиддиятларни оқилона ҳал этиш ва жамият истиқболини белгилаш имконини берди. Европа олимларининг табиатшунослик фанлари соҳасида эришган ютуқлари янги фалсафий таълимотларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Хусусан, И. Ньютоннинг кашфиётлари табиат ва жамиятнинг илмий манзарасини яратишга, Чарльз Дарвиннинг илмий кашфиётлари эса, бутун олам эволюцияси тўғрисидаги фалсафий қарашнинг шаклланишига, оламнинг яхлит бирлиги, органик ва ноорганик табиат ҳамда жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги фалсафий қарашларнинг шаклланишига олиб келди. XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракатининг машҳур вакиллари Исмоилбек Гаспирали, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий ва бошқалар Ўзбекистонда фан ва маърифатни кенг ривожлантириш ғоясини илгари сурдилар. Ўлкада ўрта асрчилик бидъатларига қарши мавжуд сиёсий тузумни ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етдилар. Ўлка аҳолисини жаҳоннинг илғор фан техника ютуқларидан баҳраманд этишга ҳаракат қилдилар. Бироқ Россия томонидан Туркистоннинг мустамлака ўлкага айланрилиши, мустабид тузум Туркистон халқларининг илм-фан ва замонавий техника сирларини эгаллаши, бой маънавий меросдан баҳраманд бўлиши, ажодларнинг илғор илмий-маданий анъаналарини ривожлантиришга имкон бермади.

Миллий мустақиллик туфайли халқимизнинг кўп асрлик маънавий-интеллектуал меросини ўрганиш, жаҳон илм-фан ва техникаси ютуқларидан баҳраманд бўлиш, жаҳоннинг машҳур илм даргоҳларида ўқиш ўрганиш имконияти вужудга келди. Айниқса, баркамол инсон шахсини шакллантиришда илм-фан хулосаларига таяниш ҳаётий заруриятга айланди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов асарларида илм фанни ривожлантириш ислохотлар муваффақиятининг гарови, моддий фаровонлик асоси эканлигини ҳар томонлама асослаб берилди.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги "тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, тараққий этиши, шубҳасиз, унинг илм-фан салоҳиятига бевосита боғлиқ. Амалдаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун мамлакатимиз илмий салоҳиятини юксалтириш, жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган мутахассис- кадрлар тайёрлашда дастурил амал бўлиб келмоқда. Бу эса бошқа фанлар қатори ижтимоий фалсафа ривожига учун ҳам кенг имкониятлар яратди.

Эрампдан аввалги VI-V асрлардан бошлаб қадимий Юнонистон фалсафасида жамият, инсон муаммолари таҳлил қилинган. Ғарбда айнан қадимги Юнонистонда ижтимоий фалсафий билимларга асос солинган. Юнон файласуфлари Платон (э.а. 427-347 йиллар) ва Аристотель (э.а. 384-322 йиллар)нинг жамият, инсон, унинг жамиятга муносабати ҳақидаги ижтимоий-фалсафий қарашлари узоқ вақт мобайнида жамиятни илмий англашга ёрдам берган. Аристотелнинг фалсафий қарашларида жамиятга тааллуқли бир қатор муаммолар кўтарилган. Булар - жамиятнинг вужудга келиши; меҳнат тақсимоти; қуллик, табақаланиш; таълим-тарбия; иқтисодий ва сиёсий ҳаёт масалалари ва ҳоказолар. Айни вақтда Аристотель қарашларида жамиятни фалсафий англашнинг икки асосий томони ўз аксини топган. Бу, биринчидан, Аристотелнинг ахлоқий таълимоти, иккинчидан, давлат тўғрисидаги таълимоти. Аристотель жамиятни давлат билан узвий бирликда олиб қарайди. Унинг фикрича, жамиятни давлатдан ажратиб бўлмади, инсон сиёсий мавжудот ҳисобланади. Аристотель қадимги Юнонистоннинг 158 шаҳар-давлатлари тарихини тиклашга муваффақ бўлган.

Қадимги Юнонларга ва ундан кейинги Ўрта асрларгача яшаган файласуфлар асосан, жамиятни, унинг

таркибини фалсафий таҳлил этиш жамият тарихини фалсафий англаш масаласини ечишга ҳаракат қилганлар.

Бу борадаги қарашлар жамият тарихини фалсафий англаш сифатида "тарих фалсафаси", доирасида қараб чиқилган. Қадимий юнон олимлари Геродот (э.р.ав. 485-425 йиллар атрофида), Фукидид (э.р.ав. 460-480 йиллар), Демокрит, Платон, Аристотель асарларида жамият тарихи ҳақидаги фалсафий фикрлар илгари сурилган. Тарих фалсафаси муаммолари Августин Аврелий (354-430), Фома Аквинский (1225-1274) асарларида ифодаланган. Олимлар Вольтер (1694-1778), Жамбаттиста Вико (1668-1744 йиллар), Иоганн Готтлиб Фихте (1762-1814), Иоганн Готфрид Гердер (1744-1803) асарлари тарихни фалсафий англашга қаратилган. Француз файласуфи Вольтер жамият манфаатларидан йироқ монархияга қарши курашга ўзининг бутун умрини бағишлади ва жамиятни ақл-заковат асосида ўзгартириш мумкинлигига ишонди. Немис олими, маърифатпарвари Гердер «Инсоният тарихи фалсафасига доир ғоялар» асарида Германияда XVIII аср охиригача ҳукм сурган тарихни теологик тушунишга қарши курашди.

XIX асрда илгари сурилган фалсафий ғоялар кейинги босқичга хос жараёнларни англатади. Бу босқичнинг ўзига хос томони шуки, узоқ тарих давомида жамият ҳақидаги тўпланган фалсафий билимлар ижтимоий фалсафанинг фан сифатида фалсафа бағридан ажралиб чиқишига, мустақил илм соҳасига айланишига сабаб бўлди. Шу даврдан эътиборан, ижтимоий фалсафанинг предмети, муаммолари доирасини илмий таҳлил этиш бошланди ва бу борада кўплаб олимлар, айниқса Гегель, Конт, Спенсерларнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Немис мумтоз фалсафасининг йирик намоёниси. Вилгельм Фридрих Гегель (1770-1831) «Рух фономенологияси», «Тарих фалсафаси» асарларида жамиятни фалсафий англашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқди. У жамият тарихи, ундаги тарихий жараёнларнинг моҳияти, умуман, жамият, унинг таркибий тузулиши, фуқаролик жамияти, давлатни бошқариш усули, ахлоқ, оила ҳақидаги чуқур таҳлилга асосланган фалсафий фикрларни илгари сурди. Бугунги кунда мутахассислар айнан Гегель ижтимоий фалсафани фан даражасига кўтарди, деб ҳисоблайдилар.

Машхур француз файласуфи Огюст Конт (1798-1857) ҳам жамият ҳақида ўз таълимотини яратди. У «Позитив фалсафа курси» (6 жилдли) китобида жамиятни мураккаб тузилишга эга, ривожланиб борувчи организм ҳисоблайди. Конт фикрича, жамиятни позитив илмлар асосида такомиллаштириш ва қайта қуриш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Огюст Конт жамият тўғрисидаги илмий назарияга, позитив фалсафа ва социологияга асос солди. У биринчи бўлиб метафизик фалсафани кескин танқид қилди: реал ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолган метафизик фалсафий таълимотлар ўрнига кишилар учун фойдали ва аҳамиятли бўлган жамият тўғрисидаги позитив фан яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. О.Конт жамият тўғрисидаги янги фанни «позитив фалсафа» деб атаган бўлса ҳам, унинг қарашларида ижтимоий фалсафа ва социология бир-биридан ажралмаган эди (дастлабки қадам сифатида шундай бўлиши табиий эди). О.Контнинг фикрича, жамият индивидларнинг оддий мажмуидан иборат эмас: «ижтимоий атомлар» ҳам эмас, балки ривожланган индивидлар уюшмасидир. Ижтимоий субъектларнинг ўзаро алоқадорлигидир.

Файласуфнинг таъкидлашича, жамият вужудга келиши ва ривожланишига кўра, яхлит ижтимоий организм бўлиб, у субъектлар (индивид, табақа, синф)нинг ривожланишига боғлиқ. О.Конт ижтимоий фалсафага «ижтимоий статистика» тушунчасини олиб кирди. Унинг ёрдамида жамият структурасини тавсифлади. Ижтимоий фалсафага оид тушунчаларни ривожлантирди. У «Позитив фалсафа курси», «Позитив сиёсат системаси» ва бошқа асарларида фалсафа ва социологияни позитив фан деб атади. Бу фанлар илмий далиллар ва илмий кузатишларга асосланади. У фалсафа йўналишида янги оқим - позитивизмга асос солди.

О.Контнинг позитив ижтимоий фалсафасида жамият ривожланишининг бош негизи ва унинг қонуний характерга эга эканлиги муаммоси муҳим ўрин тутди. У инсониятнинг интеллектуал эволюциясини «уч босқичли қонуни» орқали тушунтиришга ҳаракат қилди. Бу қонунга мувофиқ, инсоният бошидан қуйидаги уч: теологик илоҳий ривожланиш; метофизик босқич; позитив юксалиш босқичларини кечиради.

О.Контнинг ижтимоий фалсафага оид қарашлари ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятли. У жамиятга яхлит ижтимоий система сифатида қаради. Жамият ривожланишининг қонуниятли ва прогрессив характерга эга эканлигини кўрсатди. Бу жараёнда меҳнат тақсимотининг ривожланиши, кишиларнинг сиёсий фаоллиги, фан ва маънавий маданиятнинг катта роль ўйнашини алоҳида таъкидлади. Файласуф томонидан илгари сурилган жамиятнинг гармонияли ривожланиши, ижтимоий барқарорлик омиллари ва ижтимоий субъектлар манфаатларини мослаштириш зарурлиги тўғрисидаги ғоялар бугунги кун учун ҳам аҳамиятга моликдир.

Ижтимоий фалсафанинг кўплаб муаммолари инглиз файласуфи ва социологи Герберт Спенсер (1820-1903) асарларида ўз аксини топган. Спенсер «Ижтимоий статистика», «Социология асослари» китобларида жамиятга органик ёндашув ғоясини ишлаб чиқди. У жамият худди тирик организм каби фаолият кўрсатади, унинг ҳар бир элементи маълум функцияларни бажаради, деб ҳисоблайди. Ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуни, Спенсер фикрича, энг мослашувчан жамиятларнинг курашидир.<sup>1</sup>

Спенсер «Бошланғич асослар», «Илмий-сиёсий ва фалсафий тажрибалар» каби асарларида жамиятнинг органик назариясини яратди. Уларда жамият ривожланишида биологик ва ижтимоийликнинг ўзаро таъсирини кўрсатди. Жамиятга биологик ва ижтимоий омилларнинг яхлит бирлиги сифатида қаради. Жамиятни ижтимоий-табиий бирлик сифатида таърифлади. Г.Спенсер эволюция муаммосини ўзига хос тарзда ҳал этди, унга хос қуйидаги муҳим белгиларни кўрсатди:

- а) оддийдан мураккабга ўтиш (интеграция);
- б) бир хилликдан кўп хилликка ўтиш (дифференциация);
- в) беқарорликдан барқарорликка ўтиш.

Ижтимоий эволюция нима? Ижтимоий эволюция жамият ривожланишининг прогрессив усули, ижтимоий институтлар фаолиятининг мураккаблашув ва такомиллашув сари йўналишидир. Ижтимоий эволюция инсонлар эҳтиёжи билан шартланган объектив жараён. Ижтимоий эволюция инсонлар фаолиятини ва турли ижтимоий институтларнинг аҳамиятини оширади. Шунингдек, у индивидларни ҳам ҳисобга олиши зарур. Ижтимоий эволюция кишиларнинг турли-туман авлодлари томонидан амалга оширилади.



Натижада, жамиятнинг кўпгина функциялари, ҳажми, турли-туманлиги, муайянлиги ва мураккаблиги ўзгаради, кенгайди ва ривожланади.

Г.Спенсер ҳам О.Конт сингари жамиятга мувозанат, гармония ва барқарорлик зарурлигини таъкидлади. Ижтимоий мувозанат деганда, кишилар хатти-ҳаракатининг мослашувини, улар манфаатларининг уйғунлашувини, ижтимоий гуруҳ ва институтлар ҳаракатида муросасозлик, ўзаро келишувлар бўлишини назарда тутди. Ижтимоий мувозанат кишилар ва ижтимоий институтларнинг ўзаро алоқалари тенглиги шароитида амал қилади. Мазкур омил ижтимоий барқарорликни вужудга келтиради. Г.Спенсернинг фикрича, жамиятнинг инқирозга юз тутиши ижтимоий мувозанат, гармония ва ижтимоий барқарорликни истисно этади. Жамиятнинг инқироzi (таназули), Спенсернинг фикрича, давлат институтлари фаолиятининг самарасизлиги туфайли вужудга келади. Ҳокимият, армия, ташкилот институтларининг яроқсизлиги ҳам инқирозни янада кучайтиради. Омма ҳаракатига айрим шахслар, сиёсатчилар халақит беради, ҳаракатларнинг бирлашиши бузилади, марказдан қочиш тенденцияси кучаяди. Тартибсизлик саноат ва савдо ташкилотларининг фаолиятини ҳам издан чиқаради<sup>1</sup>.

XX асрда ижтимоий фалсафа билан бирга социология ривожлана бошлади, турли-туман таълимотлар илгари сурилди. Буларга неопозитивизм, психологик социология, индустриал социологияни мисол қилиш мумкин.

Шу ўринда ижтимоий фалсафа билан социология орасидаги умумийлик ва фарқни аниқлаш лозим бўлади. Ижтимоий фалсафа жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий билишнинг энг умумий қонунлари тўғрисида баҳс юритадиган фан. Ижтимоий фалсафа социология учун умумназарий асос бўлиб хизмат қилади. Жамиятнинг моҳияти, ички тараққиёти қонуниятларини билмай туриб, аниқ жамият ва ундаги ижтимоий муносабатларни тўғри тушуниш мумкин эмас. Агар ижтимоий фалсафа жамият ҳақидаги назариялар, таълимотларни ифодаласа, социологияни аниқ жамият, ундаги ижтимоий алоқа ва муносабатлар қизиқтиради. Социология фанининг ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири, унинг асосчиси француз файласуфи ва социолог Эмиль Дюркгейм (1858-1917) ҳисобланади. У жаҳонда биринчи социология профессори, «Социологик йилнома» журналининг асосчидир.

XX асрдаги ижтимоий-фалсафий билимларнинг шаклланиши ва тараққиётида немис олимлари О.Шпенглер (1880-1936), Карл Ясперс (1883-1969 йиллар), француз файласуфи Анри Бергсон (1859-1941)ларнинг қарашлари муҳим ўрни тутди. Освальд Шпенглер «Европа қуёшининг сўниши» асарида маданият ва цивилизацияни бир-бирига ўзаро қарама-қарши қўяди. XX асрдаги ижтимоий-фалсафий қарашларда инсон муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Ижтимоий тараққиётда инсон ақлу заковатининг ўрни, инсон қадрият, инсонпарварлик, гуманизм ғоялари ижтимоий-фалсафий қарашлар асосини ташкил этади.

Ижтимоий фалсафа тарихий жараён характериға мос равишда янгича қарашларни илгари сурди. Таниқли немис файласуфи Макс Вебер (1869-1920) ижтимоий фалсафа ривожига салмоқли ҳисса қўшди. У ижтимоий фалсафа ва социологияга оид илмий манбаларни чуқур ўрганди. Макс Вебер «Протестантлик ахлоқи ва капитализм руҳи», «Хўжалик ва жамият», «Социал-илмий ва ижтимоий-сиёсий билишнинг объективлиги», «Тушуниш социологиясининг айрим категориялари тўғрисида» ва бошқа асарларида ижтимоий фалсафа муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилади. М.Вебер ижтимоий фалсафани назарий социология деб таърифлади, ижтимоий фалсафа кишилар фаолиятини ва хулқ-атворини ўрганиши керак. Жамият айрим индивидлардан ёки ижтимоий гуруҳлардан иборат бўлиши мумкин. Улар инсон фаолиятининг дастлабки уюшмаларидир. Шунга мувофиқ, ижтимоий фалсафанинг муҳим масаласи ижтимоий ҳаракатларни ўрганишдир. Ижтимоий ҳаракат, М.Вебернинг фикрича, кишиларнинг онгли, англаган муносабатлари системаси, бир-бирига ўзаро таъсирдир. Инсон ҳаракати унинг бошқа кишиларнинг ҳаракатиға нисбатан жавобдир. Ижтимоий ҳаракатдаги мотивларни, қадриятларни ҳисобга олиш керак. Ижтимоий ҳаракат субъектининг маънавий дунёсини, қадриятли йўналишини тушунмоқ зарур. Ҳаракат маъносини таҳлил қилиш, сезиш тушуниш социологияни вужудга келтирди. Тушуниш социологиясида субъектнинг ижтимоий ҳаракати ва ички дунёси мантқиқий фикрлар, тушунча ва ҳиссиёт психологияси орқали очиб берилади. М.Вебер социологик жараёнларни илмий даражада англаш ва тушунишга интилиб, бу усулни кенг қўллади. Бу ижтимоий ҳаракат субъектининг маънавий оламини ўрганишда қадриятлар, ахлоқ, сиёсат, эстетик, диний қадриятларнинг ўрни катта эканлигини кўрсатди. Шахс ўз ҳаракатида, ниятида қадриятларға асосланади. Бу эса инсон фаолияти ва хулқ-атворининг моҳияти ҳамда мазмунини белгилайди. Маълумки социолог ҳам файласуф ҳам муайян қадриятларға таянади. М.Вебернинг фикрича, қадриятлар ҳаётини бўлиб, инсоннинг онгли фаолияти билан узвий боғланган. Ҳар қандай қадрият ижтимоий тарихий асосға эга. М.Вебер ижтимоий фалсафада идеал типлар концепцияси (ғояси)ни ривожлантирди. Идеал тип назариясида идеал моделни яратди. Бу модель инсон учун фойдали бўлиб, унинг манфаатларини ифодалайди. Идеал типларда ахлоқий, сиёсий, диний ва бошқа қадриятлар асосий ўрин эгаллайди. Шунга мувофиқ, кишиларнинг фаолияти ва ахлоқининг қоида ҳамда нормалари белгиланади. Идеал типларнинг ижтимоий ҳолати ҳокимият, шахсларо муносабат, индивидуал ва гуруҳ онглари ҳолатларига қараб белгиланади. Маънавий қадриятларнинг ўзаро алоқаси идеал типларни ижтимоий аҳамиятли ҳодисалар даражасига кўтаради, инсон хатти-ҳаракатининг мақсадини белгилайди, уни фаолликка ундайди. Тарихий жараёнда инсон ҳаракати тобора тус олади, инсон фаолияти рационаллашади. Инсон ҳаётиға янгилар, ижтимоий ўзгаришлар тобора кўпроқ кириб боради. Шунингдек, Вебер ҳуқуқий давлат ҳақидаги назариясида мазкур давлат фуқароларининг муносабатларини рационаллаштиради, қонунға асосланади, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий нормаларға таянади, деган ғояни илгари сурди.

Фалсафий назария сифатида позитивизм ижтимоий ҳаётнинг турли ҳодисаларини, айниқса, турли-туман ижтимоий институтлар структураси ва барқарорлигини таҳлил қилишға алоҳида эътибор берди. Натижада ижтимоий-фалсафий тафаккурда структурали функционал таҳлил оқими вужудға келди. Унга америкалик файласуфлар Т.Парсонс (1902-1979) ва Р.Мертон (1910)лар асос солди. Структурали функционал таҳлилда

<sup>1</sup> Спенсер Г. «Система синтетической философии». -М.1998. С. 314

ижтимоий система барқарорлигига, унинг нормал яшашига асосий эътибор қаратилди. Бу назария тарафдорларининг фикрича, жамият ўзгаради, инқирозга учрайди, шунингдек, турли ижтимоий ташкилотларнинг функциялари ўзгариб туради. Бу оқим ижтимоий системадаги функционал томонларнинг пайдо бўлишини, адаптация (мослашув, кўникиш) ва мақсадга эришиш, интеграция, бирлашув, қўшилиш, структурани қайта ташкил этиш, ижтимоий кескинликни юмшатиш йўлларини ўрганади. Ижтимоий гармония эса ижтимоий келишувга қарама-қарши бўлган муаммоларни ўрганиб, ижтимоий системани бузишга, инқирозга олиб келадиган ҳар қандай ҳолатларни таҳлил этади.

Хусусан, Р.Дарендорфнинг фикрича, ижтимоий конфликтлар:

а) ижтимоий системадаги мувозанат ҳолатининг бузилишини ва шу жараёнда ривожланишнинг рўй беришини англатади;

б) конфликт жамиятни инқирозга олиб келади.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ижтимоий фалсафа тарихий жараён характериға мос бошқа кўпбл қарашларни илгари сурмоқда. Унинг йўналишлари кўп қиррали бўлганлиги сабабли тарихий жараённинг моҳияти ва унинг ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида ҳам турлича қарашлар вужудга келди. Айрим назарийчилар тарихий қонунларнинг ўрни салмоқли эканлигини эътироф этса, айримлари бунини инкор этади. Тарихнинг маъноси масаласидаги қарашлар ҳам бир хил эмас. Шу маънода, тарихий жараён таҳлилиға турлича методлар асосида ёндашилади. Шундай бўлиши табиий. Чунки, инсоният тарихи мураккаб ва хилма-хил реалликдан иборат бўлиб, унда турли кучлар ҳамда омиллар амал қилади ва жамият ҳаётини белгилайди.

Инсоният тарихиға ва ижтимоий ҳаётиға географик муҳит, ишлаб чиқариш кучлари, техниканин ривожланиш даражаси, мафкура, ахлоқ, қадрият, иқлим ва бошқалар ҳам таъсир кўрсатиши маълум. Бу омиллар бир-бири билан ўзаро боғланган. Тарихий ривожланиш қандай бўлишидан қатъи назар, у умумий объектив характериға эға. Инсоннинг ҳаётий фаолияти унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини, манфаатларини қондиришға қаратилган жараён. У муайян қонуниятлар асосида рўй беради. Ижтимоий фалсафанин вазифаси ана шу қонунларни холисона ўрганиш ва изоҳлаш. Тарихий жараённинг объективлиги унинг бирлиги, ажралмаслиги ва бир бутунлигидадир. Тарих албатта кўп қиррали ва хилма-хил, лекин у бир бутундир. Тарихий ривожланиш муайян шароитға, вазиятға, муаммоларни ҳал этишға қараб турлича намоён бўлади. Лекин инсоният тарихи сифатида бир бутун ва яхлит жаҳон тарихидир.

Дунёдаги мавжуд халқлар тарихи жаҳон тарихи билан узвий боғлиқдир. Шу маънода жаҳон интеграцияси объектив жараён бўлиб, мураккаб ва зиддиятли тарзда кечади. Бу жараёнда турли мамлакат ва халқлар ўз манфаатлари, мақсадлари, истакларини амалға оширишға ҳаракат қилиши маълум. Бунға кўра эса инсоният тарихининг зиддиятли характериға эға эканлиги унда объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсири мавжудлигидабилан белгиланади. Мазкур жараённинг яхлитлиги ва турли-туманлиги унинг бир хил ва тўғри чизиқли эмас, балки кўп вариантли ва зиддиятли характериға эға эканлигини англатади. Бугунги кунда ана шу кўп вариантлик ва зиддиятларни тинчлик ва барқарорлик тамойиллари асосида ҳал қилишға ҳаракат қилиш давр талабиға айланди.

### **3-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ФАЛСАФАНИНГ ТУШУНЧА ВА КАТЕГОРИЯЛАР ТИЗИМИ**

Ҳар бир фан каби ижтимоий фалсафанин тушунча ва категориялар тизимини ўрганиш долзарб илмий масалалардан бири бўлиб, мазкур йўналишда муайян илмий изланишлар олиб борилмоқда. Маълумки, жамият ва инсон ҳаётида турли воқеа-ҳодисалар, жараёнлар муайян қонунлар асосида содир бўлади ва ижтимоий-фалсафий категорияларда ўз ифодасини топади. Ушбу тушунча ва категориялар ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнларни билишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Шарқ халқлари, хусусанМарказий Осиё ва Ўзбекистонда мазкур фанға хос тушунча ва категориялар тизими шаклланишининг ўзига хос тарихий асослари мавжуд бўлиб, бу борада зардуштийлик таълимоти алоҳида ўринға эға. Зардуштийлик ғоялари, асосий ижтимоий-фалсафий тушунча ҳамда категориялари халқимизнинг энг қадимги китоби «Авесто»да ўз ифодасини топган. Ушбу асардаги ижтимоий-фалсафий категориялар тизимининг асоси икки бошланғич тушунча - Ахура Мазда ва Ахримандир. Бу зардушт фалсафасининг устувор тушунчалари бўлиб, ижтимоий ҳаётда яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ёлғонкаби категорияларнинг диалектикаси сифатида намоён бўлади. Гарчанд уларнинг барчаси бир томондан, Авестода эзгулик ва яхшиликка асосланган тушунчалар билан бузғунчи ғоялар орасидаги муносабат ижтимоий ҳаётда зиё ва риё ўртасидаги кураш, ҳақиқат ва эзгулик, яхшиликнинг қабоҳат, ёмонлик, ёлғончилик, лоқайдлик ва бебурдлик билан зиддият сифатида намоён бўлади. Зардуштийлик диний - фалсафий таълимотида ушбу қайд этилган категория ва тамойиллардан ташқари турлича сиғиниш, эътиқод, сув ва оловға мурожаат, ёвуз руҳлардан муҳофазаланиш восита ҳамда усуллари ҳам акс этган. Китобдаги асосий ғоялардан бири эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал ҳақидаги таълимот умумфалсафий характериға эға бўлиб бу учлик моҳият - эътибориға кўра, ижтимоий мақсад, муддао ва фаолиятнинг турли ижтимоий ҳодисаларда намоён бўлишини ифодалайди. Универсал субстанция бўлган оташ ҳақидаги фалсафий ғоянинг замирида эса оловнинг кишиларға яхшилик, нур ва ёруғлик олиб келувчи буюк куч эканлиги тўғрисидаги фикр ётади. Унга интилиб яшамоқ инсон маънавиятини олий шаклиға етказиш имконини яратади.

Маълумки, «Категория» тушунчаси фалсафа фанининг таркибий қисми сифатида илк бор Аристотель томонидан қўлланилган. У «Категориялар ҳақида» номли рисоласида субстанция, миқдор, макон, вақт, сифат, муносабат, жойлашув ва шу каби категорияларни қайд этади. Аристотелнинг фикрича, ижтимоий-фалсафий категорияларнинг такомил ижтимоий тараққиётнинг реал воқелиқда намоён бўлишидир. У «Иккинчи аналитика» асарида моҳиятдан ташқари барча категориялар «субстанциянинг шарпасигина, холос» эканлигини таъкидлайди ва уларни оламнинг инъикоси эканини эътироф этади.

Аристотел меросини яхши ўрганган ва уни «Устози аввал», деб эътироф этганФоробийнинг фалсафий қарашларида ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фаннинг предмети ва вазифалари, ижтимоий гуруҳларнинг келиб чиқиши, таркиби ва турлари, шунингдек, жамият шакллари, шаҳар-давлат, (Ал-мадина) давлат бошқарувининг

хусусиятлари масалалари атрофлича таҳлил этилади. Бундан ташқари, “фозил шаҳар” тушунчаси социал модель сифатида бошқа қатор ижтимоий-фалсафий тушунчалар билан боғлиқ тарзда қаралади. Аллома фикрига кўра донишманд - бошқарувчи, эзгулик, яхшиликка етакловчи ғоя ва бошқалар асосида раҳбарлик қилувчи кишидир. Форобий таълимотига кўра, бундай киши жамиятнинг яхлитлигини, унинг барқарор идеал жамият томон ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Бу назария асосида аллома ўзига хос ижтимоий-фалсафий тушунчалар тизимини яратди. Мазкур тизимда идеал жамият ва умумий фаровонлик масаласи асосий ўрин эгаллайди, ақл ва юксак ахлоқий нормалар фаровон ижтимоий ҳаёт ва маънавий маданият тақомиланинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, янги ижтимоий муносабатлар ва ўзгача ёндошувни талаб қилади.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий фалсафа категориялари тизими, унинг ўзгариши тақомиллашуви жараёни етарли даражада ўрганилмаган. Ваҳоланки, мазкур тизимсиз жамият ҳақидаги ижтимоий-назарий ғояларни билиш ва улардан ижтимоий амалиётда фойдаланиш самарасиз машғулотдан бошқа нарса бўлмаслиги мумкин.

Инсоният тарихининг ҳар бир босқичи ижтимоий фалсафанинг категориал тизимини ривожлантирмоқда, бойитиб бормоқда. Бу тизимнинг ривожланиши ва тақомили икки йўналишда амалга ошади. Биринчидан, улар ижтимоий амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб шаклланади ва ривожланади. Бу жараёни категорияларнинг интенсив шаклланиши ва ривожланиш жараёни дейиш мумкин. Иккинчидан, мавжуд тушунча ва категориялар жамият тараққиёти жараёнида мазмун-моҳияти бойиб, таъсир доираси янада кенгайиб боради, яъни экстенсив тақомиллашиши характерига эга бўлади.

Шу билан бирга ижтимоий фалсафа категориал тизимининг намоён бўлишини маънавий йўналишда кўриш, жамиятнинг маънавий ҳаётига хос мазкур тизимга кўплаб асосий тушунча ва категорияларни киритиш ҳам мумкин. Маънавият, маърифат, руҳият, информация, ижтимоий муносабатлар, ахлоқ, дин, фалсафа, психология, ғоя, мафкура, фан ва бошқалар ҳам ана шу тизимга оиддир.

Ўз предметида оид фан сифатида ижтимоий фалсафа жамиятга ўз-ўзидан ташкилландуви, узлуксиз тараққий этиб боровуви ижтимоий организм сифатида қарайди. Айни чоғда маълум тарихий даврларда баъзи жамиятлар ва цивилизациялар таназзули сабабларини ҳам таҳлил этиб, тарихий хотирани шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳар бир фаннинг мазмуни унинг таянч тушунчалари, атамаларида ифодаланганидек, ижтимоий фалсафа ҳам ўз тушунча ва категорияларига эга.

«Инсон», «шахс», «оила», «жамият», «ижтимоий борлик», «ижтимоий онг», «ижтимоий муносабат», «ижтимоий жараён», «цивилизация», «тадрижий ривожланиш», «ижтимоий ҳаёт» кабилар ижтимоий фалсафанинг таянч тушунчалари ва категориялари бўлиб ҳисобланади.

Барча фанлар каби ижтимоий фалсафанинг ҳам ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, улар мазкур фаннинг ижтимоий мақоми ва аҳамиятини белгилайди.

1. Дунёқарашлилиқ функцияси орқали ижтимоий фалсафа инсоннинг жамият ҳақидаги илмий дунёқарашини шакллантиради, тафаккурини ривожлантиради. Яхлит таълимот сифатида ижтимоий фалсафа инсонда жамият, инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларнинг шаклланишига хизмат қилади, унга жамиятда рўй берадиган турли жараёнларга ўз онгли муносабатини шакллантиришга ёрдам беради.

2. Методологик функцияси туфайли ижтимоий фалсафа категориялари ва тушунчалари жамият тизими ва ривожланишидаги умумийлик ҳамда айримлик ўртасидаги ечимни топиш, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ўрнини кўрсатиб бериш, инсон борлиғи ва моҳиятини ёритиш, инсоният тарихининг моҳиятини тушунтириб бериш билан бошқа ижтимоий фанлар учун ўзига хос методологик асос вазифасини бажаради. Шу билан бирга жамиятни илмий англаш методлари мажмуи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Жамият ва инсонни билишнинг асосий методлари орасида диалектика ва метафизика диалектика ва метафизиканинг ўзига хос ўрнига эга.

Масалан, диалектика ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ўрганишда, улар орасидаги энг умумий универсал алоқадорликларга эътибор беришни тақозо этса, метафизика жамиятнинг ҳар бир таркибий қисмини алоҳида ҳолатда олиб қарашга асосланади. Шу билан бирга диалектика ижтимоий ҳаёт ва инсонни пастдан юқорига, соддадан мураккабга қараб бораётган жараён сифатида ўрганишда тараққиёт тамойилидан келиб чиқса, метафизика эса тараққиётни фақат миқдорий ўзгаришлар сифатида талқин этади ва ундаги илгариланма ҳаракатни эътиборга олмайди.

Худди шундай диалектика оламнинг барча кўринишлари каби жамият ва инсон моҳиятида ҳам зиддиятлар амал қилади уларнинг бирлиги ва мутаносиблиги жамият ва инсон мавжудлигида намоён бўлади, айни вақтда бу омил таъсири тараққиётга олиб боради, деган фикрга асосланса, метафизика жамиятдаги зиддиятларнинг ўзи қарама-қарши томонга оғиб кетишини эътиборга олмайди.

Замонавий ижтимоий фалсафада синергетика методининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу метод қандай қилиб жамият ўзидан-ўзи шаклланишини англаб олишга аниқлик киритади. Бунда табиат ва жамиятда бифуркация ҳодисаси мавжудлиги назарда тутилади. Унга кўра, тасодифлар ўзидан-ўзи йиғилиб, муайян миқдорий параметрлар чегарасида қонуний алоқадорликлар шаклланишига сабаб бўлади. Жамият ривожини ва таназзулида инсон омили муҳим роль ўйнашини назарга олсак, синергетика методи тамойилларига таяниш ва тегишли бифуркация ҳодисасини назарда тутиш бу жараёни англашда муҳим аҳамият касб этади.

3. Инсонпарварлик функцияси ижтимоий фалсафанинг комил ва баркамол инсонни шакллантиришга қўшаётган ҳиссасини яққол кўрсатади. Маълумки, қадимий даврлардан бошлаб фалсафани инсон, унинг моҳияти, қадр-қиммати масалалари қизиқтириб келган. Аслида фалсафа инсон, унинг оламдаги ўрни ҳаёти маъносини ўйлашдан бошланган. И.Кант «Соф ақл танқиди» асарида ижтимоий фалсафий билимларнинг моҳияти уч саволда ифодасини топади, деб ҳисоблагани бежиз эмас:

- Мен нимани била оламан?
- Мен нима қилишим керак?
- Нимага умид қилишим, ишонишим керак?

Барча даврларда инсоният ушбу саволларга жавоб топишга интилгани маълум. Ижтимоий фалсафанинг

мазкур функцияси инсонни тарбиялашга, унда юксак маънавий, ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу эса ўз навбатида инсонда фалсафий фикрлаш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

4. Башорат функцияси ижтимоий фалсафанинг жамиятдаги жараёнларни илмий бошқаришда ва олдиндан илғаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур функция ушбу фаннинг тараққиёт қонунларидан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар тенденцияси ва истиқболини англаш илмий башорат қилиш имконини яратади.

Ижтимоий фалсафа тарих, антропология, психология, этнография, иқтисодий назария каби фанлар билан узвий бирлик ва алоқадорликда мавжуд бўлиб, уларнинг методологик асоси ҳисобланади. Унинг социология билан ҳам боғлиқлиги жамиятнинг энг умумий муаммолари устида баҳс юритиши ва социология эса конкрет жамиятнинг конкрет муаммоларини тадқиқ этишида намоён бўлади. Тарихни англашда ҳам ижтимоий фалсафа методологик асос ҳисобланади, чунки тарих муаммоларини ҳал қилиш чуқур фалсафий таҳлилга таянади. Ижтимоий фалсафа фани ўз категория ва қонунлар тизими ҳамда асосий функциялари билан ҳам тарих фанининг шаклланиши, мазмун-моҳияти ва тараққиёт босқичлари учун муҳим аҳамият касб этади. Бунда тарих фалсафада, фалсафа эса тарих орқали намоён бўлиши назарда тутилади.

Ижтимоий фалсафа фанининг ўзига хос тушунча ва категориялари мавжуд. Улар онтология ва гносеологиянинг борлиқ, макон ва замон, сабаб-оқибат, зарурият, тасодиф, имконият, воқелик, моҳият, ҳодиса, мазмун, шакл, айримлик, хусусийлик, умумийлик, метафизика, диалектика, софистика, синергетика, зиддият, миқдор, сифат каби категорияларидан фарқ қилади. Ижтимоий фалсафа категориялари фақатгина бир фаннинг категориялари бўлиб қолмай, балки бир неча фанларнинг асосий категориялар тизимига кириши мумкин. Масалан, инсон, жамият, сиёсат, мафкура, дин, онг, ахлоқ, ҳуқуқ ва бошқалар шулар жумласидан. Ижтимоий фалсафа фанининг категориялари ўзига хос хусусиятларидан ташқари бошқа фанларга хос бўлган қуйидаги: умумий жиҳатларни ҳам ўзида мужассам этади:

*Инсон, индивид, субъект, халқ, ижтимоий қатлам, миллат, элат, синфлар, сиёсат, жамиятнинг сиёсий ташкилотлари, ижтимоий институтлар, давлат, партия, демократия, ислоҳот, менталитет ва шу кабилар ижтимоий-сиёсий соҳа билан боғлиқ асосий категориялар*

*Маданият, ижтимоий-маданий борлиқ, маънавият, эҳтиёж-манфаатлар, оила, қадриятлар, қадрсизланиш, маданиятсизлик, ворислик, цивилизация, ҳуқуқий маданият, сиёсий маданиятни ижтимоий-маданий соҳага бевосита алоқадор категориялар сифатида қайд этиш мумкин.*

*Моддий соҳага оид категориялар сифатида* табиат, географик муҳит, моддий муносабатлар, ишлаб чиқариш, бозор муносабатлари, мулкчилик, ижтимоий муносабатлар, техника, коммуникация, технология, илмий техник тараққиёт, экология, кабиларни кўрсатиш мумкин. Айни пайтда, ҳаёт ва ўлим, ижтимоий ҳаёт, ҳаёт мазмуни, эркинлик, зарурият, ижтимоий адолат, гуманизм, прогресс ва регресс каби тушунчалар ҳам бу фаннинг категориал тизимини ифодалайди.

Биз ўрганаётган фан жамият ҳақидаги бошқа фанларнинг категорияларидан ҳам фойдаланади, унга чегарадош фанларнинг тушунчалари ҳам ушбу фан доирасида кенг қўлланилади. Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, демократик жамият, ижтимоий фикр, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни ўрганишда қўлланиладиган умумий тушунчалар сирасига киради. Холбуки, бу тушунчалар сиёсатшунослик, сиёсат назарияси, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назарияси, маданиятшунослик, социология каби фанларнинг категориал тизимига тегишлидир.

Бугунги кунга келиб ижтимоий – фалсафий тушунча ва категориялар ўзига хос янги мазмун ва моҳиятга эга бўлмоқда, яъни улар шунчаки ижтимоий борлиқнинг оддий инъикоси бўлмай, балки унинг моҳиятини белгилловчи омиллардан бирисифатида намоён бўлмоқда. Ҳар қандай фан каби ижтимоий фалсафанинг шаклланиши ва ривожланиши унинг тушунча ва категориялар тизими такомиллашуви билан ҳам боғлиқ. Хусусан тараққиёт жараёнида ижтимоий муҳитнинг ўзгариб бориши, айни пайтда ижтимоий воқелик ҳақидаги кишиларнинг тасаввурларини, тафаккурини ва тушунчаларини ўзгариб, такомиллашиб боришини тақазо қилади. Бу борада ижтимоий тушунчалар ва категориялар яхлит тизим сифатида, билиш субъектининг муайян ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида ҳаққоний билимга эга бўлишини таъминлайди, ижтимоий воқеаларни диалектик жараён сифатида атрофлича ўрганишга имкон яратади. Ушбу тушунчаларни бошқа ижтимоий-гуманитар фанларда, жумладан, тарихий, иқтисодий ва сиёсий фанларда қўлланилиши жамият ҳаёти билан боғлиқ мураккаб масалаларга илмий ёндошувни шакллантиради ҳамда уларнинг зиддиятли жиҳатлари ечилишига хизмат қилади. Ижтимоий-фалсафий тушунчалар тарихий асосга эга бўлиб, доимий ривожланиш ва такомил жараёнида, тарихий тараққиёт динамикасида намоён бўлади. Яъни, ижтимоий ҳаёт тезкорлик билан ривожланса, айнан бундай жараёнлар ижтимоий тушунчаларда ҳам намоён бўлади. Шу маънода ижтимоий фалсафа тушунчалари муттасил такомиллашув жараёнида бўлиб, бу жараён эса диалектиканинг ўзгарувчанлик ва барқарорлик тамойили асосида амалга ошади. Ижтимоий воқеликдаги нарса, ҳодисалар ва жараёнлар диалектикаси ҳаётдаги тушунчалар ва категориялар диалектикасини белгилайди. Таъкидлаш жоизки, ижтимоий тушунчалар амалиёт билан бирга бошқа бир қатор ижтимоий-фалсафий тушунча ва категориялар, жумладан манфаат, эҳтиёж, қадриятлар, зарурият кабилар билан ҳам узвий боғлиқдир. Уларнинг ривожланиши ўз мантиғига эга бўлиб, аввало жамиятни барқарор тараққиётини таъминлаш, уни ривожланишининг қонун ва қонуниятларини моҳият мазмунини аниқлаш, уларнинг ўзига хос жиҳатларни билиб олишга имкон яратади.

Ижтимоий фалсафанинг бу борадаги энг муҳим хулосаларидан бири шуки, жамият ривожланишининг умумий қонунларисиз, ушбу фан категориялари мавжуд бўла олмайди ва аксинча унинг категорияларисиз ижтимоий тараққиёт қонунлари ҳақидаги ҳаққоний билимга эришиш қийин.

Ҳар қандай фан каби ижтимоий фалсафа фани ҳам моҳият-эътиборига кўра, муайян категориялар ва тушунчалар тизимидан иборат. Мазкур категориялар тизимининг моҳият- мазмунини аниқлаш, уларнинг мазкур бошқа категориялар билан боғлиқлигини англаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу категориялари тизими тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлигини ифодалайди.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий фалсафа фанининг жамият ҳаётидаги воқеа ва ҳодисалар жараёнларини билишдаги роли фалсафий категорияларни ижтимоий ҳаётга оддийгина жорий этиш, деб

тушуниш масалага бир ёқлама ёндашишга олиб келади. Илмий тараққиётни билишнинг энг мураккаб объектларидан бири жамият ҳисобланади. Бу жараёнда тарихни яратувчи инсон ўз олдида истиқболга қаратилган мақсад ва вазифаларни, манфаатларини белгилаб олади, шунингдек, уларни амалга ошириш учун тинимсиз ҳаракат қилади.

Бугунги кунда жаҳон фалсафаси ва ўтмишдаги бой фалсафий таълимотлар ютуқларига суянган ҳолда, ижтимоий воқеликни илмий тушунтириб, воқеа ва ҳодисалар моҳиятини билишда муҳим методологик вазифани бажарадиган ижтимоий-фалсафий категориялар янгича мазмунига эга бўлиб бормоқда.

Ижтимоий фалсафа категориялари ижтимоий воқеликнинг инъикоси, унинг муҳим сифатий белгиларини умумлаштирувчи тушунчалардир. Улар ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, ушбу категориялар фақатгина мавҳум умумий тушунчалар бўлибгина қолмай, айна пайтда амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки улар ижтимоий ҳодисаларни билишнинг зарур босқичи бўлиб, бу жараён оддий билиб олиш билан чегараланмайди. Балки жамият моҳиятини англаб етиш ва у ҳақда ҳаққоний билимга эга бўлишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий фалсафа фани категориялари ва қонунларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёки уларни бир-биридан ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Улар бир-бирларини тўлдирди ва бойитиб боради. Мазкур категориялар реал воқеликка мос равишда шакллансагина ижтимоий тизимлар ривожланиши ва ҳаёт қонунлари ҳақида тўлароқ билимга эга бўлиш имкони очилади. Бу эса ўз навбатида, жамият ривожланиши қонунлари ижтимоий фалсафа фани тушунча ва категорияларининг объектив мазмунини ташкил этишини англатади.

#### **4-МАВЗУ. "ҚОНУН" ИЖТМОИЙ ФАЛСАФИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА**

**АЙНИЯТ ҚОНУНИ** (лот. Lex identitativ) – формал мантикнинг тўрт асосий қонунларидан бири. Бу қонун биринчи марта, Арасту томонидан таърифлаб берилган. Арасту "Метофизика" асарида айнан бир предметга нисбатан, айна бир вақт давомида, айна бир хил мазмунда фикр юритиш тўғриси, чин фикрлашнинг асосий шартидир, деб таъкидлайди. А.қ.га кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айна бир фикр, муайян муҳокама доирасида, айна бир вақтда, ?з-?зига тенгдир. Бу қонун, муайян вақт, муносабат доирасида, бирор предмет ҳақида баён қилинган фикр аниқ, лъатий мазмунга эга бўлишини талаб қилади ва фикрлар ?ртасидаги зарурий, мантикий алоқадорликнинг ?рнатилишини таъминлайди.

Формал мантикда А.қ. АХА (А тенг А га) формуласи билан ифодаланади. Символик мантикда А.қ. нъзига хос кўринишда ифодаланади: а-а ва а-а (бунда а- ҳар қандай фикрни ифодоловчи белги, (-) - импликация белгиси, (-) - эквивалентлик белгиси). Формула "агар а бўлса, унда а бўлади"-деб ?ълилади. Кесимлар мантикида А.қ.  $Vx(p(x)-p(x))$ -формуласи б-н белгиланади. (V-умийлик кванторини ифодоловчи белги). Бу ифода қуйидагича ?ълилади: ҳар қандай х учун, агар х р белгисига эга бўлса, х шу белгига эга деган фикр тўғриси бўлади. Бирор буюм, ҳодиса ҳақида фикр юритилганда, уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр, неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамасдан, доимий, ?згармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Буюм ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этиши, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ-равшан ифодаланишини таъминлайди. А. қ. предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этгани ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ?згариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни, предмет ва ҳодисаларни тўлиқроқ билиб боришимиз б-н, ?згаришини эътироф этади. А.қ. тафаккурга, унинг барча элементлари, шакллари хос бўлган, умумий мантикий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган, аниқ лъоидаларда ?з ифодасини топган. Тафаккурнинг тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ёки хулоса чиқариш шаклларининг ҳар бирида фикрлар ?ртасидаги муносабат боғланиши, шу қонунга асосланган ҳолда, амалга ошади.

**АЙНИЯТ ҚОНУНИ** (лот. Lex identitativ) – формал мантикнинг тўрт асосий қонунларидан бири. Бу қонун биринчи марта, Арасту томонидан таърифлаб берилган. Арасту "Метофизика" асарида айнан бир предметга нисбатан, айна бир вақт давомида, айна бир хил мазмунда фикр юритиш тўғриси, чин фикрлашнинг асосий шартидир, деб таъкидлайди. А.қ.га кўра, маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айна бир фикр, муайян муҳокама доирасида, айна бир вақтда, ?з-?зига тенгдир. Бу қонун, муайян вақт, муносабат доирасида, бирор предмет ҳақида баён қилинган фикр аниқ, лъатий мазмунга эга бўлишини талаб қилади ва фикрлар ?ртасидаги зарурий, мантикий алоқадорликнинг ?рнатилишини таъминлайди.

Формал мантикда А.қ. АХА (А тенг А га) формуласи билан ифодаланади. Символик мантикда А.қ. нъзига хос кўринишда ифодаланади: а-а ва а-а (бунда а- ҳар қандай фикрни ифодоловчи белги, (-) - импликация белгиси, (-) - эквивалентлик белгиси). Формула "агар а бўлса, унда а бўлади"-деб ?ълилади. Кесимлар мантикида А.қ.  $Vx(p(x)-p(x))$ -формуласи б-н белгиланади. (V-умийлик кванторини ифодоловчи белги). Бу ифода қуйидагича ?ълилади: ҳар қандай х учун, агар х р белгисига эга бўлса, х шу белгига эга деган фикр тўғриси бўлади. Бирор буюм, ҳодиса ҳақида фикр юритилганда, уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр, неча марта ва қандай ҳолатларда такрорланишига қарамасдан, доимий, ?згармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Буюм ва ҳодисаларнинг инсон тафаккурида аниқ акс этиши, ҳар бир фикр, мулоҳазанинг аниқ-равшан ифодаланишини таъминлайди. А. қ. предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этгани ҳолда, тафаккурнинг ривожланишини, тушунчалар ва билимимизнинг ?згариб, бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни, предмет ва ҳодисаларни тўлиқроқ билиб боришимиз б-н, ?згаришини эътироф этади. А.қ. тафаккурга, унинг барча элементлари, шакллари хос бўлган, умумий мантикий қонундир. Бу қонуннинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлган, аниқ лъоидаларда ?з ифодасини топган. Тафаккурнинг тушунча, ҳукм (мулоҳаза) ёки хулоса чиқариш шаклларининг ҳар бирида фикрлар ?ртасидаги муносабат боғланиши, шу қонунга асосланган ҳолда, амалга ошади.

**ЗИДДИЯТ ҚОНУНИ** – формал мантикнинг умумий қонунларидан бири. Бу қонунга кўра, бир нарса тўғрисида бир-бирини инкор этувчи икки ҳукм айна бир вақтда чин (тўғри, ҳақиқат, ҳақиқий) бўлиши мумкин эмас. Уларнинг

бири чин, бири нотўғри, ёки иккаласи ҳам нотўғри бўлиши мумкин. Э.қ.ни биринчи бўлиб, Аристотел таърифлаб берган. Формал мантиқда нозидлик ва учинчиси мустасно қонунлари формал зиддиятларни илмий муҳокама ёки илмий назарияга киритишга йўл қўймайди. Э.қ. тафаккур ривожига қарама-қарши фикрлар тўқнашувини инкор этмасдан, бир вақтнинг ўзида бир предмет ҳақида икки зид фикрга йўл қўймасликни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, фикрлаш жараёнида вақт, предмет, ҳукм ҳамда хулосаларда нисбат жиҳатидан узвий бирликни талаб этади.

Ҳозирги замон фани жамиятда юз бераётган барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳодиса ва жараёнлар муайян қонунлар асосида вужудга келиши ва ривожланишини ҳамда қатъий қонуниятларга бўйсунушини кўрсатди. Бу қонуниятга хос мазмун ва хусусиятлар моҳиятини очиб бериш, инсон ва жамият манфаатлари йўлида улардан унумли фойдаланиш имкониятларини кўрсатиб бериш ижтимоий фанлар олдига турган долзарб масалалардан биридир. Зеро, қонун ва қонуниятлар мазмунини очиб бериш воқеликни бошқариш калитини топиш, демакдир. Шу боисдан қадим замонларда олиму фозиллар ҳар бир нарса, воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг ривожланиш қонуниятларини билишга қизиққанлар, борлиқ қонунларини ўқишга уринганлар.

Фалсафада “қонун” ва “қонуният” категориялари икки минг йилдан ортиқ вақт давомида кескин баҳс-мунозаларга сабаб бўлмоқда. “Қонун” тушунчасини фалсафа тарихида биринчилардан бўлиб қадимги юнон файласуфи Гераклит табиат ва жамият ҳодисаларига нисбатан қўллаган: “кимки ақлли сўзлашни истаса, - дейилади унинг асарларидан бизгача етиб келган парчаларда, ўз фикрини ҳамма учун шаҳар каби умумий бўлган қонунлар билан, ҳатто ундан ҳам мустаҳкамроқ асосламоғи зарур. Ахир барча инсоний қонунлар жамики нарса-ҳодиса устидан чексиз ҳукмронлигини ўрнатган илоҳий қонундан келиб чиққан”. Яна бир юнон файласуфи Демокрит эса жамиятда юз бераётган барча тарихий жараёнлар маълум бир қонуниятлар асосида содир бўлади, шунинг учун ҳам инсоният доимо олға қараб ривожлана боради, деган ғояни илгари суради.

Бинобарин, ушбу файласуфлар табиат ва жамиятда муайян қонунлар ҳукмронлик қилишни тан олганлар, қонунларни харакатлантирувчи куч сифатида тушунганлар.

Марказий Осиёнинг Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлари табиат, жамият ва инсоннинг ўзи ҳам маълум қонун ва қонуниятларга бўйсуниб яшашларини эътироф этган ҳолда, уларнинг объектив мазмунини билишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Абу Наср Форобийнинг фикрича, алоҳида индивидларга хос бўлган хилма-хил ахлоқий хислатлар, қобилиятлар, феъл-атворлар бўлишига, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ўртасида манфаатлар зиддияти мавжудлигига қарамай, одамлар зарурат туфайли, ўз ихтиёрлари ва истакларидан қатъи назар, биргаликда яшайдилар.

Қисқача айтганда, одамларга турли хил хулқ-атвор, қобилият хос бўлганлиги сабабли бир-биридан фарқ қилади, уларни турли омиллар тўлқинлантиради. Бу ҳолатда улар бир-биридан нафратланишлари, бир-бирига ортиқча юк бўлишлари мумкин. Бироқ, одамлар бир-биридан нафратланган тақдирда ҳам ёлғиз яшай олмайдилар, улар ҳамкорликдаги жамоавий фаолият туфайлигина яшай олади. Одамлар ақлга суяниб яшашларига ҳалақат берувчи омилларга бўлганлиги, айна пайтда эса ўзаро ёрдамга мутожликларидан улар ўртасида келишув зарур. Ана шундай келишув натижасида Абу Наср Форобий фикрича, давлат раҳбари ва унинг ворислари ўрнатадиган қонунлар билан мустаҳкамланувчи муайян тартиблар, хулқ-атвор қоидалари юзага келади.

Масалан, Абу Наср Форобийнинг фозил шаҳар аҳолисининг табиати ҳақидаги фикрларига эътибор берайлик. Бундай шаҳарда аҳоли бутунлай эркин: “Унинг аҳолиси тенг ҳуқуқли. Уларнинг қонунлари бир шахснинг бошқа шахс олдига афзал бўлишига асло йўл қўймайди. Уларнинг бир-бирларига ва бошқа шаҳарлари аҳолисига нисбатан ҳокимияти фақат уларнинг эркинликларини оширишга тааллуқлидир”.

Демак, Форобий қонун объектив оламдаги умумий ва энг умумий жиҳатлар инъикоси эканлигини тушунишга жуда яқинлашган.

XVII асрда Голландияда яшаган файласуф Б.Спиноза биринчилардан бўлиб, жамиятнинг объектив қонунлари билан юридик қонунлар ўртасида жиддий фарқ борлигини айтган. “Предмет ва ҳодисанинг моҳиятидан келиб чиқувчи қонунларни, табиий заруриятга бўйсунадиган қонунлар деб, аксинча, инсонлар хоҳиши, иродасидан келиб чиқадиган қонунларни, тўғрироғи, ҳуқуқ деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу қонунлар инсонлар томонидан яратилган бўлиб, уларнинг ўзлари ва бошқаларнинг қулай ва хавфсиз яшашларига хизмат қилади”.

XVIII асрда яшаган француз файласуфи ва тарихчиси Монтескье “Қонунлар руҳи ҳақида” китобида ёзади: “Қонун - кенг маънода зарурий муносабатларининг йиғиндиси. Бу зарурий муносабатлар буюмларнинг табиатидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам барча мавжуд нарсалар ўз қонунларига эга, ҳаттоки худоларда ҳам, моддий дунёда ҳам, инсон заковатидан устун бўлган абсолют ғояда ҳам, ҳайвонот ва инсонлар дунёсида ҳам қонунлар мавжуд ва ҳукмрон”. Бу билан Монтескье “қонун” тушунчасига муносабат билдириб, унинг объектив мазмунга эга эканлигини эътироф этади.

“Қонун” тушунчаси юнон тилида “*nomos*”, латин тилида “*lex*”, инглиз тилида “*law*” сўзлари билан ифодаланиб, бир томондан, ҳуқуқий нормаларни билдирса, иккинчи томондан, табиат ва жамиятда инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган зарурий муҳим муносабатларни акс эттиради. Бу тушунчанинг турли маъноларда ишлатилиши бежиз эмас. Дастлаб ҳамма учун умумий, мажбурий бўлган диний кўрсатмалар шундай номланган (масалан, яҳудийлар юнон низоми (кодекси)ни айнан шундай – “Мусо қонуни” деб аталганлар) Қадимги Юнонистонда анъана ва урф-одатлар, кейинчалик давлат ҳокимияти томонидан жорий қилинган ҳуқуқий нормалар қонун деб аталган. Юридик қонунларга хос кўплаб жиҳатларнинг табиат ва жамиятда ҳам мавжудлиги ҳуқуқий атама бўлган “қонун” сўзининг табиат ҳамда жамиятнинг объектив ҳодисаларга нисбатан қўлланилишига асос бўлган.

Масалан, давлат ўрнатган қонун жамиятда маълум тартиб-интизомни таъминлашга хизмат қилади,

фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат ва жамоат ташкилотларини тегишли равишда фаолият кўрсатишга мажбур қилади. Табиат ва жамиятнинг ҳар қандай қонунлари каби юридик қонунлар ҳам ўз табиатига кўра зарур. Бу, биринчидан, юридик қонунда кўрсатилган барча шахслар унга амал қилишлари шарт эканлиги, иккинчидан, моддий муносабатларнинг тартибга солинганлиги ва маълум ижтимоий гуруҳларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида, муайян жавобгарлик келтириб чиқариши билан боғлиқ.

Қонуннинг, жумладан, юридик қонунларнинг муҳим белгиларидан бири муайян шароитларда жамият учун зарур бўлган муносабатларни сақлаб ва мустаҳкамлаб турадиган мажбурлаш кучига эга эканлигидир. Зеро, мажбурлов кучига эга бўлмаган қонун жозибали ширга ўхшайди. Бундай ҳолда одамлар “Қани эди шундай бўлса”, дейдилар-у, аммо аксини қилаверадилар.

Немис файласуфи Гегель қонун, хусусан тарихий қонуният устида тўхталиб, “Тарихда зарурият мужассамлашганлиги туфайли у ақлга мувофиқ равишда амалга ошади”, деган фикрни билдиради. “Биз агар кишилар хатти-ҳаракатини яқиндан ўрганадиган бўлсак, - деб ёзади Гегель, - уларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва қизиқишлари бу ҳаётини саҳнада асосий уйғотувчи сабаб, куч эканлигини, фақат шуларгина асосий роль ўйнашини кўрамай”. Бу билан Гегель тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи одамларнинг эҳтиёжи ва манфаатидир, деган хулосага келади. Бу эса ўша давр учун муҳим фикр эди.

Америкалик иқтисодчи, тарихчи ва социолог Уолт Уитмен Ростоннинг “Тараққиёт босқичлари” назарияси ўз моҳиятига кўра, инсоният тарихий тараққиётини “ижтимоий-иқтисодий формация” назариясидан фарқли ўлароқ, юксалиш босқичларига - “анъанавий жамият”, “ўтиш жамияти”, “индустриал жамият”, “юксак даражадаги ривожланган оммавий истеъмолчилик жамияти” босқичларига ажратади ҳамда тараққиёт босқичларини бир-бирдан ажратиб турувчи асосий мезон қилиб, фан ва техника ютуқларига асосланувчи саноят ишлаб чиқариши даражасини кўрсатади.

Бизнингча, Ростон таълимнинг эътиборли жиҳати шундан иборатки, унда ривожланган мамлакатлар тараққиётининг XX аср иккинчи ярмидаги техника ва технологиялар ютуқлари кўрсаткичларини ва шу асосда улар ривожланиши даражаларининг бир-бирдан фарқ қилинувчи жиҳатлари акс этади. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори технологияларига эга мамлакатлар ўз фуқароларига эркин ва фаровон ҳаёт кечиришларини иқтисодий жиҳатдан кафолатлаб турибди.

Мутафаккирларнинг қонун ва қонуният ҳақидаги ижодий ёки салбий фикрларини хулосалаб, айтиш мумкинки, улар, асосан, инсоният цивилизациясининг минг йиллар давомида тўплаган билим ва амалий тажрибаси, объектив олам фақат ўзининг ички қонунлари асосида ривожланиши ва тараққиёт этишини кўрсатади. Табиат оламида, табиатшунослик фанлари соҳасида бу қонун ҳамма эътироф этсада, аммо ижтимоий соҳадаги ҳодиса ва жараёнларни билишда турли хил, аксарият ҳолларда бир-бирига бутунлай зид бўлган фикрлар, қарашлар, таълимотлар мавжудлигининг гувоҳи бўламан.

Бироқ XIX-XX асрда яшаб, ижод қилган қатор файласуфлар ўз ижтимоий-сиёсий қарашларида кишилик жамиятида ҳеч қандай қонуниятлар йўқ, бу ерда фақат соф тасодифлар ва инсон иродаси эркинлиги ҳукмрон, тарихий жараён, ҳодиса ва воқеалар фақат давлат ҳокимияти тепасида турган буюк шахсларнинг хоҳиш-иродалари туфайли юз беради, деб ҳисоблаганлар. Бу билан улар тарихий жараёнларни объект ва субъект, шахс ва омма ўртасидаги ўзаро диалектик муносабатлар борлигини тўлалигича тушуниб етмаганлар.

XX асрда, айниқса 60-70 йилларга келиб, жаҳоннинг таниқли социологлари қонун ва қонуният муаммосини тушунишда, бир томондан, табиатда қонуният борлигини қисман эътироф этиб, иккинчи томондан, жамиятда юз берадиган жараёнларнинг маълум бир қонуният асосида амалга оширишни инкор қилишга ўтдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг аксарияти жамиятнинг табиатдан асосий фарқи ижтимоий воқеалар, ҳодисаларнинг фақат кишилар томонидан онгли равишда бошқарилишида, амалга оширилишида, шунинг учун ҳам тарихий ҳодисаларда ҳеч қандай қонуният бўлиши мумкин эмас, деган ғояни илгари суради.

Бу хусусда француз социологи Раймон Арон: “Социологияда фақат кўп ёки кам даражадаги эҳтимоллик тўғрисида сўз юритиш мумкин, лекин зарурият тўғрисида, қонуний боғланиш тўғрисида гап бўлмаслиги керак, чунки барча ижтимоий ҳодисаларнинг инсоний хусусияти сабабли, уларда заруриятни инкор этувчи эркинлик иштирок этади”, - деб ёзган. Шу фикрни қўллаб-қувватловчи бошқа социологлар тарихий ҳодисалар такрорланмайди, чунки улар индивидуал хусусиятга эга, шунинг учун ҳам жамиятда ҳеч қандай қонуният, сабабий боғланиш йўқ, деб ижтимоий жараёнлардаги қонуниятларни инкор қилмоқчи бўладилар. Ана шу мақсадда америкалик социолог Талкотт Парсонс “Жамият тарихида ҳеч қандай объективлик бўлмагани боис иқтисодий детерменизм назариясини қўллаш бугунга келиб, реал ва муҳим муаммо сифатида ўз аҳамиятини йўқотди”, - деб ёзган.

Шунингдек, Ғарб социологларидан Виндельбанд, Риккерт, Поппер, Кроче, Рид, Бирд, Беккер, Колленгвуд ва бошқалар жамият тарихи фақат кўплаб тасодифлар йиғиндисидан иборат, деб таъкидладилар. Улар ҳеч қандай табиат ҳам, конвенциялар ҳам бизга нима қилишимиз кераклигини айтиб беролмайди, ҳеч қандай фактлар – хоҳ табиий, хоҳ тарихий бўлсин - биз учун ҳеч нарсани ҳал қилолмайди, биз ўз олдимизга қўйишимиз мумкин бўлган мақсадни белгилай олмайди, фақат ўзимизгина табиатга ҳам, тарихга ҳам мақсад ва маъно бера оламиз, деб жамиятнинг қонуний тарзда объектив ривожланишини инкор қилиб, субъектив омилнинг ролини юқори қўядилар.

Бу ўринда мазкур файласуфлар нима учун табиат ва жамият қонунларининг объективлигини инкор этадилар, деган савол туғилади. Бизнингча, ҳар қандай фан таркибидан қонуниятларни сиқиб чиқаришдан мақсад бизни ўраб турган объектив борлиқ ким томонидан яратилган, ва у ҳамма жараёнларни бошқариб турадими, деган ғояни ҳимоя қилишдан иборат. Чунки ҳар қандай фан борлиқнинг ўзи ўрганаётган соҳасидаги жараёнларнинг объективлигини, зарурийлигини ва якуний ривожланиб туришини очиб беради.

Жамият қонунларининг объективлиги шундаки, агар кишилар ўз амалий фаолиятларида муайян қонунларнинг талабларини ҳисобга олмай, унга қарши иш қилсалар, бу қонунлар барибир кишиларни ўз талабларига бўйсундириб, уларни бажаришга мажбур қилади. Бунинг мисоли қилиб ҳар бир жамиятда пул муносабатлари қонунининг амал қилишини келтиришимиз мумкин. Бу қонунга мувофиқ, ҳар қандай давлат томонидан чиқарилган пулнинг миқдори шу давлатда ишлаб чиқарилган жами товарлар қиймати билан мос келиши керак. Агар бу мувозанат бузилса, пул қадрсизлиги (инфляция) вужудга келиб, мамлакатнинг

иқтисодий ривожланиш мароми бузилади. Буни биз баъзи МДХ давлатларининг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида рўй берган иқтисодий инқирозларда кўришимиз мумкин.

Модомики, диққатимиз жамият қонунларини ўрганишга қаратилган экан, биз, энг аввало, “қонун”, “ижтимоий қонун”, “социологик қонун”, “тарихий қонун” каби тушунчаларнинг моҳиятини очиб беришимиз лозим.

Фалсафий адабиётда “ижтимоий қонун”, “социологик қонун” ва “тарихий қонун” тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Лекин кўпгина муаллифлар ушбу тушунчаларнинг ўзаро нисбати тўғрисида турлича фикрлар билдирадилар. Баъзилари бу категорияларнинг ўзаро алоқадорлигини яқкалик, умумийлик ва хусусийлик нуқтаи назаридан баён қилсалар, бошқалари айрим ҳолларда уларни бир-бирига қарама-қарши қўядилар.

Фикримизча, жамият қонунлари, энг аввало, ижтимоий ҳаётнинг турли ҳодисалари ва жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланиш ва бошқа муносабатларни акс эттиради. Масалан, “талаб” ва “таклиф” мувозанати қонуни бозор муносабатларининг икки томони ўртасидаги ёки эҳтиёж билан манфаатлар ўртасидаги муносабатларни билдиради. Худди шунингдек, жамиятнинг бошқа қонунларида ҳам ижтимоий ҳаётнинг турли ҳодисалари ўртасидаги муносабатлар акс этади.

Объектив оламдаги ҳар қандай предмет, ҳодиса ва жараёнлар доимо хилма-хил ва мураккаб муносабатларда бўлади. Ушбу муносабатлар ички ва ташқи, муҳим ва номуҳим, бевосита ва билвосита, зарурий ва тасодифий, турғун ва ўзгарувчан, доимий ва ўткинчи бўлади, умумийлик ва алоҳидалик хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда, қонун бу муносабатларнинг барчасини қамрай олмайди. Турли-туман алоқалар, боғланишлар йиғиндиси ичидан у, энг аввало, муҳим алоқаларни, яъни шундай муносабатларни ифодалайдики, булар ташқи шароитлардан эмас, балки нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, унинг ички алоқадорлигидан келиб чиққан бўлади.

Жамият қонунлари ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги барқарор муносабатларни ҳам ифодалайди. Масалан, ҳар қандай ижтимоий жараён ўзига хос белгилари, жиҳатлари, томонлари, муносабатларига эга бўлиб, бу муносабатларнинг ҳар бири – гоҳ алоҳида, гоҳ биргаликда, доимо – ўзгариб, ривожланиб, янгиланиб туради. Турли шарт-шароит ва ҳар хил сабаблар туфайли баъзи белгилар, хусусиятлар, томонлар баъзан йўқолиб, улар ўрнига янгилари пайдо бўлади. Жамият қонунлари эса буларнинг ҳаммасини акс эттира олмайди. Улар фақат ижтимоий ҳодиса ва жараёнлардаги нисбатан турғун ва доимий муносабатларни, алоқадорликларни акс эттириш хусусиятига эга, чунки бундай алоқа ва муносабатлар жамият ривожланишининг нисбатан қисқа даврида муҳим ўзгаришларга олиб келмайди. Шу асосда инсон ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг мавжудлик ва ривожланиш қонуниятларини билиб олади.

Қонунларнинг муҳим белгиси нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқалар, боғланишларнинг такрорланишини ифодалаш орқали ижтимоий ҳодисалар, жараёнлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликларни тавсифлаб, уларнинг ривожланиш йўналиши ва тамойилини кўрсатиб беришдир.

Ҳар қандай қонуниятнинг яна бир муҳим белгиси воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишларнинг такрорланишидир. Мустақилликнинг дастлабки пайтларида биз қайси йўлдан борамиз, деган савол туғилди. Туркия, Эрон, Хитой йўли деган фикрлар пайдо бўлди, лекин биз ўз йўлимизни танлаб олдик. Бу тўғрида Президентимиз шундай деб таъкидлаган эди: “Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир... Сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ларзаларсиз эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир”.

Бунга тарихий тажрибани мисол қилиб кўрсатадиган бўлсак, Америка Қўшма Штатлари XX аср бошларида буюк инқирозлар даврини бошидан кечирганда, автомобиль саноати бутун мамлакат иқтисодийетини таназзулдан олиб чиққан эди. Демак, ҳар қандай қонуният унинг кашф этилиши учун асос бўлиб хизмат қилган тарихий фактлардан бошқа ҳодисаларни ҳам ўз ичига олади. Шу туфайли ижтимоий ҳодисаларга тегишли жамият қонунларини бошқа ўхшаш ижтимоий ҳодисаларга ҳам жорий қилиш ва шу асосда ушбу ҳодисалар истиқболини олдиндан кўра билиш мумкин бўлади. Чунки такрорланиш ҳар қандай қонуниятнинг муҳим белгиси, фан ва амалиётнинг мезони ҳисобланади.

Айни пайтда қонунларнинг инвариантлигини ҳеч қачон доимий ва абадий деб тушунмаслик зарур. Чунки моддий дунёда нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқалар, муносабатлар туфайли уларнинг мазмуни, моҳияти доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлади. Инсоннинг ана шу муносабатларни акс эттирувчи ақли ва тафаккури ҳам ўзгариб, ривожланиб туради. Шундай экан, ўз навбатида, ушбу жараёнларни ифодалайдиган қонунлар ҳам доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлади.

Иқтисодийетимизда амалга оширилаётган ислохотлар айнан шу тарихий қонуниятни ҳисобга олиш ва унга амал қилиш асосида бораётганлигини юқоридаги фикримизнинг мисоли қилиб келтиришимиз мумкин. Шу боис ҳаётимизнинг объектив қонуниятларини чуқур англаб етган Юртбошимиз бозор муносабатларига ўтишда “Ўзбекистон танлаб олган йўл республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган, бозор иқтисодийетини шакллантиришга қаратилган деб таъкидлаган.

Президентимиз фикрича, ўтиш даврида “биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижодий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, ҳатто муайян мамлакатларда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин”.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамиятнинг нафақат жузъий қонунлари, балки умумий қонунлари ҳам ижтимоий ҳаётда рўй бераётган чуқур ва кескин ўзгаришлар, янгиланишлар туфайли ўзгариб, бошқача кўринишга эга бўлиши мумкин. Чунки тарихий жараён ривож, ижтимоий ҳодиса ва воқеалар моҳиятининг ўзгариши айнан шундай оқибатларга олиб келади. Воқеа ва ҳодисалар моҳиятининг ўзгариши, албатта, қонуннинг ўзгаришига олиб келади. Воқеа ва ҳодисаларнинг мазмуни, моҳиятини ўзгартирмаган ўзгаришлар эса қонуннинг ўзгаришига олиб келмайди. Демак, ижтимоий-тарихий жараён ва ҳодисаларнинг сифат ҳамда



моҳияти ўзгармас экан, шу жараён ва ҳодисаларга хос бўлган, уни ифодалаган қонунлар ҳам ўзгармасдан қолаверади.

Шундай экан, қонун, бир томондан, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг муҳим, ўзгармас, тинч, мувозанат ҳолатларини акс эттирса, иккинчи томондан эса, аксинча, нотинч, тўхтовсиз ўзгаришларни, ҳаракатларни ўз ичига олади, булар эса муқаррар равишда барқарорликни, турғунликни енгиб ўтиб, ҳар бир тизимнинг, ҳодиса ва жараёнларнинг ўрин алмашувига олиб келади.

Жамият қонунларига таъриф берганда шуни ҳисобга олиш керакки, бу қонунлар фақат маълум шарт-шароитдагина юзага келади, рўёбга чиқади ва амал қилади. Ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай жараёнларнинг амалга ошуви учун, албатта, маълум объектив ва субъектив шарт-шароитлар яратилиши, вужудга келиши талаб қилинади. Мустақил давлатимиз иқтисодиётида бозор муносабатларига ўтишнинг Президентимиз томонидан белгилаб берилган беш тамойили мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун айнан шундай шарт-шароитлардан ҳисобланади.

Объектив шарт-шароитнинг ўзгариши ижтимоий-тарихий жараёнлар мазмун-моҳиятининг, пировард натижада эса, шу жараёнлар амал қилаётган қонунларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шу туфайли республикамызда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳар бир босқичида ислохотлар стратегиясига ўзгарттиришлар, аниқликлар киритилмоқда. Булар объектив қонунлар талабларини қондиришдан иборат.

Жамият қонунларининг объектив талабларини ўрганиш, улар моҳиятини англаб етиш ва улардан амалда фойдаланиш учун аниқ тарихий ёндашув зарур. Бу билиш субъектининг ижтимоий борлиқ билан, назариянинг амалиёт билан алоқада бўлишини талаб қилади. Аниқ тарихий ёндашув қонунларнинг, аввало, тарихий тажриба билан, сўнгра эса муайян шарт-шароит билан ўзаро боғлиқлигини яқиндан ҳис қилишга, ижтимоий борлиқнинг ҳар бир муайян тарихий даврида шарт-шароитига барча хусусиятларни қамраб олишга ёрдам беради.

Жамият қонунларининг яна муайян муҳим белгиси ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг объектив, зарурий, умумий томонларини, муносабатларини акс эттириб, маълум тарихий шарт-шароитда ушбу жараёнларнинг табиати ва йўналишларини белгилаб беришдадир.

Демак, муайян қонуннинг ўтмишда намоён бўлиши ва ҳозирги даврдаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиш орқали унинг келажакда қандай намоён бўлишини, қай тарзда амалга ошишини кўра билиш ёки кутилмаган тарихий вазиятнинг вужудга келишини олдиндан башорат қилиш мумкин бўлади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, хулоса қилишимиз мумкин. Чунончи, "Ижтимоий-тарихий қонун" тушунчаси қуйидаги муҳим белгилари, хусусиятларига эга: биринчидан, "ижтимоий қонун", "тарихий қонун", "социологик қонун" тушунчалари, аввало, жамият қонунларини табиат қонунларидан фарқлаш учун ишлатилади; иккинчидан, жамият қонунлари, табиат қонунларидан фарқли ўлароқ, тез ўзгарувчан эканлигини таърифлаш учун қўлланилади; учинчидан, бу тушунча ижтимоий-тарихий жараён ва ҳодисаларнинг маълум бир конкрет тарихий шарт-шароитида, босқичлардагина амал қиладиган ўзига хос жузъий қонунларни ифодалашда ишлатилади; тўртинчидан, ижтимоий қонун ўзида маълум ижтимоий тарихий шарт-шароитда юзага келадиган аниқ ижтимоий алоқадорликни, ҳодисаларнинг хусусиятларини, томонларини, муносабатларини қамраб олади. Хуллас ижтимоий қонун кишиларнинг ўз ижтимоий эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, онгли ва маълум мақсадни кўзлаб амалга оширадиган фаолиятлари орқали юзага келадиган ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг муҳим, зарурий, такрорланувчи боғланишлари, алоқалари, муносабатлари мажмуи бўлиб, муайян шарт-шароитда ушбу жараёнларнинг ривожланиш характери ва йўналишини белгилаб беради.

### **Таянч тушунчалар**

Қонун, ижтимоий қонун, жамият қонунлари, социологик қонун, тарихий қонун, юридик қонун.

### **Назорат учун саволлар**

1. Қонуннинг мазмуни ва функцияси.
2. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари.
3. Қадимги мутафаккирларнинг жамият қонунлари тўғрисидаги таълимотлари.
4. "Ижтимоий-тарихий қонун" тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.

## 5-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Ижтимоий билиш илмий билишнинг кўриниши сифатида. Ижтимоий билишнинг таркиби ва ўзига хос жиҳатлари.
2. Ижтимоий (гуманитар) ва табиий (илмий) билишнинг мутаносиблиги ҳамда фарқи.
3. Ижтимоий билиш даражалари. Эмпирик ва назарий билиш.
4. Ижтимоий башорат ижтимоий билим шакли сифатида.

**Ижтимоий билиш** жамият, ижтимоий–маданий жараёнлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тизимлар, хоссалар ва қонуниятлар ҳақидаги тасаввурлар, ғоялар ва таълимотларни ишлаб чиқариш жабҳаси ва мажмуасидир. Уз навбатида, ижтимоий билиш қундалик ҳаёт тажрибасини одамлар онгида умумлаштириш, мафкуравий тизимлар яратиш, ижтимоий-гуманитар тадқиқотлар ўтказиш жараёнида шаклланади.

Одатда, “ижтимоий билиш” тушунчаси икки маънода қўлланилади: биринчидан, жамият томонидан бизни ўраб турган оламни билиш, иккинчидан, жамиятни билиш. Биз иккинчи маънодаги ижтимоий билиш ҳақида фикр юритамиз.

Аввало, эътиборни ижтимоий борлиқни билиш билан бошқа объектларни билиш ўртасидаги муҳим тафовутларга қаратиш мақсадга мувофиқ.

1. Ижтимоий билиш илмий билишнинг мураккаб шаклларида бири бўлиб, ижтимоий ривожланишнинг энг юқори шаклини экс эттиради. Ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг асосий моҳияти шундаки, ноорганик ва органик табиатни тадқиқ этиш жараёнида улар ўртасидаги ўзаро муносабат қонунлари аниқланади.

2. Ижтимоий билиш жамият ҳаётининг моддий (иқтисодий) томони билан идеал ва маънавий томонларини узвий боғлиқликда ўрганишни тақозо этади. Бу муносабатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, табиатдаги алоқаларга нисбатан мураккаб, кўп тармоқли ва ички қарама-қаршилиқларга эга.

3. Жамиятни билиш ҳам объектив, ҳам субъектив характерга эга: яъни кишилар ўз тарихини ўзлари яратадилар ва уларни ўрганадилар.

Объект ва субъектнинг бундай ўхшашлигидан келиб чиқиб, уларни бир хилда баҳолаб бўлмайди. Бир томондан, бу ижтимоий аҳамиятга эга. Жамиятда бўлиб турадиган воқеалар уни ўрганаётган субъектга тааллуқли, тааллуқли бўлмаганлиги бу жараёнлар моҳиятини чуқурроқ ҳамда тўғри билишга ёрдам беради. Иккинчи томондан, субъектив билиш жараёни турлича бўлади: баъзан субъектнинг иродаси, қизиқишлари, мақсадлари объектга ниҳоятда қарама-қарши бўлади. Натижада тарихий жараёнлар ва уларни билишга субъективизм элементлари намоён бўлади. Шу ўринда қуйидаги машҳур ҳикматни эслайлик: агар Пифагор теоремалари инсонларнинг муҳим шахсий манфаатларига зид бўлганида, улар бу теоремаларни рад қилган бўлар эди.

Ижтимоий билишда кескин бир ёқламалиқдан қочиш ниҳоятда, зарур. Бу, айниқса, табиий-илмий ёндашувни, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишга тўла татбиқ этишда намоён бўлади (Т. Парсонснинг «ҳаракат» концепцияси, Я. Моренонинг социометриялари ва бошқалар). Психологиядаги бундай йўналиш кўп жиҳатдан физика, кимё, биология, кибернетика фанларининг ютуқлари билан боғлиқ.

Ижтимоий билишдаги бир ёқламалиқлардан яна бири, табиётшуносликнинг билиш методларини жамиятшуносликда ҳам қўллаш мумкинлигини рад этишдир. Албатта, конкрет методлар бир-бирдан ҳақиқатан ҳам фарқ қилади: масалан, тарихий тадқиқот методи ўз ичига: тарихий фактларни қайд қилиш ва локализация қилиш, шахснинг идентификация қилиш методикаси сингари компонентларни олади. Лекин конкрет методларнинг ўзига хослигини мутлақлаштириш хато: хусусий методларда бир-бирини тўлдириш ҳоллари учрайди. Биология ўзига хос методлар билан социология, психология методларидан, ижтимоий антропология, биология методларидан фойдаланади, ниҳоят ҳамма табиий ва ижтимоий фанлар қандай тадқиқот олиб боришидан қатъи назар, ягона фалсафий методга таянади.

Ижтимоий билишнинг объективлиги масаласида файласуфлар ўртасида баҳслар давом эттирмоқда. Маълумки, ижтимоий билишнинг шаклланишига билиш соҳибининг ижтимоий мавқеи, уни ижтимоий ҳодисаларга бўлган муносабати, мафкура таъсир кўрсатади. Жамият табиат эмас. Жамият одамлар фаолиятининг жараёни ва натижасидир. Жамиятдаги анъаналар, мафкуралар, маданий – маънавий омиллар жамият ҳақидаги билимларимизга таъсир кўрсатиб, муайян хулосалар чиқаришни тақозо этади. Шу боис немис социологи К.Мангейм ижтимоий билишда объектив, илмий ҳақиқат бўлмайди, деган фикрга келади. Унинг юртдоши О.Больнов объектив ҳақиқат у ёқда турсин, ҳатто гуманитар фанларда кўпчилик томонидан олинган натижаларга эришиш мумкинлигини ҳам инкор қилади.

Ижтимоий билиш жамият, инсоннинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги турли ғоялар, тушунчалар, қарашлар мажмуасини билдиради. Бундай ижтимоий билиш қадим замонлардан бери мавжуд. Шу маънода, ижтимоий билиш турли фалсафий ва диний таълимотлар таркибида бўлган дейиш ҳам мумкин. Масалан, “Веда”, “Упанишада”, «Авесто» каби асарларда ижтимоий муносабатлар хусусида қарашлар, таълимотлар ифодаланган.

Ижтимоий билишнинг объекти жамият, ижтимоий муносабатлар тизимидир. Ўз навбатида, унинг бир томони табиат билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам табиат ва жамият туташган чегарани ўрганадиган ижтимоий билиш йўналиши ҳам мавжуд бўлиб, у ижтимоий экология деб аталади. Бу фан жамият ва табиат ўртасидаги алоқадорлик ва таъсирни, мавжуд ижтимоий муносабатларни табиатга кўрсатган таъсирини характери ва оқибатини тадқиқ қилади.

Жамиятни, ижтимоий реалликни англашга қаратилган ижтимоий билиш турли даражалар, соҳалар ва мақомларда мавжуд бўлиши мумкин. Назарий даража ва салоҳиятни кўзда тутсак, ижтимоий билишнинг қуйи даражаси ва шакли оммавий онга ўрин олган. Бу кишиларнинг жамият, давлат, ижтимоий жараёнлар ҳақидаги билимларидир. Бундай билимларда тартибланишмаган, таҳлилдан ўтказилмаган, стихияли жиҳатлар кўп бўлади.

Ижтимоий билишнинг мураккаброқ кўриниши мафкурада ифодаланади. Унда ижтимоий билиш маълум мақсад ва манфаатлар негизда тизимга солинади, ижтимоий фаолият ва ислоҳотларни назарий-амалий асоси ролини ўйнайди. Бу ўринда миллий истиқлол мафкураси кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий билишнинг юқори назарий шакли ижтимоий фанлардир. Фан жабҳасида ижтимоий билиш жамиятнинг структураси, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий институтларининг амал қилиши, ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ҳақида аниқ билимларга эга бўлаемиз. Бу билимлар чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўтказиш, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларни башорат қилиш учун зарур.

Тадқиқотнинг объекти ва предметиға қараб, ижтимоий билишнинг турли типларини (жабҳаларини) фарқлаш мумкин: биринчиси - ижтимоий-табиий билимлар, иккинчиси - ижтимоий-гуманитар билиш.

Ижтимоий – табиий билимлар. Булар янги типдаги билимлар бўлиб, жамият–табиат тизими доирасида амал қиладиган жараёнлар, хоссалар ва қонуниятлар ҳақидаги тушунчалар, ғоя ва қарашлардан иборат.

Ижтимоий – табиий билимлар табиий жараёнлар ва хоссалар ижтимоий ҳаётнинг асоси ва омили эканлигини аниқлайди, жонсиз ва жонли табиатда мавжуд бўлган қонуниятлар, хоссалар, структура ва функциялар инсон ҳаёти, жамият тараққиётиға қандай таъсир қилишлари инъикос этилади.

Ҳозирги пайтда космик ва экологик омилларни инсоният тараққиётиға катта таъсир кўрсатиши боис ижтимоий-табиий билимларнинг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Ижтимоий – фалсафий билишда жамиятнинг моҳияти, тараққиёт қонунлари олам, борлиқ, инсон, ҳаёт маъноси, қадриятлар муаммолари билан боғланган ҳолда тавсифланади.

Ижтимоий – гуманитар билиш. Бу йўналиш инсон ва жамият ўртасидаги алоқадорлик ҳамда муносабатларни ўрганиш доирасида шаклланган. Бунга ижтимоий психология, педагогика, тилшунослик кабилар кириди. Шундай қилиб, ижтимоий билиш доимо юксалаётган, мураккаблашаётган фанлар дифференциацияси ва интеграцияси жараёнларидан таъсирланаётган жабҳа бўлиб, у табиий, фалсафа ва инсоншунослик билан узвий алоқа боғлаган ҳолда ривожланиб бормоқда.

Ижтимоий билишда структура, авваломбор, эмпирик ва назарий билимлар даражасида намоён бўлади. Назарий даражада ижтимоий ҳодисаларнинг моҳияти, қонуниятлари ўрганилади. Эмпирик даражада ижтимоий тизим ва ҳодисаларнинг ташқи томонлари тасвирланади, хусусиятлари қайд қилинади. Бу даражада зарур фактологик билимлар (маълумотлар) олинади. Олинган маълумотлар ва билимларни умумлаштириш назарий даражада содир бўлади. Инсон ўрганаётган объектнинг доимий ва у бўйсунадиган қонуниятларини очиб олгач, уларнинг хусусиятларини тушунтиришга, билимларни мантиқ нуқтаи назаридан асослашга киришади, билимларни бир бутун, яхлит тизимға айлантиради. Бунда предмет ҳақида ҳосил қилинган чуқур билим, унинг тизими назарияға айланади.

Эмпирик билиш даражасида инсон, тадқиқотчи билиш объекти билан бевосита алоқада бўлади, шу боис, бирламчи фактларни, фактлар тафсилоти бўлган маълумотларни йиғади. Масалан, тарихий билишда ҳужжатлар ва архивларни таҳлил қилиш, уларни қайд қилиш жараёнида эмпирик (конкрет-ҳиссий) тафсилот, бирламчи ахборот пайдо бўлади.

Назарий билимларнинг юқори кўрсаткичлари, мавҳумлаштиришнинг юқори босқичларға кўтариши эмпирик билимларнинг муҳим ва зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Шу ҳолат жамиятни ўрганишға ҳам тааллуқли.

Кузатиш ижтимоий билишнинг эмпирик босқичидаги биринчи ва зарурий жараён ҳисобланади. Бу аслида ҳар қандай илмий билишнинг муҳим шарти. Ҳар бир илмий кузатиш ноилмий кузатишдан қўйилган муаммо ва вазифаларни ҳал этиш билан фарқланади.

Ижтимоий фалсафа кузатишнинг ўзига хос томонларидан бири - четдан кузатиш усулидир. Бу усул табиий фанларда ҳам қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятшуносликда жонли объектларни билиш, ўрганиш ҳақида сўз боради. Масалан, юлдузларни кузатишни олиб қарасак, улар кузатувчиларнинг мақсадларига эришмоғи учун ҳалал бермайди, чунки юлдузлар асрлар мобайнида ўзгармас бўлиб келган. Бироқ жамиятда бундай эмас, у муттасил ўзгариб туради. Одатда, ўрганилаётган объект тадқиқотчига қаршилик кўрсатади, бу эса кузатишнинг бошиданок бирор натижа олишға халақит беради ёки кузатишнинг ўрталарига келганда тадқиқот бузилиши ёки қутилмаганлиги туфайли олинган натижаларнинг таҳлили ўзгариб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам социологияда, тарихда, ижтимоий психологияда «биргалиқда кузатиш» (ички кузатиш) усулининг афзалликлари алоҳида қайд этилади. Фаол ва пассив кузатиш усуллари мавжуд. Биринчи усулда кузатувчи меҳнат жамоаси диний жамоаға, ишчилар гуруҳиға ва ҳоказоларға асло сездирмаган ҳолда қўшилиб олади. Бундай қўшилиш яхши натижалар беради, чунки ўрганилаётган объект ўзини тадқиқотчидан олиб қочмайди, кузатувчига қаршилик кўрсатмайди. Пассив биргалиқдаги кузатишда субъект ва объект ўртасида бир-бирини яхши тушуниш талаб этилади. Бунинг учун тадқиқотчи томонидан ҳеч қандай зарар етмаслигини тушунтириш талаб этилади.

Тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган ижтимоий ҳаётнинг параметрлари ва индикаторларини ўлчашға қурби етмаганлиги учун статистик маълумотларға мурожаат қилишға мажбур бўлади. Бу тадқиқотчидан жуда катта эҳтиёткорликни талаб этади. Статистика тўғрисида шундай афоризм мавжуд: «Ёлғоннинг уч тури бор: оддий ёлғон, жирканч ёлғон ва статистика». Бу ерда гап статистика фани тўғрисида эмас, балки айрим мамлакатлар сиёсий доираларининг манфаатлари билан боғлиқ статистика тўғрисида айтилган.

Билиш кузатишдан, фактларни қайд қилишдан бошланади. Фактлар билишни тагкурсисидир, «илмнинг нафас олиш ҳавосидир». Шу билан бирга, инсон «тоза», «мутлақ», «соф» факт билан иш кўрмайди. Фактни излаш, қайд қилиш, баҳо бериш, хулоса чиқариш ғоя, назарий тасаввурлар, умумий хулосалар асосида йўналтирилган бўлади. Демак, билиш факти назарий ғоя билан суғорилган бўлади.

Ижтимоий билишнинг салоҳияти фактларнинг ҳақиқий маъносига кириб бориш, якка ва айрим ҳодисанинг орқасидаги умумийликни англаши билан белгиланади. Инсон фактларни маълум тасаввур, ғоя ёки таълимот нуқтаи назаридан туриб, тафсилотини беради. Шундай бўлсада, фактлар ижтимоий билиш, умуман, илмий билишнинг фундаментини ташкил қилади.

Фактларни изоҳлаш ва тушунтириш жараёнида гипотеза ёки дастлабки ғоя тасдиқланади, назария туғилади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин. Янги фактларни мавжуд назария асосида тушунтириб бериш имконияти бўлмаслиги мумкин. Бунда мавжуд назария ўз ўрнини янги назарияға бўшатиб беради.

Ижтимоий билишнинг илмий шакли назарий билиш эса илмий услубларға таянади. Демак, билишнинг

яна бир структуравий даражаси ёки унсурини усул ташкил қилади. Усул билиш, баҳолаш, хулоса чиқариш учун зарур асос ва восита ролини ўйнайди. Ижтимоий билишда факт, усул ва назарияни боғлайдиган механизм ижодиёт, ижодий тафаккурдир.

Ижтимоий билишнинг фалсафий масалаларидан бири шундай бир саволда ифодаланади: ижтимоий ҳодисаларни билишда ҳаммининг ишончини қозонадиган ёки, бошқача қилиб айтганда, объектив ҳақиқатнинг бўлиши мумкин-ми? Ижтимоий билишда объектни инъикос қилиш ва унга баҳо бериш бирлашадими? Ижтимоий билиш соҳиби фактларни, кузатиш жараёнида олган маълумотларни шундайгина қайд қилмайди, балки уларни маълум ғоя ёки тасаввур нуқтаи назаридан туриб таҳлил қилади, умумлаштиради, факт ёки ҳодисага баҳо беради.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бирор нарса ҳақидаги билимни ҳақиқат (яъни билимда ҳақиқат бор) деб белгилаш учун билимга эга бўлиш керак. Билимнинг ҳақиқатлилигини текшириш унинг объектга мувофиқлигини аниқлаш демакдир. Шунини аниқлаш учун билим керакми, йўқми? Демак, ҳақиқатни аниқлаш учун ҳақиқат мезони бўлиш зарур. Ҳақиқат мезони бирон-бир ғоя, таълимот, қарашнинг чинлиги ёки ёлғонлигини аниқлаш, текшириш воситасидир. Ҳақиқат мезонлари қаторига файласуфлар мантиқий исботланганлик, объективлик ва амалиётни (практикани) киритдилар.

Ижтимоий билиш жараёнида ҳақиқат ва унинг мезонларини аниқлашда **ижтимоий эксперимент** ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу маънода, ижтимоий экспериментнинг қуйидаги хусусиятлари алоҳида қайд этилади:

1. Ижтимоий эксперимент ўзининг аниқ натижаларига эга. Физика, химия, биология фанларидаги экспериментлар турли даврларда турли мамлакатларда такрорланиши мумкин, чунки табиатнинг ривожланиш қонуниятлари, ишлаб чиқариш муносабатлари шаклига ҳам, типига ҳам, миллий ва тарихий ўзига хосликка ҳам боғлиқ эмас.

Ижтимоий экспериментлар иқтисодни қайта қуришга, миллий давлат тизими, таълим ва тарбия тизимига қаратилган бўлиб, улар турли тарихий даврларда турлича бўлиб қолмай, балки бутунлай қарама-қарши натижаларни бериши мумкин.

2. Ижтимоий эксперимент объекти барча социумлар таъсиридан ва экспериментдан ташқаридаги объектлардан озроқ миқдорда ҳимояланади. Бу ўринда ишончли ҳимояловчи асбоблар бўлган вакуум насослари, ҳимоя экранларини қўллаш яхши натижалар бермаслиги мумкин. Булар жисмоний экспериментларда қўлланилади. Бундан келиб чиқадиги, ижтимоий эксперимент, фан тили билан айтганда, соф шароитсизликка учраши шундай ҳолатларга боғлиқ. Масалан Ш. Фурье ва унинг тарафдорлари томонидан олиб борилган тадқиқотларни кўрсак, бу ўзига хос идеал ва гармоник жамиятни барпо этиш эди. Р. Оуэн тадқиқотидаги кооперативлар барпо этиш, Англия ва Америка коммуналарини ташкил этиш ва ҳоказо тадқиқот натижалари умуман ўйлаб кўрилмаган.

Ижтимоий экспериментда техника хавфсизлигини таъминлашга жуда катта талаблар қўйилади. Ҳозирги вақтда ижтимоий экспериментлар ва илмий экспериментлар ўртасидаги чегара камая бошлади, лекин у ҳали сақланмоқда. Ҳозир гап ҳар кун, ҳар соатда одамларга таъсир қиладиган, уларнинг жисмоний ва психологик соғлиқларига таъсир қиладиган экспериментлар ҳақида кетмоқда. Эксперимент вақтида озгина нарсанинг ҳам тўғри ташкил қилинмаслиги одамларга ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай эксперимент ташкилотчиларининг фаолиятини оқлаб бўлмайди. Эксперимент бошланмасдан олдин инсонпарварлик ғояси унинг дастурига киритилиши шарт.

3. Ижтимоий эксперимент лойиҳавий билимлар олиш учун ўтказилади. Бу эксперимент икки вазифани ўз ичига олади: ўрганувчи ва амалий. Айтилиши, академик И. П. Павлов ва унинг шогирдлари итлар ҳамда маймунларда ўтказган тажрибаларида олиб асаб фаолиятидаги физиологик ўзгаришларни билиш орқали илмий назарияни яратилган эди. Шунга қарамай, экспериментлар амалий мақсадда ҳам ишлатилиши мумкин.

Инсонлар устида тажриба ўтказиш қанчалик истиқболга эга бўлишига қарамай ғайринисонийдир. Ижтимоий экспериментнинг асосий вазифаси жамоа фаолиятини фаоллаштиришдир. У ҳолда экспериментнинг назарий аҳамияти нимада? Биринчидан, ижтимоий эксперимент катта назарий далилга эга бўлиши керак. Агар далил бўлмаса, ижтимоий эксперимент илмий бўлмайди. Иккинчидан, унинг натижалари, албатта бошқа фанлар ва унга яқин бўлган фанлар (тиббийёт ва архитектура) билан ҳисобга олиниши керак, лекин бунда назарияни тасдиқлаш, ундан ўзиб кетиш экспериментнинг мақсадига айланмайди.

Билиш жараёнида **ижтимоий башорат** масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, инсон аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти орқали тарих зарварақларини яратади. У ҳар доим келажакни билишга интилади. Уни мамлакатнинг тақдири қизиқтириши ёки қизиқтирмаслиги мумкин. Бироқ информацион-компьютер даврига келиб, унинг қандай бўлиши деярли барчани қизиқтирмоқда. Шу билан бирга, инсоният ҳаёти хавф остида қолганлиги ҳеч кимни ўйлантирмайди. Бундай қизиқиш футурологик портлашга олиб келади. Файласуфлар, социологлар, иқтисодчилар, тарихчилар келажакни кенг миқёсда ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар бугуннинг 2000 йил муаммоларидан тортиб то кейинги миллион йил ичида инсониятнинг ҳаёт ёки ҳаёт бўлмаслиги масалаларигача ўрганмоқдалар.

Башоратнинг моҳиятини кўпроқ XX асрнинг буюк физиологларидан бири П. К. Анохин очган. У башоратни ҳаққониятнинг вақтдан илгари акс этиши сифатида таърифлаган. П.К.Анохиннинг назариясида «вақтдан илгари инъикос этиш» ҳақида гап боради. Бу кўзғалиш барча биологик оламга, ҳайвонларгагина эмас, балки ўсимликларга ҳам хосдир. Тирик организм олдиндан кўра билиш қобилиятига эга. Инсон башорат қилиш жараёнида йўқ объектга, кузатиш мумкин бўлмаган объектга, ҳаттоки, ҳаёти давомида учрамаган объектларга ҳам дуч келади. Шундай қилиб, ижтимоий башоратнинг моҳиятини тушунтириш анча қийин.

Ҳозирги пайтда башоратга ижтимоий амалиёт мобайнида ривожланган инсон онгига хос хусусият сифатида қаралмоқда. Бошқача айтсак, олдиндан кўра билиш индивидуал башоратда эмперик малакага асосланганлигига қарамадан инсон фактологик маълумотлардан озод бўла олмайди. Бу жамиятнинг инсон онгига таъсирдир.

Ижтимоий башоратнинг табиати илмий башоратнинг тузилишида яққол кўринади. Илмий башорат

ҳеч қандай мистикага асосланмайди. Бизни қизиқтираётган ҳодиса, жараён ва тенденцияларнинг кейинги ривожланиши ҳали ўрганилмаган, лекин аниқ билимларга таянади. Шу ўринда илмий башоратнинг каромат қилишдан принципиал фарқларини айтиб ўтиш жоиз. Олдиндан айтиб бериш реал борлиққа таянади.

Илмий башорат келажакни мутлақ ва тўлиқ билишга даъво қилмайди. Келажакни айтиб бериш ва утопия (хом хаёлликлар)нинг хатолигини илмий далиллар ва мулоҳазалар билан исботлаб бўлмайди, чунки у бир-бирига боғлиқ. Башоратларни эса илмий-назарий мулоҳазалар ёрдамида текшириб кўриш мумкин. Бу эса уларнинг тўғрилигини исботлаши ёки исботламаслиги мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, илмий башорат билимларнинг эҳтимоллигидир. Унинг тўғрилик даражаси келажакни олдиндан айтиб беришнинг қандайлигига боғлиқ, яқин келажакни олдиндан айтиб бериш (биздан 20-30 йил кейинги давр), образи, (кейинги 100 йилликдан кейинги даврлар). Бу билимларнинг қайси даражада йўналганлигига қараб, ишончли асос топиш осон. 1-ҳолатда ишончли башоратлар бўлиши мумкин. 2-ҳолатда билимлар ҳақиқатдан устун келади. Улар мавжуд бўлмаган индукцияга асосланган. 3-ҳолатда биз жуда катта фаразларга (гипотезаларга) дуч келамиз. Иккинчидан, олдиндан кўра билиш даражаси билимларга қай даражада таянганлиги билан боғлиқ. Учинчидан, олдиндан кўра билиш ишончилилик даражасига прогноз қилинаётган жамият ҳолатини ва унинг алоҳида компонентлари мураккаблигини ҳисобга олиш билан боғлиқ.

**Ижтимоий интеллект.** Интеллект (лот. интеллектус – билиш, тушуниш, фаросат) ижтимоий-субъектларни билиш ва тафаккурини ифодаладиган тушунча. Ижтимоий интеллект аввалги фалсафий ва назарий тафаккурда бир неча атамаларда ифодаланган: ноосфера, Поппернинг «учинчи олами», «ижтимоий онг» ва бошқалар. Жамиятдаги ўзгаришлар ва янгилианишлар аввало ижтимоий ақл доирасида белгиланади, дастурга айланади, ижод этилади.

Ижтимоий интеллектнинг фаоллиги ва ижодкорлиги ижтимоий тузум ҳамда вазиятга боғлиқ. Анъанавий жамиятларда ижтимоий интеллектни фаоллиги ва ижодкорлиги юқори даражада бўлмайди. Индустиал жамият **индивидуал ва ижтимоий интеллектни** ишлаб чиқарувчи кучга айлантиради.

**Индивидуал интеллект** ижод этади, яратади, ижтимоий интеллект яратилган маънавий қадриятни кўпайтиради, тарқатади, ишлаб чиқаради ва ҳаётга татбиқ этади, ижтимоий бошқариш ва назорат қилиш ишларини амалга оширади. Буларни интеллектнинг ўзи қилмайди, балки интеллектга эга бўлган инсон ва гуруҳлар амалга оширади. Ижтимоий интеллект аслида ижтимоий субъектнинг ҳислатидир.

Интеллектлар мажмуаси маълум ижтимоий табақалардан ҳосил бўлади: олимлар, ижодкорлар, муҳандислар, бошқарувчилар ва ҳоказолар. Булар ноосферанинг ижодкор қатламини ташкил қилади (когнитивотин билиш). Ижтимоий интеллектнинг ифода қилиш учун сўнги вақтларда «ижтимоий когнитивология» тушунчасидан кенг фойдаланилмоқда.

**Ижтимоий тушуниш.** Мазкур фаолиятда «қонунлар – анъаналар» муҳим роль ўйнайди, улар бир – бирига нисбатан кўпинча қарама- қарши. Бу қонунлар тўпламлари кўплаб турли – туман ноаниқликларни юзага келтиради. Худди шунинг учун ҳам уларни таҳлил қилишдан қандайдир бир қийматли ҳулосалар (тушунтиришлар ва башоратлар) кутиш қийин. Ҳолбуки, табиий ва техникавий фанлар соҳаларида буни кутиш мумкин бўлар эди.

Ижтимоий тушунтиришда гуруҳий психологияга ҳам, индивидуал психологияга ҳам тегишли бўлган психологик маълумотларга таянмоқ муҳим аҳамиятга эга, чунки М.Блокнинг таъкидлашича, ҳатто «Ижтимоий бир жинслилик ҳам унчалик мутлоқ кучли эмас, чунки ундан баъзи индивидуумлар ёки кичик гуруҳлар четга чиқишлари мумкин». Бундан ташқари, агар бордию, биз бирор одамнинг ҳаракатлари ғайриодатий эканини кўрсата олганимизда ҳам, бу унинг маъносизлигини кўрсатдик, дегани эмас.

Ижтимоий тушунтиришда, одатда, бирор ижтимоий ҳодисанинг келиб чиқиши (манбалари), пайдо бўлиш шароит ва генезиси билан боғлиқ генетик компонент мавжуд бўлади. Бу ўринда бир хавф мавжуд – келиб чиқиш манбаларини тушунтиришни ҳодисанинг ўзини тушунтириш деб қабул қилиш. Масалан, чала билимли этимологларда шундай хатолар учраб туради: улар сўзнинг замонавий маъносини талқин қилар эканлар сўзнинг ўзлари билган энг қадимий маъноларидан бирини аниқлаб, «ҳамма нарсани» тушунтирдик деб ўйлайдилар, ҳолбуки, масаланинг моҳияти қандай қилиб «маъно ўзгариши» содир бўлганини аниқлашди.

Ижтимоий билиш жараёнида **планетар онг**нинг зарурлиги ҳам баъзи адабиётларда алоҳида қайд этилмоқда. Чунки, планеталараро онгнинг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Дарҳақиқат, миллий муаммолар миллий ўзликни англашда ўз аксини топганидек, XXI асрнинг глобал муаммолар системаси умумпланетавий ўз-ўзини англашда ифодасини топади.

Планетар онгнинг муҳим сифатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, умуминсоний қадриятлар хусусий (регионал, миллий, синфий) қадриятлардан устун бўлиб, планетар онгда доминантлик қилади. Мана шу доминантликка лоқайдлик планетар онг маъносининг йўқолишига олиб келади. Планетар онг яратилган тақдирда ҳам дунёвий ҳамкорлик турли-туманлигича ва қарама-қаршилигича қолаверади.

Ривожланган давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий зиддиятлар сақланиб қолади: ўткир ва хавфли низолар (конфликтлар)ни келтириб чиқаради. Шимол ва Жанубнинг қарама-қаршилиги синфлар ўртасидаги, этник гуруҳлар ўртасидаги танглик кўп мамлакат ва минтақаларда ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Планетар онгнинг вазифаси юқорида тилга олинган муаммоларни кейинга суриб, глобал муаммоларни ҳал этишда барча мамлакат ва халқларнинг изчил ҳамкорлигини таъминлашдан иборат. «Бутун дунё ҳалок бўлсин, лекин ҳақиқат тантана қилсин» деган тамойил ҳар қандай инсонпарварлик мазмунидан маҳрум эди, лекин бугун ҳалокат ёқасида турган дунёда бу тамойилга амал қилиш жиноятга айланмоқда. Дастлаб дунёни ҳозирги кунда қандай бўлса шундайлигича сақлаб қолиш керак. Худди мана шу буюк вазифа планетар онгни юзага келтирди. «Планетавий онг» тушунчасини аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, кўпчиликка тааллуқли онг эканлиги назарда тутилади, у фақатгина профессионал сиёсатчиларгагина тааллуқли эмас.

Иккинчидан, планетар онг айрим халқлар ва мамлакатларнинг ижтимоий онгини, шунингдек, индивидуал онгини тузатишга олиб келади. Ўзини жаҳон фуқароси сифатида ҳис этиш ҳозирги пайтда сиёсий маданиятнинг узвий элементига айланди. Бу ҳолат индивидуализм ва коллективизм муносабатларини ижтимоий маданият қадриятлари сифатида ривожланишига туртки берди. Асрлар мобайнида ҳукмрон бўлиб

келган мамлакатлар ва халқларнинг индивидуализми планетавий коллективизм томон кўпроқ силжимоқда. Дунёни қутқариш учун бундан бошқача йўлнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Планетавий бирдамлик онг фактидан умуминсоний амалиётга айланиши керак. Дарвоқе, бу ҳақда бутун жаҳон файласуфларининг XIX конгрессида айтиб ўтилган эди (Москва, 1993 йил). Бугунги кунда ривожланган ғарб мамлакатларида коллективизм фойдасига сезиларли силжишлар кузатилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бундай силжишларнинг халқаро ва ички вариантлари бир йўналишга эга.

Учинчидан, планетар онг табиий, техникавий, гуманитар, фалсафий фанларнинг янги ютуқларини четлаб ўтиш орқали глобал муаммоларни «соғлом фикрлаш» ёрдамида ҳал қила олмайди. Планетавий онг синергетиканинг муҳим хулосаларини ўз ичига олади. Уларнинг айримларига тўхталамиз:

а) мураккаб тузилган тизим (худди шундай «жамият - табиат» тизими уларнинг ривожланиш йўллари тўсиб қўймаслиги керак, балки уларни тушуниш, уларнинг ўз йўллари топиш зарур);

б) мураккаб тизимлар учун ривожланишнинг бир неча муқобил йўллари мавжуд, уларни ўрганган ҳолда апокалистик вариантларни рад қилиш керак, илмий-техникавий ривожланиш ютуқларидан фойдаланган ҳолда кейинги ривожланишнинг шундай вариантини топиш керакки, у инсонларни қониқтириш ва табиатнинг емирилишига йўл қўймаслиги керак;

в) мураккаб тизимни ва бошқарувни ишончли текшириш учун куч муҳим эмас.

Хуллас, биринчидан, ижтимоий билиш жамиятнинг илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ундаги воқеа, жараён ва ҳодисаларни илмийлик ва мантиқийлик асосида ўрганиш, назарий ва амалий тадқиқот ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, инсонда мазкур мураккаб тизим тўғрисида мустақил билим ва кўникмага эга бўлиш тўғрисида шакллантиришга ёрдам беради. Иккинчидан, ижтимоий билишга муқаррар равишда сиёсий мафкура, қадриятлар, ижтимоий-сиёсий идеаллар ўз таъсирини кўрсатади. Шу боисдан ҳам ижтимоий ва табиий-илмий билишни бир-бири билан тенглаштириш ярамайди. Учинчидан, ижтимоий билиш орқали инсон доимо ўзининг табиат дунёсига, бошқа одамлар дунёсига, ўз тарихи ва маданиятига муносабатини, ўзининг ўзига муносабатини билишга интилади, ўз ҳаётининг идеаллари, қадриятлари ва нормаларини аниқлаб олади. Тўртинчидан, демократик жамият қуриш ва баркамол авлодни тарбиялашда ижтимоий фалсафанинг ўрни, аҳамияти, бу жараённинг самарасини оширишга имкон берадиган усул ҳамда воситалар ҳам ижтимоий билишнинг ҳолати, ютуқлари, истиқболлари бўйича қўлга киритилган илмий ютуқлар билан белгиланади. Зеро, ижтимоий билиш ва мулоқотнинг кўплаб сирлари инсон фаолиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

### ***Таянч тушунчалар***

Билиш, илмий билиш, ижтимоий билиш, ижтимоий ҳақиқат, ижтимоий билишнинг эмпирик босқичи, ижтимоий билишнинг назарий босқичи, ижтимоий билиш методлари: кузатиш, статистика, ижтимоий эксперимент, ҳужжатлар билан ишлаш, тарихийлик ва мантиқийлик, моделлаштириш, тарихий аналогия.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ижтимоий билиш деганда нимани тушунаси?
2. Ижтимоий билишдан қандай мақсадлар кўзда тутилади?
3. Ижтимоий билиш табиатни билишдан қандай хусусиятлари билан фарқланади?
4. Ижтимоий билишнинг босқичлари деганда нима назарда тутилади?
5. Ижтимоий билишнинг таркибига нималар киради?
6. Ижтимоий билишнинг эмпирик босқичида қандай методлардан фойдаланилади?
7. Ижтимоий билишнинг назарий босқичида қўлланиладиган усулларни сананг ва изоҳланг.
8. Ижтимоий башЎфат нима?

## 6- мавзу. Ижтимоий онг ва унинг намоён бўлиш шакллари

1. Ижтимоий онг - жамият маънавий ҳаётининг таркибий қисми.
2. "Кундалик онг" тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.
3. Ҳуқуқий онгнинг намоён бўлиш шакллари.

Ижтимоий онг ва унинг намоён бўлиш шакллари ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий онгга мансуб хусусиятлар унинг шакллари орқали намоён бўлади. Масалан, кундалик ёки одатдаги онг, асосан, ташқи алоқалар ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига бўлган муносабатларни акс эттиради, уларни умумлаштиради. Аммо кундалик онг нарсалар ва ҳодисалар моҳиятига чуқур кира олмайди. Одатдаги онг хато фикрларга эга бўлиши мумкин. Бу урф-одат, анъана, ақида кабиларни ўз ичига олади. Кундалик онг ҳар бир шахснинг ишлаб чиқариш, турмуш, сиёсат ва бошқа соҳалардаги одатдаги фаолияти билан бевосита боғланган.

Кундалик онг кишиларнинг кундалик ҳаётини эҳтиёжларини англаб етиши асосида вужудга келади.

Назарий онг нарса ва ҳодисалар моҳиятини тушунишда муҳим ўрин эгаллайди. Назарий онг ғоялар системаси, тушунчалар, қонунлар ва бошқа тарздаги маънавият кўринишларини ифодалайди.

Ғоялар ўз моҳияти билан назарий шаклда пайдо бўлади. Улар жамият тараққиётини белгилайди, ривожланишга туртки беради. Ҳар бир назария ва ғоя ўз вазифасини ўтаб бўлгандан сўнг оммавий онгга айланади.

Ижтимоий онгни кишилар ҳаётида тутган ўрнига қараб, икки қисмга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий психология (руҳият).
2. Мафкура (идеология).

Ижтимоий психология кишиларнинг меҳнат ва кундалик турмуш фаолиятида стихияли равишда вужудга келади, уни системалаштириш ва назарий жиҳатдан асослаш қийин. У қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Кишиларнинг барқарор психик ҳолатлари (ҳиссий кечинмалари, эмоция, кайфият, урф-одатлар).
2. Руҳий ҳодисалар: одат, удум, кўникма; турли кечинмалар.
3. Руҳий жараёнлар: тақлид қилиш, ишонтириш ва шунга ўхшаш хусусиятлар.
4. Сезги, идрок, фаҳм-фаросат, тасаввур, тафаккур, ғоя (сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий белгилар)

кабилар.

Юқорида қайд этилган хусусиятларнинг барчаси аста-секин ишонч, эътиқод, удум, кўникма, ижтимоий позицияни ифода эта бошлайди.

Ижтимоий психология -оммавий онг бўлиб, у бевосита моддий ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлиб: одат, кўникма шаклига киради.

Ижтимоий психология ибтидоий жамоа тузуми даврида уруғ ва қабила аъзолари томонидан гуруҳ онги сифатида стихияли равишда шаклланган. Бу моддий неъматлар ишлаб чиқариш учун хизмат қилган.

Шунингдек, ибтидоий жамоаларнинг барча соҳалари одат, удум, кенг ёйилган.

Жамиятнинг ривожланиши билан ижтимоий гуруҳлар (синфлар, элат, оила) ва ижтимоий уюшмалар шаклланди. Натижада уларнинг ўзига хос манфаатлари, психологияси, онги ҳам вужудга келди.

Ижтимоий психологиядан синф, элат, халқ, миллат, оила ва бошқа ижтимоий гуруҳлар психологияси ажралиб чиқди. Ижтимоий психология ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли.

Ижтимоий психологиянинг барқарор элементлари (ҳиссий, характери) ижтимоий структурани сақлаш ва уни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ижтимоий психологиянинг динамик элементлари (оммавий психик ҳолат, норозилик, кўникмаслик, руҳиятнинг ўзгариши) жамиятда туб ўзгариш қилишни талаб этади. Ижтимоий психология стихияли равишда халқ ичиде шаклланади, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўзига хос психологияга эга.

Ҳуқуқий онг давлат билан бирга пайдо бўлади. Ҳуқуқ хулқ-атвор нормаси сифатида давлат томонидан жорий этилади, муҳофаза қилинади ва қўллаб-қувватланади, халқ манфаатларини ҳимоя қилади.

Ҳуқуқий онг икки шаклда намоён бўлади:

а) ҳуқуқий онг ижтимоий психология шаклида кишиларга қонуний ва қонунсизлик, адолат ва адолатсизлик, шахс ва давлат ўртасидаги муносабатлар ҳақида тасаввур беради. Ҳуқуқий ҳодисаларга адолат ҳисси, жиноятга нисбатан чора кўриш зарурлиги, бурч ва жавобгарлик сингари ҳодисаларни кишилар ҳуқуқий онг даражасида баҳолаб, унга ўз муносабатини билдиради;

в) ҳуқуқий онг ҳуқуқий қарашларнинг маълум тизими: ҳуқуқ назарияси, таълимот, кодекс ва бошқаларни ифода этади.

Ҳуқуқий онг ижтимоий алоқалар тизимида қатор функцияларни бажаради:

а) билиш, маълумот бериш, маърифат тарқатиш функцияси ҳуқуқий онгнинг шахс, индивид томонидан ўзлаштирилиши ва бошқалар;

б) баҳолаш функцияси: субъект ўз манфаат, мақсади нуқтаи назаридан қатъи назар, маълум ҳуқуқий категорияларга асосланиб, баҳо беради. «Миннатдорчилик», «эзгулик», «яхшилик», «ёмонлик», «фойда», «зарар» ва бошқалар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлади;

в) бошқариш функцияси: ҳуқуқий онг кишиларнинг ҳуқуқий феъл-атвори, хатти-ҳаракатини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий муносабатлари, эҳтиёжларини ҳам белгилаб бошқаради.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг барча шакллари билан, айниқса, сиёсий ва ахлоқий онг билан узвий боғланган. Ахлоқий онг ҳуқуқий онгга нисбатан кенгроқ тушунча. Воқеа ва ҳодисаларни ахлоқий баҳолашда ҳуқуқий онг ҳам эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга, уларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Унда «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» (7- боб) ва «Сиёсий ҳуқуқлар» (8- боб) боблари мавжуд.

Бугунги кунда ижтимоий онг ривожу учун ҳозирги замон фани ва фалсафасининг инсон тўғрисидаги билим ва хулосаларини умумлаштириш, айниқса, муҳимдир. Бу борада миллий ғоя ва миллий мафкура ўзининг туб моҳияти билан бевосита инсонга, унинг ҳаётий мақсад, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

Жаҳон фалсафий тафаккури инсон моҳиятини билишда катта ютуқларга эришди, турли фалсафий оқим ва мактаблар вужудга келди. Бироқ, афсуски, узоқ йиллар давомида ҳукм суриб келган бирёқлама сиёсий мафкура инсон моҳиятини ғайриилмий талқин этди, жаҳон фалсафаси ютуқларини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, жаҳон фалсафасининг илғор ютуқларидан халқимизни баҳраманд этиш, инсон тўғрисидаги илғор ғояларни чуқур ўрганиш ҳаётий заруриятга айланди.

Ҳозирги замон фалсафасининг инсон тўғрисидаги муҳим хулосалари бутун инсониятнинг инсон моҳиятини билиш йўлида орттирган билимларига, илғор фалсафий қарашларига асосланади. Инсоният ўз тараққиётида янги тарихий даврга қадам қўйиши билан ўзлигини англаш ва оламни ўзгартиришда салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ҳар бир инсон фарзанди ўз ҳаёти давомида бутун инсониятнинг тарихий ўтмишини такрорлагани ва унга қандайдир янгилик қўшгани сингари, ўзгарган ҳар бир тарихий даврда инсон моҳиятини чуқурроқ билиш, инсоннинг ҳозиргача очилмаган сирли қирраларини кашф этишга бўлган объектив эҳтиёж вужудга келади.

Фалсафий муаммолар тизимида ижтимоий онг моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрнини билиш муҳим ўрин эгаллайди. Турли фалсафий таълимотларда бу масала турлича талқин этиб келинди. Шундай бўлиши табиий ва тўғри эди, чунки инсон моҳиятан ижтимоий-тарихий ва маданий мавжудот сифатида ҳар бир ўзгарган тарихий шароитда ўзлигини чуқурроқ англашга, инсоний моҳиятни рўёбга чиқаришга интилаверади. Суқротнинг «ўз-ўзингни англа» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янги аҳамият касб этади.

Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашган. Улуғ мутасаввуф Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг инсонни «кичик олам» деб тавсифлаши бежиз бўлмаган. Фалсафа баҳс юритадиган барча масалалар инсон ва унинг онга муаммоси билан бевосита боғлиқ. Табиат, маданият, сиёсат, цивилизация, билиш ва ҳоказолар инсоний моҳиятнинг турлича намоён бўлиш шакли; уларнинг барчаси инсон онги табиати ва моҳияти билан боғлиқ.

Жаҳон фалсафий тафаккури тарихида ижтимоий онг муаммоси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрни, инсон ҳаётининг маъноси сингари масалаларни ўрганиш билан шуғулланадиган фалсафанинг алоҳида бир соҳаси инсон фалсафаси ёки антропологик фалсафа номини олди.

Ҳозирги замон антропологик фалсафасининг ижтимоий онг тўғрисидаги таълимотини батафсил таҳлил қилишдан олдин фалсафий тафаккур тарихида чуқур из қолдирган улуғ мутафаккирларнинг бу масаланинг моҳияти ҳақидаги таълимот ва қарашларига қисқача тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Марказий Осиё халқларининг исломгача бўлган фалсафий қарашлари диний-мифологик таълимотлар билан уйғунлашган бўлиб, бизгача етиб келган диний-фалсафий ёдгорликларда, хусусан, «Авесто»да инсон онги ва унинг ҳаётининг маъноси ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган. Жумладан, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал инсон борлигининг туб асоси, маънавий баркамоллик инсон ҳаётининг бош мақсади сифатида улуғланади.

Қадимги Хитой мутафаккири Конфуцийнинг фалсафий қарашлари марказига инсон онги, унинг камолоти масаласининг қўйилиши бежиз бўлмаган. Унинг таълим беришича, ҳар бир инсон ўз ҳаётида дао қонунларига амал қилиши, илм орқалигина идеал инсон даражасига етиши мумкин. Ҳар бир инсон камолотга эришмоқ учун ахлоқий қоидаларга амал қилиши, ўзида одамийлик, инсонга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ҳиссини тарбиялаши керак. Конфуций томонидан ахлоқий онгнинг инсон борлигининг туб асоси сифатида таърифланиши муҳим аҳамиятга эга эди.

Яқин Шарқда, кейинчалик Марказий Осиёда кенг ёйилган тасаввуф фалсафасида инсон илоҳий мавжудот сифатида тавсифланди. Умуман Шарқ фалсафаси олам ва инсонни худо яратганлигини эътироф этгани ҳолда инсон ва табиатга бир-бири билан узвий боғлиқликда қаради, инсон онги ва камолотининг мезонини табиат ва жамиятга оқилона муносабатда кўрди.

Шарқ мутафаккирлари жамиятдаги тартиб, бошқариш ва ахлоқнинг ўзгаришини инсон онгининг ижтимоий муҳитга мослашуви билан боғлар эди. Улар тарихан таркиб топган ижтимоий тартибларни нотўғри ва ғайриинсоний ўзгартириш мислсиз кулфатлар келтиришини уқтирганлар.

Қадимги-Юнон файласуфлари инсон ва унинг онги муаммосини барча фалсафий муаммолар марказига қўйдилар: ҳозирги замон Европа антропологик фалсафаси анъаналарини бошлаб бердилар.

Милет мактаби вакиллари инсонга коинотнинг ажралмас бир қисми, кичик олам сифатида қаради. Буюк-Юнон файласуфи Суқротнинг бутун фаолияти ва изланишларида инсон, унинг онги, ахлоқи, маърифат масалалари етакчи ўрин эгаллади. Уни инсоннинг ички олами, руҳий ва ахлоқий фазилатлари кўпроқ қизиқтирди. У «билим фазилатдир» деган ҳикматни илгари сурди. Инсон ҳаётининг маъноси баркамолликка интилиш, ўзликни англаш ва ўз ахлоқий моҳиятини рўёбга чиқаришдир, деб ҳисоблади.

Суқротнинг таълим беришича, ўз хатти-ҳаракати қандай оқибатларга олиб келишини биладиган ҳар бир одам ҳеч қачон мавжуд тартиб ва қонунларга қарши бормайди, жиноятга йўл қўймайди. Ахлоқий эркинлик ва ҳақиқат бир-бири билан узвий боғлиқ. Суқрот ўз ҳаётини ана шундай ҳақиқат йўлида фидо қилган улуғ файласуфдир.

Демокрит фикрича, бутун олам ва унинг таркибий қисми бўлган инсон битта ибтидодан, яъни майда заррача (атомлар)дан ҳаттоки, унинг жони ҳам атомлардан ташкил топган. Инсон танаси ўлиши билан жон ҳам ўлади. Чунки тана ва жон моҳиятан атомлардан ташкил топгандир. Демокрит инсон ҳаётининг бош мақсади бахтли бўлишдир, бахт руҳнинг хотиржамлигидир, деган ғояни илгари сурди.

Қадимги Грецияда бундай қарашга зид равишда Платон инсон ва унинг онги моҳиятини идеалистик асосда тушунтиришга ҳаракат қилди. У жон ва танани, руҳ ва жисмни бир-биридан фарқлади: инсонни инсон қилиб турган ва бошқа мавжудотлардан фарқлайдиган моҳиятли асос руҳдир, деган ғояни илгари сурди. Тана руҳга қаршидир. Руҳ танага нисбатан бирламчи ва муҳимроқдир. Чунки руҳ абадий, тана эса фоний (уткинчи)- дир. Платон руҳ даражаларини ҳам фарқлади: олий ва қуйи руҳ.

Инсон руҳи муттасил равишда илм воситасида ғоялар дунёсига интилади. Инсонни бошқа



мавжудотлардан устун қўядиган муҳим фазилат илмга ташналиқдир. Платоннинг таълим беришича, инсон ҳаётидаги бутун зиддият тана ва руҳ ўртасидаги зиддият билан боғлиқ. Тана истаклари инсонни ҳайвонга яқинлаштиради, руҳ эҳтиёжлари инсонни ҳудоба яқинлаштиради. Инсон ана шу икки дунё оралиғида иккиланади: унинг тубанлиги ёки улугворлиги нимани танлашига боғлиқ.

Платоннинг ижтимоий онг тўғрисидаги қарашлари кейинчалик турли фалсафий мактабларнинг шаклланишига олиб келди. Айниқса Марказий Осиё мутафаккирларининг дунёқарашига самарали таъсир кўрсатди.

Аристотель ижтимоий онгга сиёсий мавжудот онги сифатида қаради. У инсонни «сиёсий махлуқ» деб таърифлади. Унинг фикрича, инсон онгининг ижтимоий табиати уни бошқа мавжудотлардан юқори қўяди.

Аристотель фикрича, ижтимоий онгининг ҳақиқий моҳияти инсон фаолияти жараёнида намоён бўлади. Фаолият инсон шахси ривожланишининг ягона имкониятидир. Унинг таълим беришича, инсон фаолият кўрсатмаса, унинг барча яхши фазилатлари намоён бўлмайди. Ҳаётда ҳам, худди Олимпия ўйинларида бўлгани сингари, ғолиблик гулчамбарини томошабин гўзаллар ва кучли томошабинлар эмас, балки мусобақа иштирокчилари оладилар.

Платон ва Аристотель ғоялари Шарқ мамлакатларида кенг ёйилди. Марказий Осиёда етишиб чиққан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино бу қарашларни кенг тарғиб этдилар ва уни янги ғоялар билан бойитиб, ижодий ривожлантирдилар. Жумладан, Форобий инсоннинг оллоҳ томонидан яратилганлиги тўғрисидаги диний ғояни эътироф этгани ҳолда, ижтимоий онг моҳиятини рационал тушунтиришга, унинг мазмунини тафаккур ва мантиқ қонунлари асосида изоҳлашга ҳаракат қилди.

Форобийнинг таълим беришича, ижтимоий онг бутун олам тараққиётининг маҳсулидир. У «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари тўғрисида китоб» асарида инсоннинг барча олижаноб фазилатлари онг, билиш ва илм туфайли, инсон ҳаётининг мақсади бахтли бўлиш эканлигини кўрсатди. У мамлакат ободончилиги, эл-юрт тинчлигини адолатли ва маърифатли ҳукмдор шахси билан боғлади.

Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино устунлиги ақл ва тафаккур инсонни бошқа мавжудотлардан ажратадиган омиллар эканлигини исботлашга, илм шарофатидан ақл ҳамда тафаккурнинг камол топишини асослашга ҳаракат қилдилар.

Ижтимоий онг моҳиятини билишга рационал ёндашув анъанаси мусулмон илоҳиётчиси Абу Ҳамид Ғаззолийнинг инсон тўғрисидаги фалсафий қарашлари ривожига туртки берди. У «Файласуфларни рад этиш» асарида Форобий, Беруний ва Ибн Сино қарашларидан фарқ қиладиган баъзи ғояларни илгари сурди, аристотелизмнинг туб моҳиятини тўлароқ очиб берди. У инсоннинг бошқа мавжудотлардан устунлиги ақлда эмас, балки дилдадир, деган ғояни илгари сурди; онг имкониятлари чекланмаганлигини исботлашга ҳаракат қилди. Ғаззоли «Кимёи саодат» асарида инсон вужуди (танаси)ни бамисоли мамлакатга, инсон дили (руҳи)ни подшога, ақлни эса вазирга қиёслади. Инсоннинг сезги аъзоларини вазир ҳукмларини бажарувчи аскарларга ўхшати. Ғаззолийнинг таълим беришича, ақл инсон вужудини тўла бошқаришга ожиз, у хатоларга йўл қўйиши мумкин. Дил эса янглишмайди, у вужудни бошқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш, мушкул муаммоларни ечиш вақтидагина ақл маслаҳатларига мурожаат қилиши мумкин.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк муҳаддис ва мутасаввифлар инсоннинг маънавий-руҳий (ботиний) оламини чуқурроқ тадқиқ этишга, унинг маънавиятини юксалтиришга кўпроқ эътибор бердилар.

Бу борадаги турли тариқатлар ўзгарган давр талабига мос равишда баркамол инсон шахсини ва ижтимоий онгни камол топтириш йўлидаги изланишлар эди. Марказий Осиё ва бутун Яқин Шарқда кенг ёйилган ва таъсирчан кучга эга бўлган нақшбандия тариқати инсоннинг маънавий эҳтиёжлари унинг моддий эҳтиёжларидан устувор эканлигига асосланган ва бу ғоя «Дил ба ёру даст ба кор» шиорида ўз ифодасини топган эди.

Ижтимоий онг тўғрисидаги илғор ғоялар Алишер Навоий, Абдуқодир Бедил, Машраб, Ҳувайдо сингари мутафаккирлар ижодида янги босқичга кўтарилди. Навоий ақл ва тафаккурни инсон ва жамият борлигининг энг муҳим асоси сифатида таърифлади, инсонни энг табаррук мавжудот сифатида улуғлади. У одамлар ҳақида қайғуриш ва инсонпарварликни юксак фазилат сифатида таърифлади. У инсонга озор беришни Каъбани вайрон қилиш билан тенглаштирди ва ғариб кўнглини шод қилишни Каъбани обод қилиш билан баробар деб ҳисоблади.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуг мутафаккирларнинг ижтимоий онг тўғрисидаги қарашлари ислом дини ғоялари билан узвий боғлиқ равишда вужудга келган ва шарқона ҳаёт, тафаккур ва турмуш тарзи билан боғлиқ равишда ривожланган эди. Афсуски, ўша даврларда шахс эркинлиги рағбатлантирилмас, ўзликни англаш табиат ва жамиятнинг кичик бир бўлаги, Оллоҳнинг гуноҳкор бандаси сифатида англашдан нарига ўтмас эди. Шу боисдан ҳам фалсафада инсон тўғрисидаги алоҳида бир соҳа - антропология фан сифатида ривожлана олмаган, унга умумфалсафий муаммоларнинг бир бўлаги, соҳаси сифатидагина қараш устувор эди.

**Кейинги асрларда ҳаётда рўй берган муҳим ўзгаришлар табиатни илмий асосда ўрганиш борасида эришилган ютуқлар инсон, жамият ва ижтимоий онг моҳиятини ҳам илмий асосда ўрганиш ва фан хулосаларига таяниб, ижтимоий офатларни бартараф этиш, жамиятни оқилонга бошқаришга бўлган ишончни кучайтирди.**

**Жамиятнинг жадал ривожланиши шахс эркинлиги, ақл ва тафаккур салтанатини қарор топтиришни, тадбиркорлик, ишбилармонлик сифатларини рағбатлантиришни тақозо этди. Янги замон файласуфлари ижтимоий онг моҳиятини рационал тушунтиришга кўпроқ эътибор бердилар.**

**Янги замон ижтимоий-фалсафий тафаккури ижтимоий онг инсон моҳияти ва унинг келиб чиқиши тўғрисида хилма-хил ва хатто бир-бирига зид бўлган назариялар, фалсафий таълимотларни ҳам вужудга келтирди. Булар орасида марксизм, фрейдизм, экзистенциализм, антропология кабиларни кўрсатиш мумкин. Хусусан марксизм ижтимоий онг моҳияти ва келиб чиқишини бирёқлама тушунтирди, инсоннинг маънавий борлигига нисбатан моддий борлигини устун қўйди, табиий омилларга нисбатан ижтимоий омилларнинг ҳал қилувчи ролини кўрсатишга ҳаракат қилди. У онг ва тафаккурнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятига етарлича эътибор бермади.**

**Ҳозирги замон фани ва фалсафаси инсон биоижтимоий мавжудот сифатида ҳам табиий-биологик,**

ҳам ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсулидир, деган хулосага асосланади. Инсонни соф биологик - табиий тараққиёт маҳсули сифатида талқин этиш (фрейдизм) ҳам, ижтимоий муносабатлар мажмуи (марксизм) сифатида изоҳлаш ҳам бирёқламадир.

Узоқ йиллар давомида инсонни бошқа мавжудотлардан фарқлайдиган муҳим сифат ақлдир деб келинди. Инсонга берилган биологик ном «homo sapiens» (хомо сапиенс лотинча «ақлли одам») да ҳам бу сифат ўз ифодасини топган эди.

Ақл-инсоннинг фикрлаш қобилиятидир. Бошқа мавжудотлар бундай қобилиятга эга эмас. Ақл туфайли инсоният юксак маданият, кўркам шаҳарлар, улкан иншоотлар, замонавий техникалар яратибгина қолмади, балки оммавий қирғин қуроллари, атом ва водород бомбаларини, сайёравий уруш қуроллари ҳам яратди: жаҳон урушлари ва ижтимоий революциялар ҳам ақлли инсонлар томонидан амалга оширилди. Табиатни халокат ёқасига олиб келган ҳам ақлли инсонлардир. Бинобарин, ақл туфайли инсоният илгарилаб кетиши ҳам, қуйига кетиши ҳам мумкин.

Юксак маънавиятли инсон жамиятни халокатдан қутқарувчи энг муҳим омилдир, бу борада ижтимоий онг инсон ва жамият азиз ва қадрли қиладиган, одамлар ўртасида тотувлик, дўстлик ва одамийликни қарор топтирадиган ибтидоидир.

### **Таянч тушунчалар.**

Ижтимоий онг, индивидуал онг, кундалик онг, назарий онг, ижтимоий тафаккур, маънавият, маънавий эҳтиёж.

### **Назорат учун саволлар**

1. Кундалик онг деганда нимани тушунаси?
2. Ҳуқуқий онг деганда нималарни тушунаси?
3. Ижтимоий онг нима?
4. Назарий онг тушунчасининг мазмун-моҳияти нимада?

## **7-МАВЗУ. ЖАМИЯТ, УНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ**

1. **Ижтимоий фалсафада инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабати масаласи.**
2. **Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти.**
3. **Жамиятнинг ижтимоий таркиби. Жамиятнинг этник таркиби.**
4. **Жамиятнинг демографик таркиби.**
5. **Жамиятнинг синфий таркиби.**

Инсон ва жамият - бир-бири билан узвий боғлиқдир. Инсон жамиятдан ташқарида ўзининг ҳақиқий моҳиятини йўқотади. Бироқ жамият инсонларнинг шунчаки йиғиндисидангина иборат эмас. Жамият одамлар ўртасида амал қиладиган реал муносабатларни ҳам қамраб олади; бундай муносабатлар кишиларни оила, уруғ, қабила, миллат, давлат ва ниҳоят, инсоният ҳамжамятига бирлаштиради. Одамлар йиғиндисини ҳис этиш, кузатиш осон, бироқ улар ўртасидаги муносабатларни аниқ-тиниқ кўриш, кузатиш қийин. Чунки улар яширин характерга эга бўлиб, жисмсиз, номоддийдир. Жамият ҳаётида ана шундай муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ижтимоий фалсафа тарихида инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабати масаласи турли тортишувларга сабаб бўлган. Фақат айрим инсонларгина мавжуд, жамият мавжуд эмас, деб ҳисоблайдиган файласуфлар давлат ва бошқа ижтимоий ташкилотлар мавжудлигини инкор этганлар (Буларни сўл индивидуалистлар, анархистлар деб аталади)

Бошқа бир файласуфлар фақат жамиятгина олий қадрият, инсонлар эса унинг кичик қисмлари деб ҳисоблайдилар. Улар жамият асосини ташкил этувчи реал инсонни кўрмайди. Булар марксизм тарафдорлари бўлиб, жанговар коллективизм, тоталитаризм ғоясини илгари сурдилар. Одамлар ва улар ўртасидаги муносабатлар жамият структурасининг таянч элементи бўлса ҳам, унинг бутун мазмунини белгилай олмайди.

Жамият таркиби (структураси) икки ўлчамли эмас, балки кўп ўлчамлидир. Жамиятни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш қулай бўлиши учунгина жамият структураси икки асосий элементга бўлинади. Жонли, реал жамият эса жуда кўплаб алоқа, муносабат ва ўзаро таъсир бирлигидан иборат бўлиб, улар хилма-хил элементлар мажмуасидан яхлит ижтимоий организмни вужудга келтиради. Жамиятни яхлит ва бир бутун тизим сифатида тушуниш қадимги дунё файласуфлари учун ҳам хос эди. Бироқ XIX-XX асрга келиб, жамиятни тизимийлик асосида тадқиқ этишда О. Конт, Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, М. Вебер, П. Сорокин, Т. Парсонс каби олимларнинг хизматлари салмоқли бўлди.

Жамият элементлари деганда ижтимоий тизимнинг энг кичик қисмлари тушунилади. Ижтимоий муносабатлар - жамиятни ташкил этувчи субъектлар ўртасидаги муайян алоқа ва боғлиқликдир. Барқарор ва доимий равишда такрорланувчи муносабатлар аста-секин барқарор ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар, институтларнинг шаклланишига олиб келади. Жамиятдаги муносабатлар қанчалик бой, хилма-хил бўлса, бу жамиятнинг демократик характерга эга эканлигидан, ривожланганлигидан далолат беради.

Ижтимоий тизимни бошқа тизимлардан ажратиб турадиган муҳим хусусиятлар қуйидагилардир:

1) жамиятни ташкил этадиган элементларнинг кўплиги;

2) ижтимоий тизим элементларининг ранг-баранглиги, турлича сифат ва характерга эга эканлиги;

3) ижтимоий тизимнинг асосий элементи ва ядроси бўлган инсоннинг бетақарорлиги, ўз фаолияти ва хулқ-атворини эркин намоён этишидир.

Бу ҳолатлар жамият истиқболи қандай бўлишини олдиндан билишни ниҳоятда қийинлаштиради. Бироқ шунга қарамай ижтимоий-фалсафий тафаккур жамият элементларини бир-бири билан узвий боғлайдиган ягона асосни топишга интилиб келди. Бу асос инсон фаолиятидир. Инсон фаолияти туфайли бутун ижтимоий тизим ҳаракатга келади, турли элементлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланади.

Ижтимоий ҳаётнинг моҳиятли асоси бўлган жамият фаолиятининг рўй бериши учун қуйидаги тўрт элемент талаб этилади. Биринчи ва асосий элемент инсон, кишилардир. У фаолиятнинг фаол қисми, фаолият субъектидир.

Жамият фаолиятининг иккинчи элементи фаолият объектларидир. Фақат инсон фаолияти йўналтирилган нарсаларгина эмас, балки инсоннинг ўзи ҳам фаолият объекти ҳисобланади. Масалан, ўқитувчи, врач фаолияти инсонга қаратилади. Лекин кўпинча нарсалар фаолият объекти ҳисобланади. Инсон фаолияти учун зарур бўлган учинчи энг муҳим элемент тил, нутқ, информациядир. Бундай белгиларсиз инсон фаолиятининг амалга ошишини ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Рамзлар ва белгилар инсон онгига таъсир этиб, фаолиятнинг узлуксиз равишда амалга ошишини таъминлайди.

Жамият ҳаётининг тўртинчи муҳим элементи барқарор ижтимоий алоқа ва муносабатлардир. Барқарор муносабатлар жамият фаолияти элементларини ҳаракатга келтиради.

**Жамият соҳалари.** Демак, ижтимоий фаолиятнинг тўрт асосий элементига мос равишда ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги тўрт соҳаси вужудга келади:

1. маънавий соҳа,
2. моддий соҳа,
3. сиёсий соҳа,
4. ижтимоий соҳа.

Ҳозирга қадар адабиётларда жамиятнинг моддий ва маънавий соҳалари бир-бирдан кескин фарқланар, унинг моддий жиҳатига кўпроқ эътибор берилар эди. Холбуки, жамиятнинг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқдир. Ҳудди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари жамиятнинг моддий ва маънавий томонларини бир-бирдан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш ҳам мантиққа зиддир. Президент И. А. Каримовнинг "Юксак маънавият - энгилмас куч" асарида жамиятнинг моддий ва маънавий томонларини уйғунлаштириш ижтимоий тараққиётнинг асоси эканлиги таъкидланган. Жамият маънавиятини юксалтириш орқалигина иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда аҳоли маънавиятини юксалтиришга, миллий ғоя ва мафкура асосларини сингдиришга катта эътибор берилляпти. Инсоннинг ҳақиқий моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондирилишида яққол намоён бўлади. Инсон ақли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, табиат ва жамиятнинг ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Илм-фан ва техника жамиятнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Юксак маънавият туфайлигина жамият ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Ҳар қандай жамият ҳаётида маънавият, маънавий ишлаб чиқариш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кишилар маънавий ишлаб чиқариш жараёнида оламни, атроф-муҳитни тўлароқ биладилар, ижтимоий ҳаёт қоидаларини ўзлаштирадидилар, бир-бирлари билан инсонларча муносабатда бўлишни ўрганадилар. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида илғор ғоя, назария ва таълимотлар яратилади. Бу эса ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тотувликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди, Илм-фан ва техника тараққиёти жамиятнинг моддий фаровонлигини янада яхшилаш учун замин яратади. Таълим-тарбия тизими жамият маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ҳаётга кириб келаётган ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, маданияти, ҳаётга ва одамларга бўлган муносабати мактабда шаклланади. Санъат, адабиёт, маданият, илм-фан арбобларининг меҳнати жамиятнинг юксалишида алоҳида ўрин тутди, шу боисдан ҳам уларнинг меҳнати қадрланади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий соҳалари кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан ўзвий боғлиқ равишда вужудга келади. Жамиятнинг моддий ҳаётига:

кишиларнинг яшашлари, шахс сифатида камол топишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, коммуникация воситалари; моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш; ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуаси; моддий бойликлар, табиий заҳиралар қиради.

Жамиятнинг моддий ҳаёти кишилар учун тирикчилик неъматлари, воситалари яратишга қаратилгандир. У кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга имкон беради. Моддий ишлаб чиқаришда жисмоний меҳнат киши асосий роль ўйнайди. Тўғри, бу соҳада ақлий меҳнат кишилари, (инженер, агроном, зоотехник, раҳбарлар ва ҳ.к.) ҳам фаолият кўрсатади, бироқ етакчи мавқени жисмоний меҳнат ходимлари эгалладилар. «Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш - бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир.» (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. «Ўзбекистон», 2000. 31- бет). Моддий ишлаб чиқаришсиз жамият ҳаётининг нормал табиий ривожланишини ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ моддий соҳа аҳамиятини ҳаддан ташқари бўрттириш, бутун эътиборни моддий ишлаб чиқаришга қаратиш ҳам жамиятни маънавий инқирозга олиб келиши мумкин. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, ҳозирги пайтда товар ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат кўрсатиш соҳаси фойдалироқ бўлиб қоляпти. Д. Белл, З. Бзежинский сингари ғарб олимлари ўз тадқиқотларида постиндустриал жамиятда моддий ишлаб чиқаришнинг аҳамияти тобора камайиб боришини кўрсатяптилар.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан фарқлаш ижтимоий ҳаёт моҳиятини чуқурроқ билишга имкон беради. Аслида реал ҳаётда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Илмий назария ва амалиётда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-биридан ажратиш, улардан бирини муҳимроқ, бошқасини номуҳим деб ҳисоблаш жамиятнинг табиий-тарихий ривожланишини издан чиқаради. Жамиятнинг маънавий-интеллектуал тараққиёти учун иқтисодий замин яратиш қанчалик муҳим бўлса, моддий фаровонликни таъминлаш учун маънавий-интеллектуал салоҳиятни кучайтириш ҳам шунчалик муҳимдир.

**Жамиятнинг сиёсий соҳаси.** Жамият ҳаётида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш қанчалик муҳим ўрин турса, уни бошқариш ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Жамиятнинг турли элементлари нормал ишлаши, бир-бирига мувофиқ фаолият кўрсатиши учун уни бошқариш талаб этилади. Бошқариш давлатдан тортиб корхона ва оилагача бўлган кенг соҳани қамраб олади. Бошқариш билан махсус кишилар, сиёсатчилар, раҳбар ходимлар шуғулланадилар. Бошқариш турли даражаларда амалга оширилса ҳам, бошқариш фаолиятининг энг юқори шакли сиёсий фаолият ҳисобланади.

Жамиятнинг сиёсий бошқаришнинг хилма-хил шакллари мавжуд бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг миллий менталитети, анъаналарига мос равишда сиёсий бошқаришнинг монархия, аристократия, республика шакллари қўлланилади. Бир ижтимоий-сиёсий тузумдан янги ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш даврларида қадриятларни қайтадан баҳолаш, жамият ҳаётида давлат, оила, меҳнат, мулк, сиёсий партиялар, дин, фан ва бошқа ижтимоий институтлар моҳиятини янгича тушуниш зарурияти вужудга келади. Бунда фақат мазмунгина эмас, балки шакл ҳам қайта қурилади. Мамлакатимизда миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши, мустақил тузум мафкураси ва сиёсатининг инқирозга юз ўгириши билан «...давлатнинг моҳияти бутунлай тубдан ўзгарди. Давлат дастлабки босқичда жамиятни янгилашнинг энг фаол кучига айлангани ҳолда ислохотларнинг бош ташаббускори ва йўналтирувчиси, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларнинг асосий амалга оширувчиси бўлиб қолди».<sup>1</sup>

Инсон эҳтиёжларининг муттасил ўсиб бориш қонунияти мавжуд сиёсий система олдида қатор талаблар қўяди. Мамлакатимизда узоқ йиллар давомида ҳукм суриб келган маъмурий буйруқбозликка асосланувчи сиёсий система ўзининг туб моҳияти билан шахснинг ҳар томонлама эркин ривожланишига имкон бермаганлиги учун ҳам муқаррар равишда инқирозга юз ўгирди. Иқтисодий таназзул сиёсий системанинг емирилишига олиб келди. «Бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш муқаррар равишда шу

<sup>1</sup> И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.», Т., «Ўзбекистон», 1997, 158-бет.

пайтгача мисли курилмаган сиёсий фаоллик шароитида юз беради. бу ҳол табиийдир. Шу пайтга келиб қарахлик ҳолатидан ҳалос бўлган жамият тўпланиб қолган жами ижтимоий зиддиятларни бир зумда юзага чиқаради»<sup>1</sup>

Жамиятни бошқариш тизими ҳар бир халқнинг миллий хусусият, психологияси, анъналари, маданий салоҳиятига мос равишда вужудга келади. Турли жамиятларда сиёсий бошқариш усулларининг турлича характери уларнинг илғор ёки қолоқ эканлигидан далолат бермайди. Сиёсий бошқаришнинг ҳар бир усули турли тарихий шароитларда турлича самара бериши мумкин. Жамиятнинг маънавий салоҳияти юксалиб боргани сайин сиёсий бошқарув усуллари ҳам тобора инсонийлашиб боради. Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси сиёсий бошқарувнинг демократик шакли анча қулай ва инсонпарвар эканлигини кўрсатди.

Очиқ демократик жамиятда давлат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ташаббускори, жамият раҳнамоси сифатида фаолият кўрсатади. Демократик жамиятда сиёсий бошқариш ҳуқуқий давлатчилик асосларини яратишни тақозо этади. Қонун устуворлиги демократик жамият ва давлат ҳаётининг муҳим шарт ҳисобланади. Демократик давлат жамиятни бошқаришда конституция талабларига бўйсунар экан, у жамиятни танҳо бошқариш даъвосини қилмайди. Балки жамиятни бошқаришда турли жамоат ташкилотларига, аҳолининг ўз-ўзини бошқариш органларига кенг ваколатлар беради. Демократик жамиятда диннинг давлатдан, мактабнинг диний муассасалардан ажратилиши, кишиларга виждон эркинлиги ҳуқуқининг берилиши прогрессив ҳодиса, жамият эркин ривожланишининг муҳим шартидир.

Одатда дунёвий ва диний давлатлар бир-бирдан фарқланади. Дунёвий давлатлар конституцияга, илм-фан ҳуқуқларига асосланади. Диний ёки теократик давлатлар диний таълим ва шариат ҳукмига асосланади. Бундай давлатлар ўз фуқароларининг виждон эркинлигини таъқиқлайди; таълим-тарбия асосан диний руҳда олиб борилади.

Демократик давлатда таълим-тарбия муассасалари жамиятни оқилона бошқаришга яқиндан ёрдам беради; ёш авлодга пухта сиёсий ва ҳуқуқий билим беради, мавжуд ахлоқий, ҳуқуқий нормаларни сингдиради, сиёсий онг ва маданиятни ривожлантиради. «Жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самардорлигини таъминлаш -мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг асосий йўналишидир»<sup>1</sup>

Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, етилган муаммоларни оқилона ҳал этиш, мамлакат фуқароларининг сиёсий фаоллигини ошириш-жамият сиёсий системасини ташкил этувчи барча бошқарув органлари ва ташкилотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Жамият аъзоларини умумий мақсад йўлида янада жипслаштириш, ижтимоий-сиёсий фаолликни кучайтиришда миллий ғоя ва миллий мафкура муҳим роль ўйнайди. Ғоявий муштараклик жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ, қатлам ва синфларда бирдамлик туйғусини кучайтиради, турли сиёсий ҳаракат ва партиялар фаолиятини бунёдкорлик ишларига йўналтиради.

**Ижтимоий соҳа.** Жамиятнинг инсонпарварлик моҳияти унинг аҳоли қатламлари учун қулай шарт-шароитлар яратишида, кишиларнинг илм олиши, соғлигини тиклаши, дам олиши, меҳнат қобилиятларини тиклаши учун ғамхўрлик қилишида яққолроқ; намоён бўлади. Оилани, кексаларни оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ижтимоий хизмат кўрсатишнинг муҳим шакллари.

Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилди. «Тарих сабоғи шундайки, -деб ёзади И.А.Каримов, - унинг айнан кескин бурилишларида, ижтимоий формациялар алмашинаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий хавфсизликка, фуқаролар тинчлигига ва барқарорликка таҳдид солувчи омилга айланади».

Мамлакатимизнинг миллий мустақиллик йилларида орттирган тажрибаси жамият барқарорлиги, тинч-тотувлигини таъминлашда ижтимоий соҳага кўпроқ эътибор беришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. «Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз олдиндан бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади. Республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаб қолиш омили бўлди»

Жамиятнинг ривожланишида кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши, мулк ва меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши муҳим роль ўйнайди. Кишиларнинг қобилиятига қараб меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши натижасида турли касблар билан шуғулланадиган қатор тоифалар, гуруҳлар, қатламлар ва синфлар вужудга келади. Улар жамият структурасида ўзига хос ўринни эгаллайдилар; жамият тараққиётига муайян хисса қўшадилар.

Социал стратификация аҳолининг иерархик мавқеига мос равишда ижтимоий қатламларга бўлинишидир. Ижтимоий стратификация олий ва қуйи қатламлар мавжудлигини, ҳуқуқ ва имтиёзларнинг тенгсизлигини, масъулият ва бурч тенгсизлигини эътироф этади. Ижтимоий стратификациянинг конкрет шакллари ниҳоятда хилма-хилдир.

Агар жамият аъзоларининг иқтисодий статуси турлича бўлса, мулкдор ва мулксизлар мавжуд бўлса, жамият қандай шаклда ташкил этилишидан қатъи назар унинг иқтисодий табақаланиши мурқаррардир. Агар бирон бир гуруҳ ичида мансаб ва обрўга, унвон ва лавозимига қараб турли иерархик ранг (даража) мавжуд бўлса, бу гуруҳнинг сиёсий дифференциаллашганлигидан далолат беради. Агар жамият аъзолари ўз фаолият турига қараб турли гуруҳларга бўлинган бўлса, айрим касблар бошқаларига нисбатан кадрлироқ бўлса, профессионал гуруҳ аъзолари раҳбарлар ва итоат қилувчиларга бўлинган бўлса, бундай гуруҳ профессионал дифференциаллашгандир. Ижтимоий стратификация иқтисодий, сиёсий ва профессионал шакллардан ташкил топади. Барча аъзолари ҳар жиҳатдан тенг бўлган ижтимоий гуруҳ, ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайди. Ижтимоий стартификация - ҳар қандай уюшган жамиятнинг доимий тавсифидир.

Ҳар бир ижтимоий структура бўш ерда вужудга келмайди; балки илгари мавжуд бўлган ижтимоий структура негизига янгилик киритиш орқали вужудга келади. Ўтмишда мавжуд бўлган ва бугунги кундаги

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т, «Ўзбекистон» 2000, 29 бет.

мавжуд ижтимоий структура ўртасида тарихий алоқадорлик мавжуддир. Ана шу боғлиқлик инсоният жамияти ривожланишининг ягона жараён сифатида рўй беришини тақозо этади.

Жамият тараққиёти кўп босқичли жараён эканлиги тўғрисидаги қарашлар АҚШ файласуфи О. Тоффлер томонидан илгари сурилди. Бундай қарашга кўра жамият тараққиётини аграр жамият, индустриал жамият, постиндустриал жамиятга ажратилди. Адабиётларда жамият ривожланишига цивилизацияли ёндашув ғояси илгари сурилмоқда. Бундай ёндашувга кўра ҳар бир халқ ўзининг бетакрор, ноёб, ўзига хос ва ўзига мос томонларини сақлаб қолган ҳолда бошқа халқларнинг тажрибаларидан ижодий фойдаланиш орқали ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос моделини яратади.

Ғарбда ижтимоий ривожланишнинг цикли назарияси кенг ёйилган бўлиб, унинг йирик вакиллари О. Шпенглер ва А. Тойнби ҳисобланади. О. Шпенглер «Европанинг сўниши» асарида жаҳон тарихини «кўплаб маданиятлар феномени» сифатида тавсифлади. Ҳар бир маданият бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади, уларнинг ҳар бири ўзининг маънавий ҳаракатлантирувчи кучига, ўз қиёфасига, ўз ҳаёти ва ўлими тарихига эгадир. Шпенглернинг фикрича, тарих прогресс нималигини билмайди: улардан ҳар бирининг маданияти бетакрор бўлиб, уларни боғлаб турадиган мезон йўқ.

Англиялик социолог А. Тойнби ҳам ана шу ғояни давом эттирди. Унинг фикрича, бутун инсоният ўтмиши 21 цивилизация тарихидан иборат бўлиб, улар бир-бири билан ички боғланмаган. Ҳар бир цивилизация ўз ривожига: вужудга келиш, ўсиш, синиш, парчаланиш ва ҳалокат босқичини кечиради, сўнг ўрнини бошқа цивилизацияга бўшатиб беради. Тойнби барча цивилизациялардаги ижтимоий жараёнлар бир-бирига ўхшаш эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, цивилизация ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи «ижодкор озчилик бўлиб, у инерт кўпчилик» ни орқасидан етаклашга қодирдир. «Ижодкор элита» аста-секин ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш қобилиятини йўқотгач, ўз ҳокимиятини авторитет орқали эмас, балки зўравонлик билан амалга ошира бошлайди. Агар асосий омма ҳарбий ҳолат ёки табиий офатдан қирилиб кетмаса, бу цивилизацияни емиради. Ҳар бир янги цивилизациянинг вужудга келиши, Тойнби фикрича, диннинг янги шакллари пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

**Жамият ҳаётида барқарорлик ва беқарорлик.** Ҳар бир инсон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун осойишталик ва тинчликка муҳтож бўлгани каби, жамият ҳам ўз олдига қўйган вазифаларини адо этиши учун ижтимоий-сиёсий барқарорликка эҳтиёж сезади. Барқарорлик нисбий сокинлик, ижтимоий тизимнинг нормал фаолият кўрсатиш имкониятидир. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий системанинг таназзули аломатидир. Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашилиб туриши ҳам мумкин. Жамият маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда муайян ютуқларга эришиб, ижтимоий имкониятларини рўёбга чиқариб бўлгач, унинг бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади. Уларни ҳал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, миллий психологиясига мос равишда мавжуд сиёсий система кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга татбиқ этади. Инсоният жамияти тарихида жамият барқарорлигини таъминлашнинг монархик, аристократик, тоталитар ва демократик усуллар амал қилиб келган.

Жамият барқарорлигининг издан чиқиши кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришларда, қонунларнинг ишламаслигида, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслигида, ижтимоий идеалларнинг йўқолишида, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайишида, турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлишида, ижтимоий адолат принципларининг бузилишида, давлат органларининг аҳолини бошқариш қобилияти кучсизланишида, турли конфликтларнинг кескинлашувида ўз ифодасини топади.

Беқарорлик ички ва ташқи таҳдидлар туфайли вужудга келади. Беқарорлик бир ижтимоий-сиёсий тизимдан янги бир ижтимоий-сиёсий тизимга ўтиш даврида кескинлашиши мумкин. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асарида бозор муносабатларига ўтиш даврида оммавий норозиликлар, ҳатто фуқаролар уруши вужудга келиши мумкинлигини, жамият барқарорлигини таъминлаш учун етилган муаммоларни оқилона ҳал этиш зарурлигини кўрсатди. Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат халқларининг ўз тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши умумий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий-давлатчилик асосларини яратиш, ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаш, ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш имконига эга бўлди.

**Тараққиётнинг ўзбек модели-жамиятнинг тадрижий ривожланиши концепцияси сифатида.** Ижтимоий ривожланишнинг ўзбек модели бутун инсониятнинг илғор тажрибасига, халқимизнинг миллий хусусиятлари ва менталитетига таянади. Инсоният тажрибаси ижтимоий ривожланишнинг кескин инқилобий ўзгаришлар йўли номақбул ва яроқсиз эканлигини, жамиятнинг тадрижий (эволюцион) тараққиёти нормал-табиий ривожланиш йўли эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ижтимоий тараққиётнинг тадрижий йўли моҳиятини • шундай изоҳлайди: «Сохта инқилобий сакрашларсиз эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш-танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир». «Бозор иқтисоди сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқдир» (И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992. 10-41-46-бетлар).

Ўзбек моделининг асосий тамойиллари:

- иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;

- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги;

- қонун устуворлиги;

- кучли ижтимоий сиёсат;

- бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари миллий давлатчилик асосларининг барпо этилишида, миллий кадрларнинг тикланишида, миллий ўзликнинг англанишида, умуминсоний кадрлар миллий

қадриятлардан устуворлигининг эътироф этилишида, миллий менталитет хусусиятларининг тикланиши ва ривожланишида, миллий ғоя ва миллий мафкура ижтимоий-сиёсий фаолликнинг муҳим омили эканлигининг эътироф қилинишида, демократик қадриятларнинг ривожлантирилиши ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланишида, ўз имкониятларига таянишида, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилишида, хорижий мамлакатлар билан турли соҳалардаги муносабатларни йўлга қўйишнинг янги принциплари ишлаб чиқилишида ўз ифодасини топди. «Биз танлаб олган йўл ўзбек халқининг асрий анъаналарига, одатларига, маданияти ва тилига, шунингдек, жаҳон цивилизацияси ютуқларига асосланган ҳолда мазкур тузилмаларни янги мафкуравий негизга ўтказиш, мослаштиришдан иборат эди». Ўзбек моделининг ҳаётийлиги жаҳон жамоатчилиги, етук фан, сиёсат, санъат арбоблари томонидан эътироф қилинди.

Ўзбекистон тажрибаси қатор мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбекона тараққиёт йўли маънавий ҳаёт ва иқтисодий ривожланишни бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширишда, маънавият, маърифат, маданиятга бўлган эътиборнинг кучайишида яққол кўзга ташланади. Маънавий салоҳиятнинг кучайиши, инсон интеллектуал ва ахлоқий қобилиятларининг ривожланиши иқтисодий ривожланиш учун пухта замин яратади. Кишиларда янгича иқтисодий тафаккур, тадбиркорлик қобилиятлари ривожланишида замонавий илм-фан, техника ва технология асосларини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ривожланишнинг асосий мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш усуллари миллий ғоя ва мафкурада ўз ифодасини топади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтириш, хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлаш, тараққий этган мамлакатлар билан қўшма корхоналар қуриш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, чет мамлакатлар билан илмий, маданий ва техникавий ҳамкорликнинг миллий манфаатлар йўлида хизмат қилиши миллий ғоя ва мафкуранинг моҳиятидан келиб чиқади. Миллий мафкура ўзида жамият аъзоларининг эзгу орзу-умидларини, мақсадларини ифодалайди; уларнинг меҳнат фаоллиги, ижтимоий-сиёсий активлигини оширади, жамиятнинг такомиллаштириш учун хизмат қилади.

**Жамият ва оила.** Жамият ва оила моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқдир. Оила-жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Агар оилада ўзаро ҳурмат ва онгли интизом бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. У ўзининг кўп асрлик тарихига, мустаҳкам ва маънавий таянчларига эгадир.

Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Оилада жамиятнинг туб моҳияти ўз аксини топгандир. Шу маънода оилани кичрайтирилган жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва яхши инсоний фазилатларни ўзида шакллантиради. Баркамол инсон шахсини шакллантириш, инсонни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади, никоҳни расман қайд этади ёки бекор қилади.

Жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданиятга боғлиқдир. Оила эр ва хотиннинг мавқеи, оилавий муносабатлар характери турли халқларда турличадир. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар аввало оила қадриятларини, энг илғор анъаналарни тиклашга қаратилгандир. Она ва аёл муқаддаслиги - ўзбекона қадриятдир. Ҳадиси шарифларда она ва аёлнинг муқаддаслиги тўғрисидаги ғоялар оилавий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Улуғ мутафаккирлар жамиятнинг маданий даражаси аёлнинг жамият ва оиладаги аҳволи, мавқеи билан белгиланишини алоҳида таъкидлаганлар. Аёл-оила бекаси, болалар тарбиячиси, эрнинг яқин маслаҳатчиси, ишлаб чиқариш додими, жамиятнинг фаол аъзосидир. Соғлом, баркамол авлод тарбияси кўп жиҳатдан аёлнинг маънавий, салоҳияти, билими, ундабуронлиги ва эркинлигига боғлиқдир. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган қатор тадбирлар аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи ва ролини кучайтиришга қаратилгандир. Оила муаммоларини илмий асосда ўрганишни ва уларни оқилона ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлиги ҳам давлатимизнинг оилавий муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради. Оила маънавият ўчоғидир. Она ўз билими, тажрибаларини фарзандига тил орқали сингдиради. «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади... Она тили бу миллатнинг руҳидир... Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»<sup>1</sup> Мустақиллик йилларида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, миллий тилимиз хусусиятларига мос бўлган янги алифбога ўтилиши миллий тилимизнинг мавқеини ошириш ва уни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

#### **Давлатнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли.**

Давлат - жамиятни бошқариш, тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир муассасадир. Давлат умуминсоний қадрият, инсоният маънавий тараққиётининг муҳим ютуғидир. Жамиятнинг маънавий салоҳияти юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакллари ва усуллари ҳам такомиллашиб боради. Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларини янгича тушуниш зарурияти вужудга келди.

Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилик, бош ислохотчилик фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этди. Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққёт концепциясининг амалга оширилишида давлат ҳал қилувчи роль

<sup>1</sup> И.А.Каримов, Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман //«Фидокор», 2000 йил 8 июнь

ўйнайди. Мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар сиёсий бошқарувни янада такомиллаштиришга, юртимизда ҳуқуқий давлат, янги демократик жамият барпо этишга, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга қаратилган. Янги шароитда давлатнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ғоят муҳим вазифаси сиёсий партиялар, нодавлат, ижтимоий структуралар, фуқаролик жамиятининг эндигина пайдо бўлиб келаётган хилма-хил институтлари билан ишлаш ва ҳамкорлик қилишнинг янгидан-янги шакллари излаб топишдан иборатдир.

Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларга ажратиш мумкин. Бу ташкилотларга сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, маҳалла қўмиталари ва бошқалар киради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон салоҳиятини янада юксалтиришга, юртимизда фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилгандир.

#### **Фуқаролик жамияти барпо этиш-Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади.**

Фуқаролик жамияти - кишиларнинг юксак ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига асосланган жамият тараққиётининг юқори босқичидир. Бундай жамият эркин уюшмаларнинг кўпқиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиш ва бажариш, жамият таркибига кирувчи элементларнинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва музокаралар орқали ҳал этишга асосланувчи жамиятдир.

Фуқаролик жамияти умуминсоний тамойиллар, миллий давлатчилик хусусиятлари, ўзига хос турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафаси негизида қарор топади. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ юртимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига... ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Фуқаролик жамиятида давлатнинг қатор вазифалари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўта бошлайди, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколати кенгайди. Фуқаролик жамияти асосларни барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти. ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади. Мамлакатимизда маҳалла ҳокимият органларининг ташкил этилиши, улар ваколатининг кенгайтирилиши халқимизнинг ўз-ўзини бошқариш, идора этиш маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла кишиларда яхши инсоний фазилатларни камол топтириш, ўз-ўзини бошқариш, демократик кадриятларни рўёга чиқариш мактабидир.

#### **Таянч тушунчалар:**

Жамият, ижтимоий ҳаёт, жамиятнинг таркиби, этник таркиб, демографик таркиб, синфий таркиб, жамият тараққиёти, демократик жамият, фуқаролик жамияти.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. "Ижтимоий ҳаёт" тушунчасининг мазмуни.
2. Жамиятнинг этник таркибига нималар киради?
3. Жамиятнинг этник таркиби. Миллий ва миллатлараро муносабатларни тавсифланг.
4. Ижтимоий синф нима?
5. Ижтимоий қатлам нима?
6. Ижтимоий табақа нима?



## 8-МАВЗУ. ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИ ҚОНУНЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

1. Жамият ҳаёти ва тараққиётининг табиий –тарихий мезонлари.
2. Ижтимоий-тарихий жараёнларнинг қонун ва қонуниятлари.
3. Жамият қонунлари ва уларнинг эволюцияси.
4. Жамият қонунлари ривожига таъсир кўрсатадиган ижтимоий омиллар.

**Жамият қонунлари.** Инсон ҳаётининг мураккаблиги ва ижтимоий жараёнларнинг хилма-хиллиги жамият қонунларини таснифлаш мезонларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини исботламоқда. Ижтимоий-тарихий жараёнларнинг вужудга келиши, амал қилиши ва ривожланишида бир вақтнинг ўзида турли даражадаги ва ҳар хил аҳамиятга молик қонунлар асосий омил бўлиб хизмат қилади. Уларнинг баъзилари бутун бир жамиятга хос жараёнларни акс эттирса, бошқалари унинг алоҳида бир тизими элементлари ўртасидаги алоқадорлик ва боғланишларни ифодалайди, учинчилари эса ижтимоий муносабатларнинг фақат маълум турларини қамраб олади. Жамият қонунларидан баъзилари ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши, мавжудлигини ифодаласа, бошқалари уларнинг ривожланишини белгилаб беради.

Жамият қонунлари тўғрисида гап кетганда, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига таъсири ҳам қатор қонун-қоидаларга бўйсунди. Биз кундалик ҳаётимизда айни бир вақтнинг ўзида табиат қонунларининг ҳам, жамият қонунларининг ҳам ёки шу икки тизим ўртасидаги алоқадорликдан келиб чиқадиган қонунларнинг ҳам таъсирини ҳис қиламиз. Бундай қонунларга мисол қилиб ноосферанинг кенгайиб бориши қонуни, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг бир-бирига мос келиш қонуни ёки жамиятнинг табиатга таъсирининг ортиб бориши қонуни кабиларни келтиришимиз мумкин.

Юқоридаги фикрлардан “Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларни табиат қонунларига киритиш керакми ёки жамият қонунларими? Иқтисодий ёки ҳуқуқий ва сиёсий қонунларни умумий ижтимоий қаторига киритиш мумкинми?”, деган савол туғилади. Бу ҳақда фалсафий адабиётларда турлича, баъзан бир-бирига зид фикрлар ҳам мавжуд.

Ижтимоий муносабатлар орасидаги иқтисодий жараёнлар, яъни моддий ишлаб чиқариш муносабатлари алоҳида ўрин тутаяди. Чунки иқтисодий муносабатлар барча ижтимоий жараёнлар тизимига нисбатан белгилловчи аҳамиятга эга. Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнида кишилар фақат табиий муҳит билан эмас, балки бир-бирлари билан ҳам ўзаро фаол ва мақсадга мувофиқ муносабатларда бўлади. Демак, кишиларнинг ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, бир-бирлари билан муносабатлари ҳам қатор қонунлар асосида амалга ошади. Бундай қонунларга қуйидагиларни киритиш мумкин: биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиш қонунлари; иккинчидан, ишлаб чиқариш муносабатларининг турли таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатларни белгилловчи қонунлар. Мисол қилиб айтсак, мулк шакллари билан кишиларнинг ишлаб чиқаришдаги мавқеи ўртасидаги, мулк шакллари билан тақсимот ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи туркум қонунлар мавжуд. Бу қонунларга талаб ва тақлиф қонуни, меҳнат унумдорлиги ва қиймат қонуни, таннарх ва нарх-наво қонунларини киритиш мумкин.

Жамият қонунлари типологиясида жамият моддий ҳаёти билан унинг маънавий-сиёсий соҳалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ўрганиш алоҳида диққатга сазовор. Бу туркум қонунларга моддий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги, маънавиятнинг тараққиётга нисбатан белгилловчилик қонуни, иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устунлиги каби қонунларни киритиш мумкин.

Жамият қонунларининг яна бир туркумига ижтимоий онг, тафаккур, илм - фаннинг ривожланиш қонунларини киритиш мумкин. Яқингача жамият мафқураси бўлган марксистик фалсафада ижтимоий борлиқ бирламчи, онг ва тафаккур эса иккиламчи деб ҳисобланиб, маънавиятнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда аҳамиятига етарли баҳо берилмади. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти шуни кўрсатмоқдаки, инсон онги ва тафаккурининг ривожини ҳам ўзининг жузъий қонунларига эга бўлиб, жамият тараққиётида белгилловчи аҳамият касб этади. Бугунги кун нуқтаи назаридан амалий аҳамиятга эга бўлган жамият қонунлари қаторига жамиятнинг ижтимоий (табақавий) тузилиши, табақалар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг шаклланиши ва ривожланишини белгилловчи қонунларни киритиш мумкин. Бу туркум қонунларининг ўзига хослиги шундаки, улар, биринчидан, муайян жамиятдаги барча инсонлар ўртасида юзага келадиган муносабатларни, уларнинг қандай тоифаларга мансублигидан қатъи назар, қамраб олади; иккинчидан, бу қонунлар жамият ҳаётининг барча тизимларига, жумладан, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётда юз бераётган жараёнларга таъсир ўтказаяди. Бу туркум қонунларга: жамият ижтимоий табақаланишининг мулк муносабатлари билан боғлиқлиги, турли ижтимоий табақалар манфаатларининг бир-бирига мос келиши асосида уларнинг муроасага келиши каби қонунларни киритиш мумкин.

Жамият қонунларини таснифлаганда ижтимоий бирликлар - оила, элат, миллатнинг келиб чиқиши ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишини белгилаб берадиган қонунларни алоҳида туркумга ажратмоқ зарур. Ҳар қандай ижтимоий бирлик жамият тараққиётининг маълум босқичларида шаклланиб, ўзининг жузъий қонунлари асосида ривожланиб боради. Ушбу туркум қонунларини аниқлаш ва амалда қўллаш этник ва миллий муносабатларни тартибга солишга, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Жамият қонунлари типологиясига оид фалсафий адабиётларда собиқ иттифоқ даврида марксча, яъни формациявий ёндошув устун бўлиб келди. Шу нуқтаи назардан, жамият қонунларига уларнинг умумлаштирувчилик даражасидан келиб чиқиб ёндашса, улар уч гуруҳга, яъни: 1) энг умумий ижтимоий қонунлар, 2) умумий социологик қонунлар, 3) хусусий социологик қонунларга ажратилган.

Жамият қонунларини икки гуруҳга – яъни жамиятнинг мавжудлик қонунлари (статик қонунлар) ҳамда жамиятнинг ривожланиши қонунлари (динамик қонунлар) туркумига ажратиш мумкин.

Жамиятдаги барча қонунлар мазмун-моҳиятига кўра, иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг вужудга келишини ҳамда ривожланишини ифодалайди, чунки ҳар қандай қонун муайян шарт-шароитда воқеа ва ҳодисалар ривожининг хусусияти ҳамда йўналишини белгилайдиган алоқадорлик ва боғланишларни акс эттиради.

Бизнингча, жамият қонунларини қуйидаги мезонлар асосида таснифлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу мезонларга жамиятни бир бутун тизим сифатида қаралиши, унинг турли тизимлари ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи қонунларни умумлаштириш кабилар киради ва улар асосида жамият қонунларини тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни ифодалайдиган қонунлар киради. Бу қонунларни умумсайёравий қонунлар деб атаймиз.

Иккинчи гуруҳга инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан бошлаб ҳозиргача амал қилиб келаётган қонунлар мансубдир. Бу қонунларни, бизнингча, умуминсоний қонунлар деб аташ мақсадга мувофиқ. Қонунларнинг ушбу гуруҳига: ижтимоий эҳтиёжлар билан ижтимоий манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги қонуни, жамият моддий ҳаёти билан маънавий ҳаётининг мувофиқлиги ва маънавиятнинг фаоллиги, моддий бойликларни яратиш ҳамда уларни истеъмол қилишнинг бир-бирига мутаносиблиги ва истеъмолнинг фаоллиги каби қонунларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳни инсониятнинг тарихий тажрибаси давомида кўпгина халқлар, миллатлар ҳаётида ўхшаш шарт-шароитда айнан бир хил амал қилган ва қилаётган қонунлар ташкил қилади. Бу туркум қонунларни ўрганиш асосида муайян мамлакатлар тажрибаси бошқа бир давлатлар ҳаётига, амалиётига татбиқ қилинади. Бу қонунлар умумий қонунлар деб аталади. Уларга мисол қилиб бозор иқтисодиёти қонунларини айтиш мумкин. Яъни бирор-бир мамлакат ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказмоқчи бўлса, албатта, бозор иқтисодиёти умумий қонунларининг объектив талабларига бўйсунмоғи керак. Чунки бозор муносабатлари дастлаб алоҳида бир мамлакат иқтисодиёти шароитида шаклланиб, кейинчалик умуқиқтисодий қонуниятга айланган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда инсоният яратган энг мақбул иқтисодий муносабатлар мажмуаси бозор қонунлари миқёсида амалга ошмоқда. Бу қонунларга биз талаб ва таклиф, рақобат, инфляция билан боғлиқ қонунларни киритиш мумкин. Бу қонунларнинг асосий хусусияти ва амалий аҳамияти шундан иборатки, улар бир қанча жараёнларга хос бўлган умумий жиҳатларни акс эттириш орқали улар ўртасидаги алоқадорлик, бирлик ва ворисликни очиб беради.

Жамият ривожланишига хос умумий қонунларнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, улар барча мамлакатлар, халқлар ривожланишининг умумий томонларини очиш, кашф қилиш орқали улар ўртасидаги боғлиқликни, муайян жамиятнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишидаги қонуниятларни кўрсатиб беради.

Жамиятнинг тўртинчи гуруҳ қонунларига жузъий қонунларни киритамиз. Муайян жамият ривожланишининг аниқ бир босқичлари, ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун умумий ижтимоий ва умумий қонунларни билишнинг ўзи етарли эмас. Чунки муайян бир жамиятни, ундаги ҳодиса ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини билиш, аввало, жузъий қонунларни билишни тақозо этади. Жузъий қонунларнинг ўзига хослиги, биринчидан, уларнинг амал қилиш доираси макон ва замонда нисбатан чекланганликда; иккинчидан, жамият ривожининг фақат айрим босқичларига ёки алоҳида бир ижтимоий-тарихий жараёнларга хос бўлган жиҳатларни акс эттиришида намоён бўлади. Ижтимоий тарихий жараёнларнинг ривожланиши, уларни билиш ҳамда давлат ва жамият манфаатидан келиб чиқиб, маълум мақсадни кўзлаб бошқариш жараёнида айнан жузъий қонунлар амалий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда дастуриламал бўлган беш тамойил айнан жамиятимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишига хос жузъий қонунларнинг талабларини чуқур ўрганиш, уларнинг рўёбга чиқиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадини кўзлаб яратилган.

Жузъий қонунлар деб умумий қонунларнинг ҳар бир жамиятда ўзига хос шарт-шароитда такрорланмас ҳолда намоён бўлиш шакллари ҳам айтилади. Масалан, талаб ва таклиф, рақобат, қиймат, эҳтиёж ва манфаатлар қонунлари Ўзбекистон шароитида фақат ўзига хос такрорланмас ҳолда намоён бўлади, амал қилади.

Умуман олганда, умумижтимоий, умумий ва жузъий қонунлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Улар яккалик, хусусийлик ва умумийлик нуқтаи назаридан ўзаро диалектик алоқадор бўлиб, фақат биргаликдагина амалга ошади, намоён бўлади. Умуижтимоий, умумий ва жузъий қонунларнинг алоқадорлиги туфайли жамиятда қонунларнинг ўзига хос тизими вужудга келган. Бу тизим бутун инсоният цивилизацияси тараққиётини ҳам, алоҳида бир мамлакат, халқ, миллат ривожланишини ҳам белгилаб келади. Қонунлар тизими туфайли ҳам инсоният жамоаси, унинг тараққиёти тасаввуримизда бир вақтнинг ўзида ҳам узлуксиз, ҳам узлукли тарихий жараён сифатида гавдаланади.

Жамият қонунларини таснифлашда фалсафий адабиётимизда шу вақтгача жамият маънавий ҳаётининг ўзига хослиги, мазмун ва моҳиятига етарли эътибор берилмаган. XXI асрда инсоният цивилизациясининг тақдири бевосита инсон тафаккури, ақли ва маънавияти ривожига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлмоқда. Шу туфайли ҳам жамият қонунларининг яна бир ўзига хос таснифини келтиришимиз мумкин. Бунда, биринчидан, муайян жамиятдаги сиёсий онг, сиёсий мафкура, шунингдек, сиёсий ташкилотларнинг, яъни давлат, сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши қонунларини алоҳида бир туркумга ажратиш, учинчидан, ахлоқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш қоидаларини учинчи бир гуруҳга; тўртинчидан, жамият ривожланишида маънавиятнинг, маънавий ҳаёт ривожига эса диннинг тутган ўрнини очиб берадиган қонунларни алоҳида бир гуруҳга ажратиш ва ўрганиш бизнингча жамиятимизнинг бугунги эҳтиёж ва манфаатидан келиб чиқадиган бўлса, аҳамиятга молик масаладир. Албатта, бу қонунларнинг ўзига хослигини ўрганувчи алоҳида фанлар мавжуд бўлсада, булар, аввало, жамият қонуни ҳисобланади, уларнинг бир гуруҳи иккинчи туркум қонунларнинг вужудга келиши ва амал қилиши учун мезон бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли ҳам бу қонунларнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, уларнинг амал қилиш механизминини аниқлаш фаннинг вазифасидир.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, жамият қонунлари типологиясининг объектив мезонлари кўп ва хилма-хил бўлиб, улар турли таснифларни келтириб чиқаради.

#### **Таянч тушунчалар**

Жамият қонунлари, табиат қонунлари, умумий қонунлар, энг умумий ижтимоий қонунлар, умумий

социологик қонунлар, хусусий қонунлар, динамик қонунлар, статик қонунлар.

**Назорат учун саволлар**

1. “Жамият қонунлари” тушунчаси мазмуни-моҳиятини айтиб беринг.
2. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблиги ва ундаги жараёнларнинг хилма-хиллиги.
3. Ижтимоий-тарихий жараёнларнинг вужудга келиши, амал қилиши ва ривожланиши.
4. Қонунларнинг жамият ривожига таъсири ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
5. Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар.
6. Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда моддий ишлаб Иқариш муносабатлари ва уларнинг қонунлар билан боғлиқлиги.

## **9-мавзу. жамият қонунларининг ижтимоий шарт-шароит билан ўзаро боғлиқлиги ва намоён бўлиш шакллари**

1. Жамият қонунлари, уларнинг намоён бўлиш шарт-шароитлари.
2. Ижтимоий тараққиёт табиий - тарихий жараён сифатида. Ижтимоий эҳтиёжлар, манфаатлар - тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи.
3. Ижтимоий тараққиётнинг субъектлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари.
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамият ривожланиши қонунларининг хусусиятлари.

Жамият қонунлари билан уларнинг намоён бўлиш шарт-шароитларининг ўзаро боғлиқлиги муаммоси муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда истиқлол йўлидан бораётган Ўзбекистон амалиётида бу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлагани каби XX асрнинг охирига келиб, дунё харитасида янги мустақил давлат пайдо бўлди. Улар, ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда. Тенглар орасида тенг бўлишга, ҳаёт майдонининг таркибий қисмига айланишига ҳаракат қилмоқда. Бу давлатлар олдида муваффақиятсиз, чиппака чиққан тарихий тажрибанинг фожиали оқибатларини қисқа давр ичида бартараф этиш вазифаси турибди. Улар замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамлар муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинакам демократик жамият қуришдек мураккаб вазифани ҳал этиши зарур. Ана шу зарурият эканлигини, ижтимоий-тарихий шарт-шароитнинг жамият қонунларининг амал қилишига, рўёбга чиқишига бўлган таъсирини назарий жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб қилмоқда. Эски тузумда амал қилган қонун ва назарияларни инкор этиб, бугун ижтимоий ҳаётимизда рўй бераётган муҳим ва чуқур ўзгаришларни замон талаблари асосида атрофлича тушунтириб берадиган янги адабиётларни яратиш зарур.

Аввало, “Қонунларнинг амал қилиш шарт-шароити” деганда нима тушунилади? Қонунларнинг амал қилишида, рўёбга чиқишида турлича шароитлар бир хил аҳамият касб этадими? Умуман, қонунларнинг намоён бўлишида шарт-шароитнинг таъсирини қандай билиш ва ҳисобга олиш мумкин? Ушбу саволларга жавоб топиш ҳозирги кундаги энг долзарб фалсафий муаммолардан ҳисобланади.

Ҳар қандай қонун маълум шарт-шароитда ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар ривожланишининг табиати ва йўналишини белгилаб беради. Шундай экан, “шарт-шароит” тушунчаси қонунларнинг таъсир доираси, қонун намоён бўлиш шакли билан ўзаро нисбати, умумий ва жузъий қонунларнинг ўзаро алоқадорлиги, тарихий хусусияти, қонунларни билиш ва улардан амалда фойдаланиш масалаларини ўрганиш, уларнинг моҳиятини очиб бериш учун калит бўлиб хизмат қилади. Хуллас, қонун муаммосини ўрганишнинг ҳамма жиҳатлари “шарт-шароит” тушунчаси билан умумий, муҳим ва зарурий алоқада бўлиб, бунда “шарт-шароит” тушунчаси “қонун” категориясининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг ривожланиши нафақат қонунлар билан, балки маълум тарихий шарт-шароит билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ижтимоий жараёнларни илмий билиш ва бошқариш вазифаси фақат қонунларни эмас, балки шу қонунлар таъсирини белгилаб берадиган шарт-шароитни ҳам чуқур ва батафсил ўрганишни талаб этади.

“Қонун” категорияси қуйидаги учта таркибий қисмдан иборат: 1) қонунга бўйсунадиган воқеа ва ҳодисалар; 2) қонун томонидан белгиладиган алоқалар ва боғланишлар; 3) шу боғланишларни белгилаб берадиган муайян шарт-шароитлар.

Маълумки, ҳодиса – турли хусусиятга эга бўлган боғланишлар ва алоқадор томонларнинг бирлиги, қонун эса ҳодисадаги турли хил алоқалар ва боғланишларнинг барчасини эмас, фақат айримларини, яъни биз юқорида айтиб ўтганларимизни акс эттиради. Ўз-ўзидан равшанки, ҳодисанинг қолган барча боғланишлари, томонлари қонуннинг рўёбга чиқиши, амал қилиши учун зарур бўлган шарт-шароит бўлиб хизмат қилади. Қонуннинг шарт-шароит билан боғлиқлиги қонунларнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи билан узвий боғлиқ. Чунки ижтимоий борлиқ, ундаги ҳодиса ва жараёнлар, улар ўртасидаги алоқадорлик ва боғланишларни кузатсак, жамиятнинг бир тизимидаги қонунлар унинг иккинчи тизимидаги қонунларга шарт-шароит бўлишини кўрамиз.

Жамият доимо яхлит бир тизим шаклида мавжуд бўлиб, унинг ҳар бир қисмидаги ўзгаришлар, ривожланишлар иккинчидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бунга мисол қилиб, республикамизнинг бугунги ҳаётини олишимиз мумкин. Унда иқтисодий ислохотлар сиёсий ислохотларга, сиёсий ислохотлар эса ҳуқуқий ислохотларга, уларнинг самарали натижалар беришига қулай шарт-шароит бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва мамлакатимизни ислоҳ қилишга қаратилган беш асосий тамойил ўтиш давридаги ривожланишни белгилаб берувчи объектив қонунларнинг рўёбга чиқиши учун асосий, ҳал қилувчи шарт-шароит бўлиб хизмат қилди. Яъни, ана шу беш тамойил ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Ҳозир бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлайди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил айнан ана шу объектив тарихий заруратни тўғри англаш, чуқур илмий билиш, иқтисодиётнинг ривожланиш қонунларини ҳамда шу қонуниятларнинг сабабини ўз вақтида ва атрофлича таҳлил қилиш асосида яратилган.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг қонунлари ва қоидалари мавжуд. Бу қонун ва қоидаларнинг амал қилиши, намоён бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга асос бўладиган концепцияни ишлаб чиқиш лозим эди. Кўпгина собиқ республикалар ана шундай тайёргарликсиз асосий бўлмаган “шарт-шароитлар”ни яратишга киришдилар. Масалан, Россияда 1992 йил 1 январида бозор муносабатларининг асосий шартларидан бири - унинг инфраструктураси яратилмасдан туриб, нурхлар тўлиқ эркинлаштириб юборилди. Натижада иқтисодиёт чуқур таназулга юз тутди.

Ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар вужудга келишининг сабабларига қараб шу ҳодисаларни, воқеаларни келтириб чиқарадиган бош шарт-шароитлар бўлади. Республикамиз, халқимиз учун ана шундай бош шарт-шароит мустақилликдир. Чуқур ўзгаришлар ҳаётимизга шиддат билан киримоқда. Содир бўлаётган ўзгаришлар дунёнинг ҳозирги қиёфасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори шундай ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучидир. Собиқ Иттифоқдаги республикалардан биринчи бўлиб, президентлик бошқарувини жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтган ҳам бизнинг республика бўлди.

Ўзбек халқининг азалий орзуси, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар фақат мустақиллик туфайлигина вужудга келди. Мустақиллик ўзбек халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун зарур шарт-шароит яратди. Фақат мустақиллик туфайлигина собиқ шўроларнинг тоталитар сиёсий тизимидан демократик жамиятга ўтиш учун, режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Мустақиллик жамиятимиз учун яна “зарурий шарт –шароит” ҳам ҳисобланади. “Зарурий шарт-шароит” деганда, биз сабаб ва оқибат занжиридаги боғловчи ҳалқани тушунамиз. Чунки фақат “зарурий шарт-шароит” дагина муайян натижалар вужудга келиши мумкин.

Жамият қонунларининг таъсири ва намоён бўлиши, баъзан анланган, баъзан эса анланмаган шаклда рўёбга чиқади. Жамият ривожланиши табиий-тарихий жараён сифатида икки сиёсий хусусиятга эга.

Биринчидан, одамлар ўз тарихларини фақат маълум ижтимоий-тарихий шарт-шароитда яратадилар. Ҳар бир авлод ундан илгариги авлод яратган маънавий бойликларга эга бўлади, моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёнини ривожлантириб бориш учун ўтмиш авлодлар фаолиятига таяниб иш кўради.

Иккинчидан, инсон моддий ва маънавий бойликларни яратиш жараёнини жамиятнинг узоқ келажакдаги оқибатларини ҳисобга олиб эмас, балки ўзининг шахсий ва гуруҳий эҳтиёж ҳамда манфаатларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб боради. Шу жараёнда кишиларнинг турли манфаатлари билан баъзан тўқнаш келиб қолади. Албатта, инсон ҳар бир хатти-ҳаракати билан маълум мақсадни кўзласа-да, ушбу мақсадга камдан-кам ҳоллардагина эришади. Баъзан инсон фаолиятининг натижаси кутилмаган салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу шундан далолат берадики, ҳар бир авлод ижтимоий ҳаётга қадам қўяр экан, жамиятда муқим ўрнатилган муносабатларга дуч келади ва ўз хоҳиш-иродасига қарши унга бўйсунушга мажбур бўлади. Бу ўринда биз қонунларнинг анланмаган равишда амал қилишини кузатамиз.

Жамият қонунларининг анланган куч шаклида намоён бўлишига, аввало, жамият ва инсон томонидан онгли равишда баъзи қонунлар таъсир доирасини чеклаш, баъзилари учун эса, аксинча, кенг шароит яратиш орқали эришилади. Жумладан, Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Инсон жамият қонунларининг объектив талабларини ва улар амал қилиши учун қулай шарт-шароит яратиш зарурлигини англаб етмас экан, бу қонунлар унинг хоҳиш-иродасига тескари таъсир этиш орқали уни ўзининг пассив қулига айлантириб қўяди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кишилардан жамият ривожланиши қонунларининг хусусиятини, таъсир кучини ва намоён бўлиш шаклларини чуқур билиш талаб қилинади. Хусусан кишилар: 1) ижтимоий жараён ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини ва улардан келиб чиқадиган объектив талабларни; 2) бу объектив талабларни англаб етиш натижаларининг ижтимоий жараёнларни режалаштиришда ва бошқаларда акс этишини; 3) жамият ва инсонлар учун олдиндан кўзланган мақсадларга, натижаларга эришиш йўллариини англашлари зарур.

Шунинг учун ҳам ижтимоий жараёнлар, тарихий ҳодисаларни олдиндан кўриш, башорат қилиш имконияти, аввало, алоҳида бир мамлакат ривожининг, маълум тарихий даврлар, ижтимоий жараёнларнинг қонуниятларини умумлаштириш асосида юзага келади. Айни пайтда шуни таъкидлаш зарурки, тарихий жараёнларни олдиндан кўра билишнинг дастлабки шарт ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқадорликни англашдир. Бироқ ҳар қандай илмий башоратнинг пойдеворини қонунлар ташкил қилади, чунки улар ҳодисалар, жараёнлар ўртасидаги ички, зарурий, муҳим боғланишларни ва алоқадорликларни очиб беради, шу асосда ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнлар тарихини ва ҳозирги ҳолатини билиш орқали уларнинг келажакни тахмин қилиш мумкин бўлади.

Республикамизда олиб борилаётган бугунги туб ислоҳотлар –агар улар иқтисодиётда бўлса, иқтисодий қонунларнинг; социал соҳада бўлса, ижтимоий қонунларнинг – худди шу тариқа сиёсий, ахлоқий, экологик ва демографик қонунларнинг объектив талабларини ўз вақтида билишни ҳамда улардан амалий фаолиятимизда, жамиятимиз ва фуқароларимизнинг эҳтиёж - манфаатлари йўлида фойдаланишимизни тақозо этади.

Кишиларнинг жамият қонунларини билишга ва улардан ўз амалий фаолиятида фойдаланишга интилишлари табиий. Лекин ижтимоий жараёнлар жуда мураккаб, бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, ўзининг ривожланиш босқичларида жуда кўп ҳолларда зиддиятли муносабатлар таъсирида бўлганлиги туфайли устувор йўналиш шаклида намоён бўлади. Бунда қонун талабидан келиб чиқадиган ижтимоий-тарихий жараён умумий ривожланиш йўналишидан бевосита эмас, балки жуда кўп четга чиқишлар, бузилишлар билан бирга келиб чиқади. Натижада бу жараёнларнинг бизга олдиндан маълум бўлган қонуниятларини ҳам ўз вақтида ва тўғри англамай қоламиз.

Қонунларнинг устувор йўналиш шаклида намоён бўлишининг ўзига хос белгиси қонунда ифодаланган жараён натижасининг бирданига эмас, балки ижтимоий жараённинг охирида вужудга келиши, юзага чиқишидир. Одатда, тарихий жараён ўз ривожланишининг маълум босқичларида қонуннинг умумий йўналишига, тартибига зид келиши мумкин, лекин охир-оқибатда ҳодиса, жараён қонунда белгиланган ҳолатда рўй беради, амалга ошади.

Ижтимоий қонунларнинг хусусиятларидан бири уларнинг соф ҳолда эмас, балки, маълум маънода “тахминий” ҳолда, “ҳукмрон йўналиш шаклида” намоён бўлишидир. Чунки ижтимоий жараёнлар ўз ривожидан

доимо турли тамойиллар ва имкониятлар билан боғлиқ бўлади. Бу қоидага риоя қилиш жамият қонунларини ўрганишда алоҳида методологик аҳамият касб этади. Қонунларнинг “хукмрон йўналиш” шаклида намоён бўлиши “қонун” тушунчасини ҳодисалар ўртасидаги муҳим боғлиқларни, “хукмрон йўналиш” тушунчаси эса қонунларнинг намоён бўлиш шаклини ифодалаш имконини беради.

Жамият қонунлари муайян тарихий шарт-шароитдан келиб чиқиб, “мутлақ зарурият” шаклида, яъни аниқ намоён бўлади. Уларнинг аниқ намоён бўлиши, қонун талабларидан келиб чиқадиган ва унга мос келадиган натижаларга эришиши учун зарур бўлган шарт-шароит етилган вақтда рўй беради. Бундай ҳолларда тарихий жараёнларнинг кечиши, жамият аъзоларининг яратувчанлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари тезлашувига сабаб бўладиган қонунлар талабларини ўз вақтида англаб етиш ва зарурий шарт-шароитни таъминлаш асосида амалга ошади. Бунга биз тоталитар тузумдан демократик тузумга ўтиш даврида давлатнинг ислохотларга бошчилик қилишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг аралашувисиз мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб бўлмайди; давлат эса иқтисодиётни тартибга солиб, талаб ҳамда таклифларни ўзаро мувофиқлаштиради ва шу асосда иқтисодиётни таназзулдан олиб чиқади.

Юқорида таъкидлаганидек, ҳар қандай ижтимоий қонун кишиларнинг амалий фаолияти натижасидагина намоён бўлади. Шу туфайли ҳам бу қонунлар баъзан жамиятдаги маълум гуруҳлар, қатламлар таъсирига дуч келади, оқибатда қонунлар тўлиқ бўлмаган ҳолда, “кам куч” билан намоён бўлади, амалга ошади. Жамият қонунларининг етарлича намоён бўлмаслигига баъзан бошқа қонунларнинг таъсири сабаб бўлиши ҳам мумкин. Қонунларнинг бундай ўзаро таъсири натижасида уларнинг таъсир кучи баъзан бир-бирига қарши, тўқнаш ҳолда амал қилиши ҳам мумкин, бу табиий ҳолдир.

Жамият қонунларининг “кам куч” билан намоён бўлишининг сабабларидан яна бири баъзида уларнинг рўёбга чиқиши учун ноқулай шарт-шароитнинг мавжудлигидир. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, муайян жамият, давлат, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар мазкур жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, табақаларнинг эҳтиёж ва манфаатларини ҳамда улар ўртасидаги мутаносибликни, мавжуд иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларни етарли даражада эътиборга олмасликлари ва атрофлича билмасликлари туфайли кўпинча ўз олдларига қўйган мақсадга тўлиқ эриша олмаганлар. Масалан, XX асрдаги сиёсий инқилобларнинг ҳеч бири ўз олдига қўйган вазифани удалай олмади. Советлар даврида ўтказилган ислохотларнинг деярли барчаси амалда ўзини оқламади, коллективлаштириш ва индустриллаштириш компаниялари халқ хўжалигида мажбуран ўтказилган бўлиб, айниқса, қишлоқ хўжалигида ўрта ҳол деҳқон ва яқка хўжалик эгаларининг синфий душман сифатида “қулоқ қилиниши”, жумладан, Ўрта Осиёдаги бундай оилаларнинг Сибирь ва Украинага сургун қилиниши натижасида 30-йилларда қишлоқ хўжалигининг издан чиқишига, очарчилик юз беришига, бунинг оқибатида одамларнинг қирилиб кетишига, аҳоли табақалари ўртасида эса синфий душманликнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Буларнинг барчаси халқнинг ислохотларга бўлган ишончини чиппака чиқарди. Бу ислохотларнинг барчаси жамиятнинг объектив ривожланиш қонунларини инкор этиш ва зўрликка асосланган сиёсат эди. Оқибатда бу тадбирлар мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ривожига, унинг қонунларининг амал қилишига, рўёбга чиқишига “ноқулай шарт-шароит” сифатида салбий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, қонунлар ўз ҳолича амал қилсада, лекин, улар муайян кишиларнинг ижтимоий фаолиятлари орқалигина намоён бўлади. Бу фаолият, ўз навбатида, қонунларнинг амал қилишини баъзан тезлаштириши, баъзан секинлаштириши, баъзан эса жамиятнинг ривожланиш йўналишига умуман қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин.

Инсониятнинг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятнинг босқичма-босқич ривожланиши фақат зигзагсимон эмас, балки маълум макон ва замонда ижтимоий тараққиётнинг қонуниятларидан четга чиқиш шаклида ҳам рўй беради. Бу эса ўз навбатида жамият қонунларининг амал қилиши ва муайян шаклларда намоён бўлишининг ижтимоий шарт-шароитларига бевосита боғлиқдир. Шу боис ижтимоий шарт-шароитлар жамият қонунлари намоён бўлиши ва амалга оширишнинг зарурий ва таркибий қисмидир.

### **Таянч тушунчалар**

Ижтимоий жараён, тарихий тараққиёт, инсон омили, манфаат, эҳтиёж, халқ, шарт-шароит, устувор йўналиш, ижтимоий зарурият.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ижтимоий манфаат, деганда нимани тушунасиз?
2. Ижтимоий тараққиётнинг харакатлантирувчи кучи нимадан иборат?
3. Тарихий жараёнларнинг субъекти деганда нима назарда тутилади?
4. «Халқ» тушунчасини тавсифланг.
5. «Халқ – тарих ижодкори» деган фикрни асосланг.
6. Волонтаризм ғоясининг фалсафий мазмуни қандай?
7. Фатализм қандай оқим?
8. Жамият тараққиётида инсон омилнинг тугган ўрни.

## 10-МАВЗУ. ҚОНУНЛАРДА ИЖТИМОЙ ЭХТИЁЖЛАР ВА МАНФААТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

1. Ижтимоий тараққиёт қонунларининг шаклланиши ва амал қилишининг объектив омиллари.
2. Эҳтиёж ва манфаат - ижтимоий қонун талабларининг ифодаси.
3. Қонунлар амалиётида ижтимоий манфаатлар ва эҳтиёжлар уйғунлиги.
4. Мустақиллик даврида умумий манфаатлар ва эҳтиёжлар диалектика намоён бўлиши.

**Эҳтиёж.** Ижтимоий тараққиёт қонунларининг шаклланиш, амал қилиш, намоён бўлиш механизмнинг асосий объектив омилларидан бири инсонларнинг эҳтиёж ва манфаатларидир. Эҳтиёж ва манфаатлар қонунларнинг объектив талабларини субъектлар, яъни инсонларнинг ўзига хос одати, хусусияти ва мотивига айлантириш орқали, уларни ҳаётнинг объектив шарт-шароити билан бевосита боғлайди. Эҳтиёж ва манфаат ижтимоий қонунлар талабларининг дастлабки ифодасидир. Ҳозиргача фалсафий адабиётларда “эҳтиёж” ва “манфаат” тушунчалари кўпинча айнанлаштирилади, тенглаштирилади. Ҳақиқатан ҳам, улар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин ва ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бироқ уларни инсон фаолиятининг занжиридаги турли бўғинлар сифатида фарқлаш зарур.

Эҳтиёж - биологик ва ижтимоий тизимларнинг муҳим хоссаси. Умуман олганда, биз “эҳтиёж” деганда, муайян табиий ёки ижтимоий предмет, ҳодисанинг мавжуд бўлиши, яшаши учун зарур бўлган шарт-шароитни, унга бўлган муносабатни тушунамиз. Ҳар бир тизимнинг мавжудлиги унинг ҳаётий эҳтиёжлари қондириладиганлигидан дарак берувчи аҳволи ва кўрсаткичларида ифодаланади. Мавжуд тизимнинг объектив зарурий ҳолати билан реал мавжуд ҳолати ўртасида фарқ, зиддият пайдо бўлсагина эҳтиёж ва зарурат туғилади.

Шундай экан, эҳтиёж муайян тизимнинг шундай ички, қонуний ҳосиласини, у эҳтиёжнинг соҳиби, эгаси билан муҳит ўртасидаги алоқадан келиб чиқади ва оқибатда ўзининг реал мавжудлик ҳолати, фаолияти учун зарур бўлган моддий ва маънавий қувват, энергия, ахборот компонентларини олади. Биологик ва ижтимоий тизимлар ўзини ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳит билан бўладиган ўзаро алоқа ва муносабатларида ўзларига хос фаолликлари туфайли турли номуносабатлик ва зиддиятларни бартараф этиб боради. Шунинг учун ҳам ижтимоий эҳтиёж мавжуд тизимнинг ички зиддиятларини ҳал қилишга қаратилган фаолиятга, ҳаракатларга қодирлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Демак, “эҳтиёж” тушунчаси муайян ижтимоий тизим қонунлари асосида келиб чиқадиган заруриятнинг кўриниши, намоён бўлишини, организм, инсон шахси, ижтимоий гуруҳ, миллат, халқ умуман, жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун объектив равишда зарур бўлган фаолиятни юзага чиқарувчи ички сабабиятни ифодалайди.

Ижтимоий ҳаётда эҳтиёж субъектнинг объектив хоссаси шаклида мавжуд бўлиб, унинг зарурий параметрлари, реал, ҳақиқий аҳволи билан объектив хоссаси бўлмиш эҳтиёж ўртасида бўлган зиддият шаклида, яъни шу ижтимоий ҳодиса мавжудлигининг субъектив шарт-шароити сифатида намоён бўлади. Кишиларнинг яшашлари ва инсон сифатида камол топишлари учун зарур бўлган барча нарсалар уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ташкил этади.

Демак, биз инсон эҳтиёжлари деганда, унинг яшаши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг маълум заруриятга айланиш шаклини тушунамиз. Бу жараёни кузатиб бориш, ўрганиш ва таҳлил қилиш учун, аввало, ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжларини кўриб чиқиш керак бўлади.

Бизга маълумки, жамият ҳаёти ҳам биологик, ҳам ижтимоий эҳтиёжларни ўз ичига олади. Шу туфайли инсоннинг ижтимоий ҳаёти ундаги биологик жиҳатларини, яъни эҳтиёжларини инкор қилмасдан, аксинча, уларни такомиллаштиради. Ижтимоий ҳаётда бу иккала эҳтиёж алоҳида-алоҳида, параллел ҳолда эмас, аксинча, ўзаро чамбарчас узвий боғланишда бўлади, бироқ ижтимоий эҳтиёжлар бунда асосий аҳамиятга эга бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кишилик жамиятининг вужудга келишида, аввало, инсон ҳаётини таъминлаб берувчи табиий эҳтиёжларнинг аста-секин ишлаб чиқариш воситаси ёрдамида инсон организмнинг ташқи муҳит билан бўлган муносабатининг, аввалги биологик мослашувдан фарқ қиладиган янгича усул билан алмашувига ва шу асосда биологик эҳтиёжларнинг ижтимоийлашувига олиб келади. Пировард натижада эса фақат моддий истеъмолга бўлган эҳтиёж эмас, балки айнан шу моддий эҳтиёжни қондиришда унинг йўллари, усуллари ва воситаларини яратиб берадиган амалий фаолиятга қаратилган ғоялар, билимлар, маънавий-руҳий фаолиятга ҳам эҳтиёж пайдо бўлди. Демак, эҳтиёжни фақат инсонга хос бўлган фаолият, яъни меҳнат қилиш фаолияти билан биргаликда олгандагина тўғри англаш мумкин бўлади. Маълумки, меҳнатга бўлган эҳтиёж икки омилдан келиб чиқади. Биринчи омил меҳнатсиз ҳаётий эҳтиёжларни қондириб бўлмаслиги бўлса, иккинчи омил инсон ўз ақл-идроки ва қобилиятининг ўсиб бориши орқали ҳаётда ўз мақсадларига эришиш йўлини, ўз ўрнини топишидир.

Инсонларнинг табиий-биологик эҳтиёжлари муайян тарихий даврдаги аниқ бир ишлаб чиқариш усули сифатида намоён бўлади, яъни истеъмолни ишлаб чиқариш яратади, вужудга келтиради.

Инсон ўзининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондирмас экан, унинг мавжудлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, лекин эҳтиёжларни қондириш ишлаб чиқариш, яъни уларнинг ҳаётий мавжудлигининг объектив шарт-шароити билан боғлиқ. Эҳтиёж шу муайян ишлаб чиқариш усулининг мавжудлиги ва ривожланишини белгилаб берадиган қонунларнинг субъектив ифодасидир.

Ижтимоий эҳтиёжлар доимо кишиларнинг ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу жиҳатларига, жумладан, ўзи яшаётган жамиятда маълум ижтимоий мавқега эга бўлиш ва шу мавқени сақлаб туриш имконини берадиган муҳим фаолиятга, маънавий қадриятларга бўлган эҳтиёжини ифодалайди. Демак, кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари жамият қонунларида объектив талабларнинг намоён бўлиши, ифодаланиши шаклидир.

Эҳтиёжлар субъектнинг объектив, ички, зиддиятли хусусияти сифатида қонун талабидан келиб чиқадиган, инсон фаолиятини ижтимоий ҳаётнинг пишиб етилган муаммолари, зиддиятларини белгиловчи ва ҳал этишга ундовчи омил сифатида намоён бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар ўзаро бир бутун эҳтиёжлар тизимини ташкил этади, бу тизимда жамиятнинг мавжудлик ва

ривожланиш қонунлари бир-бири билан ўзаро бўйсунмиш (иерархия) муносабатида бўлади. Бу муносабатларда ижтимоий эҳтиёжлар устунлик қилади, чунки улар ижтимоий қонунларнинг талабларини ифода этади. Субъектнинг муайян ижтимоий тизимдаги мавжудлиги, аввало, ижтимоий шароитга боғлиқ бўлади. Бунда биз биологик эҳтиёжларнинг бевосита ижтимоий эҳтиёжлар орқали намоён бўлишини кўрамиз. Шу асосда эҳтиёжлар манфаатга айланади.

Субъектнинг “ижтимоий манфаати” унинг ўзи яшаётган, фаолият кўрсатаётган, ўз эҳтиёжларини қондираётган муайян ижтимоий тизимга бўлган муносабати сифатида вужудга келади, намоён бўлади.

Бу муносабатларни шакллантириш учун, аввало, ижтимоий тизимни ва шу тизимда фаолият кўрсатаётган субъектнинг эҳтиёжлари ўртасидаги умумийлик томонини аниқлаш зарур. Бу жараён эса, айна пайтда мулкнинг вужудга келиши, товар алмашув жараёнининг шаклланиши ва меҳнат тақсимоли орқали таъминланади. Бундай шароитда субъект эҳтиёжларининг қай даражада қондирилиши нафақат меҳнат фаолияти натижаларига, балки кўпроқ шахснинг жамиятдаги ижтимоий мавқеига, яъни унинг мулкка бўлган муносабати ва жамият моддий бойликларининг тақсимолидаги иштирокига боғлиқ бўлиб қолади. “Манфаат”нинг вужудга келишига эса, аввало, инсон эҳтиёжларини қондириш жараёнида вужудга келадиган, унга қаршилик қиладиган, қийинчиликлар туғдирадиган шарт-шароит сабаб бўлади.

Демак, инсоннинг эҳтиёжлари ҳам, шу эҳтиёжларни қондириш воситалари, усуллари ва шарт-шароитлари ҳам ҳаммаси муайян жамиятда, реал ижтимоий ҳаётда вужудга келади. Лекин жамиятдаги мавжуд тузум, сиёсий режим ва ижтимоий муносабатлар субъект ижтимоий эҳтиёжларининг қондирилишига тўсиқ бўлиши мумкин. Фақат шундагина ижтимоий субъект, гуруҳ, ташкилот ёки уюшманинг мавжуд тузумга нисбатан ўзига хос муносабати вужудга келади. Фақат шу аснода, яъни эҳтиёжлар субъекти билан уни қондириш шарт-шароитлари ўртасидаги объектив диалектик зиддиятлар негизда “манфаат” шаклланади.

“Манфаат” деганда, биз субъектнинг шарт-шароитга, яъни ўзининг турли хил эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ муносабати ва фаолиятининг мажмуини тушунамиз. Ижтимоий жараён ва ҳодисалар мавжудлигининг асосий шартларидан бири ижтимоий фаолиятдир. Манфаатнинг шаклланиши айнан шу фаолият билан ҳам узвий боғлиқ. Фаолиятсиз манфаат, манфаатсиз фаолият юзага келмайди. Шундай экан, фаолият деганда, биз субъектнинг объектга онгли ва мақсадга мувофиқ ҳолда таъсир кўрсатишини тушунамиз.

Инсоният тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган манфаатлардан бири гуруҳий манфаатдир. Социология фани нуқтаи назаридан, кишилар ўзларининг маълум бир мақсадларидан келаб чиқиб, ҳар хил ижтимоий бирликлар – гуруҳ, қатлам, партия каби жамоат ташкилотларига бирлашади, қўшилади. Бу уюшмалар, аввало, шу бирлик аъзоларининг турмуш тарзи шарт-шароитининг ўхшашлигига, уларга хос бўлган умумий сифатларга, жумладан, маълум тарихий ҳудудга мансублигига, мансуб ижтимоий институтлар: уруф-элат, миллат, динга мансублигига асосланиб, вужудга келади ва шаклланади.

Маълумки, ҳар бир жамият, албатта, ўз ички тузилишига эга бўлади. Ҳар қандай жамиятнинг ва ундаги реал ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши, амал қилиши ва тараққий этиши бевосита ижтимоий тузум, унинг асосий элементлари ўртасидаги алоқалар, муносабатлар тизими, мазмуни ва табиатига бевосита боғлиқ. Чунки ҳар бир ижтимоий гуруҳ, табақа аъзолари эҳтиёж ва манфаатларининг умумийлиги уларнинг муайян ижтимоий муносабатлар тизимидаги объектив умумий аҳволини, мавқеини белгилаб беради. Бу ижтимоий бирлик аъзоларидан биттасининг эҳтиёжини қондирадиган шарт-шароит, албатта, қолганларининг ҳам эҳтиёжлари қондирилишига имкон беради. Шунинг учун ҳам ушбу бирлик аъзоларида ижтимоий муҳитга, шарт-шароитга бир хил муносабат шаклланади.

Ижтимоий гуруҳ аъзоларининг умумий манфаати уларнинг биргаликдаги уюшган фаолиятини вужудга келтиради. Субъект, яъни шахс қанчалик баркамол бўлса, унинг манфаатлари ҳам ривожланган бўлади. Шу асосда у шунчалик юксак даражали ижтимоий фаолиятга қодир бўлади. Бозор қонунларининг амал қила бошлаши билан рақобатчилик муҳити таркиб топади, эркин тадбиркорлик учун имкониятлар очилади, айна вақтда, айнан шу қонунларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш таркиби ҳам ўзгаради. Бундай жараён эса фақат рақобатга бардош беришга интилиш бор жойдагина юз беради. Рақобатга бардош бериш учун ишлаб чиқаришни доимий равишда янгиллаб боришга, зарур шарт-шароитни яратишга тадбиркорларнинг ўзлари мажбур бўлади.

Гуруҳий манфаат шу гуруҳ аъзолари ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларига хос бўлган умумий муносабатларни ўзида мужассамлаштиради. Демак, ижтимоий манфаат шахс ёки ижтимоий уюшманинг муайян жамиятдаги объектив, реал аҳволдан келиб чиққан ҳолда бир бутун ижтимоий тизимга бўлган муносабатлари мажмуини билдиради. Бу ўринда биз жамият қонунлари талабларининг ижтимоий гуруҳлар эҳтиёжлари шаклидаги ифодасини кўрамиз. Муайян жамият ўзи вужудга келтирган ижтимоий субъектнинг ўз эҳтиёж ва манфаатларини етарли даражада қондириши учун қулай шарт-шароит яратмас экан, унда ўзига нисбатан салбий муносабат, яъни мазкур жамиятни, тизимни ўзгартиришга қаратилган, мақсадли хатти-ҳаракатни вужудга келтиради.

Умуман олганда, жамият қонунларининг объектив талаби фақат мазкур жамият аъзоларининг ижтимоий эҳтиёжлари шаклида намоён бўлади ва ана шу эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолияти орқали рўёбга чиқади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, шахснинг ўзи яшаётган ижтимоий тизимга муносабати унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий тизимларга бўлган муносабатларида бир хил акс этмайди чунки ижтимоий гуруҳларнинг турлича, яъни “кундалик” ва “туб ҳаётий манфаат”лари бўлади. Айнан “туб ҳаётий манфаатлар” умуминсоний қонунларнинг объектив талабларини ўзида мужассамлаштириб, жамиятнинг бир бутун тизим сифатида сақланиб қолиши ва ривожланишига хизмат қилади. Манфаатларнинг мазмунини, аввало, субъектнинг ўзи яшаётган ижтимоий шарт-шароитга бўлган муносабати ташкил қилади. Шундай экан, манфаат субъектнинг ўз эҳтиёжларини қондиришига қаратилган мақсадга мувофиқ фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бунда у жамиятда ўзи учун зарур ва қулай бўлган муносабатлар тизимини яратишга ҳаракат қилади.

Кўриниб турибдики, эҳтиёж ва манфаат бир-бири билан узвий боғлиқ. Лекин бу боғланиш бир томонлама эмас, яъни эҳтиёжларнинг манфаатларга нисбатан бирламчи ва белгилувчи эканлигига асосланмаган.



Объектив ижтимоий муносабатларнинг бир томонини ўз эҳтиёжларига эга бўлган субъект, яъни инсонлар ташкил этса, унинг иккинчи томонини шу эҳтиёжларни қондиришга шарт-шароити бўлмиш манфаатлар ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар ривожига фақат шу муносабатларнинг бир томони бўлмиш ижтимоий шарт-шароитни сақлашга, ўзгартиришга қаратилмасдан, балки унинг иккинчи томони бўлган субъект ва унинг эҳтиёжларининг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Умуман, манфаатлар кишиларнинг барча эҳтиёжларини қондириш воситаси бўлиб, доимо уни қондиришга қаратилган мақсад ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Шу маънода, ижтимоий манфаатлар, умумсоциологик қонунлар объектив талабларининг ифодаси шаклида намоён бўлади ва қонунларнинг амал қилиш механизми тизимида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик халқимиз, давлатимиз учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболларини очиб берди. Миллатимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш ва ҳаётий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, шу эҳтиёжлар асосида юзага келадиган уларнинг манфаатларини ифода этиш, ҳимоя қилиш мақсадида жамиятнинг барча тизимларида ислохотлар олиб борилмоқда.

Тарихий жараёнлар ривожига ва жамиятдаги бутун ижтимоий муносабатлар тизимида “эҳтиёжлар”, айниқса “ижтимоий эҳтиёжлар” ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай инсоннинг ёки ижтимоий гуруҳнинг ҳаёт-мамотини эҳтиёжлар белгилайди. Шу туфайли “эҳтиёж” ўз мазмунига кўра, объективдир. Лекин шу объектив эҳтиёжнинг соҳиби эса доимо характердаги, фаолиятдаги инсонлар бўлиб, уларнинг ўз эҳтиёжларини кўндириш йўлидаги хатти-ҳаракатлари туфайли манфаатлар юзага келади. Ўз манфаатини кўндиришига қаратилган фаолияти туфайли инсон ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг ривожига ҳамда йўналишига фаол таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ҳаётимизнинг ана шу объектив қонуниятларини чуқур ва масъулият билан англаб етган Юртбошимизнинг бозор муносабатларига ўтишида “Ўзбекистон танлаб олган йўл – Республика ва унинг халқининг манфаатларига ниҳоятда мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисоддир”, деб таъкидлашлари айнан шунини ҳисобга олиб айтилган.

Ўзбекистон шароитида фуқароларнинг ислохотларни, жамият ривожини белгилаб берадиган ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида, шу билан бирга, умумдавлат манфаатини эътироф ва ифода этган ҳолда, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, сифат жиҳатдан янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантиришда давлат бош ислохотчи бўлиб чиқди. Зеро, “Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак”.

Маълумки, ҳар қандай давлат сиёсий ҳокимият сифатида жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Давлатнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти ва фаоллиги ўтиш даври, ислохотлар даврида янада кучлироқ намоён бўлади. Ислохотлар жамиятдаги мавжуд эҳтиёж ва манфаатларнинг янги эҳтиёж ва манфаатлар билан тўқнашуви жараёнида, давлат ва халқ манфаатини акс эттирувчи, ҳимоя қилувчи ҳамда кишилар ўртасидаги хоҳиш-иродага асосланган муносабатлар тизими сифатида ўзини намоён қилади.

Давлатнинг бош ислохотчи бўлиши ҳокимият масаласи билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимиздаги ислохотлар муваффақиятининг сабабларидан бири ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Республикамиз бугунги кунда мустақил давлатлар ҳамдўстлигида иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан энг барқарор ривожланаётган кучли давлатдир. Ушбу барқарорликни сақлаш ва янада мустаҳкамлаб бориш зарур.

Фикримизча, ушбу муҳим вазифа Республикамизда қуйидаги асосий тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

Биринчидан, маданиятли ҳокимиятни барпо этиш зарур, чунки ҳар қандай маданиятнинг ўзигини, негизини, аввало, қадриятларни яратиш, асраш, кўпайтириш ва ривожлантириш ташкил этади. Бунинг учун эса, аввало, фуқароларда ўтмишдан, тарихдан, аждодларимиз томонидан яратилган моддий ҳамда маънавий бойликлар, меросдан кўникиш ҳиссини, туйғусини шакллантирмоқ зарур. Бунинг учун Республикамизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Биринчидан, давлат бошқарувида тарихий тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда ҳокимлик лавозими, тизими қайта тикланди. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаруви тизимида эса маҳаллаларнинг ҳуқуқий, мавқеи оширилди. Бу ишлар халқимизда давлат ва ҳокимият органларига бўлган ишонч руҳини тиклаш, ошириш ва таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, Президентимиз маънавият ва маърифат давлатимиз сиёсатидаги асосий йўналиш деб белгилади, бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Халқимиз тарихи ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк давлат арбоблари Соҳибқирон Амир Темур, унинг авлодлари – Улуғбек ва Бобур Мирзо, қатор алломаларимиз ва тарихий шахсларнинг юбилейлари тантанали нишонланмоқда, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу борадаги устувор тамойиллар ва долзарб вазифалар Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳар томонлама асослаб берилган.

Учинчидан, тилимиз, динимиз ва урф-одатларимиз, уларнинг қонуний мавқеи қайта тикланди. Бундан кўзланган мақсад халқимизда ўз маданий меросидан қониқиш, фахрланиш, миллий ўзликни англаш ҳиссини, туйғусини янада кучайтиришдир..

Ислохотларимиз моҳиятини халқимизга очиқ ва тўлиқ тушунтириш керак. Бизга яхши маълумки, шўролар тузуми даврида ҳам жуда кўп ислохотлар ўтказилди. Лекин ушбу ислохотларнинг барчаси ярим йўлда қолиб кетди. Бунинг сабаби қуйидагилардан иборат:

биринчидан, ислохотларнинг барчаси халқнинг, миллатнинг ҳақиқий эҳтиёж ва манфаатларини ҳисобга олмаган эди;

иккинчидан, ислохотлар бизнинг халқимизга бегона бўлган жамиятдан, ижтимоий-маънавий муҳитдан тўғридан-тўғри андоза олиб ўтказилган эди;

учинчидан, ислохотларнинг ҳаммаси доимо мажбурий равишда, юқоридан зўрлик ишлатиш йўли билан

Ўтказилга эди;

тўртинчидан, ўтказилган ислохотларнинг барчаси доимо жамият ҳаётини инқилобий равишда бирданга ва тубдан ўзрағтиришга мўлжалланган эди;

бешинчидан, ислохотларнинг босқичларини изчил, аниқ ва ўз вақтида якунлаб, янгисига босқичма-босқич ўтмаган, кўп ҳолларда субъективизм ва волюнтаризмга йўл қўйилган эди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ислохотларнинг тадрижий, яъни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаб олиниши айнан шу тарихий сабоқлардан тўғри хулоса чиқариш ва жамиятнинг объектив қонунларини эътироф этиш асосида амалга оширилмоқда. Бизнинг йўлимиз ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, аҳолининг кам таъминланган қисмини кучли муҳофаза қилиш асосида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир.

Ўтказилаётган ҳар қандай ислохотларнинг муайян босқичлари, ўз вазифалари, мақсадлари мавжуд. Халқ эса ислохотларнинг манфаат кўрмоқда. Ҳар бир авлод ўзининг реал эҳтиёжлари, манфаатлари ва мақсадларга эга экани маълум. Шу боис ислохотларнинг биринчи кундан бошлабоқ мамлакатимизда кекса ва ёш авлоднинг, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар, уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа сифатида қаралди.

Ҳар бир инсон, ижтимоий гуруҳ, ёки миллатнинг манфаати доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи муайян жамиятга, тузумга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Ҳар қандай эҳтиёжни қондириш йўлида дуч келган тўсиқлар ва қийинчиликларни енгиш жараёнида манфаат вужудга келади, яъни ҳар қандай манфаат асосини доимо эҳтиёж ташкил этади.

Тарихий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч одамларнинг аниқ мақсадли фаолиятларидан иборат бўлиб, ушбу фаол ҳаракатнинг сабаби ва манбаи эса шу мазкур жамиятда мавжуд зиддиятлардир. Ҳар бир жамият ўз табиатига кўра, турли мазмундаги ижтимоий муносабатлардан ташкил топади. Шу боис ҳам кишиларнинг фаол ҳаракатлари турли ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий партияларнинг бир-бирига зид келадиган қарама-қарши манфаатларининг тўқнашуви орқали намоён бўлади. Маълум тарихий шарт-шароитларда эса турли мақсадга эга бўлган ижтимоий гуруҳлар, партиялар, табақалар манфаатларининг мос келиши асосида улар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мумкин. Чунончи, Президентимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ва бугунги кунда муваффақиятли амалга оширилаётган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили республикамиздаги барча фуқароларнинг, турли қатламларнинг, сиёсий ташкилотларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёж манфаатларини ўзида тўлиқ мужассамлаштириш асосида, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган, тан олинаётган ўзбек моделининг мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда. Ушбу моделнинг заминиди ҳам, асосида ҳам, ислохотлар самарадорлигида ҳам халқимизнинг, туб ҳаётини эҳтиёжлари ҳамда манфаатлари асосий мезон қилиб белгиланган.

Хуллас, юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, жамият қонунлари ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги объектив, ички, умумий, муҳим, зарурий, нисбатан турғун алоқа ва муносабатларнинг ифодасидир;

иккинчидан, жамият қонунлари эҳтиёжи ва манфаатни кишиларнинг шахсий ва ижтимоий кўзлаб амалга ошириладиган фаолиятлари туфайли вужудга келади ҳамда рўёбга чиқади;

учинчидан, кишиларнинг мақсадли фаолиятлари, албатта, маълум тарихий шарт-шароитдагина амалга ошади, ушбу ижтимоий-тарихий жараёнларнинг хусусияти ва ривожланиш тамойилларини белгилайди;

тўртинчидан, ижтимоий шарт-шароит деганда, ижтимоий борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг вужудга келиши, мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган объектив ва субъектив омиллар мажмуи тушунилади;

бешинчидан, жамият қонунлари эҳтиёж ва ижтимоий манфаатлар алоқадорлигига боғлиқ равишда турли шаклларда намоён бўлади;

олтинчидан, жамият қонунларининг амал қилиш механизмидаги асосий таркибий элемент ёки мотивлар эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги ва уларнинг уйғунлигидир.

### **Таянч тушунчалар**

Манфаат, эҳтиёж, ижтимоий манфаатлар, кундалик эҳтиёж, туб ҳаётини манфаатлар, ислохотлар, Тараққиётнинг ўзбек модели.

### **Назорат учун саволлар**

1. “Манфаат” тушунчасининг мазмун-моҳияти.
2. Эҳтиёж нима?
3. “Ижтимоий манфаатлар” тушунчасининг мазмун-моҳияти.
4. Кундалик эҳтиёжлар деганда нималар назарда тутилади?
5. Эҳтиёжларнинг намоён бўлиши ва ўзгариб бoйиши хусусиятлари.
6. Ислохотлар - ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатлар ифодаси.

## 11- мавзу. "Инсон" тушунчаси, УНИНГ моҳияти ва мазмуни.

1. "Одам" ва "инсон" тушунчаларининг талқинлари.
2. Марказий Осиё фалсафаси инсон, унинг моҳияти ҳақида.
3. Ҳозирги замон фани инсоннинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақида
4. "Шахс" ва "индивид" тушунчалари

Инсон муаммоси азалдан фалсафанинг бош мавзуларидан бири бўлиб келган. Кўплаб мутафаккир ва олимлар унинг моҳияти, табиати, ўрни ва вазифасини англаб етишга ҳаракат қилганлар. Турли фалсафий таълимотларда бу мавзу турлича талқин этилган.

Ното сарпенте (ақлли жонзот, инсон маъносини англатади) эволюцияси тўғрисида сўз юритганда, фақат оддий биологик ёки ижтимоий мезонларга эмас, балки биологик-ижтимоий мезонларга ҳам суяниш лозим. Бу эса ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий соҳалардаги ютуқларни ўзида мужассамлаштирган комплекс ёндашувни тақозо этади.

Инсоннинг моҳияти ҳақидаги таърифлар ранг-баранг. Суқротнинг "Ўзингни англа" деган фикри ҳар бир даврда янгича маъно касб этади. Шарқ фалсафаси тарихида ҳам инсон бош мавзулардан бири бўлиб келган. Масалан, Форобий фалсафасида инсон бутун борлиқ тараққиётининг маҳсули сифатида талқин қилинади. Мутафаккир инсоннинг барча олижаноб фазилатлари илм туфайли эканлигини, инсон ҳаётининг мазмуни - бахтли бўлишга интилиш, бунга эса фақат илм ва маърифат орқали эришиш мумкинлигини кўрсатди. Беруний ва Ибн Синолар инсоннинг бошқа мавжудотлардан устунлиги ақл ва тафаккури туфайли эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Бундан фарқли ўлароқ, Абу Ҳомид Ғаззолий бу устунликни ақлда эмас, балки инсон калбида эканлигини кўрсатди; ақл имкониятлари чекланганлигини исботлашга ҳаракат қилган тасаввуф таълимотида комил инсон асосий ғоялардан бири эди. Бу комиллик, асосан, маънавий баркамоллик, руҳий юксалиш, орзу-истакларни идора қила билишда намоён бўлишини уқтирганлар. Шарқ фалсафасида инсон тўғрисидаги қарашлар шарқона тафаккур ва турмуш тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган.

Ғарб мутафаккирлари ҳам инсонни турлича таърифлаганлар. *Homo sapiens* – "ақл-идрокли жонзот", энг кўп қўлланиладиган таъриф. *Animal rationale* – "оқил ҳайвон" таърифи К.Линнейнинг зоологик таснифида келтирилган; *a tool making animal* - «қурол ясовчи ҳайвон» - Франклин тақлиф қилган таъриф; *Animal symbolicum* «рамзий ҳайвон сифатидаги одам» - Кассирер хулосаси. Кьеркегор «инсонни танлаш қобилиятига эга жонзот», Ницше инсон - ваъда беришга қодир, бизни ахлоқ қоидалари дунёсига олиб кирувчи жонзот тарзида таърифлаган. Руссо «Фикрловчи инсон - йўлдан озган жонзотдир», деган фикрни илгари сурган.

Бу таърифларни фалсафа тарихида инсоннинг мавжудлиги ягона ишончли далил асосида аниқланган даврда дунёга келган таърифлар билан тенглаштириш мумкин. Масалан, Ф.Декартнинг «*cogito ergo sum*» - "фикрляпман, демак, мавжудман" ёки Ж.Берклининг «мавжуд бўлиш - идрок этилиш демак», Мен де Бираннынг «*Vo1o ergo sum*» - «хоҳляпман, демак, мавжудман», А.Камюнинг «исён қияпман, демак, яшаяпман» каби фикрлари ҳам инсон табиати ва моҳиятининг янги-янги қирраларини намоён этади. Бунга Ф.Ницше инсоннинг бош ғояси деб эълон қилган ҳокимиятга интилишни ёки З.Фрейд илгари сурган яширин жинсий майл - либидо ғоясини қўшиб, иқтисодий материализмнинг иқтисодий омили аҳамиятига эътибор қаратсак, инсон тўғрисидаги фан - фалсафий антропологиянинг муаммолар доираси ниҳоятда кенглиги аён бўлади.

Ҳозирги замон фалсафасининг йирик вакилларида бири Э.Фромм инсонга бўлган соф ва самимий муҳаббатни бутун ер юзи халқлари ўртасида тинчлик, тотувлик, ҳамкорлик муносабатларини қарор топтиришнинг муҳим омили деб ҳисоблади: инсоннинг энг муҳим қобилияти сифатида севиш қобилияти, санъатлар ичида энг муҳими севиш санъати эканлигини кўрсатди.

Бундай таърифлар инсоннинг умумий образини яратади. Зеро, инсон барча замонларда ва халқларда дунёнинг энг буюк сири бўлиб қолаётир. Бу ҳақдаги турли-туман фикр-мулоҳазалар ва қарашларни умумлаштирган ҳолда ушбу тушунчага муайян таъриф бериш мумкин. Инсон ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган, ўз ҳаёти ва фаолиятини ўзи ташкил этиш ҳамда бошқариш, ташқи олам ва ўзга кишилар билан муайян муносабатларга киришиш қобилиятига эга бўлган онгли мавжудотдир. У ана шу хусусиятлари орқали яхлит бир тизимни ташкил этади, онгли мавжудот сифатида ўз эҳтиёжларини қондиради ва инсоният ҳаётининг давомийлиги ва ворисийлигини таъминлайди.

Илмий адабиётларда инсоннинг табиий-ижтимоий борлиги ва руҳий кечинмалар дунёси мавжудлиги тан олинади. Бу борада биологизм, социологизм ва психологизм каби ёндашувлар мавжуд.

Инсоннинг биологик хусусиятларига овқатланиш, ҳимояланиш, зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш каби хос. Ана шу хусусиятларга таянадиган биологизм анча чекланган, чунки у инсоний муносабатлар меъёрларининг эволюцион-биологик асосларига кўпроқ эътибор қаратади.

Инсон бошқа мавжудотлардан ижтимоий хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунончи, тил, муомала, рамзий белгилар, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўз-ўзини идора этиш, бадий ижод, ахлоқ, нутқ, тафаккур, қадриятлар, табу (тақиқлаш) шулар жумласидандир. Мазкур хусусиятларни устувор биладиган социологизм инсон табиатини ижтимоий аҳамиятга молик сабаблар билан тушунтиради ва инсоннинг ижтимоий-маданий образини яратади. Ушбу ёндашувга хос бўлган «Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир», деган хулоса айнан ижтимоийлик инсон ҳаёти негизини ташкил этишини тушуниш имконини беради.

Инсоннинг психик хусусиятларига руҳий кечинмалар, ҳайратланиш, ғам-ташвиш, қайғу, изтироб чекиш, завқланиш, кайфият каби хос. Инсонни таҳлил қилишдаги психологизм ана шунда намоён бўлади. Аммо гоҳида бу соҳада ҳам муайян даражада ушбу жиҳатнинг аҳамиятини бўрттириш ҳолатларига йўл кўйилади.

Фалсафий қизиқишлари марказида табиат ва инсон моҳияти тўғрисидаги масала турувчи фан «Фалсафий антропология» деб аталади. Антропологик ёндашув инсон борлигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди, инсон ҳаёти ва фаолияти муаммолари таҳлили билан шуғулланади. «Экзистенция» тушунчаси

тадқиқотчининг фикрини, аввало, инсон қилмишлари ва азоб-уқубатларида намоён бўлувчи инсон ҳамда дунё алоқаларини излаш, аниқлаш томонга йўналтиради.

Ҳозирги замон Ғарб фалсафасининг йўналиши сифатидаги фалсафий антропология дастлаб немис файласуфи ва социологи М.Шеллер (1874-1928) асарларида ишлаб чиқилган, германиялик файласуф Х.Плеснер (1892-1985), немис мутафаккири А.Гелен (1904-1976) асарларида эса ривожлантирилган.

Инсон ҳақидаги таълимот - фалсафий антропология француз маърифатпарварлари давридаги мушоҳадаларнинг бош муаммосига айланди. Уша даврда яратилган энг муҳим асарларнинг сарлавҳаларига чиқарилган мавзулар бунинг ёрқин намунасидир. Масалан, Ламетри биринчи фалсафий асарини «Жоннинг табиий тарихи», асосий фалсафий асарини эса «Инсон-машина» деб номлаган. Гельвеций «Ақл ҳақида» «Инсон, унинг ақлий қобилияти ва тарбияси ҳақида» каби асарларида ўз қарашларини баён қилган. Файласуф шеърӣ асарини «Бахт» деб номлаган. Инсон борлигининг барча шаклларида маърифат муҳим ўрин тутишини тан олиш ушбу даврга хос бўлган. Лекин бу зиддиятли хусусиятга эга эди. Унга кўра, соф идеал омиллар (илғор фикрлар ва маърифат ғоялари) билан детерминация юз берар эди. Айтилиши вақтда ғоялар онтология доирасида муҳим ва танадан мустақил деб қаралмаган. Врач Ламетри физиологик ва биологик жараёнлардан ташқарида ҳеч қандай руҳ ҳақида эшитишни ҳам хоҳламасди. Дидро танани билмай туриб, руҳни билиш тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблаган.

Бу давр ғоялари антропологиянинг энг янги концепцияларида ўзига хос тарзда акс этди. Шу маънода, инсонни унинг онги атамаларида тавсифлаш ва таърифлаш мумкин, деган фикр диққатга сазовор. Бу ҳолда барча эмпирик методлар, хусусан, кузатиш методининг самарасизлиги аён бўлади. Инсон табиатининг янги талқини айнан фикр инсонни бошқарувчи асос эканлигини тушуниш билан боғлиқ бўлиши лозим. Аммо бу ёндашув инсон ўз табиатига кўра, тўла рационал эмаслигини тан олишга асосланади. У келажакни билмасдан, ноаниқлик шароитида яшайди, иш кўради ва умид қилади. Э.Кассирер таъбири билан айтганда, «инсон ўзидан ўзи тинимсиз излайдиган, ўз мавжудлигининг ҳар бир лаҳзасида шу мавжудликнинг шарт-шароитларини синовдан ўтказадиган ва қайта текширадиган жонзотдир»<sup>21</sup>.

Шахсни умумбаشارий ривожланишнинг асосий мазмуни деб эълон қилувчи персонализм уни ўрганишга нисбатан анча мураккаб ёндашувларни таклиф қилади. Шахс ўз моҳиятини муқаррар тарзда ўзидан ташқарида кўради - бу экстерииоризация, у теран ички меъёр ва мўлжаллардан озикланади - бу интерииоризация. Ниҳоят, шахс ўз реал эмпирик мавжудлигининг тор чегараларидан ўтиб, олий қадриятлар: ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликка интилади - бу трансценденциядир.

Экзистенциализм таълимоти инсонни илмий методлар ёрдамида билиб бўлмаслиги ҳақидаги ғояни қаттиқ ҳимоя қилади. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оралиғидаги даврда Европа цивилизациясида инсонпарварликнинг тақчиллиги фанга бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келди. Инсоннинг ҳақиқий мавжудлиги, яъни экзистенция унинг объект тарзидаги ҳақиқий борлиғига тенг эмас. Атамалар, тушунча ва абстракциялар билишнинг илмий объективлигини инсоннинг ҳақиқий борлиғидан узоқлаштиради. Инсон ҳаёти давомида муайян йўлни танлаш ҳолатида бўлади, у ўзликни англаш йўлида кўп ўзгаради. Экзистенциализм асосчиси С.Кьеркегор аънанавий фандан воз кечиб, ҳақиқий экзистенция сари юксалишнинг анча изчил уч босқичли назариясини таклиф қилди. Ташқи борлиқни аниқлаш билан боғлиқ биринчи эстетик босқичда лаззатланишга интилиш етакчилик қилади. Иккинчи - ахлоқий босқичда бурч ҳисси ва ахлоқ қонуни меъёрлари ҳукм суради. Учинчи - диний босқичда онгли равишда қабул қилинган азоб-уқубат мавжудлик принципи ҳисобланади. Бу ўз кечинмаларини хаёлдан ўтказиш борлиқнинг янги «трансцендент» мезонини тушуниб етиш имконини беради. Дунё марказига инсонни қўювчи ёндашув доимо антропоцентристик ёндашув деб аталган. Қадимги софист Протагорнинг: «Инсон барча нарсаларнинг мезони», деган машҳур ибораси антропоцентризмнинг аниқ ифодасидир. Бунда жонсиз ва жонли табиатнинг ўзаро таъсири инсон меъёрлари нуқтаи назаридан каралади, одамзот дунёнинг асосий ва энг катта бойлиги саналади.

Аммо инсонни билиш соҳасида антропоцентризмдан ташқари бошқа ёндашувларга ҳам дуч келиш мумкин. Табиатни ҳамма нарсдан устун қўювчи натуралистик ёндашув - табиий центризм ва у билан узвий боғлиқ бўлган натурализм шулар жумласидандир. Бу ўринда инсон - табиат фарзанди. Унинг барча хато ва камчиликлари бошқа ҳар қандай табиий жараёнлар сингари ўринли ҳамда табиийдир. Космоцентризм - космоснинг ҳамма нарсани, шу жумладан, инсоннинг моҳияти ва табиатини ҳам белгиловчи таъсирига ишора қилувчи дунёқараш бўлиб ҳисобланади. Тарихий-цивилизацион жараёнда теоцентризм таълимоти ҳам муҳим роль ўйнаган. У олий, ғайритабиий мавжудотни дунёнинг асосий ва энг муҳим омили деб эълон қилган.

Ҳозирги адабиётларда космос тафаккури ёки космик ақлни англаувчи теокосмизм атамасига ҳам дуч келиш мумкин. Баъзан инсон, умуман, инсоният ривожланишининг янги даражаси зарурлигини асослаш учун айтилиши космик ақлга мурожаат қилиш талаб этилади. Олий космик ақл фаоллик, чексиз ҳаракат ва ривожланишнинг бош негизи сифатида қабул қилинади.

Социоцентризм таълимоти маданий-цивилизацион омилларга суянади. Бу ерда инсон ўзи яшайдиган ижтимоий-маданий муҳит маҳсули сифатида иамоён бўлади. Социоцентризмга энг яқин тушунча сифатида амал қилувчи культуроцентризм инсон маданият мазмуни орқали ўз маъносини касб этади, деган шиорни ҳимоя қилади.

Антропоцентризмнинг зидди - инсонга геологик кучлардан бири сифатида карайдиган ёндашув дезантропоцентризм деб аталади. Ҳозирда анча машҳур бўлган бу ёндашув инсонни унинг устун мавқеи ва ўрнидан маҳрум этади, ҳеч нарса билан чекланмаган ўзбошимчалик оқибатлари ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Инсонни ўзи яратган технократик, сунъий дунё билан универсал эволюцион ривожланишга боғлашдан иборат бўлган масала коэволюция муаммоси сифатида намоён бўлди.

Коэволюция ғояси табиат ва инсоннинг ўзаро боғланган таъсири ҳамда муштарак ўзгаришини англайди. Инсон кузатувчи эмас, балки космоснинг табиий қисми, деб тан олинади. У ҳаётни нафақат оқилона, балки руҳи ва танаси орқали ҳиссий идрок этади. Ижтимоий биологлар таклиф қилган «ирсий-маданий коэволюция назарияси» коэволюция ғоясининг ривожлантирилган кўринишидир. Бу назарияда органик ва маданий эволюция муштарак бўлишининг энг оптимал шарт-шароитлари тўғрисида сўз юритилади.

Лекин бунда генлар устун қўйилади, чунки улар коэволюциянинг асосий қоидаларини белгилайди. Табиий-биологик асослар эркин ва белгиловчи бўлиб қолади.

Ҳозирги замон антропологик фалсафасининг инсон моҳияти тўғрисидаги хулосалари қуйидагича:

1. Инсон табиятан ноёб ва универсалдир. У табиат ривожининг буюк маҳсули, ноёб қобилият соҳибидир. Инсон учун инстинкт ҳам, нозик дид ҳам, улуғворлик ва яратувчанлик ҳам хосдир.

2. Инсонда ички ва ташқи олам мужассамлашган. Инсоннинг ички олами фаолиятнинг турли шаклларида - меҳнат, мулоқот, бадиий ижод, хулқ-атвор кабиларда намоён бўлади.

3. Инсон жуда кўп қисмлардан ташкил топган яхлит бирликдир. Ҳар бир инсонда табиийлик, ижтимоийлик, ақллилик, ҳиссийлик, ахлоқийлик мужассамлашган.

4. Инсон тарихий мавжудотдир. У ўзининг ана шу хусусияти билан келажagini яратади. Инсон эртанги кунига доимо ташвиш билан қарайди, чунки уни ҳар доим инқирозлар, омадсизликлар таъқиб этади.

5. Инсон масъулият ҳиссидан қочиб қутула олмайди. У гуманистик позиция ва индивидуалликни уйғунлаштириш орқалигина шундай вазиятдан чиқа олади.

Инсон ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ва кўп ўлчамли мавжудот бўлиб, унинг моҳиятини англаш узок вақт давом этадиган жараён. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамланган. Фалсафадан баҳс юритиладиган барча масалалар инсон муаммосига бевосита дахлдор. Шу маънода, инсон, аввало, ўзи учун зарур бўлган фанлар, илм ва билимлар тизимини яратган. Табиат, маданият, сиёсат, цивилизация, билиш каби масалалар инсон манфаатлари ва инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш шакллари дир. Уларнинг барчаси инсон табиати ва моҳияти билан боғлиқ. Инсон - ижтимоий муносабатлар маҳсули ва яратувчиси. Инсон - ижтимоий муносабатлар маҳсули ва яратувчиси.

Юқоридаги қарашлар инсон мавзунининг ниҳоятда серқирра эканлигини, у билан боғлиқ муаммоларга нисбатан ранг-баранг ёндашувлар мавжудлигини яққол намоён қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат ҳозирги даврда, балки келажакда ҳам инсон билан боғлиқ муаммолар фалсафанинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолишини кўрсатади.

Фалсафа инсонни оламнинг таркибий қисми, ижтимоий муҳит ва муносабатлар маҳсули, уларнинг яратувчиси сифатида ўрганади. Хўш ижтимоий муҳит нима? Ижтимоий муносабатларчи? Инсоннинг бу тушунчалар билан қандай алоқаси бор.

"Ижтимоий муҳит" - инсонни ўраб турган, унинг мавжудлигини, шаклланишини таъминлайдиган моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг мажмуасини англатадиган тушунча. У кенг маънода, (макромуҳит) ижтимоий-иқтисодий тизим, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий муносабатлар ва институтлар мажмуи, ижтимоий онг, жамият маданиятини қамраб олади. Тор маънода, (микромуҳит), ижтимоий муҳитнинг таркибий қисми сифатида бевосита инсонни ўраб турган оила, меҳнат, ўқув каби турли жамоа ва гуруҳларни ўз ичига олади. Ижтимоий муҳит шахснинг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни чоғда инсон ижодий фаоллиги, фаолияти таъсирида ва бу жараёнда одамларнинг ўзлари ҳам ўзгариб боради.

"Ижтимоий муносабатлар" тушунчаси кишиларнинг биргаликдаги моддий ва маънавий фаолияти натижасида қарор топадиган, одамлар ўртасидаги муттасил тарзда рўй бериб турадиган турли алоқаларни ифода қилади. Ижтимоий муносабатлар моддий ва маънавий муносабатларга бўлинади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жамиятнинг яшаши ва ривожланишининг асосини ташкил этади. Шу сабабли ижтимоий муносабатлардан энг муҳими иқтисодий муносабатлардир. Улар бошқа ижтимоий соҳаларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва ҳ.к. муносабатларнинг характерини белгилайди. Барча ижтимоий муносабатларнинг иқтисодий муносабатларга боғлиқ эканлигини тушуниш жамият тарихий тараққиётининг сиёсий, маданий ва бошқа қонуниятларини эътироф этмасликни аниқлатмайди.

Инсоннинг ижтимоий муҳит ва муносабатлар маҳсули, уларнинг яратувчиси сифатидаги моҳиятини кўрсатиш учун уни оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудотлардан ажратиш турувчи энг муҳим хусусиятларни аниқлаш зарур. Бу борада одам зотининг яратувчанлик қобилияти ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

Фалсафа тарихида инсон ақлига, яратувчанлигига, одамзотнинг ақлли мавжудот сифатида улуғ ва буюк ишларга қодир эканлига ишонч асосида шаклланган ғоя ва қарашлар "антропософия" - (юн. antropos - инсон, sophia - донишмандлик, ҳикмат) тушунчасида ўз ифодасини топган. Бу йўналишнинг асосчиси - немис олими Р.Штейнер (1861 -1925)дир. Унинг фикрича, инсон оламнинг Худоси, ҳаётнинг бошқарувчиси, инсондан бошқа илоҳий кучни излашнинг кераги йўқ. Ҳозирги даврда АҚШ, Англия, ГФР каби мамлакатларда бундай қараш ўз тарафдорларига эга.

Ижтимоий муҳит ва муносабатлар маҳсули, уларнинг яратувчиси бўлган инсон мураккаб ва кўп қиррали мавжудотдир. Унинг моҳияти яхлит бир бутунлик сифатида "инсон", "шахс", "индивид" тушунчалари орқали ифодаланади. Бу тушунчалар бир-бирига яқин ва маънодош бўлса ҳам, бир-биридан фарқланади.

Таъкидлаш зарурки, инсон, энг аввало, бошқа мавжудотлардан тафаккури, хотираси, тили билан ажралиб турадиган жонзотдир. Айниқса, тил унинг ажодлари ва авлодлари орасидаги ворисийлик, алоқадорлик вазифасини бажаради.

Инсон наслига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи дастурлар худди шу тил орқали ажодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлардан инсоннинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат инсоннинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусият, маданият эканлигини ифода қилади. Шунингдек, инсоннинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эгаллиги ҳам ана шундай хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, инсон ҳаётида меҳнат асосий роль уйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади. Инсон организмнинг соф физиологик функциялари, қўл ва оёқларнинг, бош ва бармоқларнинг, тоғайлар, пайлар, суяк ва мускулларнинг тараққий этиши ҳам бевосита меҳнат билан боғлиқ. Бундан ташқари, меҳнат инсоннинг нафақат жисмоний, балки маънавий,

маданий тараққиёти учун ҳам асосий шарт-шароит вазифасини бажаради. Меҳнат туфайли инсон табиатга таъсир этади. Бунинг учун меҳнат қуроллари ясаб, ушбу қуролларни узлуксиз такомиллаштириб боради. Инсон, америкалик олим Б.Франклин айтганидек, меҳнат қуролларини яратувчи жонзоддир. Оилавий муносабатлар ва ахлоқий нормалар инсонни ҳайвондан ажратувчи энг муҳим хусусиятлардан биридир.

Кўриниб турибдики, антропосоциогенез (юн. antropos ва genesis - инсон, келиб чиқиш) туфайли инсон ахлоқий мавжудот сифатида ҳам шаклланди, биологик мавжудотнинг ижтимоий мавжудотга айланиши жараёни содир бўлди. Оддий ахлоқий нормалар ёрдамида ибтидоий жамоа ўз аъзоларини барчага мақбул бўлган тартиб қоидаларни бажаришга мажбур қилди. Худди шу ҳолат инсоннинг ҳайвондан узил-кесил ажралиб чиққанлигидан далолат беради. Уз навбатида, ушбу воқелик ижтимоий ҳолатнинг биологик ҳолат устидан қилган буюк ғалабаси эди. Одамнинг меҳнат қилишни, меҳнат қуроллари ясашни ўргангани, ахлоқий нормаларга риоя эта бошлагани улкан неолитик инқилоб эди. Бундай неолитик инқилоб туфайли одам аста-секин ижтимоийлашиб борди. Одамнинг дастлабки аждоди ов қилиб, териб яшашга асосланган фаолиятдан ишлаб чиқарувчанликка, яратувчанликка асосланган турмуш тарзига (деҳқончилик, чорвачилик, косибчилик ва б.) ўта бошлади.

Худди шу ҳолат одам ижтимоий-тарихий мавжудот бўлиб шаклланаётганидан далолат беради. Бугунги кунда файласуфлар инсон учта асос - тана, руҳият ва маънавиятнинг йиғиндиси иборат эканлигини уқтирмақдалар. Инсоннинг биологик ҳолати деганда, унинг танасида содир бўладиган морфофизиологик, генетик, миясида рўй берадиган электро-химик ўзгаришлар, унинг ёши, ирқи ва жинсини ифодаловчи аломатлар тушунилади. Инсоннинг руҳий ҳолати ҳақида фикр юритганда, унинг ҳис-туйғулари, кайфияти, кечинмалари, иродаси, темпераменти англанади. Инсоннинг маънавияти жамиятда мавжуд бўлган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар натижасида шаклланган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, малакалар йиғиндисидир. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар инсоннинг мураккаб, бир бутун биосоциал жонзот эканлигидан далолат беради.

"Шахс" алоҳида киши, ижтимоий-ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган индивид маъносини англатадиган тушунчадир. Бу тушунча барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўз предмети нуқтаи назаридан ишлатилади. Шахс ҳақида хилма-хил талқинлар бор. Шахс - биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий, эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олинишидир.

Шахснинг шаклланишида қуйидаги омиллар катнашади: 1) биологик (насл); 2) табиий муҳит; 3) маданий муҳит; 4) ижтимоий тажриба; 5) одамлар билан муносабат. Шахснинг биофизиологик жиҳати овқатланиш, оила қуриш, фарзанд туғилиши каби индивидуал фаолияти билан боғлиқ ҳодисалардир.

Шахснинг шаклланишига табиий алоқадор буюм ва алоқалар олами физик муҳит деб аталади. Шахс маданийлашган жонзот; ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлган муайян авлод вакили; одамлараро муносабатлар субъекти бўлиши ҳам мумкин. Бу уч омил ҳам шахс ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

"Индивид" (лот. Individum - бўлинмас) - инсон шахси ва унинг ҳаётининг алоҳидалиги, шахс ҳуқуқларининг мутлақлиги ҳамда ва автономиясини ифодаловчи фалсафий тушунча. Мазкур тушунчанинг маънавий, назарий жиҳатларини ўз ичига оладиган концептуал ва реал ҳаётининг позицияни акс эттирувчи амалий жиҳатлари мавжуд.

Унинг назарий талқини асосида шахснинг жамиятдаги автономияси ва ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади. Аксарият ҳолларда индивид инсон табиатининг ўзида яширинган деб ҳисобланади.

Индивиднинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар "индивидуализм" тушунчасида ифодаланади. У шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун кўйишни ифодаловчи тамойил сифатида хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Индивидуализмнинг энг қадимий назарий ифодаси киниклар таълимотидир. Ушбу мактабнинг Антисфен, Диоген, Синопский, Кратет каби вакилларининг фикрича, моҳиятан сохта бўлган ижтимоий алоқалар, маданий кўникмаларнинг барчасига барҳам бериш зарур. Индивид маънан фақат ўзигагина таяниши мумкин. Анъанавий ватанпарварлик ахлоқига зид равишда ўзларини "дунё фуқаролари" - космополитлар деб эълон қилган киниклар ҳар қандай жамиятда ўз билганларича, ўз қонунлари билан яшамоқ ғоясини илгари сурдилар, ҳар қандай ахлоқий чегараларни инкор этдилар. Бунда шахс автономиясини асослашга интилиш ўзига хос тарзда намоён бўлади. Киниклар фаолиятида индивидуализмнинг амалиёти ҳам намоён бўлган. Масалан, Диоген ўзига нисбатан "жамоаси, уйи, ватани йўқ" деган формулани қўллашни яхши кўрган, бочкада кишилар берган садақа ҳисобига кун кечирган. Диоген ташқи таъсирлардан бундай мустақил ҳолда яшашни олий бахт, деб ҳисоблаган. Уйғониш даври Ғарб фалсафасида индивидуализм муайян концепция сифатида шаклланди. Маърифатпарварлар (Гоббс, Гельвеций, Гольбах) эса, индивидуализмни инсон фаоллиги, айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг универсал ўлчови сифатида эътироф этдилар. Уларнинг фикрича, ҳатто яхшилик қилиш замирида ҳам ўз манфаатларини тўғри англаш ёки "оқилона худбинлик" (Гольбах) ётади. Кант инсон табиатига хос бўлган худбинликни "ўта кетган бадбахтлик" деб ҳисоблаб, ўз фойдаси, манфаати, мақсадларини кўзлайдиганларни "ахлоқий эгоист" деб атаган. Шопенгауэр ҳар бир инсоннинг ўзига хос яшаши учун ирода унинг индивидуализмининг асоси деб ҳисоблаган бўлса, Чернишевский умумий иш муваффақиятидан охиरोқибатда индивиднинг шахсий манфаатлари ҳам ютишидан келиб чиққан ҳолда, шахсий фойдани умумий ишга ўз хоҳиши билан бўйсундириш ғоясини илгари сурган ва буни "оқилона эгоизм" деб номланган эди. Шунингдек, индивидуализм Штирнер ва Ницше, Сартр, Бергсон ва Ясперс қарашларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ҳозирги даврда баъзи мамлакатларда оммавий "маданият" ҳукмрон бўлиб бораётган, кишилар дунёқарашини бошқариш, уларнинг ҳулқига муайян стандарт қолипларни сингдириш йўлидаги уринишлар тобора авж олаётган ва кенг миқёс касб этаётган бир пайтда индивидуализм ўзининг ҳам назарий, ҳам амалий кўринишида яна шу ҳодисаларнинг ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, дунёнинг турли минтақаларида сциентистик, техникцистик ёндашувлар инсон шахси ривожига қарши қаратилган деб талқин қилинаётган бир пайтда индивидуализмни ўзига хос ҳаракат сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Бу, афсуски, нигилизм, скептицизм, цинизм кўринишларида ҳам намоён

бўлмоқда. Айни пайтда индивидуализм тарихда бўлгани каби, ҳозир ҳам космополитизм, волюнтаризм, анархизм, эгоизм каби кескин кўринишларда кўзга ташланмоқдаки, биз ўзимизни ана шундай ғоялар таъсиридан сақлашимиз лозим.

Инсонни оламнинг таркибий қисми, ижтимоий муҳит ва муносабатлар маҳсули, уларнинг яратувчиси сифатидаги табиати ҳамда моҳиятини фарқлаш масаласида аниқ чегара бўлиши мумкин эмас. Чунки инсон доимо олам жумбоғи, унинг очилмаган сири бўлиб келмоқда. Лекин, шунга қарамай, фанда инсон қобилияти ва сифатлари мажмуини унинг табиати билан боғлаб ўрганиш қабул қилинган. Ақллилик, муомала қилиш ва ижтимоий ҳаёт кечирish қобилияти инсоннинг асосий хусусиятлари ҳисобланади.

Инсон экологияси тўғрисида сўз юритганда, инсон популяцияларининг реал турмуш тарзини ўрганишни назарда тутиш лозим. Бу ўринда нафақат инсоннинг жисмонийлиги, у яшайдиган моддий муҳит, балки маънавий ҳам муҳим. Аммо, руҳга ҳаёт бахш этиш учун танани ҳам ҳаёт билан таъминлаш керак. Руҳ ва тананинг бир-бирини тақозо этиши, айни вақтда, бир-бирини инкор этиши, ҳар сафар янги ва янги куч билан намоён бўлувчи қарама-каршилиқ сифатида, ўз ечимини фақатгина маънавий ва жисмоний бўлмаган бошқа бир нарса воситасида топишни тақозо этади. Шу маънода, ўз қобилиятини рўёбга чиқариш, ўзликни англаш ва асраш муаммоси доимо инсон экологиясининг бош муаммоси бўлиб келган. М.Монтень ўз вақтида: «Дунёда энг муҳими ўзликни сақлашдир», деб ёзган эди.

Замонавий фанларда бу борада «экософия» атамаси қўлланмоқда. Экософия янги атама бўлиб, шахс хулқ-атворини белгилаб, унда ўзликни сақлаш хусусиятини таъминловчи шахсий қадриятлар мажмуи ва шу асосдаги дунёқарашни англатади.

Экософиянинг категориялар тизимига ўз қобилиятини рўёбга чиқариш ва қадриятлар тизимидан ташқари, ўз-ўзини тинимсиз ўрганиш императиви ҳам киради. Унинг энг етук рефлексив шаклини И.Кантнинг машҳур саволларида кўриш мумкин: «Инсон нима? Мен нимани билишим мумкин? Мен нимага умид кила оламан? Мен нима қилишим керак?» Булар умуминсоний муаммолар рўйхатида киритилган умумий оламшумул саволлардир. Аммо яшаш жараёнида вазиятга қараб муайян саволлар туғилиши ҳам мумкин. Бу ерда ментал ва этник хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Менталлик шахсни фикрлаш, сезиш, энг муҳими, муайян тарзда ҳаракат қилишга мажбур этувчи «вақт руҳи»ни тавсифлайди. Ментал таъсир механизмлари анча мураккаб. Инсон фарзанди дунёни идрок этишнинг шундай бир хусусиятини она сути билан бирга ҳазм киладики, дастлабки ижтимоийлашув жараёнида жамият ҳаётида мўлжал олишнинг шундай ўзига хос кўникмаларини ўзлаштирадики, улар энг ноқулай вазиятда ўзини намоён қилиб қолиши мумкин.

Инсон эволюцияси муаммоси унинг қобилиятларини кенгайтириш ва ахлоқий қадриятларини такомиллаштириш соҳасига татбиқан ҳал қилинади. Эволюция йўлидаги биринчи қадам - ўз-ўзини ўрганиш. Бунда салбий эмоцияларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур кураш жараёнида «инсон ўз ташвишларини қурбон қилиши керак». Зеро, токи инсонда салбий эмоциялар мавжуд экан, унинг бирлиги, онги, иродаси ривожлана олмайди. Ўз-ўзини ривожлантириш учун инсон ўзини кузатишни, ўзининг фойдали ва зарарли жиҳатларини фарқлашни ўрганиши лозим. Шахсда юзага келувчи қизиқишлар, худди магнетик марказ каби, инсоннинг ривожланишини йўлга солади ва назорат килади.

Инсон моҳиятини фалсафий билиш улкан тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Инсон фалсафаси ҳар бир янги тарихий даврда инсон моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Инсонга хос хусусият ва фазилатларни билиш орқали ҳар ким ўзида шундай сифатларни шакллантиришга интилади.

Бундай фазилатлар фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш, умуман, таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларни эгаллаш орқали Ўзбекистонда ҳуқуқий, фцқаролик жамият қуриш вазифалари уйғунлигини таъминлашга эришиш бутун таълим-тарбия ишимизнинг бош мезони ва унинг олдида турган муҳим вазифадир.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги шароитда инсон омили ва мезони барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб беради. Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этишни инсон омилсиз тасаввур этиб бўлмайди.

### **Таянч тушунчалар.**

Одам, инсон, индивид, шахс, антропогенез, антропология социогенез, антропосоциогенез, экзистенция, инсон экологияси.

### **Назорат учун саволлар**

1. «Инсон» ва «шахс» тушунчаларини изоҳланг. Улардаги умумийлик ва фарқлар нималардан иборат.
2. Фалсафа тарихида инсон тўғрисидаги қарашлар.
3. Марказий Осиё мутафаккирлари инсон тўғрисида.
4. Ҳозирги замон фалсафасида инсон муаммоси.
5. "Инсон экологияси" тушунчасининг мазмун-моҳияти.

## 12- мавзу. Шахнинг ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ.

1. Жамият ва шахс муносабатлари ҳақидаги фалсафий фикрлар.
2. Шахснинг жамиятга таъсири. Жамият ва шахс орасидаги муносабатлар.
3. Мустақиллик шароитида шахс эркинлиги ва маъсулияти.

Жамият ва шахс муносабатлари одам ҳамда олам муносабатларининг бевосита давомидир. Жамият ва шахс орасидаги муносабат мураккаб характерга эга бўлиб, бу жараён жамиятнинг инсонга ҳамда инсоннинг жамиятга таъсири тарзида намоён бўлади.

Жамият ва шахс муносабатлари фалсафа тарихида турлича таҳлил қилинган. Баъзи қарашларга кўра инсоннинг шаклланишида ижтимоий муҳит ҳал қилувчи ўрин тутаети, деган фикр ҳукмрон бўлиб; жамият ва инсон орасидаги муносабатлар бир йўналишда, яъни жамиятнинг инсонга таъсири тарзида таҳлил қилинган. Ҳозирги давр нафақат жамиятнинг инсонга, айна вақтда инсоннинг жамиятга катта таъсир кўрсата олишини эътиборга олишни тақозо қилмоқда. Фан ва техника ютуқлари инсонлар турмуш тарзининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораётган ҳозирги замон цивилизацияси шароитида яқка инсон, алоҳида шахс, ҳатто инсоният тақдирида буюк бурилиш ясаши ёки ўта хавф солиши мумкинлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Ана шундай шароитда жамият ва шахс орасидаги муносабатлар муаммосининг илмий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятнинг инсонга таъсири, аввало, унинг шахс бўлиб шаклланиш жараёнида акс этади. Жамият шахснинг шаклланиши жараёнига бевосита таъсир кўрсатади. Жамиятнинг шахсга таъсири: а) мегамуҳит; б) макромуҳит; в) микромуҳит даражасида амалга ошади. Мегамуҳит - инсоният дунёси, давр муҳитининг инсонга таъсири. Макромуҳит - инсон ҳаёт кечираётган жамият, мамлакат. Микромуҳит - инсонни ўраб турган, унга бевосита таъсир кўрсатадиган муҳит (оила, меҳнат жамоаси).

Шахснинг жамиятга таъсири ҳар бир тарихий даврдаги ижтимоий муҳитда турлича кечади. Унинг жамиятга бевосита таъсири микромуҳитда намоён бўлади. Макро ва мегамуҳитга таъсири у мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, миллатнинг аниқ бир тарихий даврдаги эгаллаган мавқеига мувофиқ бўлади. Шахснинг жамиятга таъсири, унинг ҳаётга муносабатдаги фаоллиги даражасига боғлиқ. Шахсларнинг муайян тарихий даврдаги фаолиятлари, жамиятда тутган ўринларига кўра: а) оддий; б) талантли; в) буюк; г) гений турларини кўрсатиш мумкин. Оддий шахснинг жамиятга таъсири асосан тор доирада – микромуҳитда бевосита сезилади. Тарихий шахслар ўз фаолияти билан жамиятга ижобий ёки салбий таъсир этиб, унинг ҳаётида чуқур из қолдириши мумкин.

Генийлик<sup>1</sup> шахс қобилияти ва фаолиятининг бетакрорлигида намоён бўлади. Гений ижоди ва фаолияти ўзига хослиги билан, инсоният жамияти тараққиёти учун алоҳида тарихий аҳамияти билан характерланади.

Ижтимоий фикр соҳасида “буюк шахс” тушунчаси қўлланади. Шахснинг буюклиги ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, элат ёки халқнинг ўйфикрини ифодалаб, уларнинг асосий мақсад-муддаоларини тарихий жараёнларнинг объектив мантикий талабларига мос равишда амалга оширишда ҳал қилувчи ишларни бажара олишидадир. Бундай шахснинг фаолиятида ўз халқини бахтли-саодатли қилиш, ўзлигини намоён қилиш, миллий ва давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, хуллас инсоният ялпи илгарилама ҳаракатига кўмак бериш белгилловчи ўрин эгаллайди. Бундай ҳолатда шахс тарихнинг субъекти даражасига кўтарилади.

Умуман олганда, ижтимоий тараққиётга ёки таназзулга тарихий шахслар сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, шахс типи ижтимоий муносабатларнинг реал тизимининг инъикосидир. Шахсни ҳеч қачон жамиятдан, жамиятни шахсдан ажратиб бўлмайди. Жамият шахсиз яшай олмаганидек, шахс жамиятдан ташқарида фаолият кўрсата олмайди. Жамиятнинг шахсга таъсири масаласини юқорида кўриб ўтдик. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар шахсни қандай қилиб шакллантирган бўлса, ўз навбатида, шахс ҳам жамиятни шундай тарзда барпо этади. Бундан шахсда у яшаётган, фаолият кўрсатаётган жамият, у мансуб бўлган синф, табақа, миллат ёки элатнинг ўзига хос хусусиятлари акс этади, деган хулосага келиши мумкин. Ҳар бир жамиятда ўзига хос шахс типи мавжуд бўлади. Турлича жамият, турли ижтимоий муҳитда шакланган шахс ўзининг ижтимоий хислат, фазилатлари билан бошқалардан тубдан фарқ қилади.

Ижтимоий фалсафада шахс ва жамият муносабатларининг тарихий типлари масаласи ишлаб чиқилган. Унга кўра, саноатлашган жамиятга қадар, саноатлашган (индустриал) жамият ва постиндустриал жамиятларга хос муносабатларнинг: а) шахсий қарамлик; б) шахс мустақиллиги; в) эркин шахсдан иборат уч типни кўрсатилган.

Эркин, мустақил шахс постиндустриал жамиятга ўтиш жараёнида шакллана бошлади. Бундай жамиятда билим, ахборот, касбий маҳорат устувор ҳисобланади, хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожлана бошлади. Қудратли моддий-техник база, тараққий этган ишлаб чиқарувчи кучлари бўлган бундай жамиятда шахс тараққиётининг моддий ва маънавий омиллари етилган бўлади. Очيق, эркин жамият эркин шахснинг шаклланиши учун зарурий шарт-шароитларни яратади. Шахс фақат очик, эркин жамиятдагина эркин бўла олиши мумкин. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган, демократик тараққиёт йўлини танлаб олган давлат ва жамиятда инсон энг олий қадриятга айланади.

Шахс ва жамият орасидаги муносабатларни динамик жараён сифатида ўрганиш, бунда ҳам жамиятдаги, ҳам инсон шахсидаги ўзгаришларни инobatга олиш лозим бўлади.

Жамият узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда бўлгани сингари, шахс ҳам доимо ҳаракатда, ўзгаришда бўлади, бу ҳолат шахснинг такомиллашувидан иборат динамик тизимни ифодалайди. Файласуф олим Анвар Чориев шахснинг шаклланиши ва такомиллашуви уч асосий босқични:

- вужудга келиш, шаклланиш;
- улғайиб бориш;

<sup>1</sup> Гений лотинча genius сўзидан олинган ва даҳо маъносини ифодалайди.



- такомиллашишни ўз ичига қамраб олади, деб ҳисоблайди.<sup>1</sup>

Жамият ва шахс орасидаги алоқадорликка ижтимоий-тарихий нуқтаи назардан ёндашмоқ лозим. Бу нарса, бир томондан, шахснинг жамиятга таъсири турли даврларда ўзига хос тарзда намоён бўлишини. Иккинчидан, жамият турли даврларда шахс олдига турли вазифаларни қўяди. Шунга кўра, Шарқ маданиятида донолик, ботирлик, камтарлик, одиллик қадрланган; қадимий Юнонистонда ақлий баркамолликка эришиш юксак баҳоланган; саноатлашган жамиятда тадбиркорлик, ташаббускорлик қадрланган.

Жамият ва шахслар орасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар таҳлили шундан далолат берадики, жамиятнинг цивилизацияли тараққиёти шахс ролининг тобора ўсиб боришига олиб келади. Бу ҳол шахс эркинлиги билан масъулиятни долзарб масалага айлантиради. Шу муносабат билан эркинликнинг ўзи нима? Эркин шахс қандай шахс? каби саволларга жавоб топиш лозим. Аввало, эркин шахс деганда, мустақил шахс назарда тутилади. Мустақил шахс - мустақил фикрлаш, ишлаш, яшаш малакасига эга бўлган индивид.<sup>2</sup>

Шахс мустақиллигини таъминловчи энг муҳим кафолатлардан бири инсондаги эркинлик ва масъулият туйғуларининг уйғунлашганидир. Эркинлик муаммосига файласуфлар ўз муносабатларини турлича билдирганлар. Рус файласуфи Н.Бердяевнинг фикрича, эркинлик туфайли инсон танлаш, саралаш имкониятига эга бўлади. Лекин фақат танлашнинг ўзигина эркинликни таъминлаб бера олмайди. Ҳақиқий эркинлик ижодкорликни тақозо этади. Инсон эркинлигини ижодкорликдан, бунёдкорликдан ажратиш мумкин эмас.

Детерминистик концепция тарафдорлари эркинлик инсоннинг объектив заруриятини англаб олиш қобилияти, деб тушунадилар. Эркинлик танлаш учун имконият мавжуд бўлган жойда вужудга келади. Эркинлик инсоннинг ўз мақсадига эришишининг муҳим омили, унинг учун берилган имкониятдир.

Эркинлик, шахс эркинлиги волюнтаризм ва фатализм фалсафий йўналишларининг бош масаласидир. Фатализм лотинча *fatalis* – тақдирга оид, деган маънони англатади. Пифагорчилар, Демокрит, Ницше фатализм намоёндалари ҳисобланади. Фатализм - Калом фалсафасининг энг муҳим ақидаларидан бири. Фатализм ҳар бир ҳодиса ва инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари тақдири-азалга, қисматга боғлиқ, деб ҳисоблайди. Фатализм инсон ҳеч нарсага ўзгартира олмайди, барча нарса, ҳодиса, жараёнлар мазмуни, йўналиши, оқибатлари олдиндан белгиланган, деган ғояни илгари суради. Бу билан инсонни ҳеч қандай фаолият кўрсатмасликка, пассивликка, қисматга бўйсунушга даъват этади.

Волюнтаризм лотинча *voluntas* – ирода, деган маънони ифодалайди. Бу фалсафий қараш шахс иродасини бирламчи деб эътироф этади ҳамда тарихий жараёнлар алоҳида шахсларнинг субъектив хоҳишларига асосан амалга ошади, деган ғояга асосланади. Волюнтаризмнинг мазмун-моҳияти XIX аср немис файласуфи А.Шопенгауэрнинг ирода фалсафасида ўз ифодасини топган.

Мустақил шахсга хос асосий хусусият эркинликдир. “Эркинлик” тушунчасининг маъноси кишининг ўз истаги бўйича иш тутишидир. Эркинлик жамият ҳаётининг турли соҳалари билан бевосита боғлиқ. Эркинлик деганда: а) иқтисодий; б) сиёсий; в) маънавий эркинлик назарда тутилади. Иқтисодий эркинлик, бу аввало, мажбур қилишдан озодликдир. Айти вақтда иқтисодий эркинлик инсон томонидан ижтимоий меҳнатнинг турини танлаб олишда, мулкка муносабатда ва қаерда фаолият кўрсатишни танлаб олишда намоён бўлади. Бунда шахс ҳам ўз интилишлари, ҳам реал жамиятнинг реал имкониятларидан келиб чиқади.

Сиёсий эркинлик ҳаёт кечириш учун зарур ҳуқуқ ва эркинликларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Тараққий этган жамиятда давлат инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди. Сайлаш – сайланиш ҳуқуқи, адолатли давлат тизими, халқнинг давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишдаги ҳал қилувчи иштироки, яъни демократик ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш, “сиёсий эркинлик” тушунчасида ифодаланади.

Маънавий эркинлик деганда, аввало, виждон эркинлиги, жамият маънавий ҳаётида иштирок этиш, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиш, ижоднинг у ёки бу тури билан шуғулланиш, сўз эркинлиги кабилар назарда тутилади.

Эркинлик масъулият, жавобгарлик билан бевосита боғлиқ. Эркинлик ва масъулият инсон фаолиятининг ўзаро узвий боғлиқ икки томонини ташкил этади. Масъулият, аввало, жавобгарлик маъносини ифодалайди. Масъулият – ижтимоий аҳамиятли бурч ва вазифаларнинг бажарилиши, муайян ахлоқий тамойилларга риоя қилиш бўйича шахснинг жамият аъзолари олдидаги жавобгарлиги. Эркинлик каби масъулият ҳам хилма-хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий масъулият, шахс масъулияти, жамоа масъулияти ва х.к. шулар жумласидандир.

Масъулият жамият, ижтимоий гуруҳ томонидан шахсга қўйиладиган талаблар асосида шаклланади. Бу талабларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиши унинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятида намоён бўлади. Шахснинг шаклланишида масъулият ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Масъулият шахснинг жамият манфаатларини қай даражада чуқур англай олишини назарда тутати. Эркин шахс, аввало, жамият манфаатларини англаган, жамият олдидаги ўз масъулиятини чуқур хис эта оладиган инсон. Жамият ҳаёти ва тараққиёти инсон фаолиятининг маҳсули ва кўриниши экан, инсон қанчалик масъулиятни чуқур ҳис этса, у шунчалик онгли фаолият кўрсата олади.

Шахс эркинлиги ижтимоий тараққиёт омили ҳисобланади.

Фалсафий таълимотда “шахс” мураккаб тушунчалардан биридир. Шахснинг ижтимоийлашуви ижтимоий ҳаётда вужудга келади. Зеро, шахс ва жамият уйғун ҳолда ривожланади. Чунки шахс муайян жамиятнинг алоҳида олинган ажралмаган бўлаги. Бу иккала тушунчага ягона бир организм сифатида қараш ўринли. Инсонга шахс сифатида қарайдиган бўлсак, унинг бу ҳолатини, даставвал, жамиятдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодалайди.

Шахснинг ижтимоийлашуви у яшаётган жамиятдаги ижтимоий иқтисодий, маънавий ва маданий муҳит таъсирида кечади. Бу жараённинг биринчи босқичи оиладир. Оилада гўдакнинг дунёга келган кунидан бошлаб, ахлоқий ва онгли фаолиятига асос солинади. Зеро, чақалоқнинг шахс сифатида шаклланишининг

<sup>1</sup> Чориев А. Инсон фалсафаси. II китоб. Мустақил шахс. – Т.: 2002. 105-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 43-бет.

биринчи «ғишти» оилада қўйилар экан, бу шахс камолотининг жуда кўп ва мураккаб объектив ва субъектив омиллари ичида муҳими, ҳал қилувчи жиҳатларидан биридир. Аввало ғўдак соғлом бўлиши, бунинг учун она ҳам соғлом бўлиши, руҳиятининг тетик бўлишига кўп нарса боғлиқ. Буюк мутаффакир Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида «Чақалокнинг она қорнида ривожланиши ва туғилгандан кейинги даврда шахс сифатида шаклланиши она руҳиятига боғлиқ», деган эди.

Инсон боласининг шахс сифатида камолотга етишиши уни дунёга келтирувчи ота ва оналарнинг руҳан ва жисмонан тетик бўлиши, айниқса, маънавияти бой бўлиши муҳимдир.

Шахс ва жамият, давлатни бошқариш масалалари Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ҳамда давлат арбобларининг асарлари ўз ифодасини топган. Бу соҳага улкан ҳисса кўшган файласуфлардан, Суқрот, Платон, Аристотель, И.Кант, Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абулқосим Фирдавсий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Юсуф Ҳамодоний, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг ижодларида бу масалаларга нисбатан муҳим фикрлар билдирилган.

Абу Али Ибн Сино шахс камолоти, яъни ижтимоийлашуви ҳақида фикр юритиб, шундай деган: "Инсон шахси «дунёвий ақл» ва «дунёвий руҳ» билан қўшилганда, оламни билиш борасида, камолотга етишишдаги муваффақиятга эришади." Шарқ мутафаккирлари инсон моҳияти таҳлилида унинг руҳий ва ижтимоий мавжудотлигига эътибор берганлар. Худди шундай ҳолатни биз Абу Райҳон Берунийда ҳам кузатишимиз мумкин. Олимнинг фикрича, инсоннинг ақлий қобилиятлари: фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаш, хотира, оламни янада яхшироқ тасаввур этиш учун инсонга берилган «Тангри тухфаси»дир. Ақлий қобилият тўғрисида инсон ташқи муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларнинг бирини иккинчисига солиштиради, таҳлил қилади, ростини ёлғондан, адолатни адолатсизликдан, яхшини ёмондан, ҳақиқатни ноҳақликдан ажратади. Бу билан олим шахснинг ижтимоийлашуви ва жамият тараққиётига таъсири мураккаб жараён эканлигига эътибор қаратади.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида шахс камолотига, ижтимоийлашуви алоҳида урғу беради ва у орқали шахс ва жамият муносабатларининг шаклланиши ҳамда ривожланишига олиб келувчи омилларни кўрсатади. «Ҳар бир инсон, - дейди Форобий, — ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади».

Бу билан олим инсон ёлғиз ўзи мақсадларига эриша олмаслиги, шахснинг ижтимоийлашуви ва камолотга етишиши жамиятсиз амалга ошмаслигини уқтиради. Форобий шундай ёзади: «Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган кишиларни бир-бирига етказиб берувчи ва узаро ёрдамлашуви кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришиши мумкин».

Инсоннинг шахс сифатида шаклланишини, кишиларнинг бирлашуви шахс ва жамият муносабатларишни йўлга қўйишда деб билади. Албатта, бу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда таълимотларини шахс камолотининг бошқа омиллари борлигини, яъни шахс дунёда қандай ўринни белгилаши, аввало, ўз тақдирини эгаси бўла олиши билан белгиланади. Бунда шахс эркинлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг доимий фаоллиги, ўз-ўзини ривожлантиришнинг муҳим сифати эркинлик ҳисобланади. Аммо эркинлик яшаб турган жамиятдан озод ҳолда бўлмайди. Эркинлик ва масъулият олдидаги масъулиятни ўзининг ижтимоий бурчи ҳисоблаб. Ўз фаолиятида эркинликнинг намоён бўлиши ва давом этиши деб қараши лозим. Ижтимоий фаоллик эса, шахсий шаклланишнинг муҳим омилдир. Шахс ўз талаб ва заруриятлари асосида оламни ўзгартирди ва жамиятда ўз ўрнини топади, бу ҳолат шахснинг онги ва яратувчанлик фаолиятидир.

Инсон ҳаёти мураккаб алоқадорлик ва ҳаракатлар хилма-хил муносабатларда намоён бўлиши туфайли унинг эркинлиги ҳам кўп қирралидир. Бу эркинликнинг руёбга чиқиши зарурият орқали амалга ошади. Шахс ва жамият муносабатларининг ўрнатилишида ёки айрим кишилар кундалик ҳаётларида турлича кўринишдаги заруриятга дуч келадилар. Шахснинг муайян заруриятларга муносабати, аввало, объектив воқелик ва тартиб асосида кечса, иккинчи томондан, унинг ички дунёси, интилишига қараб, амалга ошади.

Шахснинг ижтимоийлашуви натижасида унинг субъектив «Мен»и ҳам шаклланади. Шахснинг «Мен»и у яшаб ўтган ижтимоий муҳит (ота-боболар, оила, маҳалла, атрофдаги кишилар ва б.) асосида шаклланади. Бу жараён шахснинг «Мен»и шаклланишига ижобий (қўпинча) ёки салбий таъсир этиши мумкин. Бунда инсоннинг ички моҳиятидан келиб чиқадиган, доимо бир-бири билан ёнма-ён мавжуд бўладиган маънавий психик ҳолатини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Шахснинг «Мен»ини шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий муҳит, умуман, комил инсон тарбиясидаги ижобий омилларни фарқламоқ керак. Яъни, поклик ёки нопоклик, саҳийлик ёки очкўзлик, меҳр-шафқатлилик ёки тошбағирлик, инсофлилик ёки ноинсофлилик, виждонлик ёки виждонсизлик, эзгулик ёки ёвузлик каби руҳий ҳолатлар қиради. Муайян ижтимоий муҳитда шаклланган субъектив «Мен»даги бу ҳолатлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ.

Инсон субъектининг «Мен»и тўғрисидаги фикрларни воқеликка мувофиқ келиши ва келмаслиги масаласини назардан қочирмаслик лозим. Агар инсон «Мен»ининг шаклланишида салбий ҳолатларга эрк берилса, одам инсонийлик сифатларидан қадам-бақадам маҳрум бўлиб боради. Бунинг учун одам онги, қалби доимо эзгуликдан озиқланиб туриши лозим.

Шахс ва унинг «Мен»и шаклланишида юқоридаги омиллардан ташқари билим ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар қандай жамиятда инсон шахсининг етуклик даражасига эътибор қаратилган. Шарқ маданиятида ақлий баркамолликка эришини шахс ҳисобланиб, саноатлашган жамиятнинг ривожига тадбиркор инсон шахснинг асосий идеали ҳисобланган. Ҳозирги даврда шахс идеалига бундай қараш эскириб, ақлий баркамоллик билан тадбиркорликнинг уйғунлиги ҳозирги замон шахс идеали ҳисобланади.

Шахс ижтимоийлашувида мақсад томон интилиш турли эътиқод ва қарашларда намоён бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда ижобий характерга эга бўлиб, инсон хатти-ҳаракатлари, эҳтиёжлари мақсадлари, билимлари ва орзу-умидларини ўз ичига олишда намоён бўлади.

Бу даражага етишиш учун инсон мураккаб босқичлардан ўтиши, зарур билимга, ҳаётий тажрибага эга бўлиши, ўзи яшаётган, меҳнат қилаётган жамоа, муҳит ва муайян жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини ўзида акс эттиргандагина шахс сифатида шакллана боради. Шахснинг шаклланиши ижтимоийлашуви деб аталади.

“Шахс” тушунчасини «индивид» тушунчасидан фарқлаш лозим. Фалсафада инсонга нисбатан

«индивид» эмас, «индивидуаллик» тушунчаси ишлатилади. Бу муайян инсоннинг алоҳидалиги ва бетакрорлигидир. Инсон индивид шаклда туғилар экан, у шахсга айланиши учун ўзининг барча ички имкониятларини, индивидуаллигини намоён қилиши керак бўлади. Индивидуаллик ҳақида турли даражада гапириш мумкин. Масалан, биохимик, нейрофизиологик, психологик ва ҳоказо. Лекин бу индивидуаллик «шахс» тушунчасини тўлиқ акс эттирмайди. Шахс эса онг ва ўз-ўзини англаш пайдо бўлиши билан юзага келади.

«Индивид» ва «Индивидуализм» бир-бирига яқин атамалар бўлса ҳам ҳар бирининг ўзига хос мазмун ва моҳияти бор. Агар индивид деганда мустақил яшайдиган тирик вужуд, шахс тушунилса, «индивидуализмнинг келиб чиқиши, унинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар шахсни жамоага қарама-қарши кўйишни, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйишни, ифодаловчи тамойил сифатида хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган».

Фалсафада қабул қилинган «индивид» тушунчаси узоқ тарихий даврга бориб тақалади. Унинг шаклланиш даврининг бошланиши ибтидоий жамоа даврига тўғри келади. Унинг жисмоний мавжудлиги, индивид сифатида мустақиллиги ўзи мансуб бўлган уруғ жамоаси доирасида бўлади.

Маълумки, уруғ жамоасининг емирилиши билан аста-секин ижтимоий меҳнат тақсимоти, хусусий мулкчилик, бир хотинликка асосланган оиланинг қарор топиши ўрта давр учун хос бўлган индивиддан юксак бўлган янги босқич келиб чиқишини таъминлаган. Тараққиётнинг кейинги босқичларида фалсафада «индивид» эмас, «индивидуаллик» атамаси ишлатилган.

Дарҳақиқат, инсондаги индивидуаллик, бошқача айтганда, алоҳидалик йўқолиб кетмайди, аксинча, унда бу хусусиятлар объектив равишда инсон хусусиятларини ифодаловчи бўлиб давом этаверади. Инсондаги индивидуаллик, унинг ҳаёти, фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўладиган ўзига хос сифатларидир. Индивидуаллик алоҳида олинган инсоннинг аниқ хатти-ҳаракати, малакаси, лаёқати, одат ва кўникмаларини ифодалайди.

Жамиятда моддий ишлаб чиқаришни амалга ошириш жараёнида кишиларнинг сиёсий, маънавий-маданий ишларда иштирок этиши фан ва санъат соҳаларида ижод ва кашфиёт килишади, имконият яратишади, умуман олганда, кўплаб ишларнинг бажарилишида ана шу индивидуаллик намоён бўлади. Яъни, бундай ижобийлик ҳукм суради. Индивидуалликда инсоннинг ички ва ташқи олами бетакрор хусусиятлари шаклланганлиги учун бошқалардан фарқ қилиб туради.

Индивидуализм атамасини Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ўзларига хос ва мос мазмунда фойдаланиб келганлар. Ғарб олимлари индивидуализмга латинча – бўлинмас, яъни инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалиги сифатида қараганлар. Шарқда эса, (арабчада якка, ёлғиз маъносига) унинг мазмуни кенг қамровли эканлигига эътибор қаратилган.

Ўрта аср охиридан бошлаб, индивид жамоадаги ўз ўрнини топган шахсга нисбатан ишлатилган, индивидуалликини шахсдан фарқи индивиднинг бетакрорлиги, алоҳидалиги ва ўзига хослигидир.

Индивидуалликдаги кенг қамровли мазмуннинг касб этилиши муайян жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-ахлоқий заруриятлар олдинга сурадиган талаб ва эҳтиёжлар орқали намоён бўлади. Масалан, IX-XV асрларда Марказий Осиёда яшаган мутафаккирлар фалсафа, фан, дин ва санъатда янги фикрларни айтишга муваффақ бўлдиларки, улар нафақат ўз давлари учун, балки кейинги давлар учун ҳам улкан аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий тараққиёт жараёнининг тарихига назар ташласак, шу нарса аён бўладики, антик даврнинг охирида индивидуалликини шахс деб атаганлар, инчунун, у фақат табиий организм эмас, балки инсоний, ижтимоий мавжудот сифатида қабул қилинган. Шундан эътиборан шахс атамаси ва унга тааллуқли нарсалар шахсийлик маъносида ишлатилиши одат тусига кира бошлаган.

Ҳозирги замон фалсафа ва ижтимоий-гуманитар фанларда «шахс» тушунчасига бир неча талқин берилган. Яъни, шахс деб ўзининг ижтимоий-иқтисодий тузум шароитларига боғлиқ бўлган, ўз тақдирининг эгаси бўла олган, индивидуал ҳолатида: интеллектуал, эмоционал ва иродавий сифатларига эга бўлган инсонга айтилади.

Тарихда турли диний-фалсафий тизимлар шахсга ўзларича ёндашганлар. Агар антик давр фалсафасида шахсга нисбатан асосан муносабатлар деб қаралган бўлса, христианлик таълимотида шахснинг махсус моҳияти бу «Индивидуал субстанция» ақлий хусусият, номоддий руҳнинг синоними деб тушунилган.

Янги давр фалсафасида француз файласуфи Р. Декарддан бошлаб шахс ҳақида дуалистик ғоя шаклланишига йўл очди. Бунда биринчи ўринга ўз-ўзини англаш «Мен» тушунчаси билан бирлаштириб юборилди. Немис файласуфи И.Кант фикрича, шахс ўз-ўзини англаши орқали шаклланади, бу ҳолат унинг ҳайвонлар олаmidан фарқлаб, ўзининг «Мен»ини ахлоқий қоидаларга бўйсундириш имкониятини беради. Инглиз файласуфи Дж.Локк эса шахсни «ақлий фикрловчи» мавжудот, деб тушунган.

Тарихий тараққиёт натижасида фақат шахснинг шаклланиши мавжуд ижтимоий тузумни ўзгариши билан чегараланмайди, балки шахс билан жамият муносабатлари ҳам ўзгариб, ривожланиб боради.

Шахс ва жамият муносабатларида шахснинг ўрни алоҳида бўлганлигидан, унинг психологик жиҳатлари психолог олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Шахснинг хусусиятларига одамнинг характери, интеллект, эмоционал сифатлари, темпераменти, қобилиятлари ва психик ҳолатлари (кечинмалар) хатти-ҳаракатлар киради.

Умум психологияда «шахс» тушунчаси ўзига хос талқин килиниб, индивиддаги турли психик жараёнларни бирлаштирувчи ва унинг хулқини белгиловчи кетма-кетлик ва қатъиятлик деб қаралади.

Олимлар ўз тадқиқотларида бундай назарияга қайси томондан ёндашишига қараб бир неча йўналишларга бўлинади: психобиологик (У. Шелдан, АКШ); биосоциологик (Ф.Олпарт, К.Роджерс, АКШ); психосоциал ва неофрейдистлар (А.Адлер, К.Харки, АКШ).

Бу соҳада кейинги пайтда олиб борилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари бўйича шахс ҳақидаги айрим назариялар, жумладан, фрейдизм, бихевиризм, персонализм танқид қилина бошлади.

Аммо шахснинг шаклланишидаги биологик ва ижтимоий омиллар асосий омил деб ҳисобланмоқда. Шахс шаклланишининг муҳим жиҳати индивиднинг ўзига хос хусусияти эмас, балки у иштирок этадиган ва ижтимоий функцияни бажарадиган ижтимоий тузумдир.

Шундай қилиб, психология нуқтаи назаридан, шахс инсоннинг ички хислатлари ва хусусиятларининг мажмуи бўлиб, барча ташқи таъсирлар мазкур хусусиятлар орқали сингиб ўтади. Шахснинг фаоллик манбаи эса, инсоннинг хилма-хил шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларидан иборат. Энг муҳими шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун ижодий фаолликни ошириш, у билан боғлиқ, бўлган ижтимоий ва ахлоқий масъулиятни ошириб боришдан иборат.

Шахс муаммоси долзарб муаммо бўлганлиги учун унинг мазмун ва моҳиятини янада чуқурроқ тадқиқ этишга қизиқиш олимлар ўртасида, айниқса XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида бирмунча жонланди. Натижада инсон шахси билан боғлиқ фалсафий оқимлар вужудга кела бошлади, ана шундай йўналишлардан бири персонализмдир. Персонализм (лотинча – шахс), бирламчи ижодий – реаллик ва олий маънавий қадрият деб талқин қилина бошлади. Персонализм тарафдорлари оламнинг мавжудлигини олий яратувчи куч – худо ижодий фаолиятининг намоён бўлиши деб тушунтиради. Персонализм XIX асрнинг охирларида Россия ва АҚШда шаклланди, кейинчалик XX асрнинг 30-йилларида Франция ва бошқа мамлакатларга ёйила бошлади. Россияда персонализм ғояларини Н.А Бердяев, Америка персонализи асосчилари Б.Баун, Ж.Гайе ва уларнинг издошлари У.Хайинг, Э.Брайтмен, Ж.Жунсон давом эттирдилар.

Европа олимларининг персонализм ғоялари диний таълимот (асосан христианликнинг католик йўналиши) билан қоришилганлигида яққол намоён бўлади. Уларнинг фикрича, шахс маданиятнинг энг олий чўққиси, олам эса олий қадрият – шахснинг ижодий фаолияти туфайли ўзгариб туради, деган назарияга асосланади. Шу боисдан, бу олимларнинг персонализм таълимотининг асосини шахснинг ирода эркинлиги ташкил қилади. Персонализм нуқтаи назаридан ижтимоий тараққиёт муаммоларининг ҳал этилиши ҳамма вақт шахсга боғлиқ бўлади. Н.Бердяевнинг фикрича, бу ўринда муаммо инсон шахсига жамият ва давлат томонидан белгиланган эркинлик ҳақида эмас, балки чексиз ҳуқуққа эга бўлган давлат ва жамиятнинг таъсиридан ҳоли бўлган шахс эркинлигини қарор топтириш ҳақида фикр юритилмоқда.

Шахсда ана шундай эркинлик бўлганида уларнинг фикрича, иродасини ҳоҳлаган томонга йўналтириш, ахлоқий қадриятларни танлаш эркинлигига эга бўлади.

Француз католик персонализмининг йирик вакилларида Э. Мунье христианликнинг шахс ҳақидаги таълимотини юқори баҳолаб, бу инсоният ҳаётидаги энг катта ўзгаришга сабаб бўлди, дейди. Чунки христианлик таъсирида бўлган жамият христианлик жамоаси каби шаклланган бўлиши мумкин.

Инсон муаммоси билан шуғулланувчи Ўзбекистон файласуф олимлари ҳозирги замон персонализм ҳақида фикр юритмоқдалар. Масалан, А.Чориевнинг «Инсон фалсафаси» китобида ёзилишича, персонализм муаммоси ҳозирги кунда ассимиляция бўлиб экзистенциалистик ва христиан антропологияси ғояларини муштараклаштириб, ўзига хос ғояларни илгари сурмоқда. Бу ғоя асосида турли миллат вакиллариининг ўзаро дўстликка асосланган муҳаббатни қарор топтиришга интиломқда. Китобда шундай дейилган: «Персонализмда муҳаббат «мен»нинг «сен» олдидаги масъулияти шаклида талқин қилинмоқда. Шахс ахлоқий камолотга эришишнинг энг олий чўққиси унинг худо шахси билан доимий мулоқотида».

Бу ҳолат фақат христианликда эмас, балки бошқа барча динларда, хусусан, жаҳон динларида ҳам мавжуд. Жаҳондаги асосий динлар, пайгамбарлар ҳақида фикр юритиб, диний таълимотларда оламнинг яратилиши, шу жумладан, одамларнинг жамики тирик мавжудотларнинг яратилишига эътибор қаратилган. Ислом фалсафасида эса одоб-ахлоқ масалалари кенг ёритилган. Унда инсон камолотига алоҳида урғу берилган. Яъни, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши учун диний эътиқоддан ташқари дунёвий билимларни пухта эгаллаб, ҳақ йўлдан тоймаслик, ҳаётда яхши ном қолдириб, иймон-эътиқод ва ҳидоят йўлида улуғ мақсадлар билан яшашга даъват этилган. Шахс одоб-ахлоқининг шаклланишида диний қадриятларнинг ўрни катталигига эътибор қаратилган.

Тасаввуф таълимоти, Н. Комилов фикрича, Ўрта Осиё фалсафаси тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига қамраб олиб, уни ривожлантирган, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирган, илоҳий билимлар бирлаштирган, бу билан дунёвий илмларни боғлашга ҳаракат қилган.

Аммо бу фикрлардан ислом таълимотида шахс ва жамият ҳақида, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги барча фаолиятлар фақат илоҳий қудрат орқали бошқарилади, деган хулосага келиш жуда ҳам тўғри бўлмайди.

Олимларнинг таъкидлашича, Қуръони каримда «илм» сўзи 750 марта, «ақл» сўзи 50 марта тилга олинган. Демак, Қуръони Карим ва бошқа диний манбалар инсон (шахс) ақл-заковатини ижодий томонга йўналтиришга йўл очади. Ислом дини пайдо бўлган дастлабки асрларда, яъни VII асрнинг охири ва VIII асрда ушбу диний таълимотда турли мазҳаблар, йўналишлар шакллана бошлади. УП асрнинг иккинчи ярмида даставвал хорижийлар (Ал –Хавориж, хаража –диндан чиқмоқ мазмунида) йўналиши шаклланди, сўнгра икки йирик оқим – суннийлик ва шиаликка ажралган. Бу иккала йўналишнинг ҳар бирида кейинчалик бир неча ҳуқуқий масҳаблар шаклланиб, ислом дини ривожига ҳисса қўшган.

IX-XII асрларда ва ундан кейин XIV-XV асрларда дунёвий ва диний илмларнинг 2 ҳақиқат назарияси асосида ривожланиши фанда, фалсафада, ижтимоий ҳаётда катта ютуқларни қўлга киритишга олиб келган. Ўша даврларда Ўрта Осиё дин ва диний таълимотни мақсад деб эмас, балки илм-фаннинг барча қирраларини эгаллашда, ташқи дунё моҳиятини билишда инсонларнинг табиатда тутган ўрнини аниқлашда восита деб билганлар. Дин ва диний эътиқод инсоннинг руҳият эҳтиёжларини қондирса, илм-кашфиётлар инсоннинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиршига қаратилган.

Халқимиз тарихидан маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка тўғри ёндашилганлиги учун соҳада илмлар шундай машҳур кашфиётлар қилиндики, улар халқимизнинг маънавий-маданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу кашфиётларнинг эгалари ўз замонасининг, ҳаттоки, ҳозирги даврнинг ҳам юксак шаклланган шахси эканлигидан далолат беради.

Шахснинг жамиятга ва аксинча жамиятнинг шахсга муносабати масаласи ҳам муҳимдир. Жамият одамлар уюшмасининг махсус шакли, тараққиётнинг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Жамиятнинг шаклланиши ва қарор топиши узоқ тарихий даврни бошдан кечирган

бўлиб, мураккаб жараённинг ижтимоий ҳодисасидир.

Жамият вужудга келишида меҳнат қилиш энг асосий омил бўлди. Жамият шунчаки одамлар мажмуаси эмас, балки ижтимоий муносабатлар орқали ташкил топади. Ана шунда шахс ва жамият муносабатлари ҳам шакллана боради. Бунда ижтимоий меҳнат турларидан ташқари, одамлар ўртасида амал қилинган, ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳудудий, мафкуравий муносабатларга киришади. Шахс ва жамият муносабатларида тарихан ташкил топган оила ва шахс, оила ва жамият муносабатлари ҳам муайян жамият қабул қилинган қонун-қоидалар доирасида ривожланиб боради.

Халқимизнинг ўтмиш тарихидан маълумки, ўзининг бир неча асрлар давомидаги ижтимоий-иқтисодий, илмий-маданий, ғоявий-ахлоқий ривожланиш жараёнида Уйғониш даврининг икки босқичини босиб ўтган Имом Термизий, Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби уламо, буюк мухаддисларни, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ал Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк фан ва давлат арбобларини етказиб берган. Бу уламо - олимлар ва мутафаккирлар доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг мазмун-моҳияти, жамият ва шахс муносабатларининг фан билан дин алоқалари ҳақида фикр юритиш билан бир вақтда давлат ва жамиятни бошқариш, шахс камолоти масалаларига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Ушбу масалаларни таҳлил қилишда мутафаккирлар фанларни туркумлашда диний ва дунёвий фанларга ажратганлари ҳолда уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаганлар. Аммо булар иккала ёндашувда ўз олдига қўйган мақсадлари, ўрганиш объектларида бир-бирдан фарқ қиладиган тамойилларни ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар инсоннинг пайдо бўлиши, моҳияти ва истиқболлари тўғрисида, шахс ва жамият муносабатлари, давлатни бошқариш хусусида илғор илмий қарашларни илгари сурдилар. Бунда араб файласуфи Ибн Рушд сурган ҳақиқатга эришишнинг икки йўлини, яъни бири диний, иккинчиси илмий йўл деб билдилар. Диний йўл билан худо ва унинг қудратини билиш йўлидан иборат бўлса, илмий йўл эса табиат ва объектив оламни билиш орқали амалга ошади.

Улуғ мутафаккирларнинг жамиятнинг пайдо бўлиши, унинг мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари тўғрисидаги илмий фалсафий қарашлари катта аҳамиятга эга. Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридаги фикрлари, Ибн Синонинг жамиятнинг пайдо бўлиши, кишиларнинг ижтимоий меҳнатга жалб қилиниши, меҳнат тақсими ва уларнинг бирдамликка бўлган эhtiёжларининг келиб чиқиши, Беруний эса цивилизацияларнинг пайдо бўлишида табиий-географик омил ҳал қилувчи ўрин эгаллаганини таъкидлагани бежиз эмас.

Жамият пайдо бўлиши, шахс ва жамият муносабатлари масалаларини илмий асосда тадқиқ этиш XIX-XX асрларда европалик олимлар, назарий-файласуфларнинг ҳам диққат марказида бўлди. Уларнинг назарияларида жамият ғоят мураккаб ижтимоий организм бўлиб, унда ижтимоий борлиқ, ижтимоий онг, ижтимоий-иқтисодий тузум ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари, базис, устқурма ва ижтимоий онг шакллари мавжуд бўлиши қайд қилинган.

Жамиятнинг мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари ҳар бир тарихий даврда яратилган фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келинган бўлса, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига илғорроқ таълимотларни яратиш вазифасини қўймоқда.

Демократик жамиятни шакллантириш ва тараққиётни амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда шахслараро ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мафкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахс ва жамият муносабатларининг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик жамиятининг асосларини яратишга боғлиқ.

Шахс ва жамият муносабатлари асосида ўзаро ҳамкорлик, турли халқ ва миллатлар ўртасида ҳурмат ва дўстлик ипларини мустаҳкамлашни ҳозирги замон фани ютуқларисиз (компьютер технологияси, интернет орқали алоқалар ўрнатиш) тасаввур қилиш қийин. Зеро, ҳозирги замон фани турли технологик воситалар орқали илм-фан соҳасида, дунё халқларининг турмуш тарзи ва ҳаёти ҳақида тараққиётнинг ижтимоий ва иқтисодий, маънавий ва сиёсий жараёнлари, халқаро аҳвол хусусида тез ва осон ахборот олиш имконига дунё халқлари қатори ўзбек халқи ҳам муваффақ бўлмоқда. Шахс ва жамият муносабатлари мазкур жиҳатлари билан чегараланмасдан, жамият тараққиётини таъминлашга ва жамиятни бошқаришда шахснинг ролини оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Шахс ва жамият муносабатлари таҳлилдан қуйидаги хулосаларга келиши мумкин:

а) «шахс» фалсафада мураккаб тушунчалардан бири бўлиб, унинг моҳияти муайян жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари билан белгиланади;

б) шахс биологик ривожланишининг муҳим жиҳати инсон мияси ҳисобланади. Лекин шахснинг моҳияти ижтимоий муносабатлар натижасидир. Мия — моддий орган, ёрдамида шахс ўзини намоён қилади;

в) шахснинг шаклланиши ижтимоийлашув деб аталади. Шахс типи — ижтимоий муносабатлар тизими, инъикосдир. Унинг ижтимоий фаолияти шахс шаклланишининг муҳим омилдир;

г) шахснинг жамиятга муносабати масаласида жамият маданиятида шахснинг етук даражасига эътибор қаратилган. Шарқ халқларида шахснинг ақл-заковати, зеҳнли, кўрқмас, ботир, камтар ва одиллик каби ахлоқий, жисмоний сифатлари қадрланган;

д) шахс ва жамият муносабатлари муайян жамиятда қабул қилинган қонун-қоидалар, ҳуқуқ ва вазифаларни амалдаги талаблар асосида бажариш орқали шаклланади;

е) шахснинг шаклланиши ва ахлоқий камолотга эришишнинг энг олий чўққиси, диний манбаларда кўрсатилишича, унинг Худо шахси билан доимий мулоқотидир;

з) шахс дунёни ўзгартириш билан ўзини ҳам ривожлантиради, қобилиятини намоён қилишга имкон яратади;

и) демократик ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда комил инсонни шакллантириш шахс ва жамият муносабатларини ҳуқуқий тамойиллар асосида мустаҳкамлаш,

маърифий-маданий ишларни юқори босқичга кўтариш фуқаролик жамиятини барпо этишга асос бўлиб хизмат қилади.

Антропология инсон моҳиятини тўлароқ очиш учун «мен», «онг», «шахс», «руҳ» тушунчаларидан фойдаланади. «Мен» инсоннинг ўзлигини ташқи оламдан, реал борлиқдан фарқлашидир. Бошқа нарсалар инсонга бегона воқелик сифатида англанади. Шахс инсоннинг мустақиллигини ифода этади. Инсон ўз ҳаёти давомида тана ва руҳ эҳтиёжларини қондиришга интилади.

Тана эҳтиёжларини қондириш инсон борлигининг зарур шarti ҳисобланади. Бироқ ҳаётнинг маъноси фақат ҳаёт неъматларидан кўпроқ баҳраманд бўлишда, бойликка ружу қўйишда, маишатпарастликда деб билиш инсон моҳиятига зиддир. Бундай бир ёқламалик инсонни тубанликка олиб келади. Инсон руҳининг камол топиши билан унда маърифатпарварлик, одамийлик, раҳм-шафқат, диёнат, виждон, олийҳимматлик, ватанпарварлик, бурчга содиқлик сифатлари шаклланади.

Юксак маънавият инсонни поклайди, имон-эътиқодини мустаҳкамлайди. Мантиқ нуқтаи назаридан тушунча ҳажми қанча кенг бўлса, унинг мазмуни шунча қашшоқ бўлади. "Индивид" тушунчасининг ҳажми ниҳоятда кенг бўлиб, ўз ичига ҳар қандай инсонни (жисмонан соғлом ва мажруҳ, ахлоқан етук ва ақли ожизларни ҳам, оддий инсонлар ва буюк шахсларни ҳам) қамраб олади. Бинобарин, ҳар қандай одам индивиддир. Бу тушунчада инсоннинг на биологик, на ижтимоий сифатлари ўз ифодасини топмайди. Шу маънода, «индивид» ва «шахс» тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлса-да, бир-бирдан кескин фарқланади.

Индивид деганда, умуман, инсон зотига мансуб бўлган айримлик тушунилади. Индивид умумийликнинг айрим ҳолда намоён бўлишидир. Шу боисдан ҳам бу тушунча алоҳида тавсифланмайди. У ҳамиша шахссиздир.

Инсон шахси предметли оламни тушуниш, идрок этиш жараёнида шаклланади. Кишилар шахс бўлиб туғилмайди, балки шахс бўлиб шаклланади. Шахс конкрет шарт-шароитнинг, ижтимоий муҳитнинг маҳсулидир. Инсон онги воқеликни шунчаки акс эттирмайди, балки тасаввур, тушунча, ғоя, тафаккур сифатида ижодий ўзлаштиради ва ўзгартиради. Гегель таъкидлаганидек, иш-ҳаракат инсон моҳиятини ёрқин ифода этади, унинг мақсад ва интилишларини яққол кўрсатади.

(Шахс ўзига хос таркибий тузилишга эга. Шахс структурасининг муҳим элементлари:

- онг;
- ўзликни англаш;
- билиш жараёнлари;
- ҳиссиёт;
- мустаҳкам эътиқод;
- ирода.

Шахс структураси учун хос бўлган хусусиятлар қуйидагилар:

- темперамент;
- характер;
- қадриятлар тизими;
- эътиқод, ишонч;
- дунёқараш;
- идеаллар.

"Шахс" тушунчасининг мазмуни ғоят бой бўлиб, айрим олинган кишиларнинг ноёб, нодир ва бетакрор хусусиятлари, фазилатлари ва ижтимоий сифатларини ўзида акс эттиради. "Шахс" тушунчасида индивиднинг табиий-биологик хусусиятлари эмас, балки ижтимоий сифатлари ўз ифодасини топади. Чунки инсон моҳиятан ижтимоий мавжудотдир. Бироқ инсоннинг табиий-биологик хусусиятлари шахснинг шаклланишида муайян роль ўйнайди.

Шахс ҳамиша конкрет тарихий ҳодиса бўлиб, жуда кўп омилларнинг ўзаро таъсири, бири-бири билан уйғунлашуви натижасида вужудга келади. Инсон конкрет тарихий шароит, ижтимоий макон, амалий фаолият ва таълим-тарбия жараёнида шахс сифатида шаклланади.

Шахс ғоят мураккаб структурага эга бўлиб, турлича талқин этилади. Масалан, педагогикада бола шахсининг шаклланиши, психологияда шахс деганда, инсон хулқ-атворидаги психик жараёнларни боғлаб турувчи асос тушунилади. Социологияда инсоннинг индивидуал хусусиятлари эмас, балки унинг бажарадиган ижтимоий функциялари, турли ижтимоий ролларни бажарувчи сифатида талқин этилади.

Фалсафада шахс ижтимоий идеаллар, инсоний фазилатлар, қадриятлар соҳиби, ижтимоий сифатларни ўзида яққол намоён этувчи индивид сифатида ўрганилади. Фалсафа учун инсоннинг шахс сифатидаги моҳияти, жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини аниқлаш муҳим. Кишилар шахс бўлиб туғилмайди, балки, жамиятдагина шахс бўлиб шаклланади ва ривожланади. Чунки инсонга хос ижтимоий сифатлар, фазилатлар авлоддан-авлодга ирсий йўл билан ўтмайди.

Инсон дунёга келган вақтида жамият, сиёсий система, маданият, ишлаб чиқариш, оила, оммавий ахборот воситалари, мафкура ва ҳоказолар мавжуд бўлади. Инсон таълим-тарбия, меҳнат, мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, билим, муносабатлар, ахлоқий нормалар, сиёсий ғоя, миллий мафкура ва ҳоказолар таъсирида яшайди. Уларни ўзлаштиради, шу жараёнда ижтимоийлашади, шахс бўлиб шаклланади. Натижада инсонда янгича фазилат ва сифатлар пайдо бўлади. У яратувчан мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлайди. Ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш, юксак масъулиятни ҳис этиш, ғоя учун курашиш, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллик шахсга хос белгилардир.

Шахснинг мақсад, ғоя ва идеаллари жамиятдаги миллий ғоя ва мафкура билан узвий боғлиқ равишда шаклланади. Миллий ғоя ва мафкурани амалга ошириш, эзгу идеаллар йўлида ҳатто ҳаётини қурбон қилиш шахс ҳаётининг бош мақсадига айланади.

Шахс мустаҳкам иймон-эътиқодга, ғояга, инсоний фазилатларга эга бўлган, ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларида ифода этадиган инсон.

Шахс «комил инсон» тушунчаси билан маънодош. Шарқ мутафаккирлари «шахс» тушунчаси ўрнида фозил инсон, комил инсон, баркамол инсон тушунчаларини қўллаган. Комил инсон деганда, мустаҳкам имон-

эътиқодга, яхши инсоний фазилатларга эга бўлган кишилар тушунилади.

Камолотга эришиш йўллари, усуллари турли диний ва фалсафий системаларда муҳим ўрин эгаллаб келган. Ҳар бир тарихий давр талабларига мос равишда турли фалсафий таълимотларда комил инсон идеали янги талқин этилган. Илм-фан, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ ва ҳоказолар баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилган. Агар "инсон" тушунчаси ўзида ҳам биологик, ҳам ижтимоий сифатларни мужассамлаштирса, "шахс" тушунчасида инсоннинг ижтимоий сифатлари, чинакам инсоний фазилатлари, қобилият ва истеъдод, бетакрор ва ноёб фазилатлари ўз ифодасини топади.

Шахс инсондаги инсонийликни, илоҳий истеъдодни, барча олижаноблик, эзгуликни ўзида акс эттиради.

Бошқача қилиб айтганда, шахс инсоннинг ижтимоий-психологик моҳиятини, борлигини ифода этади.

Инсон боласи дунёга туғма инстинктлар билангина эмас, балки, катталарга тақлид қилиш, қувониш, ғам-қайғу ва изтироб чекишни билиш қобилияти билан ҳам келади. Инсоний қобилиятлар бутун ҳаёт давомида такомиллашиб боради. Инсондаги биологик ва ижтимоийлик бир-бири билан узвий боғлиқ равишда мавжуд бўлади, инсоннинг маънавий-ижтимоий томони устунлик қилиши мумкин.

Шахс структурасига хос хусусият, элементлардан бирортасининг йўқолиши шахснинг деградиациялашувига олиб келади. Шахс структурасида маданиятнинг барча даражалари яққол намоён бўлади: анъана, миллий қадриятлар, оилавий-маиший нормалар, илмий билим, маънавий қадриятлар шахсга хос бойлик ҳисобланади. Шахс структурасининг ана шу элементлари дунёқарашга бевосита боғлиқ.

Инсон дунёқарашининг унинг оламга, табиат, жамият ва ўз-ўзига бўлган қарашлари, эътиқоди, ижтимоий, ахлоқий ва эстетик идеалларидир. Дунёқараш объектив реалликни идрок этиш жараёнида шаклланади, билим эътиқод характерига эга бўлгандагина дунёқарашга айланади. Ёки илмий билимларнинг ишонч ва эътиқодга айланиши билан дунёқараш шаклланади.

Имон шахснинг ўз қарашлари, ғоялари, принциплари ва идеаллари тўғрилигига бўлган ишончдир. Шахс жамиятдаги хилма-хил ғоя ва қарашлардан бирини танлаш имкониятига эга бўлсагина, унинг билимлари эътиқодга айланади. Эътиқод шахснинг ғоя билан узвий боғланиши ва уни амалга ошириш учун курашиши.

Инсон ўз моҳиятини фаолият жараёнида рўёбга чиқаради, унинг собитқадам фаолияти жараёнида ирода эркинлиги намоён бўлади. Ирода эркинлигида шахснинг заруриятни англаши асосида фаолият турини танлаш қобилияти яққол кўзга ташланади. Ўз хулқ-атвори ва фаолияти учун масъулиятни ҳис этиш шахсга хос муҳим хусусиятдир.

"Шахс" тушунчаси «индивидуаллик» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Индивидуаллик шахснинг бетакрор, ноёб, ўзига хос хусусиятларида, темперамент, характер, хотира, хатти-ҳаракатнинг ўзига хослигида ўз ифодасини топади.

Шахс фаолияти натижалари ҳамиша индивидуалдир. Шахс ва индивидуаллик узвий боғлиқ бўлса ҳам, инсон ижтимоий борлигининг турли томонларини тавсифлайди. Биз "индивидуаллик" тушунчасига нисбатан, оригинал, ижодкор, "Шахс" тушунчасига эса «кучли», «мустақил», «тарихий», «буюк» сингари сифатларни қўллаймиз. Индивидуалликда инсоннинг ўзига хослиги, шахсда эса мустақиллик ўз ифодасини топади.

Шахс индивидуаллигида ижтимоий ҳаётнинг туганмас ва мураккаб қирралари, ранг-баранглиги ўз ифодасини топади. Шахс индивидуаллиги инсоний ҳаётга жозибадорлик, гўзаллик бағишлайди. Шахснинг индивидуаллиги туфайли ҳаёт қизиқ, завқли ва қадридир.

Кишилар бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатларда шахснинг ўзига хослигини (темпераменти, характери, эстетик диди, маданий, ахлоқий савияси) албатта инобатга оладилар, шахснинг индивидуаллиги билан ҳисоблашадилар.

Шахс индивидуаллигининг шаклланишида табиий-биологик омил ҳам, ижтимоий муҳит ҳам муҳим роль ўйнайди. Инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, оила, маҳалла, меҳнат жамоасидаги ижтимоий-психологик муҳит ижтимоий зиддиятлар шахс индивидуаллигининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Миллий мустақиллик йилларида баркамол инсон шахсини шакллантириш умумдават сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади бўлиб қолди. Президент И. А. Каримовнинг «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман» сингари асарларида алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги муаммолар билимдон, ақл-заковатли, ташаббускор, шижоатли, юксак маънавий салоҳият, юксак касбий маҳорат ва олийжаноб инсоний фазилатларга эга бўлган комил инсонларнинг ғайрат-шижоати билан ҳал этилади. «Биз, - деб ёзади И.А.Каримов, - мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг асосий мақсад ва вазифаларини белгилар эканмиз, Ўзбекистоннинг цивилизация ва тараққиётнинг юксак, ёрқин чўққиларига эришишида маданий ва тарихий мероснинг, халқнинг инсонпарварлик анъаналарининг юксак марраларини эгаллаган, умуминсоний қадриятлар ва меъёрларга содиқ бўлган озод ва ҳар томонлама уйғун камол топган шахс асосий таянч бўлишини қайта-қайта таъкидлаганмиз».

Шахснинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида оила, маҳалла, таълим-тарбия, илм-фан ва маданият муассасалари, меҳнат жамоалари муҳим роль ўйнайди.

Оиланинг энг муҳим вазифаларидан бири бола шахсида олижаноб инсоний фазилатларни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини сингдириш, ҳаётга тайёрлашдир. Бола, энг аввало, оила бағрида инсоний муносабатларни ўзлаштиради, она тили, миллий тарбияни эгаллай бошлайди. Бола шахсига индивидуал ёндашиш ва унинг қадриятларини ривожлантиришда оналарнинг-роли жуда катта.

Демократик давлат оналарнинг тарбияловчилик вазифаларини тўла адо этишлари учун зарур иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади. Мамлакатимизда болалик ва оналикни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Айниқса, соғлом авлодни вояга етказиш давлат дастурининг амалга оширилиши жамиятимизда соғлом маънавий-ахлоқий муҳит яратиш, аждодларимизнинг энг илғор анъаналарини давом эттириш учун пухта замин яратмоқда.

Меҳнатга бўлган муносабатда шахснинг барча қобилият, фазилат ва хусусиятлари намоён бўлади. Меҳнат жамоаси шахсга хос фазилат ва хислатларни баҳолайди, унинг тўла намоён бўлиши учун шарт-шароит

яратади. Меҳнат жамоасидаги соғлом муҳит, бир-бирига ўзаро ёрдам, тажриба алмашиш шахснинг камол топиши учун замин яратади.

Шахсни шакллантирувчи, тарбияловчи энг муҳим омиллардан бири таълим-тарбия муассасаларидир. Изчил ва мунтазам таълим-тарбия жараёнида инсон шахси камол топади. Шахсни шакллантирмай туриб, тарбия жараёнининг муваффақиятини таъминлаб бўлмайди. Ниҳоят, шахсни тарбияловчи омиллардан яна бири - инсоннинг ўзи: шахс ўз-ўзини тарбиялайди. Баркамол инсон хатти-ҳаракати ва хулқ-атворини танқидий баҳолайди, йўл қўйган хато ва камчиликларини бартараф этишга интилади.

Комил инсон, энг аввало, онги юксак, мустақил фикрлайдиган, хулқ-атвори ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишилардир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини унинг табиий-моддий эҳтиёжларидан ажратиш, унга фақат илоҳий мавжудот сифатида қараш бир ёқламаликка олиб келиши, етилган ижтимоий муаммолар моҳиятини тўғри тушунишга халақит бериши мумкин.

Антропология инсон ўз ички оламига чуқурроқ кириб бориши орқали олам моҳиятини билиши мумкин, деган ғояни илгари суради. «Маънавият инсонни ахлоқан поклайдиган, имон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган, эзгуликка ундайдиган ботиний кучдир.» (И. А. Каримов). Юксак маънавиятда ҳақиқий инсоний моҳият мужассамлашган. Инсоний олижаноб фазилатлар шахсда ўз аксини топади. Инсонга хос бўлган барча хусусиятлар шахс фаолиятида, унинг жамиятда тутган ўрнида, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришида, муайян мафқурани амалга оширишида яққол намоён бўлади.

Шахснинг шаклланиши ва ривожланишида тарихий шарт-шароит, айниқса, ғоя ва мафқура муҳим роль ўйнайди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида вужудга келган муаммолар ва вазифалар шахснинг янги типини яратишни тақозо этди. Ана шундай шахсга хос бўлган фазилат ва сифатлар Президент И. А. Каримов асарларида ўз ифодасини топди. Бозор иқтисодиёти инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, унинг қобилиятлари, меҳнат ва ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш учун кенг имкониятлар яратди.

Булар қуйидагилар:

- меҳнатни ташкил этиш усуллари ва шаклларининг ўзгариши;
- меҳнатга янгича муносабатни рағбатлантиришга ёрдам берувчи омиллар;
- ўз қобилияти, қизиқишларига мос бўлган фаолият турларини танлаш имкониятининг яратилиши;
- шахснинг тадбиркорлиги, ишбилармонлигининг қўллаб-қувватланиши;
- мулкчилик турли шаклларининг вужудга келтирилиши;
- шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенгайиши;
- давлат ва жамоат ишларида қатнашиш имкониятларининг яратилиши;
- демократик қадриятларнинг ривожланиши;
- маънавий мерос ва маданият ютуқларидан эркин фойдаланиш имкониятининг яратилиши.

Ана шундай имкониятлар шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда, унинг комил инсон сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро барча ислоҳотлар инсоннинг манфаатлари, эзгу мақсадларини амалга оширишга, унинг баркамол инсон сифатида ривожланишига қаратилган.

Шахс ислоҳотлар натижаларидан баҳраманд бўлувчигина эмас, балки ислоҳотларни собитқадамлик билан амалга оширувчи куч сифатида мазкур жараёнда ривожланади, қадр-қиммат топади ва эъзозланади. Миллий истиқлолнинг моҳияти ва мақсади:

- инсон қадр-қимматини янада юксалтириш ва эъзозлаш;
- инсон учун бахтли ҳаёт шароитини яратиш;
- ўзлигини англаши, ижтимоий бурч ва вазифаларини адо этиши, келгуси авлодларга яхши ном қолдириши ва имон-эътиқодли бўлиши учун қулай шароит яратишдир.

Бундай имкониятларни амалга оширишга халақит берадиган нуқсонлар ҳам инсон табиати билан боғлиқ. Ҳозирга қадар инсон тўғрисидаги фалсафий таълимот ва қарашларда, асосан, инсоннинг ижобий хусусиятларига, яратувчанлигига кўпроқ эътибор бериб келинди. Кейинги вақтларда инсон борлигининг салбий томонлари ҳам таҳлил қилина бошлади.

Мустақиллик йилларида демократик эркинликларни суистеъмол қилиш, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, порахўрлик, уюшган жиноятчилик ва бошқа салбий ҳолатларнинг яққол намоён бўлиши инсон табиатини чуқурроқ ўрганиш ва инсондаги салбий майлларни бартараф этишга ёрдам берадиган фалсафий қарашлар вужудга келди.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим кишилар миллат, Ватан, халқ манфаатларига зид равишда жамиятдаги мавжуд қонун-қоида ва нормаларни поймол этиб, кўпроқ ғаразли мақсадларини амалга оширишга ва турли ихтилофларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар, миллий тотувлик, тинчлик ва барқарорликка раҳна соладилар, маънавий-ахлоқий муҳитни бузадилар. Бундай гуруҳга мансуб кишилар:

- турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи бузғунчи фирибгарлар;
- ҳокимиятга интилувчи диний экстремистлар;
- коррупция ва жиноятчилик билан шуғулланувчилар;
- гиёҳвандлар;
- порахўрлар;
- террорчилар;
- шуҳратпарастлар ва бошқалар.

Инсонни фалсафий билиш ва таҳлил этишда ана шундай гуруҳларга мансуб кишилар мавжудлигини ҳам эътиборга олиш муҳим.

Демократик жамият инсон ҳуқуқларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, ғайриижтимоий гуруҳларга мансуб кишиларни тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга, кишилар онгда миллий манфаат ва ижтимоий қадриятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Шахс эркинлиги ва тарихий зарурият бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалар. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон қобилиятлари тўлароқ намоён бўлади. Ижтимоий табақаланиш жараёнида



кишиларнинг бой ва қашшоқ гуруҳларга ажралиши табиий ва қонуниятли жараён дир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим хусусияти аҳолининг кам таъминланган қисми, талабалар ва ногиронларнинг давлат томонидан ҳимояланишида ижтимоий адолатнинг қарор топишида яққол намоён бўлмоқда.

Кишиларнинг боқимандалик психологияси, тафаккур турғунлигидан озод бўлишлари, ўзгарган янги иқтисодий шароитга мослашишлари ўз билим ва маҳоратини оширишлари учун ғамхўрлик қилиш иқтисодий ислохотларнинг инсонпарварлик йўналишга эга эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимиздаги барча ислохотлар инсон қадр-қимматини юксалтириш, унинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган. «Ислохотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг миллати, дини ва сиёсий маслагидан қатъи назар, шахс сифатида намоён бўлиши, ўз қобилияти, истеъдодини намоён этиши, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, мазмунлироқ қилиш имконига эга бўладиган зарур шароитларни яратишдан иборат дир».

***Таянч тушунчалар.***

Шахс, мустақил шахс, эркинлик, масъулият, қарамлик, комил инсон.

**Назорат учун саволлар**

1. Жамият ва шахс орасидаги диалектик алоқадорликни қандай тушунасиз?
2. “Одам”, “инсон”, “индивид”, “шахс” тушунчаларига таъриф беринг, улар орасидаги муносабатни таҳлил этинг.
3. Жамият билан шахс орасидаги муносабатлар ҳақида қандай фалсафий фикрлар илгари сурилган?
4. Шахснинг шаклланиши ва ривожланишида тарихий шарт-шароитнинг ўрни.
5. Шахснинг тарихий типларга ажралишининг асосий омиллари, деганда нимани назада тутасиз?
6. «Эркин шахс» тушунчасини таърифланг.
7. Шахс эркинлиги ва масъулияти ҳақида нималар дея оласиз?

### 13-мавзу. Инсон фан ва техника оламида.

1. Фан ва техника тараққиётининг ижтимоий-фалсафий масалалари.
2. Ижтимоий тафаккур тарихида «техника» тушунчаси.
3. «Фан» тушунчасининг моҳияти.
4. Фан тараққиёти қонунлари.
5. Фан ва жамият.

Ҳозирги замон цивилизацияси саноат ва техника тараққиёти билан боғлиқ индустриал цивилизация ёки техноген жамияти деб аталмоқда. Бугунги жамият мавжуд адабиётларда техноген олам, индустриал цивилизация деб ҳам юритилипти. У анъанавий, ёввойи (подачилик) жамиятдан фарқланади ва келгуси жамият манзарасини қуйидаги изчилликда тасаввур қилиш имконини беради: индустриал, постиндустриал, экологик, ахборотлашган жамият ва ҳақозо.

Техноген олам, цивилизация бевосита «фан», «техника», «рационаллик» сингари тушунчалар билан боғлиқ. Айниқса, фан ва техника ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, шунингдек, инсон фаолиятига кириб борган. Фан ва техникани фалсафий идрок этишнинг аҳамияти ортмоқда. Фалсафанинг «техника фалсафаси», «фан фалсафаси» сингари нисбатан мустақил соҳалари тез ривожланмоқда.

Фан ва техника элементлари гарчи антик даврда вужудга келган бўлса-да, унга фалсафий баҳо бериш XX асрда тубдан ўзгарди. Юнонистонда «техне» тушунчаси «моҳирлик», «санъат», «табиий материаллардан сунъий равишда нарсалар яратиш», «ишлаб чиқиш» маъносини англатган. Яшаш учун мавжуд табиий материаллардан сунъий предметлар яратишга, табиий нарсаларни инсонийлаштиришга интилишган. Инсон ишлаб чиқарувчи, мавжуд билимларини предметлаштирувчи, қобилиятини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилувчидир.

Тафаккур тарихида «техника» тушунчаси турлича талқин этилган:

1) Собик иттифоқда техникани ижтимоий организмнинг сунъий системаси, жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг таркибий қисми, моддий ашёвий элементи сифатида талқин этилар эди;

2) Мартин Хайдеггер техника - биринчи асос, инсон ибтидосининг илдизи, томири, инсониятнинг ўз-ўзини рўёбга чиқариш, намоён этиш усули деб тушунди.

3) Эллюнинг фикрича, техника қандайдир механизмлар йиғиндиси, мақсадни амалга ошириш тартибидир.

4) Немис олимлари: Ленк ва Пороль техниканинг қуйидаги муҳим элементларининг кўрсатдилар:

- табиий билимларнинг амалиётга татбиқ қилинадиган тармоғи;
- элементлар ва воситалар комплекси;
- табиатни бўйсундириш ва унинг устидан ҳукмронлик қилиш воситаси;
- табиатнинг «кашф этилиши» ва «тартибга солиниши»;
- ғоянинг рўёбга чиқарилиши;
- сунъий муҳит яратиш ва бошқалар.

Техника моҳияти муҳандислик, қайта қуриш, лойиҳалаш ишларини олиб боришдаги предметларнинг антифакт (сунъий яратилган) йиғиндиси деб ҳам талқин қилинмоқда.

Адабиётларда техниканинг фундаментал хусусияти кўпроқ ҳисобга олиниб, уни туб ўзгаришлар қилиш воситаси эканлиги қайд этиляпти. Техника шундай қудратга эгаки, унинг ёрдамида инсон табиатни, ўз-ўзини, жамиятни тубдан ўзгартиради.

Техника инсоннинг сунъий қўли бўлиб, унинг воситасида объектга, меҳнат предметларига таъсир этади ва уни ўзгартиради. Технология - техника билан узвий боғлиқ. «Технология» юнунча сўз бўлиб, предметларга таъсир этиш, ишлов бериш, тайёрлаш, ўзгартириш методлари мажмуи деган маънони билдиради.

Агар техника инсоннинг объектга нима воситасида таъсир кўрсатишини англатса, технология инсоннинг объектга қандай таъсир кўрсатишини англатади. Техника тарихан инсоният фаолиятининг объектив шарт-шароитидир. У тош саноати, ҳунармандчилик, юқори технология жараёни даврларини, техника тараққиёти даврларини ифодалайди ва унинг инсон фаолиятидаги ролини кўрсатади.

1. Техника оддийликдан мураккаблик томон ривожланади. Инсоният тарихи қўл меҳнатининг техника зиммасига ўтганидан гувоҳлик беради. Инсон «табиийликни» сунъий предметлар ишлаб чиқариш билан алмаштиради, ташқи оламини ўзгартиради, ўзини такомиллаштиради. Инсон ва техника ўртасидаги алоқадорлик тобора ортиб боради. Ҳозирги олам «техникалашган» макон ва «технологиялашган» замон бирлигидан иборат. Биз табиатнинг ибтидоий босқичида эмас, техносферада яшаймиз.

Техник ривожланиш даврини белгилашда АҚШ файласуфи ва социологи Л. Мамфорднинг қарашлари катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, ҳозирги давр техниканинг дастлабки куртаклари бизнинг эрамыздан икки минг йил илгари вужудга келган бўлиб, қуйидаги 3 даврдан иборат:

1. 1000 - 1750 йиллардаги «экотехник» давр. Унинг технологияси асосини сув, дарахт, ёғоч ташкил этади.

2. XVIII асрнинг 2- ярми - XX аср ўрталаридаги «политехник» давр. У кўмир ва темир комплексига таянади.

3. Ҳозирги давр «неотехник» давр бўлиб, «электр қуввати ва қотишмалар»дан кенг фойдаланиляпти.

Демак, Л. Мамфорд техникада қўлланадиган энергия тури ва моддани ўз таълимотига асос қилиб олган. Файласуф Т. Ф. Сунягин техниканинг ривожланиш концепциясини яратишда техника функцияларининг меҳнат типи ва турига қараб ўзгаришини асос қилиб олган:

а) қадимги техника ва унинг «хонавайрон» қилувчи характери овчилик ва терувчиликка нисбатан «истеъмолчилик» муносабатида бўлган;

б) деҳқончилик меҳнати неолит инқилоби жараёнида қарор топди. Унда конструктивлик, ишчанлик хусусиятлари ва техника белгилари шаклланди.

в) ишлаб чиқаришда машинанинг қўлланилиши билан техника тарихида сифат ўзгариши вужудга

келди.

Европада Ўрта асрларда техника янгиликлари, соат, шиша, ойна ишлаб чиқариш, китоб нашр этиш ривожланди. Соатнинг яратилиши кишиларни табиий цикл, органик вақт доирасидан чиқишини тақозо этди. Инсон вақтни тежашни, уни қадрлашни ўрганди. Вақтни орқага қайтмаслигига иқрор бўлди. Вақтга бойлик сифатида қараш одат тусига кирди. Ойна, шиша маконнинг бир хил эканлигини тушунишга имкон берди. Осмон ҳақидаги «муқаддаслик» ниқобини фож қилди. Оддий кўриш, сезиш, техник ўзгаришлар иқтисодий ва ғоявий муносабатларни, инсон менталитетини тубдан ўзгартирди. Техника муттасил равишда ривожланиб борди. Оддий қўл дастгоҳларидан тортиб, то автоматлаштириш ва компютерлаштиришгача ривожланди.

Инсон ва жамият «техносфера»да жойлашган бўлиб, техника бир жойда тўхтаб турмайди. Техника инновацияси (янгиликлари) инсон ҳаётини тўхтовсиз ўзгартириб турувчи катализатор (ўзгартирувчи), ҳаракатга келтирувчи сифатида инсон онгидан жой олди. Кишиларнинг техникага муносабати турли даврларда турлича бўлган ишончсизлик, ҳадиксираш, технофобия (технофобия- фобия- юн. қўрқув) қўрқиш ва бошқалар техникага бўлган муносабатнинг бир кўриниши эди.

XVIII - XIX асрларда техника инсонни холдан тойдиради, эзади, деган қараш устивор эди. Муайян гуруҳдаги кишилар (лундлар) станок, дастгоҳларни синдирганлар, машиналарга нафрат билан қараганлар. Бу қарашга кўра кишилар меҳнат қилишга қизиқмай қоладилар, ишчи машинанинг шунчаки бир винтига (қўшимчасига) айланади, нуқул бир хил маромда ишлаш вужудга келади. Техника тараққиётдан кўрқадиган ва техникага нафрат билан қарайдиган кишиларни кейинчалик неолундлар деб атаб бошладилар.

Улуғ мутафаккирлар ҳам техниканинг инсон назоратидан чиқиб кетмаслиги ҳақида кўп қайғурганлар. Бу масалани даставвал Аристотель кўтарган эди. Ҳозир ҳам бу масала долзарбдир. Освальд Шпенглер XX асрнинг 30-йилларида «Инсон ва техника» асарида инсон оламнинг ҳукмдори эди, у машинанинг қули бўлиб қолди, деб ёзган. Ҳозирги даврга келиб механизациялаш ва автоматлаштириш ижтимоий ҳаётга тобора чуқурроқ кириб келди. Техника ва инсон фаолияти бир-бири билан қўшилди, инсоннинг ҳаёт тарзи, психологияси ўзгарди. Техника инсон борлигининг барча соҳаларига: иқтисод, сиёсат ва мафкурага кириб келди. Бугунги кунда «Инсон ва техника» муносабатлари янгича мазмун касб этмоқда. Электрон кибернетика, компютерлаштириш комплекслари, техника, механизм, технология кенг тарғиб қилинмоқда.

**Кибернетикалаштириш ва компютерлаштириш концепцияси.** Кейинги вақтларда инсон муаммосига «техникалаштириш» асосида бир ёқлама қараш вужудга келди. Шулардан бири инсоннинг жисмоний, табиий структураси ҳақидаги кибернетикалаштириш концепциясидир. Бу концепцияга кўра, инсон келажақда ўз танаси, жисмидан воз кечиши керак. Ҳозирги одамлар ўз таналарини «киборлар» билан алмаштиради, яъни тирик техник қотишма вужудга келади. Техника истиқболини бундай тавсифлаш ва хотиржамликка берилиш кўрқинчли ва гуманизмга зиддир.

Танасиз ҳолда инсон мавжудлигини тасаввур қилиб бўлмайди. Тана, жисм йўқ бўлса, демак, инсон ҳам йўқ. Албатта, зарурат туғилганда инсон танасига сунъий органларни қўйиш, улаш ақлга мувофиқ ва зарурдир. Лекин шахснинг шахс эканлигини кўрсатадиган мезонлардан четга чиқмаслик керак. Инсон ўз танасидан маҳрум бўлмаслиги лозим.

Техника ва технология фетишизми (сиғиниш) анча кучайди. Ҳозирги шароитда бу ғоя техник зиёлилар, сиёсий сфера элитаси ўртасида тарқалмоқда, техника мутлақлашмоқда. Бу мустақил ва яхлит ҳодисадир. Унинг ёрдамида ҳар қандай ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида тарих субъекти бўлган ижтимоий муносабатларнинг ўрни ва роли ҳисобга олинмайди. Технизм тизимида «мегамашина» ғояси муҳим ўрин тутаяди. У техник тафаккурнинг жоҳил, ёвуз шаклидир (мега -юнонча йирик, улкан, катта).

Фалсафа барча ҳодисаларни «машиналаштириш», техник мифология инсон табиатига зиддир, деган таълимотга асосланади. Инсон ва инсоният машина ҳам, техник система ҳам эмас. Техника инсоний бўлиши керак. Техника инсоният томонидан яратилган барча ютуқларни ўзига сингдириб, инсон қудрати ва ақлига хизмат қилиши лозим. Ҳар қандай ривожланган техника ҳам ижтимоий масалаларни инсонсиз ҳал эта олмайди.

Президент Ислон Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» асарида таъкидлаганидек, «жамиятнинг бир ёқлама демографик ривожини миллат салоҳиятини пасайтириб юбориши, оғир ижтимоий-маънавий ва сиёсий йўқотишларга олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда ҳам. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техник билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик ва мустақил тафаккур билан бирга бориши керак».

Ҳозирги даврда, албатта, планетада техносферанинг вужудга келиши, табиатнинг «маданийлашуви» инсонлар ақли ва эркига таъсир этади, муайян муаммоларни келтириб чиқаради.

Янги табиий муҳит вужудга келмоқда, инсоннинг унга мослашуви мураккаб кечмоқда. Чунки инсоннинг техносферага мослашуви, кўникиши секинлик билан бормоқда, бу инсоннинг психик ҳолатига таъсир этапти. Техниканинг ривожланиши ўзига хос салбий ҳолатни ҳам шакллантиради. Техник тармоқлардаги коммуникациянинг тарқалиши: телефон, радиотелефон, компютер шаҳобчалари ва бошқаларнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши нисбатан илгарилаб кетмоқда. Кўпгина техника инновациялари: ихтирочилик, конструкторлик бюрolari иқтисодий жиҳатдан деярли фойда бермаяпти. Омма онги техника механизмларини ишлаб чиқиш ва турмушга татбиқ этишдан орқада қолмоқда. Ҳаёт оқимининг барча соҳаларини техника билан тўлдириб, натижада сўнги вақтда, ҳалокат, авариялар кўпаймоқда.

Лекин техник тараққиётни, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини тўхтатиш, инкор этиш мумкин эмас. Тараққиёт оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб илгарилаб бораверади. Бу жараён техниканинг ўсиши ва ривожланиши учун хос умумий қонуниятдир. Техника инсонийлашуви, инсон маънавияти билан уйғунлашуви, ҳар бир инсоннинг онги ва фаолиятига сингиши лозим.

Фаннинг аҳамиятига баҳо бериш кучайди. Ҳозирги даврда социотехнология инқилоби кенг қулоч ёйди. Айниқса, у инфорацияли компютер, биотехнология, экология соҳаларида рўй бермоқда. Фанга бўлган муносабат турлича намён бўла бошлади: бир гуруҳ олимлар фанга сажда қилмоқда, бир гуруҳ олимлар эса аксинча.

Фанни таърифлашда икки хил йўналиш мавжуд:

1. Фан нима, у қандай ривожланади, унинг натижалари қандай?

2.

Фан қадрияти нимадан иборат? У ҳинд космологияси, Аристотелнинг назарий тузилмасидан, қадимги Хитойларнинг дао таълимотидан, афсона ва ривоятлардан фарқланадими?

Фалсафа фан, маданиятни талқин қилишда унинг рационал томонига алоҳида урғу беради.

Рационализм проблемаси, унинг модификацияси (шаклий ўзгариши), рационалликдан ташқари иррационализм (ақлдан ташқари) оқимлари билан муносабати кенг ўрганилмоқда.

Рационализм (ақлга мувофиқ, оқилона) ҳаёт билан ўзаро боғланган. Рационаллик одам ҳаётининг принципи, инсон позицияси, оламга муносабати, шахсий муаммоси билан чамбарчас боғланган. Тафаккур тарихида "рационаллик" тушунчаси («рацио»- ақл) оқилона, яъни инсоннинг оламга онгли муносабати, олам ва инсон ҳақидаги фикр, таълимот каби тушунчалар фақат ақлдан келиб чиқади. Ақл инсон фикрлаш қобилиятининг энг юқори шаклидир. И. Кантнинг фикрича, ақлдан юқори ҳеч нарса йўқ. Ақл-инсоннинг билиш қобилияти, дастлабки мантиқий асос, мантиқий белги ҳар қандай фикр юритиш, мулоҳаза натижаларининг шарт-шароити, замини ҳисобланади.

Принциплар маълум маънода ўз моҳияти билан аксиомадир. Аксиома фанда исботсиз қабул қилинадиган ҳақиқат. У «постулат» (исботсиз асос қилиб олинандиган қоида) ғояларига анча яқин атама. Бу тушунчалар ўз-ўзидан маълум бўлган ва тўғрилигини, ҳақиқийлигини исботлаш учун далил талаб қилмайдиган тушунчалардир. Принцип - фикрлашга йўналтирувчи момент, фурсат шарт-шароит. Мумтоз рационализмнинг барча оқимлари фикр, мулоҳазалар ривожланишининг дастлабки асоси сифатида муайян принципларга таянади. Хусусан, Фалес биринчи асос қилиб «сув»ни; Гегель «мутлақ ғоя»ни; Шопенгауэр «эрк»ни олганлар.

Юқорида зикр этилган рационал системалар мантиқий хулосаларни фақат ягона илдиз, дастлабки асос принципдан келтириб чиқаради. Оламни бундай концептуал тушуниш уни муҳокама орқали ҳосил қилинадиган мантиқий далил, исботлаш асосида тушуниш оламни бевосита интуитив тушунишга, ҳақиқатни эгаллаш (диний таълимот)га, яхлит билишга зид бўлган йўналишдир. Ҳозирги даврда "рационаллик" тушунчаси қайтадан кўриб чиқилипти, янгича баҳоланяпти. Рационаллик тарихий тушунча бўлиб, «ақлнинг ўзи ҳам доимо ўзгариб, ривожланиб туради. Унинг айрим томонлари эскириб ҳаётдан чиқиб кетди». "Рационаллик" тушунчасига янгича ёндашиш шундан иборатки, рационаллик субъектнинг ўз фаолиятини ташкил этишидаги универсал воситадир. Бу фаолият ақлга, мулоҳазага асосланиб, субъектнинг ниятига етишини таъминлайди.

Рационаллик ҳақида ҳозир турлича қарашлар, талқинлар мавжуд. Шулардан айримларини кўриб чиқамиз: М. Вебернинг ёзишича, рационаллик мақсадга эришишнинг адекват (айнан) воситасидир. Витгенштейннинг фикрича, рационаллик, бу конформизм, яъни вазиятга мослашишдир. Толменнинг фикрича, рационаллик фаолият қоидаларининг мантиқий асосланишидир. Демак, рационаллик ҳақида турли-туман қарашлар, талқинлар мавжуд. Лекин ҳар қандай қараш рационалликни вазиятни мантиқий далил асосида таҳлил қилиш билан боғлайди.

Рационализм, кенг маънода, табиат, жамият ва шахс субъективлигини яхлит қамраб олувчи ақл қобилияти, лаёқати демакдир. Фан ҳақиқатни билишнинг рационал мағзидир. Фан инсон маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, олам ва инсон тўғрисида объектив аҳамиятга эга бўлган янги билимлар ҳосил қилиш билан махсус шуғулланади. Фан ҳақиқий борлиқни, реал воқеликни ўрганишга «объектив» қаратилган бўлиб, субъектив баҳо беришдан ҳоли. Объект қандай бўлса, уни шундай кўрсатиш керак. Фан асосан амалиётдан келиб чиқади, унинг алоҳида соҳаси сифатида ривожланиди. У барча соҳаларни тадқиқ этиш имкониятига эга бўлиб, ҳам назария, ҳам амалиёт билан шуғулланади.

XX аср охирига келиб, техноген цивилизацияси илмий рационалликда ўз ифодасини топди. Илмий рационализм оламга бўлган муносабатда инсон қудратини, унинг яратувчанлик ролини кучайтирди. Инсоннинг табиат билан бирга уйғунлашишга бўлган ишончи ортди. Ф. Бэкон бир вақтлар «Билим - кучдир» ғояни илгари сургани бежиз эмас.

Ҳозирги замон жамиятида фан ихтисослашди, касбга, ижтимоий фаолиятга айланди. Фан техника ва технологияга тобора кўп янгиликлар олиб кирапти (атом, лазер, компьютер, биоинженер технологияси ва х.о.) Фан ва унинг ютуқлари жамият ривожига салмоқли ўрин эгаллайди. Инсон ўз фаолиятида ундан унумли фойдаланмоқда, интеллектуал салоҳияти кучаймоқда. Лекин фаннинг роли ва ўрнини бир томонлама, тор доирада баҳолаш, уни инсон маънавиятининг (руҳининг) бошқа қисмларига қарши қўйиш ярамайди. Инсон ва жамият ҳаётида ахлоқий қадриятлар, ҳиссий жараёнлар, бадиий дид (изланиш), диний эътиқод, тажриба ва бошқалар ҳам катта роль ўйнайди.

Оламга рационаллик асосида қараш ҳозир ҳам мавжуд. Фан барча истакларни бажара олмайди, бажарган тақдирда ҳам инсоният муаммоси битмас-туганмас, унинг барчасини тўплаб, фан доирасига кирита олмаймиз. Масалан, севги фан эмас. Лекин инсон руҳий оламида фанга нисбатан салмоқли ўрин эгаллайди.

Ҳозирги даврда фан альтернативи (муқобили) вужудга келмоқда ва эскилари қайта тикланмоқда. Трансперсонал психология (трансгипноз асосида мия қўзғалиши) ўз-ўзини кашф этиш, экстрасенс «башорат қилиш», нимадир айтиш, олдиндан кўриш ва бошқалардан иборат «Уфология» (чарчаш, енгиллашиш). Оламни тушуниш (англаш)нинг Шарқ тизими ҳисобланади. Шарқ системасига нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак? Олам бепоеён, инсон руҳияти чексиз-чегарасиз. Ўрганилган, соҳаларга нисбатан ўрганилмаган нарсалар кўп.

Фан - маданият маҳсули, ижтимоий онг шакли сифатида нисбатан кейинроқ вужудга келди. Инсон минглаб йиллар давомида ерга ишлов берди, уй-жой қурди, севди, истироб чекди, фикрлади ва баҳолади. Яъни, оламни ўзича англади, мушоҳада қилди, тушунди. Ҳали фан йўқ эди. Авлодлар алмашуви давом этди. Инсон анъанага, эмпирик тажрибага таянди. Оламга мифология ёки дин орқали қаради. Билишга интилиш бор эди. Инсон бор экан, ҳамиша билишга интилган. Лекин инсон билими илмий билишдан узоқда ёки илмий билишдан ташқарида эди. Оламни англаш, тушуниш, афсона, сеҳргарлик тажрибаларининг тўпланиши сифатида устоздан шогирдга ўтган, инсон ҳаёти шу тариқа давом этган.

Маълумки, Европа антик даврда ва Қадимги Шарқда том маънодаги назарий билим ва фан арбоблари

йўқ эди. Ноилмий элементлар мавжуд эди. Палиолитдан то антик давргача турли-туман кўринишдаги билимлар тўпланиб борди, лекин улар ижтимоий ҳаётнинг зарурий шarti ҳисобланмас эди. Даврнинг маданий ва ижтимоий - иқтисодий талабига хос бўлган фан Европада Ўрта аср охирилари ва янги замоннинг дастлабки вақтига тўғри келади. XVII асрнинг улуғ олими Ф. Бэкон (1561-1626) фаннинг икки вазифасини аниқлади:

а) Фан - инсоният билимини кўпайтириш воситаси;

б) фан - инсоният фаровонлигини яхшилаш воситаси. Бу ғоя ҳозир ҳам қимматли ва эътиборга лойиқ.

Фаннинг ривожланиш тарихи ҳақида турлича қараш ва концепциялар вужудга келди. Янги концепциялардан бири (1993 йил, Кравец А. Ц) фан ривожланишига асос қилиб, социал-маданий параметр (ўлчам)ни олди, Европа фани тараққиётининг тўрт даврини кўрсатиб берди.

1-давр. XV асрдан то XVIII асргача романтизм руҳида бўлди. Бу даврнинг хусусияти: бозор иқтисодиётининг қарор топиши; буюк капитализм; дастлабки капитал жамғариш, фан билан шуғулланишнинг касбга айланиши; инсон билиш фаолиятининг дин доирасидан чиқиб, табиий тажрибага таяна бошлаши; фан структурасида янги соҳаларнинг вужудга кела бошлаши; фан тармоқларининг кенгайиши; маорифнинг фан хулосаларини бевосита сингдира бошлаши.

2- давр. XVIII-XIX асрлардаги классик давр. Унинг муҳим хусусиятлари:

- бозор муносабатлари қарор топди;

- ишлаб чиқариш саноатлаштирилди;

- капитализм ғалаба қилди;

- фундаментал назариялар яратила бошлади;

- фан тармоқлари ривожланди;

- фан махсус назарияси йиғиндиси сифатида шаклланди. Фан бевосита давлатга хизмат қила

бошлади. Олимлар обрўси ортди.

3-давр. XX асрнинг 70- 80 йиллари пост классик давр. Унинг хусусиятлари:

1) «Катта фан» вужудга келди.

Олам моҳиятини талқин қилишга қаратилган назариялар яратилди;

2) Илмий ғоялар техника инновациясига, ишлаб чиқариш ва турмушга татбиқ этила бошлади.

4- давр. Биринчи постклассик - ҳозирги давр.

«Катта фан» соҳасидаги ривожланиш жадаллашди. Давлат фанни ҳар томонлама ривожлантиришни ҳимоясига олди, фан давлат тизимининг муҳим элементига айланди. Катта лойиҳалар вужудга келди (атом, космос, «инсон», экология). Фан структурасининг ички тузилиши турли-туман кўринишга эга бўлди. Илмий изланиш икки йўналишига: табиий олам ва инсон оламига қаратилди. Шунга асосан дастлаб фан:

а) табиий фанларга;

б) социол ижтимоий-гуманитар фанга ажралди.

Бу фанлар ўзаро боғлиқ шу билан бирга, ўз объектига эга бўлган мустақил соҳалардир. Ҳозирги замон фаннинг уйғунлиги, яхлитлиги турли-туман бўлиб, унинг тавсифи ҳам хилма-хилдир. Предметлар, фан соҳалари бўйича тавсиф қилиш принципи мавжуд. Адабиётларда таъкидланишича, ҳозирги пайтда 10 мингдан ортиқ мустақил фан мавжуд. Ҳар бир фан ўз атамаси, ўз методикаси, тадқиқот предмети эга. Олам яхлит, лекин у кўп қиррали ички алоқадор система.

Лекин, бу доимо назарий синтезга катта аҳамият беришни талаб этади. Бу ўринда фалсафа муҳим роль ўйнайди. Фалсафа маънавий оламга муносабат масаласида билимларнинг умумий асосларини тўплаш, йиғиш функциясини бажаради. Ҳар бир тадқиқотчи фан билан шуғулланишда жуда кўплаб муаммоларга дуч келади, умумийликни излайди. Инсон муаммоси, инсониятнинг умумбашарий муаммолари, универсиум муаммолари, йирик техника муаммоларини бирон бир фан доирасида ҳал этиш ғоят мушкул. Шунинг учун фалсафий умумлаштиришга эҳтиёж туғилади. Фан илмий билимлар системаси сифатида ўзига хос ички тузилишига эга. Адабиётларда унинг тури фарқланади:

1) эмпирик даражадаги илмий билим;

2) назарий даражадаги илмий билим.

Эмпирик даражадаги илмий изланиш олимнинг тадқиқот объекти билан бевосита алоқа ўрнатишини билдиради. У кузатиш, таққослаш, ўлчаш, эксперимент, тасвирлаш ва ҳ. кга таянади.

Назарий даражадаги илмий изланиш эмпирик далилга асосланади, объектдан анча узоқлашган бўлади.

Идеал модель тузиш, ақлий эксперимент, мавжуд материалларни математик асослаш, назарий конструкциялаш (лойиҳалаш) ва бошқалар назарий изланиш методлари ҳисобланади. Бу даражада, энг аввало, ўрганиладиган объект ва жараённинг мавхумлашган системаси тузилади.

Бу икки изланиш ўзаро бир-бири билан боғланган бўлиб, улар ўзаро алоқадор. Назария эса фактга таянади.

Илмий билиш ўз моҳияти билан қонунларни очишга қаратилган, чунки улар илмий билим шакллари бўлиб, нарсалардаги барқарор, тақрорланиб турадиган, зарурий алоқаларни ифода этади. И. Кант қонунни мавжудликнинг зарурий қондаси деб таърифлаган. Тадқиқотчи ўрганидиган объект ёки ҳодисани тасвирлаш, тушунтириш (яъни, моҳиятини очиш, унинг ички имкониятларини топиш) ва ўзгариш жараёнини кўра билишни башорат қила олиши керак.

Гуманитар фанлар (инсон ҳақидаги фанлар)нинг вазифаси тасвирлаш, тушунтириш билан бирга, фаҳмлашдир. Фаҳмлаш, идрок этиш ўрганиладиган объект ёки соҳанинг инсоннинг мақсади ва идеалига мувофиқлигини изоҳлаш (интерпретация), демакдир. Фаҳмлаш, идрок этиш инсонийлик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ бўлган жараён дир. Фаннинг яшаши ва ривожланиши айрим зарурий асосларга таянади.

Ҳозирги тадқиқотчилар фикрича бу асослар қуйидагилардир:

- тадқиқот идеал ва нормалари;

- оламнинг илмий манзараси;

- фаннинг фалсафий асослари.

Ҳозирги замон фанида тез-тез қўлланилаётган «парадигма» тушунчасини фанга Т. Кунт киритди. «Парадигма» тушунчаси ўз ичига :

а) илмий изланишлар умум қабул қилган идеаллар ва нормалар йиғигдиси:

б) илмий жамоатчилик асосий кўпчилигининг розилиги билан тан олинган қоида ва асосларни қамраб олади. Демак, парадигма идеал ва нормалар, олам манзараси ҳолатини ифодалайди. Парадигманинг алмашинуви фанда катта ўзгариш рўй берганини ва янги соҳага ўтилганини бидиради. XX аср ўрталарига келиб, парадигма сифатида олам манзараси ва инсон муаммоси қўйилди. Бу фандаги ўзгариш, постклассик давр, ноклассик даврнинг вужудга келиши билан боғлиқ эди. Айни шу даврда, фанга аксиологик ёндашув шартлари киритилди. Фан объективлик билан ўзига муайян шаклда «Антроп принцип»ни қабул этди. (Антроп, антропология- одамнинг биологик хусусиятлари). Инсон оламда яшайди, ҳар қандай билим, ўзгариш, инсон манфаатига хизмат қилиши, инсонга йўналтирилган бўлиши шарт. Яъни, оламни ўрганиш, билишга инсон манфаатлари нуқтаи назаридан қарамоқ керак. Мумтоз табиий фанлар оламнинг табиий асосларини ўрганади. Олам бошқа, уни ўрганувчи инсон бошқа. Инсон табиатда яшайди, лекин бу ҳақиқат инсон томонидан ҳар доим ҳам тан олинмаган.

Фан инсон зотини сақлаш ва унинг абадийлигини таъминлашга қаратилган. Инсонни омон-эсон сақлаш, унинг тарихини давом эттириш жаҳон фанининг вазифасидир. Фанда гуманизм руҳи кучаймоқда, ҳар қандай ҳақиқат инсон бахт-саодати учун хизмат қилиши керак. Мавжуд адабиётларда фан ҳамма вақт тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат қилмайди. Оламда «тартиб» ва «тартибсизлик» мавжуд, унинг келиб чиқиш сабаблари турлича, бу эса космос, биосфера, социал ҳаёт билан боғлиқ. Фан ҳам шу қонунга асосланади. Яъни, тўғри чизиқ бўйлаб ривожланмайди.

Маълумки, оламни синергетик асосда англаш фундаментал тушунчадир. Бу тушунча математика фанидан олинган. Ижтимоий масалаларни ҳал этишда фақатгина бир йўл ва биргина эҳтимоллик бўлиши мумкин эмас. Аксинча, улар кўп, ҳаттоки бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин.

Ривожланишнинг беқарорлик нуқталарида (бифуркация - учқун, аланга) вазиятнинг кескинлашиши, таранглашуви асосида содир бўлиши фаннинг неоклассик парадигмаси хазинасига киради. Синергетик асосда қарашда кўпгина ҳодисалар мутацияга учрайди. Бизнинг асримизда фан узоқ галактикага, космосга, элементар зарчалар ва квант, тирик организм, инсоннинг руҳий ҳолати ва ижтимоий ҳаёти соҳаларига кириб борди. Фан ютуқлари қатор камчиликларга қарамай, инсон зоти тарихини давом эттириш имкониятини яратмоқда. Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Фан ижтимоий куч сифатида инсон ҳамжамиятида бўлаётган ўзгаришларга ўз таъсирини кучайтирмоқда. Бу эса илмий-техник соҳаларни: фундаментал ва амалий, табиий ва ижтимоий- гуманитар, техник ва ташкилий жиҳатларни ўз ичига олади.

XX аср охирига келиб, инсоният тарихида инсон олами ва табиат оламига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришлар турлича ифодаланмоқда:

- илмий-техник инқилоб;
- ижтимоий - техник инқилоб;
- информацион-компьютер ёки информацион-экологик давр.

Унинг ядроси, маркази сифатида электрон компьютер ва биотехнология

кўрсатилмоқда. Натижада янги цивилизация вужудга келиши мумкинлиги айтиляпти. У «информацион», «информацион-экологик»

давр жамияти деб аталиши мумкин. Цивилизация жамият эндигина шаклланмоқда. Бу жамиятда асосий ўринни информация ва билим эгаллайди.

Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва коммуникация, турмуш ва дам олиш, маориф ва маънавий ҳаёт фундаментал фан ютуқларига таянмоқда, инсон фаолияти ва турмушда билимга интилиш, уни кенгайтириш ва сақлаш, фикрни трансформациялаш, кўпайтириш ва тарқатиш асосий ўринни эгалламоқда. Информация қимматли маҳсулот ва асосий товар бўлиб қолмоқда. Информация фақатгина хабар, маълумот бериш эмас. Кибернетиканинг ривожланиши билан информация гўё бир субстанцияга айланди. Ундан татқиқотчилар, ишлаб чиқарувчилар, ижтимоий ҳаётни бошқарувчилар кенг фойдаланмоқда. Информация ҳақида фалсафий концепция шаклланди. Информацияни манзил ва ҳаракат билан бир қаторга қўймоқдалар: манзил – ҳаракат - информация. Бу ўринда информация универсум ва унинг тармоқларига хос хусусият деб талқин этилмоқда. Универсум ва уни ташкил этувчи ҳар бир тармоқнинг муҳим хоссаси информациядир. Кўпчилик муаллифлар информацияни ҳар хилликнинг инъикоси, ноаниқликнинг йўқотилиши, турли-туман хабарлашиш, структурани ташкил топиш меъёри, танлаш эҳтимоллари, талант, истеъдод онаси; ҳар қандай билим мазмуни, ички кўзғатувчи, чуқур хабардорлик сифатида талқин этмоқдалар.

Шаклланаётган жамият «информацион» жамият эканлигини ҳисобга олиб, унга хос қуйидаги хусусиятларни айтиш мумкин: А) инсон борлигидаги барча сунъий «энергетик» ва «ашёвий» (нарсалар) ҳолат, моментлар «информацион» жамиятга кўчиб ўтади. Энергетика, ашёвий томонларини информация эгаллайди; Б) инсон доимо энергияга муҳтожлик сезади, табиат устидан ҳукмрон бўлишга интилади. Техника ва технология илмийликка асосланган бўлиб, илм-фан ва кўникмани талаб қилади. Асримизнинг энг юқори технологияси: электроника, информатика, биотехнология ва х.к. таъсирида ишлаб чиқариш фаолияти инсониятга ва табиатга бўлган муносабат ўзгармоқда. Интеллектуал фаолият кенг миқёсда «технологиялашмоқда» ва компьютерлашмоқда. Ҳар бир соҳада билим ва фаннинг салмоғи кучаймоқда.

Инсон ҳаёти бевосита инсоннинг интеллектуаллигига, ақл-заковатига, маънавий-ахлоқий қиёфасига боғлиқ. Жамиятнинг маданий-маънавий соҳаси тез ривожланмоқда. Информацион технология маданият ва инновацияга таъсир этмоқда, натижада турли зиддиятлар келиб чиқмоқда. Ҳар бир инсон индивидуал электрон воситалар орқали зарурий информация олмақда. Замонга хос бундай ўзгаришлар тасодифий, салбий ҳолатларни вужудга келтирмоқда. Информацион инқилоб, ўз навбатида, сиёсий муносабатлар сферасига ҳам таъсир этади. Бу, бир томондан, ҳар бир фуқаронинг демократик ўзгаришларда қатнашиш имконини кенгайтиради. Иккинчи томондан, инсонлар устидан назорат қилувчи структурани кучайтиради. Информацион инқилоб инсонга, унинг ҳаёт тарзига, касбига, руҳий ҳолатига таъсир

қилади.

Компьютерлаштириш янги реалликка - «виртуал реаллик» (эҳтимолга яқин реаллик)ка, сунъий муҳитга кирмоқда, бу муҳитни асл нусха, андоза сифатида қабул қилиш мумкин. Бу янги технология инсонни руҳиятига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Компьютер технологияси инсон ижодий имкониятини кучайтириши, янги типдаги шахсни яратишга ёрдам беради.

#### **Назорат учун саволлар**

1. “Техника” тушунчасининг мазмун-моҳияти.
2. Техноген олам деганда нимани тушунасиз?
3. Фан нима, у қандай ривожланади, унинг натижалари ни? Алардан иборат?
4. Фаннинг ўзига хос хусусиятлари.
5. Фаннинг шаклланиши ва тараққиёти қандай даврларни ўз ичига олади?
6. Фан ва жамият орасидаги диалектик алоқадорликни қандай тушунасиз?

## 14-мавзу. "Цивилизация" тушунчаси: моҳияти ва мазмуни

1. Цивилизация. Цивилизация ҳақидаги фалсафий қарашлар.
2. Цивилизация ва маданият. Цивилизациянинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Цивилизация: Шарқ ва Ғарб.
4. Ҳозирги замон цивилизацияси.

Цивилизация умумбашарий фалсафий тушунчалардан бири бўлиб, «маданият», «ижтимоий-иқтисодий формация», «жамият» тушунчаларига яқин бўлсада, лекин айнан бир хил маънони ифодаламайди. Ушбу тушунча лотинча «цивилис» сўзидан олинган бўлиб, «фуқароликка оид», «давлатга оид» сингари маъноларни англатади. Кўп йиллар давомида илмий адабиётларда маданият ва цивилизация бир хил маъноли тушунчалар сифатида талқин этиб келинди. Ҳолбуки, немис файласуфи И.Кант улар ўртасида ўзаро боғлиқлик ва тафовут мавжудлигини кўрсатган. XX аср бошларига келиб, немис файласуфи Освальд Шпенглер «Европа қуёшининг сўниши» асарига «маданият» ва «цивилизация» тушунчаларини бир-бирига қарама-қарши қўйди. Унинг фикрича, цивилизация маданиятнинг энг юқори босқичи бўлиб, ундан кейин эса маданият аста-секин инқирозга юз тутди. Немис файласуфи цивилизация деганда техник-механик жараёнлар мажмуини назарда тутган эди.

Маданиятнинг пайдо бўлиши инсониятнинг ёввойилиқдан кейинги даври билан боғлиқ бўлса, цивилизация тарихий жараён, ижтимоий ҳодисадир. Цивилизациянинг ривожланиши жамиятни юксалтиришга олиб келади, натижада бу жамиятда фуқаролар эркинлигини таъминлаш имкони яратилади. Цивилизацияли ҳаёт инсонни маданиятга қилади ва унинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароит яратади.

Ҳозирги даврда цивилизациялашганлик кўпроқ «қулайлик» тушунчаси билан айнаштирилмоқда. Унинг моҳиятини sanoat истеъмол воситаларини яратиш ташкил этмоқда, айни вақтда у жамият ривожланишининг мезони ҳисобланмоқда. «Цивилизация» тушунчаси таркибига қадриятлар ҳам киради. И.А.Каримов бу ҳақда шундай ёзади: «Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий-демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларимизни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳаказолардир»<sup>1</sup>.

Мавжуд илмий адабиётларда цивилизация атамасининг иккинчи маъноси ҳам ёритилмоқда. У лотинча «фуқароликка оид» тушунчаси билан боғлиқ. Лотин тилидан кириб келган гражданлик, горожанин сўзларининг ўзига бир хилдир. Цивилизация шу маънода «шаҳар маданияти» тушунчасини ҳам ифодалайди. Шаҳар маданиятини яратган ва унда яшаган кишиларни цивилизацияли инсон дейиш одат бўлган. Цивилизацияни бундай тушуниш, айниқса Юнонистон, Рим ва бошқа жойларда кенг тарқалган. XVIII аср француз файласуфлари цивилизацияга эришган жамият, деганда ақл ва адолатга асосланувчи жамиятни тушундилар. Цивилизация объектив ижтимоий ҳодиса бўлиб, одатда, бирон-бир халқ, минтақа, жамият, давлат ва ҳатто бутун жаҳонга нисбатан қўлланилади:

- цивилизацияга эришган халқ;
- Шарқ цивилизацияси, ғарб цивилизацияси;
- цивилизацияли жамият, цивилизацияли давлат.

Цивилизация бутун бир халқ ёки миллат, тарихий давр ва мамлакат томонидан яратилади. Маданият цивилизациянинг муҳим элементидир. Адабиётларда цивилизацияга соф моддий ҳодиса деб қараш ҳоллари ҳам учрайди. Моддий тараққиёт ўса бориши билан кишиларнинг фаолият соҳаларида ўзига хос ўхшашликлар ва маълум қулайликлар пайдо бўлади, улар тўпланиб «цивилизация»ни ташкил этади.

«Цивилизация» тушунчасига инсон томонидан яратилган предметлар, ҳодисалар киритилмоқда:

- моддий бойликлар, транспорт воситалари;
- касб-кор, илмий-тадқиқот ўтказиш усуллари;
- ички тартиб, қоида, низомларни ҳимоялаш усуллари;
- инсонларнинг турмуш тарзи;
- озиқ-овқатларни истеъмол қилиш сифати, даражалари, меъёрлари;
- эҳтиёжларни таъминлаш меъёри ва даражалари;
- sanoat, қишлоқ хўжалиги, тақсимот, ривожланиш даражалари;
- кийим-кечак ишлаб чиқариш, кийиниш, орасталик, эстетик дид ва

бошқалар.

Фан тараққиёти, унинг амалиётга таълим-тарбия тизими ва уни амалга ошириш усуллари татбиқ этилиши, цивилизация ютуқлари ҳисобланади. Халқлар, давлатлар, минтақалар ривожланишидаги ўзига хос фарқлар цивилизацияларaro тафовутларни ташкил этади.

Демак, цивилизация кўпроқ моддий тараққиётдаги фарқларга тегишли. Маданият эса маънавий тараққиёт соҳасидаги тафовутлардан келиб чиқади. Цивилизация ва маданият ўртасида ўзаро алоқадорлик, мавжуд, шунингдек, улар ўртасида тафовут ва зиддиятлар бўлиши ҳам мумкин. Цивилизация ва маданият айни бир вақтда вужудга келиши мумкин, бироқ улар бир текис ривожланмайди. Цивилизация ривожланган бўлиши, лекин маданият қолақ бўлиши мумкин ва аксинча. Кўпгина давлатлар тараққиёти шундан гувоҳлик беради. Масалан: Қадимги Рим гуллаб-яшнаган даврида ўта ривожланган цивилизацияга эга эди, ammo унда маданият кам

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: "Ўзбекистон", 1997, 147-бет.



тараққий этган эди. Чунки унинг санъати ва фалсафаси маълум бир ҳаётий дунёқарашдан илдиз отиб чиқмаган эди, мавжудлари эса бирон-бир дунёқарашнинг таъсирида ривожланган эди. Христиан дини вужудга келиши билан дастлабки даврларда у цивилизацияга бирор нарса бера олмади, аммо у дунёга юқори даражали маданият берди. Бу маданият христианлик дунёқарашидан келиб чиққан эди. Римлик ақл-идрок эгаларининг фаолият тарзи моддийлик талабларига бўйсунган эди. Демак, Қадимги Рим тараққий этган цивилизацияга мисол бўла олади. Кейинчалик Римда цивилизация ва маданият уйғунлашди, яъни христианлик туфайли Рим ҳам цивилизацияга, ҳам маданиятга эришди. Бироқ цивилизация маданиятга бўйсундирадирилган, маданиятга бўлган эътибор кучайган эди.

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида цивилизация ва маданиятнинг ўзаро муносабатига бўлган турлича қараш ҳамда концепциялар мавжуд. Европа мамлакатларида жамиятнинг моддий томонига эътибор кучайтирилиб, маданиятни цивилизацияга бўйсундиришга ҳаракат қилинмоқда. Инсониятнинг тафаккур тарихидан яхши маълумки, тараққиётнинг айрим даврларида фалсафа, маданият, маънавият бирламчи, яъни устувор ўрин эгаллаган. Антик дунёқарашнинг чинакам цивилизациянинг юзага келишига сабаб бўлган даврлари ҳам бўлган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “маданият” ва “цивилизация” тушунчаларининг ўзаги бир хил эмас: дин руҳият, маънавий камолот, илоҳиёт билан боғланган, цивилизация эса инсониятнинг меҳнати, яратувчанлик фаолияти асосида вужудга келган ижтимоий жараёндр.

Демак, цивилизация ва маданият турлича тушунчалар ва категорияларга асосланади. Инсоният тафаккурининг турли босқичларида маданият ва цивилизацияни бирлаштириш йўлида кўп ҳаракатлар бўлган. Яҳудийларнинг муқаддас диний китоби бўлган Тавротда ижтимоий ғоялар ва моддийлик бирлаштирилиб, яхлит ҳолда берилган. Яҳудийлар ўз таълимотларида цивилизация ва маданиятни бир-бири билан боғлашга уринганлар. Цивилизация ва маданиятни бир-бири билан боғлаш, қўшишга бўлган уриниш ҳиндуизм ва зардуштийлик динларида ҳам бўлган. Лекин бу икки соҳани айнийлаштириш ва бир хил ҳодиса деб қараш ярамайди. Чунки цивилизация ва маданият бир-биридан ўз моҳияти ва тузилиши жиҳатидан кескин фарқ қилади. Цивилизация табиий ва ижтимоий-маданий уюшмаларнинг яхлитлиги, халқ бунёдкорлик фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Бунда шу халқнинг маданияти, анъаналари, удумларининг ўзига хос хусусиятлари, яшаш жойининг географик ва иқлим шароитлари ўз ифодасини топади.

Цивилизация миллатлараро тотувлик, иқтисодий алоқалар бирлиги (хўжалик муносабатлари), табиий-географик шароитлар, маданий ва антропологик томонларни ўз ичига олади. Айниқса, бунда миллий тил ва маданият бениҳоя аҳамиятли. Чунки ҳар қандай цивилизациянинг моҳият мазмуни ана шу тушунча ва белгиларга боғлиқ. Ҳар қандай цивилизация ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир асосида шаклланади. Ҳар қандай цивилизация ўз шаклланиши жараёнида бошқа цивилизацияларнинг ютуқлари ва имкониятларидан илжожи борича кенг фойдаланади, уларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади. Тойнби, Карл Ясперс ва бошқаларнинг фикрича, Россия цивилизацияси Ғарбий Европа цивилизацияси қаторида туради. Лекин Россия цивилизацияси юнон-рим цивилизациясининг бир тармоғи ҳисобланади. Шунингдек, Россия цивилизацияси учун византияликларнинг роли салмоқли. Одатда, йирик цивилизацияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши системали равишда ўрганилади. Яъни, цивилизацияни ўрганишга комплекс ёндашиш, инсон ва унинг маданиятини атрофлича ўрганиш, шу халқнинг маданияти, фаолият тарзи, ҳулқ-атвори ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Цивилизацияга хос хусусиятлар бадиий, маданий, маънавий ёдгорликларда ўз ифодасини топади. Ўзбекистон цивилизацияси ва маданияти бой, узоқ ривожланиш тарихига эга. У ислом дини, маданияти орқали Шарқ мамлакатлари учун хос бўлган умумий маданият манбалари билан уйғунлашади. Бу эса ўзбек цивилизациясининг шарқона асосини белгилайди. Аммо ўзбек цивилизацияси ўзига хос хусусиятларининг беталилиги, ноёблиги ва миллийлигини сақлаб қолди. Ўзбек цивилизацияси қатор хусусиятлари билан Марказий Осиё давлатлари ва халқлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, яхлит цивилизацияни яратиш имкониятини кучайтирмоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистон цивилизациясининг йўналиши ҳамкорлик ва бирликни мустаҳкамлашга, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларида маданият, дин ва урф-одатларни ҳисобга олиб интеграциялашув жараёнини амалга ошириш, минтақада цивилизациялараро зиддиятлар кескинлашувининг олдини олишга, маданият ва қадриятларни ўрганиш, авайлаб-асраш, даврга мослаштиришга, мавжуд цивилизациялар ўртасидаги умумий томонларни топиш, цивилизацияларни синтезлаштиришга қаратилган. И.А.Каримов ана шу жараёнлар тўғрисида шундай деб ёзади: «Марказий Осиё халқларининг интеграцияси бор нарса, бу мавжуд воқелик - ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодийнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклигини объектив зарурият деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларига эга бўлган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Марказий Осиё ҳамдўстлиги интеграцияси бизнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлимиздир».<sup>1</sup>

Цивилизацияга идеал жамият, ақл ва тафаккурга асосланган жамият деб қаралмоқда. Саёхатлар даври (ХУ-ХУ1)да оламда Европа маданияти ва ахлоқидан ташқари турли-туман маданиятлар мавжудлиги эътироф қилинди. Натижада ХХ1 аср бошларига келиб, цивилизациянинг этнографик концепцияси вужудга келди. Яъни, Т.Жуффруа фикрича ҳар бир давлат, халқ, миллат ўз цивилизациясига эга. «Цивилизация» тушунчасига ёндашишда ХІХ аср бошларигача 3 хил қараш мавжуд эди:

1. Цивилизация - инсониятнинг ягона, яхлит прогрессив ривожланиш идеали.
2. Цивилизация - инсониятнинг ягона ва яхлит прогрессив ривожланишининг босқичи.
3. Локал-тарихий цивилизация яхлитлиги, этносларнинг ёки тарихий, ижтимоий уюшмаларнинг ноёб ва бетакрорлигини эътироф этиш.

Ф.Гизо цивилизациянинг этнотарихий концепциясини яратди. Унинг фикрича, инсониятнинг ягона прогрессив ривожланиши, турли халқларнинг маданий-реаллиги ўртасида қарама-қаршилик ва зиддият

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 320-323 бетлар.

мавжуд. Гизо локал цивилизациялар мавжудлигини, шунингдек, яхлит кишилик жамияти тараққиёти учун ҳам цивилизация ғоясини қўллаш мумкинлигини эътироф этди.

Бу ғоялар XX асрнинг 20-30-йилларида немис файласуфи О.Шпенглер томонидан янада ривожлантирилди.

О.Шпенглер «Европа қуёшининг сўниши» асарида Ғарбий Европа тарихига хос европоцентризм, панлогизм, историзм, тўғри чизиқли прогрессизм принципларини танқид қилди ва маданий-тарихий жараённинг айланма ҳаракат назариясини яратди. Унинг фикрича:

1. Жаҳон маданияти турли-туман бўлиб, циклли ривожланишдан иборат;
2. Турли-туман маданиятлар етуклик жиҳатдан ўзаро тенг ва баравардир.

Уч босқични ўз ичига олади:

О.Шпенглернинг фикрича, тушкунликка юз ўгирган ва қотиб қолган маданият цивилизацияга ўсиб ўтади.

Шунинг учун цивилизация ҳамма жойда бир хил сифат, белги ва хусусиятга эга бўлади:

- яхлит маданий оламнинг организм сифатида барҳам топиши унинг ўлганлигида кўринади;
- бу илҳомлантирувчи, ривожлантирувчи маданиятнинг сўнггида ўз ифодасини топади;
- маданиятнинг йўқлик сари юриши этник тартибнинг бузилиши, яъни борлиққа қайтиши демакдир.

О.Шпенглер тарихий жараённинг айланма ҳаракати, тарихий «ритми» (мароми) ғоясини илгари сурди: Бу назария цивилизациянинг циклли ривожланиши, яъни такрорланиб туриши ҳақидаги концепцияга олиб келди.

Тойнбининг фикрича, цивилизацияларнинг вужудга келиши, халқларга нисбатан табиат томонидан («ҳосилсиз ерлар», «сиқув йўллар») ёки инсоний муҳит («зарба» ва «сиқув») кўрсаткичлари томонидан қўйилган чақириққа жавоби ҳисобланади. Янги цивилизация икки йўл асосида пайдо бўлиши мумкин: 1. жамиятнинг оддий, юзаки структураси омма ичидан етишиб чиққан ижодий фикрловчи элита (табақа, гуруҳ) томонидан ўзгартирилади. Чақириққа, талабга нисбатан янги метод ва механизмлар яратади ва ижтимоий фаоллик мимесис механизми асосида рўй беради. (Мимесис-ижтимоий тақлид, имитация орқали ижтимоий қадриятларга қўшилиш, иштирок этиш, аралашиб-бирикишга интилиш демакдир). Янги цивилизация ўтмишда бўлган цивилизациянинг генетик негизидан келиб чиқиши ҳам мумкин.

Демак, Тойнби цивилизацияга система сифатида қаради, улар ўртасидаги тафовутларни эса алоқалар типи, тури билан боғлади. У жаҳон цивилизациялари тарихи, унинг турлари, хусусиятлари, фарқларини ўрганиш билан шуғулланди. Бу қатор асарларида изоҳлаб берди.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, ижтимоий-фалсафий таълимотнинг махсус тармоғи сифатида цивилизацияни тадқиқ этиш фани вужудга келди. Бу тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Ҳатто қатор мамлакатларнинг ўқув юртларига ўқув режаларига киритилди. Цивилизация моҳиятини талқин этишга бир қанча: культурологик, социологик, этнопсихологик, географик ёндашув ва бошқалар вужудга келди.

Культурологик нуқтаи назардан (М.Вебер, А.Тойнби) ёндашишга кўра, цивилизация - алоҳида социомаданий феномен бўлиб, макон ва замон билан чегараланган. Унинг асосини дин ташкил этади. Э.Тайлор цивилизация элементларига билим, эътиқод, санъат, қонун, удумлар, одат, ва бошқаларни ҳам қўшади, чунки жамият аъзолари уларни ўзлаштириб унга амал қилади. Социологик асосдаги ёндашув (Д.Уилкинс)га кўра, цивилизацияни социум сифатида тушуниш мумкин эмас, у ягона бир хил маданиятдан иборат бўлаолмайди. Гомоген маданият цивилизациянинг белгиси бўлаолмайди: маданият ҳар хил бўлиши мумкин. Д.Уилкинснинг фикрича, цивилизация ижтимоий уюшма бўлиб, у вақт ва маконда алоқалар, зиддиятлар асосида мавжуд бўлади.

Цивилизация муносабатлари ҳамкорлик, зиддиятлар, уруш, тенгсизлик, барқарорлик ва эксплуатация асосида мавжуд бўлади, айниқса ижтимоий-сиёсий алоқалар кучли ривожланган бўлади. Этнопсихологик ёндашув (Л.Гумелев)га кўра, цивилизацияни этник тараққиёт хусусиятлари билан, муайян халқнинг маданияти ва психологияси билан боғланади. Бу цивилизацияни миллий характер билан боғлаш ёки у билан айниқлаштириш демакдир. Цивилизацияга географик детерминизм асосида ёндашиш (Л.Мечников) ҳам мавжуд. Бу оқим тарафдорлари у ёки бу халқ цивилизациясини географик муҳит билан боғлайдилар, яъни кишиларни уюштиришниш кооперацион шакли табиатнинг ўзгарувчан, яратувчанлик фаолияти асосида шаклланади.

Фалсафага оид адабиётларда цивилизация моҳиятини кенг ва тор маънода тушуниш ҳоллари ҳам учрайди. Цивилизация кенг маънода жамият моддий ва маънавий ютуқларининг мажмуи, йиғиндиси сифатида талқин қилинмоқда, тор маънода эса жамиятнинг фақат моддий маданиятини ифода этади, деб.

XX асрнинг иккинчи ярмида Европа цивилизацияси масаласида бир қанча йўналишлар вужудга келди.

1. Цивилизация - локал тарихий уюшма. Бундай уюшма у ёки бу халқнинг ижтимоий-маданий менталитетини ифодалайди. Бунда цивилизациянинг социомаданий хусусияти ўз ифодасини топади.

2. «Цивилизация» тушунчасини маданий-редукцион асосда талқин этиш ярамайди. Бу ғоя ҳозирги даврдаги глобалистика масаласи билан узвий боғлиқ. Яъни, у жаҳон цивилизациясининг яхлитлигини эътироф этади.

3. Цивилизация масаласига доир яна бир таълимотга кўра, цивилизация кўп маъноли ҳодиса, турли-туман цивилизацияларнинг учрашуви сифатида вужудга келган воқелиқдир. Унга ҳозирги даврнинг глобал императив (талаб) «чақириғи» натижаси сифатида қаралмоқда.

Цивилизация, бу кўп цивилизацияларнинг ўзаро алоқаси бўлиб, глобал масалалар билан узвий боғлиқ. Аммо цивилизацияга яхлитлик деб қараш билан бирга ҳар қандай цивилизациянинг ўзига хослиги сақланмоқда (Ғарб, Ислон, Ҳиндистон, Хитой, цивилизациялари), лекин шунга қарамай, ҳозирги даврда цивилизациялараро мустаҳкам алоқа (тенденция) йўналишлари кучаймоқда. Оламга яхлит бирлик сифатида қаралмоқда. Н.Моисеевнинг фикрича, XXI асрда ягона қитъа цивилизацияси вужудга келади, унда умуминсоний қадриятлар, умумсайёравий ақл, ахлоқ ва руҳий олам қарор топади. Бундай қарашга зид равишда Э.Баталов томонидан илгари сурилаган назарияга кўра, мегацивилизация вужудга келади, лекин миллий, минтақавий, ҳудудий цивилизациялар ўз аҳамиятини сақлаб қолади:

«Маданий» плюрацизм назариясига кўра, маданият мамлакатлар, минтаъавий цивилизацияларни бири бири билан узвий боғловчи ҳалқадир. Бу оламни гармония ривожлантириш учун имконий яратиш, маданий ҳамкорликни вужудга келтиради. Чунки Ғарб цивилизацияси фақат ягона цивилизация эмас, унга зид турган Шарқ цивилизациясининг ўзига хос феноменлари, бетакрор ва ноёб томонлари мавжуд. Европа ёки Ғарб цивилизацияси олдида кўп миллий маданиятлардан иборат бўлган эндоген маданият моделини, маданий плюрализмни яратиш вазифаси кун тартибига қўйилади. Ер юзининг глобаллашуви жараёнида савдо бирлашмалари, турли мафкуравий ишларни олиб бориш асосида ягона олам манзарасини яратишга ҳаракат қилинади.

Глобализм бир қанча босқичларга бўлинади:

1. Глобализмнинг туғилиши (XV-XVШ асрнинг I ярми)
2. Глобализмнинг бошланиши (XVIII аср II ярмидан 1870 йилгача).
3. Глобализмнинг сақраши (1870 йилдан XX асрнинг I ярмигача).

Цивилизация масаласига ёндашишда бир-бири билан боғланган уч йўналиш вужудга келди:

1. Локал-тарихий ёндашув асосида изоҳлаш.
2. Тарихий - босқичли ёндашув.
3. Жаҳон тарихий босқичи асосида ёндашув.

Цивилизацияга локал-тарихий асосда ёндашишда турли қарашлар мавжуд.

а) Н.Данилевский (хронологик тартибда) қуйидаги маданий-тарихий типларни: Миср, Ассирия, Вавилон, Финикия, Ҳиндистон, Эрон, Европа, Юнон, Рим, Араб, Яҳудий, Славян цивилизацияларини кўрсатди.

б) О.Шпенглер маданий-тарихий оламини: Миср, Ҳиндистон, Вавилон, Юнон, Рим, Ғарбий Европа цивилизацияларига ажратди.

в) А.Тойнби локал цивилизацияларни: Миср, Хитой, Минай, Шумер, Майя Сурия, Ҳиндистон, Ҳетт, Эллин, Православ, Христиан (Россия), Узоқ Шарқ (Корея, Япония), Эрон, Араб, Вавилон ва бошқаларга ажратди.

Яна у умумлаштириб: А) «Ғарбий Европа»; Б) «Проваслав Христиан» ёки Византия; В) «Ислом жамияти»; Г) «Ҳиндистон жамияти»; Д) «Узоқ Шарқ жамияти» каби цивилизацияларни кўрсатди.

Ғарб цивилизацияси ҳозирги давда ривожланишнинг энг юқори босқичига етди. У жаҳондаги мавжуд цивилизациялар ютуқларини ўзига сингдирди, мазмунан бойиди. Лекин Ғарб цивилизацияси ўз моҳияти, хусусиятлари билан бошқа цивилизациялардан, хусусан, ислом, конфуцизм, япон, ҳинд, буддизм ва провослав маданиятидан фарқ қилади. Бу цивилизациялардан Ғарб идеалига хос бўлган индивидуализм, либерализм, конституционализм, инсон ҳуқуқи, эркинлик, тенглик, қонун устуворлиги, демократия, эркин бозор, черковнинг давлатдан ажратилиши сингари тамойиллар ривожланмаган.

Цивилизацияларга тарихий босқич сифатида ёндашувда у ёки бу аксиома мезонлари асос қилиб олинади ва цивилизация бир неча типларга ажраталади: Ўзбекистон ўзининг улкан тарихий тараққиёти ва ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлган мамлакатдир. У жаҳон цивилизациясига буюк ҳисса қўшган, жаҳон тарихида чуқур из қолдирган давлат ҳисобланади. Ана шуларни назарда тутиб, И.А. Каримов таъкидлайдики: «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл - идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Давлатнинг ҳудудий жойланиши, дарёлар, тоғ, чўл регионларнинг жойланиши, уларнинг хўжалик тармоқлари, ер усти, табиий бойликлар, иқлим, инсон салоҳияти ва бошқаларнинг ўрни ва ролини аниқлаш ва бошқариш. Ўзбекистоннинг цивилизацияли ривожланиши жаҳон ҳамжамияти билан бевосита боғлиқдир, аммо бу жараёнда у ўзлиги ва ноёблигини сақлаб қолиши керак. Инсоният ҳозирги жаҳон ҳамжамиятининг очиқдан-очиқ кўриниб турган хилма-хиллиги ва кўпқирралигини унинг барча субъектлари ўртасидаги турли тенг ҳуқуқликни ҳам бутун жаҳон цивилизацияси муваффақиятли ривожланишини табиий ва зарурий шарт сифатида эгирроф этишни талаб қилади (И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...Т.1997 51-52 бет»)

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланди. Унинг цивилизациясига хос белгилар: камбағал ва ожизларга ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат кабилардир. Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм-фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшди. Ҳозирги замон цивилизацияси ўзига хос хусусиятларга эга. Энг муҳими, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришдир. Жаҳон цивилизациясини таназзулга олиб келадиган қатор таҳдидларни бартараф этиш, инсонни олий қадрият сифатида эъзозлаш, табиатни авайлаб-асраш, экологик хавфсизликни таъминлаш, оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш, давлатлар, халқлар ўртасидаги низоларни сиёсий йўл билан музокаралар орқали ҳал этиш, турли жиноий уюшмаларга барҳам бериш, халқаро терроризм ва гиёҳвандликка, қарши курашиш, кишиларда янгича дунёқараш ва сиёсий тафаккурни шакллантириш ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим муаммоларидир.

### **Таянч тушунчалар**

Ёввойилик, варварлик, цивилизация, маданият, маданий тараққиёт, локал цивилизация, цивилизацияли ёндашув.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Цивилизация» тушунчаси қандай маъноларда қўлланилади?
2. Цивилизация ва маданиятнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонларини айтинг.
3. Цивилизация турлари.
4. Ғарб цивилизациясини ўзига хос томонлари нима?
5. Шарқ цивилизациясининг хусусияти нималардан иборат?



## 15-мавзу. ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚБОЛИНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

1. Ҳозирги давр тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари. "Интеграция" тушунчаси.
2. Жаҳон цивилизациясига интеграциялашув жараёнининг таъсири.
2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва унинг дунё мамлакатлари билан ҳамкорлиги.

Ҳозирги кунда инсоният ўз ривожланишида янги босқичга кўтарилди. Замонавий жамият ўзида кўплаб моддий ишлаб чиқариш ютуқларини, ижтимоий тажрибаларни, жаҳон миқёсида пайдо бўлган муаммоларни оқилона ҳал этиш йўллари ва усулларини мужассамлаштирди. Жаҳон цивилизацияси деганда, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, минтақавий ва ҳудудий цивилизацияларнинг яхлит социол организм бўлган умуминсоний жамият тушунилади. Бу тушунча умумий маънода, инсониятнинг яшаш жойи, макони бўлган Ер юзида ҳаётнинг пайдо бўлиши, тарихнинг ҳамма даврларида мавжуд бўлган давлат, жамият, халқ ва миллатларнинг ҳаёт кечириши билан боғлиқ жараёнларни ўзида акс эттиради.

Бугунги таҳлилавий дунёда инсониятни эсон-омон сақлаб қолиш жаҳон цивилизациясининг асосий мақсади бўлиб қолди. Зеро, жаҳон цивилизацияси халқлар ва миллатлар, давлатлар ва турли ҳудудий цивилизацияларнинг умумий системасидир. Айримлик, ўзига хослик ва умумийлик ўртасидаги муносабатни теран англаш ҳозирги замон жаҳон цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини фалсафий идрок этишга имкон беради. Ер юзидаги ҳар бир мамлакат жаҳон цивилизацияси деб аталадиган яхлит системанинг турли элементлари бўлиб, уларнинг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги цивилизациянинг такомиллашувига имкон беради.

Тўғри бу система таркибида Америка, Хитой, Япония, Россия, Ўзбекистон каби салмоқли элементлар ҳам бор. Улар кўп жиҳатдан жаҳон системасининг тараққиётига таъсир кўрсатади, муайян жараёнларнинг йўналишларини белгилайди. Бу системада ҳар бир давлатнинг - кичкина Ватикан ёки Лихтенштейндан тортиб Германиягача, Андора ёки Монакодан токи Франциягача ўз ўрни, ўзига хос таъсир кучи ва доираси бор. Шу маънода, уларнинг ҳар бири, катта-кичиклиги, аҳолиси сонидан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тенг овозга эга. Демак, элементлар система таркибида муайян тарзда амал қилгани сингари ҳар бир мамлакат жаҳон цивилизациясига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб муҳим элемент сифатида кириб боради.

Жаҳон ҳамжамяти ўзида умумийликни, ҳар бир мустақил давлат эса айримлик ва ўзига хосликни ифодалайди. Бу ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари хусусийликни акс эттирса, Ўзбекистон алоҳидликни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганига кўп бўлмаганига қарамасдан, жаҳон ҳамжамятида салмоқли ўрнига эга. Унинг Марказий Осиёдаги мавқеи эса бу минтақанинг асосий тараққиёт йўналишларини кўп жиҳатдан белгилайди. Ҳар бир халқ, миллат ўзининг бетакрор, ноёб хусусиятларини сақлаган ҳолда мустақил ривожланади ва жаҳон ҳамжамятига қўшилиб боради. Бундай қўшилиш кўп қиррали, рангбаранг бўлиб, у иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий, давлатлараро муносабатларни ўз ичига олади.

Жаҳон ҳамжамятига қўшилиш табиий- қонуниятли жараён бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ҳар томонлама тараққий этиши, Ер юзида умумий хавфсизлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга, табиий ресурслар, илм- фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишга, экологик хавфсизликни таъминлашга имкон беради. Мустақил тараққиёт йўлига ўтган халқларнинг жаҳон ҳамжамятига қўшилиши, умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини эътироф этиш, халқро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик тамойилларига амал қилишда яққол намоён бўлади.

Жаҳон цивилизациясига қўшилиш натижасида нафақат иқтисодий соҳаларда, балки халқлар маънавияти, сиёсати ва дунёқарашида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар рўй беради. Бундай жараёнга тортилган халқлар ўртасида бир-бирига ишонч, ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ҳамда конфликт, ихтилофларни ўзаро келишув, консенсус асосида ҳал қилишга интилиш вужудга келади. Бир-бирининг маданий ютуқлари қадриятларидан, тажрибаларидан баҳраманд бўлиш ҳоҳиш-истаги шаклланади. Халқларнинг бир-бири билан жипслашиш тенденцияси яхлит, бир бутун цивилизацияни, планетар онгни шакллантиради. Яъни, миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлиги жаҳон цивилизациясида яққол намоён бўлади ва дунё ҳамжамятининг ҳаракат дастурига айланади.

Ўзбекистон кўп асрлик тарихга эга бўлган миллий давлатчилиги, маданияти, илм фани, санъати, ўзига хос ва бетакрор ҳаёт фалсафаси билан жаҳон цивилизацияси ривожига катта ҳисса қўшган. Ўзбек халқи жаҳонга фан, санъат, фалсафа, тиббиёт, сиёсат, ҳуқуқ, тарих соҳаларида ўлмас асарлар яратган буюк алломаларни берди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини эркин танлаш, миллий давлатчилик асосларини яратиш ва жаҳон цивилизациясига қўшилиш имконига эга бўлди. Жаҳон цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиш мустақил ривожланиш йўлига кирган давлатнинг дунё ҳамжамятига қўшилишининг ўзига хос йўлини белгилайди. Бинобарин, ҳар бир халқ мустақил бўлганидан сўнг ўз иқтисодиёти, маданияти, миллий давлатчилик сиёсатини амалга оширади. У ўз имкониятига таяниб, жаҳон ҳамжамятига кириб борар экан, бу жараён миллий фалсафада ҳам ўз ифодасини топади. Мустақиллик миллий фалсафанинг асоси, унинг умумжаҳон фалсафий жараёни билан қўшилиши ва уйғунлашувининг энг асосий шартидир. Мустақилликка халқ миллийлигини, ўзига хос қадриятлари, урф - одатлари ва дунёқараши ўз фалсафасида тўла-тўқис акс эттира олмайди. Мустақил бўлмаган халқнинг фалсафасида доимо мустамақачиларнинг ғоялари устивор бўлади. Фақат мустақиллигина ижтимоий онгнинг ҳамма соҳаларида, дунёқараш барча жабҳаларида миллийликнинг тўла-тўқис номоён бўлиши учун замин яратади.

Тарихнинг сабоқ беришича, жаҳон цивилизациясига қўшилиш ҳар бир мустақил ривожланаётган давлатнинг тараққиётига, ўз кучига, имкониятига илғор анъаналарига, қадриятларига миллий давлатчилик тажрибаларига, интеллектуал салоҳиятига, табиий бойликларига таянишини инкор этмайди, балки уларнинг кенг ривожланиши тақозо этади. Эркинлик, мустақиллик ҳаммиша заруриятни, маъсулиятни англашни тақозо этади: Эркинлик ва мустақиллик жамиятнинг ҳар бир аъзоси олдида «Биз ким эдик? Ҳозир қандай аҳволдамиз ва қандай бўлишимиз керак?», сингари саволларга виждонан жавоб беришни талаб этади. Мустақиллик йилларида фаровон ва бахтли ҳаётни бизга кимдир яратиб бермаслигини, балки ўз ақлимиз, кучимиз

билан яратишимиз лозимлигини англаш муҳим ахамиятга эгадир. Бошқа мамлакатлардан, яхлит ва бир бутун жаҳон системасидан ажралиб қолиш бу борада ҳам тараққиётга имкон бермайди.

**Тараққиётга цивилизацияли ёндашув** ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон ва жаҳон тарихини ўрганишга бундай қараш ҳозирги замон фалсафасида муҳим йўналишлардан бири сифатида қарор топмоқда. У тарихий ҳақиқатни холисона баҳолашга, миллий хусусиятларнинг ўзига хослигини англашга, инсониятнинг илғор ривожланиш тажрибаларини билишга ва улардан ижодий фойдаланишга имкон беради. Жаҳон тарихига цивилизацияли ёндашув инсоният тараққиёти зурликсиз ва тадрижий йўлдан илгарилаб бориши жамият учун фойдали эканлигидан одамзот бошига турли ижтимоий офатлар тушмасдан ривожланиши мумкинлигини кўрсатади.

**Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришининг асосий йўналишлари,** мамалакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлининг назарияси ва амалиёти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий йўналишлари», «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон XXI аср - бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Юксак маънавият – энгилмас куч» ва бошқа асарлари, нутқ ва мақолларида кенг ёйрилган. Бу концепциянинг моҳияти нималарда иборат? Ўзбекистоннинг миллий жихатдан мустақил бўлиши объектив зарурий жараён, аждодларимизнинг асрий орзуси, ўзбек халқининг буюк тарихий ютуғидир. Бунда қуйидагилар алоҳида эътиборга молик: Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши; миллий мустақиллик рамзлари давлат байроғи, давлат мадҳияси, давлат гербининг қабул қилиниши; миллий давлатчилик демократик тизимнинг барпо этилиши Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиёти йўли айрим давлатларнинг бозор муносабатларига «шок терапия»си билан ўтиш тажрибасидан кескин фарқланади. Ўзбекистоннинг мустақилликдан қутилган дастлабки давридаги ўзига хос иқтисодий аҳволи, собиқ иттифоқ даврида ўлканнинг хом ашё етказиб беришга иқтисослашиши каби оғир мерос билан бирга, халқнинг минг йиллик тажрибаси, ундан келиб чиқадиган хулосалар бозор муносабатларига тадрижий равишда босқичма-босқич ўтиши тақозо этди.

**Бунда иқтисодий ислохотлар ва цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида** иқтисодий структурада туб ўзгаришларни зудлик билан қисқа вақт ичида амалга оширишнинг салбий оқибатлари олдини олишга ва пухта ўйланган стратегик режаларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Ислохатларни амалга ошириш миллий манфаатлар учун хизмат қилиши зарурлиги одамлар ислохатлар учун эмас, балки ислохатлар одамлар учун хизмат қилиши зарурлиги эътиборга олинди. Ислохатлар даврида мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши жараёнида аҳолининг икки тоифага ажралиши, кимларнингдир ҳаддан ташқари бойиб ёки қашшоқлашиб кетиши муқаррар равишда турли норозиликлар ва ижтимоий ларзаларни келтириб чиқариши мумкин эди. Ана шуларни ҳисобга олиб, И. А. Каримов бозор муносабатларига ўтишда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли сиёсат ғоясини илгари сурди. Бозор муносабатларини амалга ошириш бир неча босқичлардан иборат қилиб белгиланди. Ҳар бир босқичда маълум иқтисодий тадбирлар амалга оширилди. Булар :

- мулкни хусусийлаштириш;
- мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши;
- мулкнинг хилмалар хил шакллари вужудга келтириш;
- аграр ислохатларни амалга ошириш;
- миллий валютани муомалага киритиш;
- янги иқтисодий инфраструктуранинг яратилиши;
- ривожланган мамлакатлар билан ҳамқорликда қўшма корхоналарнинг барпо этилиши;
- инновация сиёсатини амалга ошириш;
- хорижий инвестиция, техника ва технологияларни мамлакат

иқтисодиётига жалб этиш ва бошқалар.

Ҳуллас, бозор муносабатларига ўтишнинг маданий- цивилизацияли характерга эга эканлиги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим хусусиятидир. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари бозор воситалари фақат юксак маънавият, юксак ахлоқийлик, ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин. Иқтисодий ислохатларни амалга ошириш ва бозор муносабатларини шакллантиришда республикамизнинг ижтимоий ҳолати, имкониятларидан келиб чиқиб, ислохатларнинг мақсади ҳалқ ва давлат муносабатлари уйғунлиги томон йўналтирилди.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий тамойиллар Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Бу жараённинг умуминсоний жиҳатлари ва жаҳон цивилизациясига хос томонларининг амалга ошириши муайян муддатни талаб қилади. Бу муддатда амалга ошириладиган барча ишлар ўтиш даврининг заруриятдан келиб чиқади. Мустақил тузум даврида жаҳон цивилизациясидан ажратиб қўйилган Ўзбекистон бу борада икки йўналишда фаолият юритишга мажбур бўлмоқда. Биринчидан, мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни тиклаш ва асраб авайлаш асосида ўзига мос йўлдан бориш. Иккинчидан эса, бу жараёнда умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан кенг фойдаланиш, демократик қурилиш вазифалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонининг И. А. Каримов томонидан асослаб берилган ўзига хос тараққиёт йўли қуйидаги тамойиллар билан тавсифланади:

1. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;
2. Давлатнинг бош ислохотчи эканлиги; .
3. Қонун устуворлиги ;
4. Кучли ижтимоий сиёсат;
5. Бозор муносабатларига босқичма- босқич ўтиш.

**Цивилизацияли ривожланиш ва мулкрий прюризизм.** Маълумки ўтмишда инсон табиатдаги жуда кўп

ресурсларни шафқатсиз ўзлаштирди, уларни хоҳлаганча истеъмол қилди, ниҳоят, табиий мувозанатга жиддий путур етказди. Албатта, табиат ўзини - ўзи назорат қилиш, ўзини - ўзи бошқариш, ифлосланган моддаларни зарарсизлантириш қобилияти ва имкониятига эгадир. Бироқ инсон ўз фаолиятида биосфера мувозанатини бузди, саноат чиқиндиларини ҳаддан ташқари кўпайтирди. Бундай ҳолат табиатнинг ўз - ўзини бошқариш қобилияти кучсизланишига олиб келди. Экологик инқироз хўжалик юритишнинг экстенсив усулларини қўллаш, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини ўрнатиш, табиат ресурсларига битмас - туганмас хазина сифатида қарашнинг аянчли оқибати сифатида вужудга келди. Илмий- техника инқилобининг гуркираб ривожланиши инсоннинг табиатни талон - тарож қилишга қаратилган фаолиятини янада кучайтирди. Ер планетасида экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажми ҳам тобора ортиб борди. Мутахассисларнинг фикрича, кўмир, газ, темир, мис сингари инсоният учун зарур бўлган ер ости бойликлари захиралари бир неча ўн йилдан кейин бутунлай тугайди, уларни тиклаб бўлмайди. Ҳатто тиклаш мумкин бўлган ўрмон ресурслари ҳам тобора камайиб борапти. Жаҳон миқёсида ўрмон кесиш унинг табиий ўсишига нисбатан 18 марта тез содир бўляпти. Ерга ҳаёт берадиган, табиий мувозанатни барқарорлаштириб турадиган ўрмон майдонлари йилдан - йилга камайиб борапти. Бутун ер юзида кишилар учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган тупроқнинг унумдор қатлами йўқолиб борапти. Маълум бўлишича, бир сантиметр унумдор қатламнинг йўқ бўлиши учун уч йил кифоя қиляпти. Ер ресурсларидан шафқатсиз фойдаланиш, жаҳон океани ва атмосферани ифлосланиши хатарли тус оляпти. Денгиз конларидан нефть олишнинг кенгайиши денгиз сувларининг ифлосланишига олиб келди. Ҳар йили океанларга миллион - миллион тонналаб фосфор, қўрғошин ва радиактив қолдиқлар ташланапти. Ташланаётган чиқиндилар океан сувининг ҳар бир километрга ўртача 17 тоннадан тўғри келяпти. Кейинги ўн йил ичида Орол денгизи ва унинг атрофидаги танг экологик вазият жуда кўп муаммоларни келтириб чиқарди. Жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги экологик вазият ҳам ташвишланарлидир: Рейн дарёсининг ифлосланиши шу даражага етдики, ундаги барча жонли мавжудот қирилиб кетяпти. Дунай, Волга, Миссисипи дарёлари, Американинг буюк кўллари ҳаддан ташқари ифлосланди. Олимларнинг фикрича, ер юзидаги барча юқумли касалликларнинг 80 %и ифлосланган сувни истеъмол қилиш билан боғлиқдир.

Жаҳоннинг йирик шаҳарлари ҳавосининг ифлосланиши XX аср бошларидагига нисбатан бир неча ўн барабар ортиб кетди. Енгил автомобиллар табиий кислородни ҳаддан ташқари кўп ютяпти, атмосферага чиқариб ташланаётган зарарли моддалар тобора кўпаймоқда, унинг оқибатида инсон соғлиги учун хатарли бўлган моддалар миқдори ортиб борапти. Чернобиль фожеаси АЭС аварияси экология учун нақадар катта ва ўнглаб бўлмас офат эканлигини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 26 мамлакатиде АЭС ишлаб турибди. Бугунги фан - техника прогресси табиат учун ортиқча ташвиш ва муаммоларгина эмас, балки уларни ҳал этишнинг реал имкониятларини ҳам яратяпти: ресурс тежовчи ва чиқиндисиз технология яратишнинг экологик жиҳатдан соф имкониятларини вужудга келтиряпти. Демак, фан ютуқларни чуқур ўрганиш асосда технологик жараёнларни шундай ташкил этиш мумкинки токи ишлаб чиқариш чиқиндилари табиатга зарар етказмасин. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, иссиқ электростанциялари чиқиндиларининг 80%идан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин экан. Иссиқлик электростанциялари кулидан тайёрланаётган бетон ва ғиштлар табиий, қурилиш панеллари ва ғиштларига нисбатан 2-3 барабар пишиқлиги аниқланди. Ҳозирги даврда ҳам термоядро уруши хавфи мавжуд. Тўғри ядро уруши инсоннинг ақлига зид. БМТнинг идеалига қарама - қарши ҳолат. Албатта, кейинги даврларда ядро қуролларига эга бўлган мамлакатларнинг ядровий тўқнашуви хавфи кучсизланди, лекин кўр -кўрона технологик тасодиқлар хавфи кескинлашди. Ер юзида 450 га яқин атом электр станцияси мавжуд, янгиларини қуриш давом этмоқда. Шарқ мамлакатларида ядро иншоотлари қурилиши тезлашмоқда. Демак, инсоният ҳали ядро урушлари хавфидан, ядро арсеналларидан қўтилган эмас.

Экологик хавф - хатар қаторига «инсон табиати» муаммоси қўйилди. Бу масала иқтисод, сиёсат, ижтимоий ҳаётдан ҳам устивор бўлган. Экологик онгни ривожлантириш ҳозирги даврнинг асосий ғояси инсониятнинг бойлиги, эҳтиёжидир. Экологик - сиёсат иқтисодиётнинг бош аниқловчиси, маънавият ва маффурани устивор объекти ҳисобланиши керак. Хиндларда шундай мақол бор: «Сиз охириги ҳавони ўлдирганингиз ва охириги ирмоқни заҳарлаганингиздан кейин, пул билан озикланиш мумкин эмаслигини тушунасиз». Экологик хавфнинг моҳияти нимада? Биосфера антропоген омиллар босимининг кучайиши натижасида: а) биологик ресурсларни ишлаб чиқишнинг табиий цикли бузилади, ишдан чиқади; б) тупроқ, сув ва атмосферанинг ўз-ўзини тозалаш ҳолати йўқолади; в) ерда, атмосферада «коллапс» - экологик шароит кескин ва шиддат билан ёмонлашади. Планета аҳолисини ҳалокатга олиб келади. Бугун атмосферада кислород озаймоқда, озон туйнуги кенгаймоқда, табиий сувлар ифлосланмоқда, Ер юзида 1 млрд. 400 млн одам ичимлик суви етишмаслигидан азобланмоқда. Инсон фаолиятининг нораціоналлиги туфайли ҳар куни жаҳонда 150 турдаги ҳайвон ва ўсимликлар йўқолмоқда.

Демак, кун тартибиде Инсоният ва Табиат муносабатларини нормаллаштириш, унинг ривожланишининг коэволюцион ҳолати яратиш вазифаси турибди. Буни барча назариётчилар, сиёсатчилар, давлат арбоблари, ҳар бир инсон англаб етиши зарур. Қачон коллапс ҳолати рўй беради, унинг олдини олиш мумкинми? «Коллапс» содир бўлиши анча яқин, деб ҳисобламоқдалар, унинг олдини олиш учун умумбашарий тадбирларни тақлиф этмоқдалар. Аҳолининг кўпайишини чеклаш. Ҳозирги даврда ҳар йили ер юзи аҳолисининг 83 млн кишига кўпайиши табиий мухитга ортиқча юқдир. Ўрмонлар қирилди, йўллар қурилиб. Табиий ҳолат ўзгарди, балиқлар кўп овланиб, унинг захираси тугаб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ерлари камайиб, етишмай қолмоқда. Аҳоли сонига нисбатан ғалла етиштириш камаймоқда, унинг баҳоси қимматлашмоқда. Бизнинг эраимиз бошларида ер юзида 250 млн инсон яшаган, ҳозир эса 6 млрдга яқинлашди XX асрда аҳолининг ўсиш даражаси: а) XX асрнинг 60-йилларида бир соат ичида 8 мин; б) 80 - йилларда бир соат ичида 10 минг; в) 90 - йилларда бир соат ичида 12 минг кишига кўпайиши қайд этилди. Тахминан Ер юзи аҳолиси кўпи билан 10 млрд. бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич XXI асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Ернинг уларни боқиши, кийинтириши қийин. Шунинг учун демографик ҳолат умумбашарий масала ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон океани, Ерни ўраб турган коинот макони Антарктида хавфли зоналар таркибига кирмоқда. Бу эса табиат билан муносабатни кескин ўзгартириш зарурлигидан, экологик вазиятнинг танглигидан далолат беради. Экологик қаҳриқ иқтисодий ва сиёсий қаҳриққа нисбатан хавфлироқ бўлиб бормоқда

Ҳозирги даврдаги муҳим масалалардан яна бири инсон жисми, танаси, "ички" табиатини асраб қолиш муаммосидир. Инсон, албатта, ақлли мавжудот, у ҳам жисмоний, ҳам руҳий (маънавий) асосларни ўзида яхлит ҳолда бирлаштирувчи мавжудотдир. Инсон танаси билан табиатга мансубдир. Унинг жисми фоний, ўткинчи, маънавияти абадийдир. Тана, бадан инсонга роҳат-фароғат, ором, лаззатланиш, изтироб, азоб-уқубат ато этади. Жисмоний соғломлик инсон кадриятлари системасида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги даврда биологлар, генетиклар, медиклар инсоннинг генотиби емирилмоқда, унинг бадани, гавдасида бузилиш вужудга келмоқда, деб бонг уряптилар. Генондонда ўзгариш вужудга келмоқда, генинженерия туфайли инсон организмга бегона, ёт нарсалар кириб қолиши, инсонни ўзгартириб юбориши мумкин. Айниқса, организмга қарши моддалар (ксенобиотиклар) ва шахсий ҳаяжонлар таъсирида инсоннинг қаршилик кўрсатиш қобилияти кучсизланмоқда. СПИД инсон ҳаётига таҳдид соляпти. Бу фақат касаллик эмас, балки инсон уруғини қуритишга қаратилган хавф, умуминсоний муаммодир. Аёлларнинг фарзанд кўрмаслик ва эркакларнинг импотенция жинсий заифлик) ҳолатлари миқдорнинг кўпайиши экологиянинг жинсий ҳаётга экоҳужуми деб баҳоланмоқда. Ривожланган мамлакатларда эркакларнинг жинсий заифлиги тез ортиб бормоқда. Кимёвий моддалар организмга, асаб системасига салбий таъсир этмоқда. Айрим регион (худуд, минтақа)ларда табиий офат сифатида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, юқумли касалликлар кенг тарқалмоқда.

Энг кўрқинчли хавфлардан бири инсон маънавиятининг инқирозидир. Бу масала дунёвий ва диний фанлар, умумбашарий ва минтақавий, миллий ва сиёсий мафкуралар олдида пайдо бўлди. Инсоният маънавиятини такомиллаштириш кун тартибига турган нуфузли масаладир. Инсон тафаккури ўтмишга мурожаат этиб, ҳозирги даврни тушунишга, келажак ҳақида ўйлашга ҳаракат қилмоқда. Бунинг устига, ҳозирги даврда бу масалага Ғарбда ҳеч бир ижтимоий назария ва фалсафий-антропологик концепция ишончли жавоб бера олмайди. Қўрқув, ҳаяжон, бесарамжонлик инсон моҳиятини қамраб олмоқда. Оламнинг ўзгариши, қайта тузилиши ҳақида Ғарбда истиқболга йўналтирувчи таълимот яратилган эмас. Моддий ишлаб чиқариш илҳомлантирувчи символ ва қаҳриқ сифатида тарих саҳнасида чиқди, лекин бу йўналиш кейинги даврларда устивор мавқеини йўқотди.

Вазият жиддий ва мураккаб, лекин пессимизмга ортиқча берилмаслик ҳам керак. Буни ҳал этиш йўллари излаш лозим. Инсониятни инқирозлардан қутқаришнинг реал шарт-шароитлари нималардан иборат? 1. Аввало информацион (компьютер) биотехник тараққиётни янада ривожлантириш. У инсониятнинг эсон-омон яшаб қолишига имконият бериши мумкин. Бу ўз навбатида янги цивилизацияни яратади. Информацион революция термодро ва экологик хавфни кучсизлантиради. Оламни янги табуниш учун математик воситаларни, янги физик ва техник қуролларни яратади; оламни тушуниш ва ўзгартириш имконияти кучаяди.

2. Барқарор жаҳон хўжалигини яратиш. Бу ҳам бозор, ҳам ижтимоий ҳимоя қилинган, аралаш соҳадан иборат бўлади. Иқтисодий муносабатларнинг бу шакли ҳар хил хўжалик субъектлари манфаатларини ўзаро мослаштиради, баланслашган хўжалик системаси ҳар бир давлат манфаатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

3. Ташқи ва ички муносабатларда, гуруҳ ва шахсий муносабатларда зўрликсиз ва демократик принципларни ўрнатиш, жорий этиш. Тарихда муаммолар, асосан босқинчилик ва зўравонлик асосида ечилган. Уруш, тўнтариш, қон тўкиш аксарият ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қандайдир бир шаклда қўлланилади. Ф. Ницше, Зигмунд Фрейд босқинчилик ва зўравонлик кўплаб ижтимоий масалаларни ечишдаги тамойиллардан бири эканлигини кўрсатган эдилар.

4. Шунингдек, кўпгина йирик мутафаккирлар: М. Ганди, Л. Толстой, Мартин Лютер Кинг, Эрих Фромм ва бошқалар босқинчилик, зўравонликни танқид қилиб, масалаларни зўрликсиз, куч ишлатмасдан ҳал этишни тарғиб қилдилар. Ҳозир ижтимоий масалани зўравонликсиз ҳал этиш тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Куч ишлатиш методидан мулоқотга ўтилмоқда. Муҳоама, мунозара, мулоқотда томонлар бир - бирларини ўзаро тушунмоқдалар. Халқаро ва ички сиёсатда «консенсус», «музокара жараёни», «компромисс» атамалари тез-тез қўлланилмоқда. Куч ўрнини ахлоқ принциплари, ахлоқий қоидалар, нормалар эгалламоқда.

5. Маънавий ҳаётда турли диний ва дунёвий қарашларни уйғунлаштириш, бирлаштириш зарур. Ҳозирги даврда либераллар ва жамоавий тафаккурнинг, турли хил диний қарашларнинг, Ғарб менталитети билан Шарқ этикети (одоб қоидалари, одоб)нинг бир-бири билан яқинлашиши сезилмоқда. Ғоявий яқинлашиш, ўзаро тушуниш тенденцияси кучайиб борапти. Сабр-тоқатлилик тобора кенгаймоқда. Турли халқлар бир-бирини тушунишга, сабр-тоқатли бўлишни ўрганиптилар.

6. Ҳар бир халқнинг, этник гуруҳларнинг ва ҳар бир маданиятнинг автоном, этник ва маданий интеграциялашуви (бирлашиши) жараёни рўй бермоқда. Бу етакчи тенденцияга айланмоқда, маданий ҳаётда универсализм кучаймоқда, яъни халқаро иқтисодий ва маданий алоқа ўсмоқда, халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида умумий жараёнлар уйғунлашиб бормоқда, кадриятлар алмашинуви тезлашмоқда, Шарқ ва Ғарб маданияти синтезлашмоқда, халқларнинг маданиятлар уйғунлашмоқда, толерантлик тамойиллари кенг тарқалмоқда. Ҳамкорлик ва биродарлик ўсмоқда. Ҳозир мавжуд этник конфликт ва ўз ноёблиги ҳақида қайғуришларни инкор этмайди. Лекин умумий йўналиш, тенденция шуки, халқлар ва миллатларнинг оға-ини бўлиб бирлашиш жараёни рўй берапти.

7. Халқаро жараёнда интеллектуал соҳада ҳам муттасил - изланиш ва яқинлашишлар сезилмоқда. Ҳатто жаҳон интеллектуал инқилоб арафасида турганлиги қайд этиляпти. Кун тартибига янги коинот, янги табиат масаласи қўйилди. Инсон интеллектуал мавжудот сифатида ақл имкониятларидан қониқмай янги вазифаларни донишмандлик, орқали ҳал этишга интиляпти. Табиий интеллект, сунъий интеллект бир-бири билан яқинлашиб, компьютер системасини ишга солиб, янги парадигмани қўймоқда ва уни ечишга ҳаракат қилмоқда. Бу ўзгариш ва вазифалар кишиларнинг анъанавий фикрлаш тарзини ўзгартиришни талаб этади. Шунингдек, рационал ва нораціонал, илмий ва техник, дунёвий ва диний соҳалардаги қарашларни умумлаштириш, реал борлиқни англаш муҳим вазифадир. Бунинг учун: умумбашарий ахлоқни яратиш; универсал ахлоқий тамойилларни шакллантириш; умуминсоний ҳамкорликни мустаҳкамлаш; донишмандлик ва



виждоннинг, рационал билимга нисбатан устиворлигини таъминлаш зарурдир. Чунки билим қадриятлар билан, фаровонлик ғояси билан, адолатни жорий этишга интилиш билан боғланмаган бўлса, у ўта зарарли ва хавфлидир.

Ҳап шундаки, ҳозирги даврда инсон авлодининг биологик тур, ижтимоий мавжудот сифатида эсон - омон қолиши бевосита инсоннинг ўзига, унинг ақл-заковати, хатти-ҳаракати ва хулқ- атворига боғлиқ бўлиб қолди.

Ғарб цивилизацияси чуқур таназулни бошидан кечирипти. Бунинг қатор сабаблари бўлса-да, илмий тафаккур олами, унинг маънавий илдишлари, манбаалари ва асосларини изламоқда. Испаниялик машҳур мутафаккир ва файласуф Ортега-и-Гассет Европа цивилизацияси инқирозининг туб сабабларини ўрганиб, «Омма кўзғолони» асарида ўз қарашларини баён этди. Бу асар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, уни Ж.Ж. Руссонинг «Ижтимоий шартнома» асари билан бир қаторга қўйиш мумкин. Асарда инқирознинг келиб чиқиш сабаби, аввало, кишиларнинг оламга бўлган қарашларидаги эътиқод системасининг таназули, инсоннинг оламини тўсатдан йўқотиб қўйиши, инсон ҳаёти маъносининг йўқолиб бораётганлиги билан изоҳланган. Европа цивилизацияси инқирозининг ўзаги нимадан иборат? Ортега-и-Гассетнинг фикрича, бу - оломон кўзғолонидир. Мутафаккир "оломон - инсон"га "индивидуал инсон"ни қарши қўйди. Унинг фикрича, шундай оломон - инсонлар пайдо бўлмоқдаки, улар ўз қарашларига, бирон - бир маслакка эга эмаслар, хатти- ҳаракатларини ўз ақл - идроклари билан тўғри бошқара олмайдилар. Улар омма орасига сингиб кетадилар. «Оломон - инсон»лар қонунни инкор этиб, омма ичида ўз эрки ва истакларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги пайтда ижтимоий ҳаёт соҳасида ҳам туб ижтимоий ўзгаришлар содир бўляпти. Сиёсий механизм ҳисобланмиш демократия тизимида, турли сиёсий партиялар, ижтимоий- сиёсий ва қарашларда муҳим ўзгаришлар юз беряпти. Янги сиёсий тафаккур юксак ахлоқий масъулият билан онгли ҳаракатни тақозо этипти. Ҳозирги давр, бу - илғор техника, технология, компьютер, генинженерия, микроэлектроника, лазер, космик йўлдошлар, кабелли телевидение ва бошқа шунга ўхшаш ўзгаришлар билан характерланади. Технология ютуқларини инсоният маънавияти билан уйғунлаштириш, маънавиятнинг ўрни ва ролини янгича идрок этиш зарурияти келиб чиқяпти. Бу - янгича гуманизмни яратиш ва умуминсоний қадриятлардан оқилона фойдаланиш билан узвий боғлиқ бўлган давр талабидир. Айни шу гуманизм, янги маънавий асослар ҳар қандай қарашлар, концепция ва бошқариш механизми учун таянч бўлиши керак. Шу гуманизмга асосланиб, феъл-атворнинг янги мотивларини вужудга келтириш, янги маънавий, ахлоқий, фалсафий, ижтимоий, сиёсий қарашлар системасини яратишни ижтимоий ҳаёт ва бутун инсоният ривожланиши тақозо этипти. Булар ўз навбатида инсонга хос севги, дўстлик, бир - бирини тушуниш, ўзаро ҳамкорлик, сабр-тоқатлилик, чидамлилик сингари инсоний фазилатларга янгича маъно ва жозиба беради. Янгича гуманизм анча кучли, маърифатпарвар, инсонийлик билан йўғрилган, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга кенг имкониятлар яратадиган, ҳар қандай анархия ва зўравонликнинг олдини олишга қодир бўладиган, кенг жамоатчилик томонидан қабул қилинадиган гуманизм бўлиши керак. Янги гуманизм ўз моҳияти, ахлоқий ва маънавий асослари жиҳатидан инсоннинг ички дунёсини акс эттиришга қаратилган бўлиши керак. Гуманизм инсонни биоижтимоий мавжудот сифатида эсон-омон сақлаб қолишга қаратилганлиги учун ҳам том маънодаги инсонпарварлик Инсон виждон овозига қулоқ солиши, янги гуманизмни яратиши ва унга амал қилиши, жаҳондаги туб ўзгаришлар учун масъул эканлигини чуқур англаши билан характерланади.

Шундай қилиб, умумбашарий муаммоларда «инсон революцияси» ва ҳозирги замон инсон гуманизми бир- бири билан узвий боғлангандир. Маънавий - ахлоқий муҳит тубдан ўзгариши, маънавий - руҳий олам пок л а н и ш и б у б о р а д а г и м у ҳ и м м а с а л а л а р д и р. Инсон дунёқарашини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у ахлоқ ва маънавият билан боғлангандир. У ҳар бир инсонда умумбашарий жавобгарликни ҳис этиш каби фазилатларни шакллантиришни талаб этади.

Умумбашарий муаммоларни ҳал этишда Ғарб ва Шарқ бир-бири билан яқинлашяпти. Ғарб Шарқнинг бой маданияти ва анъаналарини, айниқса, табиатга бўлган муносабат принциплари ва экологик маданиятни чуқур ўрганиб, умумбашарий муаммоларни ҳал этиш йўлини Шарқдан изламоқда. Шарқ эса ўз ҳаётини модернизация (замонавийлаштириш) қилиш воситалари ва усулларини Ғарб цивилизациясидан олишга ҳаракат қиляпти. Ғарб ва Шарқ фалсафаси ҳозирги давр хусусиятларини, айниқса, инсон муаммосини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, инқироздан чиқиш, умумбашарий муаммоларни ҳал этишнинг умумбашарий ахлоқий платформасини яратишга интиляпти. Файласуфлар ва социологлар томонидан илгари сурилаётган бу парадигма –«планета макрорэтикаси» деб аталаяпти. Ундаги ғояларга Ер юзидаги барча халқлар учун хос бўлган қарашлар, ғоялар мажмуаси, ҳаракат дастури сифатида қараш жоиздир. Планета этикасини яратиш ва унга амал қилиш ҳозирги давр тафаккурининг катта ютуғи бўлиб, умумбашарий муаммоларни ҳал этишга, инсонни биологик мавжудот сифатида эсон-омон сақлаб қолишга қаратилгандир. Умумжаҳон этикасининг айрим томонлари аста-секин Ер юзи халқларининг кундалик ҳаётига кириб боряпти. Бу - планета цивилизацияси деб ҳам аталаяпти. У фан, техника, иқтисод, таълим, тарбия ва шунга ўхшаш соҳаларда универсал, планетар ахлоқ нормаларини ташкил этади. Бу ғояни барча халқлар, давлатлар ҳар томонлама ўрганиб, идрок этиб, ҳаракат дастури сифатида қабул қилиши ва унга амал қилишлари керак. Файласуфларнинг фикрича, планета этикаси Шарқ ва Ғарб халқларига тегишли бўлган умумий маслак, умуминсоний қадриятдир. Халқлар, миллатлар ва давлатлар турли цивилизацияларнинг ўзига хослиги ва турли-туманлиги, ҳаёт тарзининг барча қирраларини сақлаб қолиши, уларнинг ривожланишига ёрдам бериши муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ноёб томонларини сақлаб қолиши, миллатлар, мамлакатларнинг бетакрор ўзига хослигига путур етказмаслиги, уларга ҳалақит бермаслиги лозим. Умумпланетар ахлоқ ўз моҳияти, мақсад ва йўналишлари жиҳатидан инсоният манфаатларини ҳимоя қилиши, инсоннинг эсон - омон ва соғ - саломат яшаши учун хизмат қиладиган умумий маслак - платформадан ташкил топиши керак. Шу маънода планета этикаси бирон бир мафкура ёки қандайдир бирон бир давлат, сиёсий ёхуд ижтимоий гуруҳнинг дунёқарашини, дастури эмас, балки ҳамма учун умумий бўлган назария, жаҳон маънавияти ва умуминсоний ахлоқий нормалар мажмуи

бўлмоғи лозим

***Таянч тушунчалар***

Ижтимоий тараққиёт, тарих фалсафаси, экология, инсон экологияси, ген инженерияси, планетар онг, прогресс, регресс, эволюцион тараққиёт, инқилобий тараққиёт, планетар ахлоқ.

**Назорат учун саволлар:**

1. «Ривожланиш», «тараққиёт», «ижтимоий тараққиёт» тушунчаларининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Ижтимоий прогресс нима?
3. Регресс нима?
4. Экология деганда нима назарда тутилади?
5. Ижтимоий тараққиётга эволюцион ёндошувнинг моҳияти.

## 16- мавзу. Инсон ва жамият тараққийетининг умумбашарий муаммолари

1. Ижтимоий тараққийет ва таназзул.
2. Ижтимоий тараққийет ҳақидаги фалсафий қарашлар.
3. Ижтимоий тараққийет - мураккаб диалектик жараён. Тараққийетнинг эволюцион ва инқилобий (сақраш) йўллари.
4. Ўзбекистон: ижтимоий тараққийетнинг «ўзбек модели» - эволюцион ривожланиш йўли.

XX аср охири ва учинчи минг йиллик бошида инсоният олдида қатор умумбашарий муаммолар пайдо бўлди. Бундай муаммолар ўз миқёси ва ҳал этиш усулларига кўра айрим мамлакатлар ва минтақалар доирасидан ташқарига чиқади. Инсон техника воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Улар қулайлиги, ижтимоий оқибатларига кўра бир- биридан фарқланади. Умумбашарий муаммолар :

- ядро уруши хавфи, атом элктростанцияси аварияси, бой индустриал мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар орасидаги номутаносиблик, очарчилик ва қашшоқлик, экологик ҳалокат хавфи, озиқ- овқат заҳираларининг тобора камайиб бораётганлиги кабилардир. Барча халқлар учун ТИНЧ ва БАРҚАРОП ҳаётни таҳминлайдиган, зўравонликлардан ҳоли бўлган янги дунёни, янги шароитни яратиш ҳам ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммосидир.

- юқумли ва хавфли касалликлар: СПИД, вабо, рак ва гиёҳвандлик, халқаро террорчилик тобора ўсиб борапти. Янги турмуш тарзини яратиш таҳлим- тарбия , ижтимоий таҳминот, ворислик, ахлоқий қадрият масаласини ҳал этишни талаб қиляпти. Олимлар умумбашарий муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини кўпроқ ҳозирги дунёнинг яхлит ва бир бутунлиги билан изоҳлайдилар. Ҳозирги дунё ер юзидаги 170дан ортиқ мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар тобора кучайиб бораётган , жаҳон халқларининг умумий уйи шаклланаётган, жаҳон тараққийетида коллектив ақлнинг аҳамияти тобора ортиб бораётган дунёдир.

- XX аср охирига келиб халқлар, давлатлар ўртасида миллий ўзликни англаш жараёни кучайди. Миллий давлатчиликнинг шаклланишига олиб келди. Бу зўравонлик сиёсатини йўқотишни, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик сиёсатини, янгича фикрлашни талаб этмоқда.

- Мамлакатлар, халқлар, давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар тобора кучаймоқда, бу эса ўз вақтида одамзот наслини эсон- омон сақлаш муаммосини умумбашарий масала сифатида қўймоқда.

- Инсониятнинг озиқ- овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун табиий ресурсларнинг янги турлари : озиқ- овқат, хом- ашё, энергиянинг янги манбаларини яратиш зарурияти пайдо бўлди.

- Хаво, тупроқ, сув ҳавзалари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши натижасида экологик вазият кескинлашди.

Ер юзида аҳоли сони кўпаймоқда, уни тартибга солиш зарурияти пайдо бўлди.

Умумбашарий муаммолар ўзининг келиб чиқишига кўра бир- бири билан узвий боғлиқдир. Чунончи, экологик инқироз, иқтисодий муаммолар эса ҳарбий - сиёсий устунликка эришиш, қуролланиш пойгасини авж олдириш билан боғлиқдир.

Умумбашарий муаммолар ичида , айниқса, ҳозирги замон цивилизацияси билан муносабат масаласи яққол кўзга ташланапти. Бу инсониятнинг биологик мавжудот сифатида эсон- омон қолиши билан бевосита боғлиқ масаладир. Инсон табиий ресурсларни ўзлаштириш билан кифояланиб қолмай, янги сунъий муҳит - «иккинчи табиат»ни яратяпти. Бу билан биосферага жиддий путур етказяпти. Инсоннинг яратувчан фаолиятига нисбатан вайрон қилувчи фаолияти жадал тус олди. Натижада инсоннинг биологик тур сифатида яшаши учун жиддий хавф- хатар вужудга келди. « ялпи уруш хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда». ( қ. Й. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий -ижтимоий ва иқтисодий исшқболининг асосий тамойиллари. Т.,1995, 95-бет).

Дарҳақиқат, экологик инқироз бутун ер юзи учун фалокат тусини оляпти. Чунки ҳозирги даврда локал (маҳаллий). цивилизациялар жаҳон цивилизациясига айланяпти. Ер юзи табиати ниҳоятда чекланган мувозанатда яшаб турибди : нормадан ортиқча озгина бузилиш ҳам Ер юзини барбод қилиши мумкин.

Табиат ҳам муайян қонуниятларга асосланади, меҳёрдан ортиқча юкка бардош беролмайди. Инсониятнинг яратувчанлик фаолияти эса биосфера имкониятлари доирасидан ортиб борапти.

Планетадаги ҳаёт учун зарур бўлган, ҳаётнинг узлуксизлигини таҳминлайдиган ресурслар: дарёлар, ер ости сувлари, тупроқ, ҳавонинг таназзул кўлами тобора ортиб борапти, табиатнинг туб негизларига путур етказиляпти. Бошқача қилиб айтганда, инсоният «ўзи учун» га ўтяпти.

Инсоният ўз ҳаёти давомида табиатга нисбатан икки ёқлама характерга эга бўлган муносабатда бўла бошлайди. Бу эса фаришталик ва шайтонлик , яхшилик ва ёмонлик, тартиб ва тартибсизлик каби хусусиятларда ўз ифодасини топа бошлайди: бу муносабатлар ўртасидаги кураш давом этапти. Инсоннинг табиатга бўлган муносабатидаги бундай қарама- қаршилик бир- бирига зид бўлган ҳаракат ва фаолиятни келтириб чиқаряпти. Эҳтирос ва ақл- идрок билан қарор қабул қилиш ўзига хос муқобил вазиятни вужудга келтиряпти.

Ҳозирги даврнинг умумбашарий муаммоларини ҳал қилиш инсониятнинг маҳнавий салоҳиятига, ижтимоий борлиқ моҳиятини тушуниши ва умумбашарий масалаларни унинг ижтимоий оқибатлари билан боғлай олишига , инсоний жавобгарликни ҳис этишига, рационал қарорлар қабул қилиш даражаига боғлиқ бўлиб қолди.

Инсон табиатдаги жуда кўп ресурсларни шафқатсиз ўзлаштиради, уларни хоҳлаганча истехмол қилди, ниҳоят, табиий мувозанатга жиддий путур етказди. Албатта, табиат ўзини- ўзи назорат қилиш, ўзини - ўзи бошқариш, ифлосланган моддаларни зарарсизлантириш қобилияти ва имкониятига эгадир. Бироқ инсон ўз

фаолиятида биосфера мувозанатини бузди, саноат чиқиндиларини ҳаддан ташқари кўпайтирди. Бундай ҳолат табиатнинг ўз-ўзини бошқариш қобилияти кучсизланишига олиб келди.

Экологик инқироз ҳўжалик юртишининг экстенсив усулларини қўллаш, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини ўрнатиш, табиат ресурсларига битмас-туганмас ҳазина сифатида қарашнинг аянчли оқибати сифатида вужудга келди. Илмий-техника инқилобининг гуркираб ривожланиши инсоннинг табиатни талон-тарож қилишга қаратилган фаолиятини янада кучайтирди. Ер планетасида экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажми ҳам тобора ортиб борди. Мутахассисларнинг фикрича, кўмир, газ, темир, мис сингари инсоният учун зарур бўлган ер ости бойликлари захиралари бир неча ўн йилдан кейин бутунлай тугайди, уларни тиклаб бўлмайди. Ҳатто тиклаш мумкин бўлган ўрмон ресурслари ҳам тобора камайиб борапти. Жаҳон миқёсида ўрмон кесиш унинг табиий ўсишига нисбатан 18 марта тез содир бўляпти. Ерга ҳаёт берадиган, табиий мувозанатни барқарорлаштириб турадиган ўрмон майдонлари йилдан-йилга камайиб борапти.

Бутун ер юзида кишилар учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган тупроқнинг унумдор қатлами йўқолиб борапти. Маҳлум бўлишича, бир сантиметр унумдор қатламнинг йўқ бўлиши учун уч йил кифоя қияпти.

Ер ресурсларидан шафқатсиз фойдаланиш, жаҳон океани ва атмосферани ифлосланиши хатарли тус оляпти. Денгиз конларидан нефть қазиб олишнинг кенгайиши денгиз сувларининг ифлосланишига олиб келди. Ҳар йили океанларга миллион - миллион тоннала фосфор, қўрғошин ва радиактив қолдиқлар ташланапти. Ташланаётган чиқиндилар океан сувининг ҳар бир километрга ўртача 17 тоннадан тўғри келяпти. Кейинги ўн йил ичида Орол денгизи ва унинг атрофидаги танг экологик вазият жуда кўп муаммоларни келтириб чиқарди. Жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги экологик вазият ҳам ташвишланарлидир: Рейн дарёсининг ифлосланиши шу даражага етдики, ундаги барча жонли мавжудот қирилиб кетяпти. Дунай, Волга, Миссисипи дарёлари, Американинг буюк қўллари ҳаддан ташқари ифлосланди. Олимларнинг фикрича, ер юзидаги барча юқумли касалликларнинг 80% и ифлосланган сувни истеҳмол қилиш билан боғлиқдир.

Жаҳоннинг йирик шаҳарлари ҳавосининг ифлосланиши XX аср бошларидаги нисбатан бир неча ўн барабар ортиб кетди. Енгил автомобиллар табиий кислородни ҳаддан ташқари кўп ютяпти, атмосферага чиқариб ташланаётган зарарли моддалар тобора кўпаймоқда, унинг оқибатида инсон соғлиги учун хатарли бўлган моддалар миқдори ортиб борапти. Чернобиль фожеаси. АЭС аварияси экология учун нақадар катта ва ўнглаб бўлмас офат эканлигини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 26 мамлакатида АЭС ишлаб турибди.

Ҳозирги замон фан-техника прогресси табиат учун ортикча ташвиш ва муаммоларгина эмас, балки уларни ҳал этишнинг реал имкониятларини ҳам яратяпти: ресурс тежовчи ва чиқиндисиз технология яратишнинг экологик жиҳатдан соф имкониятларини вужудга келтиряпти. Демак, фан ютуқларини чуқур ўрганиш асосда технологик жараёнларни шундай ташкил этиш мумкинкидоки ишлаб чиқариш чиқиндилари табиатга зарар етказмасин.

Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, иссиқ электростанция-лари чиқиндиларининг 80%идан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин экан. Иссиқлик электростанциялари кулидан тайёрланаётган бетон ва ғишлар табиий қурилиш панеллари ва ғишларига нисбатан 2-3 барабар пишиқлиги аниқланди.

Ҳозирги даврда ҳам термоядро уруши хавфи мавжуд, қитҳада уруш шарпаси изғиб юрибди. Ядро уруши инсоннинг ақлига зиддир. БМТнинг идеалига қарама-қарши ҳолат, лекин урушга тайёрланиб кетмоқда. Ер юзида ҳали атом мифологияси ва ядро манҳаяклари мавжуд. Атом урушида ҳар қандай воситалардадрийатлар, нозик руҳий ҳаракатлар ожиз қолиши мумкин. Албатта, кейинги даврларда ядро қуролларига эга бўлган мамлакатларнинг ядровий тўқнашуви хавфи кучсизланди; лекин мамлакатларда кур-кўрона технологик тасодифлар хавфи кескинлашди, кўрқинчли ҳолатни вужудга келтирди. Ер юзида 450 га яқин атом электр станцияси мавжуд, янгиларини қуриш давом этмоқда. Шарқ мамлакатларида ядро иншоотлари қурилиши тезлашмоқда. Демак, инсоният ҳали ядро урушлари хавфидан, ядро арсеналларидан қутилган эмас.

Экологик хавф - хатар қаторига «инсон табиати» муаммоси қўйилди. Бу масала иқтисод, сиёсат, ижтимоий ҳаётдан ҳам устивор бўлган.

Экологик онгни ривожлантириш ҳозирги даврнинг асосий ғояси, инсониятнинг бойлиги эҳтиёжидир.

Экологик-сиёсатнинг биринчи талаби иқтисодиётнинг бош аниқловчиси, маънавият, мафқуран и эҳтиборли предмети ҳисобланиши керак. Хиндларда шундай мақол бор: «Сиз охириги ҳавони ўлдирганингизда ва охириги ирмоқни захарлаганингиздан кейин сиз пул билан озикланиш мумкин эмаслигини тушунасиз». Экологик хавфнинг моҳияти нимада?

-Биосфера антропоген омиллар босимининг кучайиши натижасида:

а) биологик ресурсларни ишлаб чиқишнинг табиий цикли бузилади, ишдан чиқади;

б) тупроқ, сув ва атмосферанинг ўз-ўзини тозалаш ҳолати йўқолади

в) ерда, атмосферада «коллапс» - экологик шароит кескин ва шиддат билан ёмонлашади. планета аҳолисини халокатга олиб келади.

г) атмосферада кислород озаймоқда, озон туйнуғи кенгаймоқда, табиий сувлар ифлосланмоқда 1млрд. 200млн одам ичимлик суви етишмаслигидан азобланмоқда.

Инсон фаолиятининг нораціоналлиги туфайли ҳар куни жаҳонда 150 турдаги ҳайвон ва ўсимликлар йўқолмоқда.

Демак, кун тартибида Инсоният ва Табиат муносабатларини нормаллаштириш, унинг ривожланишининг коэволюцион ҳолати яратиш вазифаси турибди. Буни барча назариётчилар, сиёсатчилар, давлат арбоблари, ҳар бир инсон арглаб етиши зарур.

Қачон коллапс ҳолати рўй беради. унинг олдини олиш мумкинми? «Коллапс» содир бўлиши анча яқин, деб ҳисобламоқдалар, унинг олдини олиш учун умумбашарий тадбирларни таклиф этмоқдалар.

- Аҳолининг кўпайишини чеклаш. Ҳозирги даврда ҳар йили ер юзи аҳолисининг 83 млн кишига кўпайиши табиий муҳитга ортикча юқдир. Ўрмонлар қирилди, йўллар қурилиб, Табиий ҳолат ўзгарди, балиқлар кўп овланиб,

унинг захираси тугаб бормоқда.

- Кишлоқ хўжалик ерлари камайиб, етишмай қолмоқда. Аҳоли сонига нисбатан ғалла етиштириш камаймоқда, унинг баҳоси қимматлашмоқда. Бизнинг эрамыз бошларида ер юзида 250 млн инсон яшаган, ҳозир эса 6 млрдга яқинлашди. XX асрда аҳолининг ўсиш даражаси :

а) XX асрнинг 60-йилларида бир соат ичида 8 минг.

б) 80- йилларда бир соат ичида 10 минг.

в) 90- йилларда бир соат ичида 12 минг кишига кўпайиши қайд этилди.

Тахминан Ер юзи аҳолиси кўпи билан 10 млрд бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич XXI асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Ернинг уларни боқиши, кийинтириши қийин. Шунинг учун демографик ҳолат умумбашарий масала ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам бундай ҳолатлардан ҳоли эмас. Мамлакатимизда яшаш, ҳаёт муҳити ифлосланмоқда, кимёвий радиация ифлосланишни кучайтирмоқда. Жаҳон океани, коинот макони, Антарктида хавфли зона таркибига кирмоқда. Бу эса табиат билан муносабатни ўзгартириш зарурлигидан, экологик вазиятнинг танглигидан далолат беради. Экологик чақриқ иқтисодий ва сиёсий чақриққа нисбатан хавфлироқдир.

Демак, экологик вазиятни ўзгартириш учун туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Бу эса:

а) иқтисод.

б) сиёсат.

в) маънавият соҳасларида содир бўлиши зарур.

Хавфли ҳолатлардан яна бири инсон жисми, танаси, «ички» табиатидир.

Инсон, албатта, ақлли мавжудот, ammo инсон ҳам жисмоний, ҳам руҳий (маънавий) бирликни ўзида яхлит ҳолда бирлаштирувчи мавжудотдир.

Инсон танаси билан табиатга мансубдир. Унинг жисми фоний, ўткинчи, маънавияти абадийдир. Тана, бадан инсонга роҳат-фароғат, ором, лаззатланиш, изтироб, азоб-уқубат ато этади. Жисмоний соғломлик инсон қадриятлари системасида муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги даврда биологлар, генетиклар, медиклар инсоннинг генотипи емирилмоқда, унинг бадани, гавдасида бузилиш вужудга келмоқда, деб бонг уряптилар. Генофондда ўзгариш вужудга келмоқда, генинженерия туфайли инсон организмга бегона, ёт нарсалар кириб қолиши, инсонни ўзгартириб юбориши мумкин. Айниқса, организмга қарши моддалар (ксенотиотиклар) ва шахсий ҳаяжонлар таҳсирида инсоннинг қаршилиқ кўрсатиш қобилияти кучсизланмоқда. СПИД инсон ҳаётига таҳдид соляпти. Бу фақат касаллик эмас, балки инсон уруғини қуритишга қаратилган хавф, умуминсоний муаммодир.

Аёлларнинг фарзанд кўрмаслик ва эркаларнинг импотенция (жинсий заифлик) ҳолатлари миқдорининг кўпайиши экологиянинг жинсий ҳаётга экоҳужуми деб баҳоланмоқда. Ривожланган мамлакатларда эркаларнинг жинсий заифлиги тез ривожланмоқда.

Кимёвий моддалар организмга, асаб системасига салбий таъсир этмоқда. Айрим регион (худуд, минтақа)ларда табиий офат сифатда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, юқумли касалликлар кенг тарқалмоқда.

Энг кўрқинчли хавфлардан бири инсон маънавиятининг инқирозидир.

Бу масала дунёвий ва диний фанлар, умумбашарий ва минтақавий, миллий ва сиёсий мафкуралар олдида пайдо бўлди. Инсоният маънавиятини такомиллаштириш кун тартибидеда турган нуфузли масаладир. Инсон тафаккури ўтмишга мурожаат этиб, ҳозирги даврни тушунишга, келажак ҳақида ўйлашга ҳаракат қилмоқда. Бунинг устига, ҳозирги даврда бу масалага ҳеч бир ижтимоий назария ва фалсафий-антропологик концепция ишончли жавоб бера

олмайди. Кўрқув, ҳаяжон, бесарамжонлик инсон моҳиятини қамраб олмақда. Оламнинг ўзгариши, қайта тузилиши ҳақида истиқболга йўналтирувчи таҳлимот яратилган эмас. Моддий ишлаб чиқариш илҳомлантирувчи символ ва чақриқ сифатида тарих саҳнасида чиқди, лекин бу ғоя кейинги даврларда устивор мавқеини йўқотди: XX аср бошларига келиб жаҳонни қутқариш учун икки ғоя яратилди:

1. Социалистик ғоя :

2. Илмий-техник тарақиёт ғояси. Бу ғоялардан умид катта эди.

Иккаласи ҳам барбод бўлди. Улар инсон имкониятларини биосфера талаби билан боғлай олмади. Адолатли жамият, реал ижтимоий тенглик, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, моддий бойликларнинг тўлиб-тошиб ётиши ҳаёт синовида бардош бера олмайди.

Илмий - техника революциясига бўлган умид камбағалларнинг истеҳмом қилиш даражасини юқори қатламнинг истеҳмом қилиш даражаси билан тенглаштиришга қаратилган эди.

Бунинг учун 50 йил ичида энергия ишлаб чиқаришни 500 мартага кўпайтириш зарур. Бу даврда (20-30 йил) Ер юзи аҳолиси икки баробар кўпаяди, биосфера буни уддалай олмайди, техника анча эскиради. Техника, ўз навбатида, салбий оқибатларни келтириб чиқарди: табиатни хонавайрон қилди, атмосферани ифлослантирди, техника фетишизмга олиб келди.

Шунингдек, жаҳон динлари ҳам, маҳаллий диний оқимлар ҳам ёрқин таклиф билан чиқа олмаяптилар. «Нариги дунё» ни тарғиб қилишдан нарига ўтмаяптилар.

Вазият жиддий ва мураккаб, лекин бундай пессимизмга берилмаслик ҳам керак. бунинг ҳал этиш йўллари излаш лозим. Инсониятни инқирозлардан қутқаришнинг реал шарт-шароитлари нималардан иборат?

1. Бирламчи информацион (компьютер) биотехник революцияни ривожлантиришдир. У инсониятнинг эсон-омон яшаб қолишига имконият бериши мумкин. Бу ўз навбатида янги цивилизацияни яратади. Информацион революция термоядро ва экологик хавфни кучсизлантиради. Оламни янгича тушуниш учун математик воситаларни, янги физик ва техник қуролларни яратади; оламни тушуниш ва ўзгартириш имконияти кучаяди.

2. Барқарор жаҳон хўжалигини яратиш. Бу ҳам бозор, ҳам ижтимоий ҳимоя қилинган, аралаш соҳадан иборат бўлади. Иқтисодий муносабатларнинг бу шакли ҳар хил хўжалик субъектлари манфаатларини ўзаро мослаштиради, баланслашган хўжалик системаси ҳар бир давлат манфаатларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилади.

3. Ташқи ва ички муносабатларда, гуруҳ ва шахсий муносабатларда зўрликсиз ва демократик принципларни ўрнатиш, жорий этишдир. Тарихда муаммолар, асосан босқинчилик ва зўравонлик асосида ечилган. Уруш, тўнтариш, қон тўкиш деярли барча ижтимоий ҳодисаларни, воқеаларни ҳал этиш қандайдир бир шаклда қўлланилади. Ф. Ницше, Зигмунд Фрейд босқинчилик, зўравонлик масалаларни ечишдаги тамойиллардан бири эканлигини кўрсатган эдилар.

4. Шунингдек, кўпгина йирик мутафаккирлар: М. Ганди, Л. Толстой, Мартин Лютер Кинг, Эрих Фромм ва бошқалар босқинчилик, зўравонликни танқид қилиб, масалаларни зўрликсиз, куч ишлатмасдан ҳал этишни тарғиб қилдилар. Ҳозир ижтимоий масалани зўравонликсиз ҳал этиш тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Куч ишлатиш методидан мулоқотга ўтилмоқда. Муҳокама, мунозара, мулоқотда томонлар бир - бирларини ўзаро тушунмоқдалар. Халқаро ва ички сиёсатда «консенсус», «музокара жараёни», «компромисс» атамалари тез-тез қўлланилмоқда. Куч ўрнини ахлоқ принциплари, ахлоқий қоидалар, нормалар эгалламоқда. Масалан, муаммоларни зўравонликсиз, сиёсат орқали ҳал этиш анча истиқболли йўлдир.

5. Маънавий ҳаётда турли диний ва дунёвий қарашларни уйғунлаштириш, бирлаштириш зарур. Ҳозирги даврда либераллар ва ижтимоийистик тафаккурнинг, турли хил диний қарашларнинг, Ғарб менталитети билан Шарқ этикети (одоб қоидалари, одобнинг бир-бири билан яқинлашиши сезилмоқда. Ғоявий яқинлашиш, ўзаро тушуниш тенденцияси кучайиб борапти. Сабр-тоқатлилик тобора кенгаймоқда. Турли халқлар бир-бирини тушунишга, сабр-тоқатли бўлишни ўрганиптилар.

6. Хар бир халқнинг, этник гуруҳларнинг ва ҳар бир маданиятнинг автоном этник ва маданий интеграциялашуви (бирлашиши) жараёни рўй бермоқда. Бу етакчи тенденцияга айланмоқда, маданий ҳаётда универсализм кучаймоқда:

- халқаро иқтисодий ва маданий алоқа ўсмоқда;
- халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида умумий жараёнлар

уйғунлашиб бормоқда;

- қадриятлар алмашинуви тезлашмоқда;
- шарқ ва ғарб маданияти синтезлашмоқда;
- халқларнинг кўчиб юриши (миграцияси) маданиятларни

уйғунлаштирмоқда, интернационализм кенг тарқалмоқда.

Ҳамкорлик ва биродарлик ўсмоқда. Бундай ғоя ҳозир мавжуд этник конфликт ва уйғонишларни, ўз ноёблиги ҳақида қайғуришларни инкор этмайди. Лекин умумий йўналиш, тенденция халқ, миллат, элатларнинг оға-ини бўлиб бирлашиш жараёни рўй борапти.

7. Халқаро жараёнда интеллектуал (ақл) соҳада ҳам муттасил изланиш ва яқинлашишлар сезилмоқда. Ҳатто жаҳон интеллектуал революция арафасида турганлиги қайд этиляпти. Кун тартибиде янги коинот, янги табиат масаласи кўйилди. Инсон интеллектуал мавжудот сифатида ақл имкониятларидан қониқмай янги вазифаларни донишмандлик, ҳайратланиш орқали ҳал этишга интиляпти. Табиий интеллект, сунхий интеллект бир-бири билан яқинлашиб, компьютер системасини ишга солиб, янги парадигмани қўймоқда ва уни ечишга ҳаракат қилмоқда. Бу ўзгариш ва вазифалар кишиларнинг анҳанавий фикрлаш тарзини ўзгартиришни талаб этади. Шунингдек, рационал ва норационал, илмий ва техник, дунёвий ва диний соҳалардаги қарашларни умумлаштириш, реал борлиқни англаш муҳим вазифадир. Бунинг учун:

- умумбашарий ахлоқни яратиш;
- универсал ахлоқий тамойилларни шакллантириш;
- умуминсоний ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- донишмандлик ва виждоннинг. рационал билимга нисбатан

устиворлигини таъминлаш зарурдир.

Чунки билим қадриятлар билан, фаровонлик ғояси билан, адолатни жорий этиш билан боғланмаган бўлса, у ўта зарарли ва хавфлидир.

Инсон революциясини амалга ошириш бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди, у қатор босқичларни ўз ичига олади. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

1. Инсон тафаккури ва умуман, маънавиятининг, ахлоқий, фалсафий ва гуманистик томонларнинг янгиланиши, покланиши ва инсонийлашиши даври.
2. Инсоният орзиқиб кутаётган «келажакнинг муқобил концепциясини» яратиш даври. Бу эса ҳозирги замон кишии табиати ва фаолиятининг муқобил вариантларини яратишни, инсонда янгича қараш ва тафаккурни шакллантиришни тақозо этади.
3. Авлодлар таълим-тарбияси ва амалиётига инновация (янги билим) ни жорий этиш даври.

Бу даврларда амалга ошириладиган барча тадбирлар бутун Ер юзи мамлакатларини қамраб олади ва ягона, яхлит жаҳон интеграциясини вужудга келтиради.

Инсон революцияси умумбашарий муаммоларни ҳал этишга фалсафий, назарий ва амалий ёндашув бўлиб, у инсон фаолиятида маънавиятнинг аҳамияти ва ролини кучайтиришни талаб этади. Гап шундаки, ҳозирги даврда инсон авлодининг биологик тур, мавжудот сифатида эсон-омон қолиши бевосита инсоннинг ўзига, унинг ақл-заковати, хатти-ҳаракати ва хулқ-атворида ғоғлиқ бўлиб қолди.

Ғарб цивилизацияси чуқур таназзулни кечиряпти. Бунинг қатор сабаблари бўлса-да, илмий тафаккур олами, унинг маънавий илдизлари, манбаалари ва асосларини изламоқда. Испаниялик машҳур мутафаккир ва файласуф Ортега-и-Гассет Европа цивилизацияси инқирозининг туб сабабларини ўрганиб, «Омма кўзғолони» асарида ўз қарашларини баён этди. Бу асар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, у XVIII асрда ёзилган. Бу асарни Ж. Ж. Руссонинг «Ижтимоий шартнома» асари билан бир қаторга қўйиш мумкин.

Асарда инқирознинг келиб чиқиш сабаби, аввало, кишиларнинг оламга бўлган қарашларидаги эътиқод системасининг таназзули, инсоннинг оламини тўсатдан йўқотиб қўйиши, инсон ҳаёти маҳносининг йўқолиб бораётганлиги билан изоҳланган.

Европа цивилизацияси инқирозининг ўзаги нимадан иборат? Ортега-и-Гассетнинг фикрича, бу - оломон

қўзғолонидир. У омма, оломон деганда ўрта табақани назарда тутди. Улуғ мутафаккир «оломон - инсон»га «индивидуал инсон» ни қарши қўйди.

Индивидуал инсон маданият нормасига таянади, фан асосларини эгаллашга ҳаракат қилади.

Норма, мезон, маданият, қадрият феноменлари бир- бири билан ўзвий боғлиқдир. Нормасиз маданият бўлмагани сингари, маданият бўлмаган жойда фуқаролик қонунни ҳам амал қилмайди, маданиятсизлик ахлоқсизликка олиб келади, ақл принципларни инкор этади. Ҳар қандай мураккаб ижтимоий масалалар ҳам мунозара, ақл ва маданият доирасида ҳал қилинади. Ҳаракат, нутқ, шахснинг жамиятдаги мавқеи, ўрни ва роли маданият нормасига қараб белгиланади. Лекин шундай оломон - инсонлар пайдо бўлмоқдаки, улар ўз қарашларига, бирон- бир маслакка эга эмаслар, хатти- ҳаракатларини ўз ақл- идроклари билан тўғри бошқара олмайдилар. Улар омма орасига сингиб кетадилар.

«Оломон - инсон»лар қонунни инкор этиб, омма ичида ўз эрки ва истакларини амалга оширишга ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги пайтда ижтимоий ҳаёт соҳасида ҳам туб ижтимоий ўзгаришлар содир бўляпти. Сиёсий механизм ҳисобланмиш демократия тизимида, турли сиёсий партиялар, ижтимоий- сиёсий ва қарашларда муҳим ўзгаришлар юз беряпти. Ҳозирги даврнинг ижтимоий муаммолари шу қадар кескин ва мураккабки, уларни бирон- бир сиёсий партия, оқим ёки давлат ҳал эта олмайди.

Қатор мамлакатларда талаб - таклифлар механизми ўз аҳамиятини йўқотяпти Айрим зарурий ресурслар камайиб боряпти, валюта системасида бошбошдоқлик (анархия), инфляция ўсиб боряпти, монополия кучайяпти, мафия (уюшган жиноятчилик) забардаст кучга айланыпти. Ўтмиш тажрибаларидан келиб чиқиб, янги йўналишдаги назария ва ғоялар яратиш анча мушкулдир. Чунки ниҳоятда мураккаб ва нозик бўлган ҳозирги давр ўзига хос янги механизм яратишни талаб этапти.

Ижтимоий-сиёсий тафаккур мавжуд ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, техник ва технологик тараққиётдан орқада қолмоқда. Янги сиёсий тафаккур, юксак ахлоқий масъулият билан онгли, бирлашган ҳаракатни тақозо этапти.

Ҳозирги давр, бу - илғор техника, технология, компьютер, генинженерия, микроэлектроника, лазер, космик йўлдошлар, кабелли телевидение ва бошқа шунга ўхшаш ўзгаришлар билан характерланади. Технология ютуқларини инсоният маънавияти билан уйғунлаштириш, маънавиятнинг ўрни ва ролини янги ахлоқ этиш зарурияти келиб чиқяпти.

Бу - янги гуманизмни яратиш ва умуминсоний қадриятлардан оқилонга фойдаланиш билан ўзвий боғлиқ бўлган давр талабидир. Айти шу гуманизм, янги маънавий асослар ҳар қандай қарашлар, концепция ва бошқариш механизми учун таянч бўлиши керак. Шу гуманизмга асосланиб, феъл- атворнинг янги мотивларини вужудга келтириш, янги маънавий, ахлоқий, фалсафий, ижтимоий, сиёсий қарашлар системасини яратишни ижтимоий ҳаёт ва бутун инсоният ривожланиши тақозо этапти. Булар ўз навбатида инсонга хос севги, дўстлик, бир- бирини тушуниш, ўзаро ҳамкорлик, сабр- тоқатлилик, чидамлилик сингари инсоний фазилатларга янги маъно ва жозиба беради.

Янги гуманизм анча кучли, маърифатпарвар, инсонийлик билан йўғрилган, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга кенг имкониятлар яратадиган, ҳар қандай анархия ва зўравонликнинг олдини олишга қодир бўладиган, кенг жамоатчилик томонидан қабул қилинадиган гуманизм бўлиши керак.

Янги гуманизм ўз моҳияти, ахлоқий ва маънавий асослари жиҳатидан инсоннинг ички дунёсини акс эттиришга қаратилган бўлиши керак. Гуманизм инсонни биоижтимоий мавжудот сифатида эсон-омон сақлаб қолишга қаратилганлиги учун ҳам том маънодаги инсоний революциядир. Инсон ўз- ўзига хитоб қилиши, виждон овозига қулоқ солиши, янги гуманизмни яратиши ва унга амал қилиши, жаҳондаги туб ўзгаришлар учун масъул эканлигини чуқур англаши билан характерланади.

Шундай қилиб, умумбашарий муаммоларда «инсон революцияси» ва ҳозирги замон инсон гуманизми бир- бири билан ўзвий боғлангандир. Маънавий- ахлоқий муҳит тубдан ўзгариши зарур, маънавий- руҳий олам покланиши керак.

Инсон дунёқарашини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у ахлоқ ва маънавият билан боғлангандир. У ҳар бир инсонда умумбашарий жавобгарликни ҳис этиш каби фазилатларни шакллантиришни талаб этади.

«Оломон - инсон» ўз табиатига кўра дағал ва уятсиз бўлиб, ўзининг бузуқ қарашларини муттахамлик ва зўравонлик билан ўтказишга ҳаракат қилади. Натижада ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий муҳит тубанлашади, маданият оммавийлашади ва у инсондан бегоналашади.

Бу типдаги кишилар, яъни оломон-инсонлар аънавий маданиятни, унинг норма ва қадриятларини, умуминсоний ахлоқни инкор этадилар. Лекин уларнинг ўрнини босадиган ҳеч қандай маънавий- ғоявий асосни бермайдилар.

Ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган бундай оломон- инсонлар маданиятсизлик ва ахлоқсизлик муҳитида яшашни хоҳлайдилар, авлодлар томонидан яратилган маданият, ахлоқ, инсонийлик сингари қадриятларни йўқ қилишга интиладилар. Ортега-и Гассет фикрича, бундай инсон XX асрнинг манқуртидир.

Европа, Ғарб цивилизацияси ўтмишдаги мавқеини йўқотмоқда, унга хос оптимизм, келажакка нисбатан ишонч инқирозга учрамоқда;

Европа тараққиёти қандай боришини аниқлаш, унинг бошида ким туришини, қайси давлат унга етакчилик қилишини, у қандай имкониятларга эга бўлишини, жамият ва дунё қандай асосга қурилишини аниқлаш, олдиндан башорат қилиш ғоят мушкулдир.

Ҳозирги даврда ВАҚТ ҳам ўзига хос муаммони келтириб чиқаради. Ҳозирги ҳаёт- бу, эски давр билан янги давр ўртасидаги ноаниқ бўшлиқ -вакуум давридир, у моҳият этибори билан ўткинчидир. Эркаклар қайси идеал ғоя учун курашни, аёллар эса қандай эркакларни афзал кўришни билмаётган даврдир.

Хуллас, Европа цивилизациясида экзистенциал вакуум вужудга келди: инсон қадриятлари, ахлоқи, эстетик қарашларида бузилиш содир бўлди, Буларнинг барчаси гуманизм ва маънавиятга зиддир.

Европа цивилизацияси инқирозини бартараф этишнинг, умумбашарий муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

Умумбашарий муаммоларни ҳал этишда Ғарб ва Шарқ бир-бири билан яқинлашяпти. Ғарб Шарқнинг бой маданияти ва анъаналарини, айниқса, табиатга бўлган муносабат принциплари ва экологик маданиятни чуқур ўрганиб, умумбашарий муаммоларни ҳал этиш йўлини Шарқдан изламоқда. Шарқ эса ўз ҳаётини модернизация (замонавийлаштириш) қилиш воситалари ва усулларини Ғарб цивилизациясидан олишга ҳаракат қиляпти.

Ғарб ва Шарқ фалсафаси ҳозирги давр хусусиятларини, айниқса, инсон муаммосини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, инкироздан чиқиш, умумбашарий муаммоларни ҳал этишнинг умумбашарий ахлоқий платформа (маслак)сини яратишга интиляпти.

Файласуфлар ва социологлар томонидан илгари сурилаётган маслак «планета макроэтикаси» деб аталаяпти. Ундаги ғояларга Ер юзидаги барча халқлар учун хос бўлган қарашлар, ғоялар мажмуаси, ҳаракат дастури сифатида қараш жоиздир.

Планета этикасини яратиш ва унга амал қилиш ҳозирги давр тафаккурининг катта ютуғи бўлиб, умумбашарий муаммоларни ҳал этишга, инсонни биологик мавжудот сифатида эсон-омон сақлаб қолишга қаратилгандир.

Умумжаҳон этикасининг айрим томонлари аста-секин Ер юзи халқларининг кундалик ҳаётига кириб боряпти. Бу - планета цивилизацияси деб ҳам аталаяпти. У фан, техника, иқтисод, таълим, тарбия ва шунга ўхшаш соҳаларда универсал, планетар ахлоқ нормаларини ташкил этади. Бу ғояни барча халқлар, давлатлар ҳар томонлама ўрганиб, идрок этиб, ҳаракат дастури сифатида қабул қилиши ва унга амал қилишлари керак.

Файласуфларнинг фикрича, планета этикаси Шарқ ва Ғарб халқларига тегишли бўлган умумий маслак, умуминсоний қадриятдир.

Халқлар, миллатлар ва давлатларнинг, турли цивилизацияларнинг ўзига хослиги ва турли-туманлиги, ҳаёт тарзининг барча қирраларини сақлаб қолиши, уларнинг ривожланишига ёрдам бериши керак. Уларнинг ноёб томонларини сақлаб қолиши, миллатлар, мамлакатларнинг бетакрор ўзига хослигига путур етказмаслиги, уларга ҳалақит бермаслиги лозим.

Бу ахлоқ ўз моҳияти, масад ва йўналишлари жиҳатдан инсоният манфаатларини ҳимоя қилиши, инсоннинг эсон-омон ва соғ-саломат яшаши учун хизмат қиладиган умумий маслак-платформадан ташкил топиши керак.

Планета этикаси бирон бир мафкура ёки қандайдир бирон бир давлат, сиёсий ёхуд ижтимоий гуруҳнинг дунёқараши, дастури эмас, балки ҳамма учун умумий бўлган назария ва амалий ахлоқ нормасидир.

Маълумки, ҳар қандай миллий маданият қанчалар ноёб ва ўзига хос бўлишига қарамай бошқа миллатларнинг маданиятига хос жиҳатлар ва умумий томонларни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

#### **Таянч тушунчалар:**

Ижтимоий тараққиёт, тарих фалсафаси, чизикли тараққиёт, тарихнинг айланма назарияси, прогресс, регресс, эволюцион тараққиёт, инқилобий тараққиёт, жамият қонунлари.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. «Ривожланиш», «тараққиёт», «ижтимоий тараққиёт» тушунчаларининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Ижтимоий прогресс нима?
3. Регресс нима?
4. Тарихий айланма назариясининг моҳияти нимадан иборат? Бу назарияни ким асослаб берган.
5. Ижтимоий тараққиётга ҳозирги замонда шаклланган ёндошувлар деганда нималар назарда тутилади?
6. Ижтимоий тараққиётга формацияли ёндошувнинг моҳияти ва камчиликлари?
7. Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндошувнинг мазмунини изоҳланг
8. Қайси олим маданиятни ижтимоий тараққиётга қарама-қарши қўяди?



## 17-МАНВУ. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий фалсафий масалалари

1. “Фуқаролик жамияти” тушунчаси.
2. Фуқаролик жамияти, унинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Фуқаролик жамиятига доир концепциялар.
4. Ўзбекистонда барпо этилаётган эркин фуқаролик жамияти.

“Фуқаролик жамияти” тушунчасининг мазмун моҳияти ва уни шакллантириш муаммолари нафақат ижтимоий-сиёсий фанлар учун балки мустақил давлатларнинг яқин истиқболдаги ривожланишининг сиёсий, назарий, фалсафий концепцияларини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик жамияти янги даврнинг муҳим нишонаси, жаҳон тараққиётининг умумий тенденцияси, ривожланиш концепцияси, инсоният олами янги изоҳлаш, унинг фикрлаш ва ҳаёт тарзи, тараққиёт идеали ва орзуси сифатида тарих тақозоси билан яна кун тартибига қўйилди. Унинг моҳияти, таркибий элементлари, функциялари нималардан иборат ва у қандай шаклланмоқда?

Маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимизда фуқаролик жамияти асослари яратилмоқда, Ўзбекистон эркин демократик ҳаёт барпо этиш йўлидан бормоқда. Бу жамият ўзининг назарий, фалсафий, аналитик ва норматив хусусиятлари билан характерланади. Фуқаролик жамияти ижтимоий коммуникация, социал алоқалар ва қадриятлар мажмуи бўлиб, унда бош субъект фуқаролар, уларнинг ҳуқуқлари ва фуқаролик ташкилотлари (сиёсий, нодавлат), турли бирлашмалар, уюшмалар, ижтимоий ҳаракатлар, фуқаролик институтлари ҳисобланади. Бу жамият эркин уюшмаларнинг кўп қиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиш ва унга амал қилишига, турли таркибий элементларнинг мустақиллиги ва тенглигига асослангани учун социал зиддият ва конфликтларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва мунозаралар орқали тинч йўл билан ҳал этишга асосланувчи жамиятдир.

Ўзбекистон ўз миллий мустақил тараққиётининг илк босқичларидаёқ фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. И.А. Каримов фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратибди:

- ўтиш даври тақозоси билан вужудга келган кучли давлатнинг энг муҳим функциялари аста-секинлик билан кучли жамият зиммасига ўта бошлайди;
- фуқаролик жамияти барпо этишнинг назарий муаммоларини, унинг туб моҳиятини атрофлича англайдиган умумий ва махсус билимга эга бўлган, онгли, тафаккури ҳар хил «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади;
- фуқаролик жамияти умуминсоний тамойиллар, ҳар бир миллатнинг давлатчилик хусусиятлари, турмуш ва тафаккур тарзи, анъаналар, урф-одатлари, ўзлигини англаши, бетакрор ва ноёб менталитети асосида қарор топади;
- фуқаролик жамиятининг норматив жиҳати деганда, фуқаролар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг фаоллик даражаси тушунилади. Фаол ҳаракат, айниқса, ижтимоий тизимларнинг алмашинуви жараёни ғоят қулайди. Ўзаро алоқалар марказида индивидларнинг эркин ва биродарларча уюшқоқлик ҳолатлари ётади.

Демократик давлат ва фуқаролик жамияти бир-бири билан узвий алоқадор бўлган тушунчалар, бироқ уларни айниқлаштириш ярамайди. Гап шундаки, фуқаролик жамияти узил-кесил шакллангандан кейин ҳам демократик ва ҳуқуқий давлат у билан баб-баробар яшашда давом этади. Фуқаролик жамиятида давлатнинг юмушлари анча камаяди, унинг қатор функциялари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари ихтиёрига ўтади. Лекин шунга қарамай, демократик давлатнинг фуқаролик жамиятидаги аҳамияти йўқолмайди: давлат ўз сиёсий мақоми, ҳуқуқи, сиёсий тартиблари ва ўзига хос бошқариш аппаратларига эга бўлади, ўз фаолиятида кўпроқ умумхалқ, бутун жамият манфаатларини ифода этади. Давлат бутун жамиятнинг иродаси сифатида намоён бўлади, шунинг учун ҳам жамият аъзолари давлат иродасига онгли равишда бўйсундилар. Фуқаро, жамият ва давлат ўртасида ўзаро муносабатлар инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлиги асосида амал қилади.

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг эркин уюшмаси сифатида индивидларнинг шахсий манфаатлари ва уюшма эҳтиёжларини амалга оширади. У ўз қонуни, меъёрий ҳужжатлари, ахлоқ ва одоб меъёрларига эга бўлган мавжудликдир. Фуқаролик жамияти ўз хусусиятлари билан бевосита давлат тасарруфида бўлмайди. Жамиятни бошқариш вазифаларининг аксарияти давлатдан фуқаролик ва ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўтишини англатади.

Фуқаролик жамияти структурасини ташкил этувчи элементлар бир-бири билан узвий алоқа ва муносабатда бўлади. Бу жамият иқтисодий соҳада: хусусий майда корхоналар, турли кооперативлар, ҳиссадорлик жамиятлари, фуқароларнинг шахсий тадбиркорлиги, ишбилармонлигидан; ижтимоий соҳада: оила, ўз-ўзини бошқариш органлари, кўппартиявийлик, жамоат ташкилотлари, ижтимоий фикрни ўрганувчи нодавлат ташкилотлардан; маънавий соҳада: нодавлат институтлар, оммавий ахборот воситалари (турлича қарашларни ҳолис, беғараз ва эркин баён этиш эркинлиги, жамият ва ҳокимият ўртасидаги ҳолис воситачи бўлиш, инсон ва жамият манфаатларини фаол ва изчил ҳимоя қилиш, воқеа ва ҳодисаларни профессионал маҳорат билан ёритиш, бу соҳадаги қонунчилик механизмига амал қилиш, нодавлат ноширлик ва телерадио каналлари ташкил этиш), ихтиёрий илмий-ижодий фаолият, касб-ҳунар ва бошқа бирлашмалардан ташкил топади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг қарор топиши «ўзбек модели»нинг тамойилларига кўра, босқичма-босқич амалга оширилади. У реал миллий анъаналар, турмуш тарзи, янги фалсафий ва сиёсий тафаккур хусусиятларидан келиб чиқади. Шарқда демократик жараёнлар, жамиятнинг туб негизлари аста-секинлик билан шаклланган ва тараққий этган. Шарқ халқларининг ҳаёт ва турмуш тарзида кескин инқилобий ўзгаришлар рад этилган. Шарқ донишмандлари ижтимоий жараёнларга ҳар қандай сунъий аралашувнинг мудҳиш

оқибатларини кўрсатганлар. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётидаги барча ўзгаришлар халқларнинг фикрлаш тарзи, миллий анъаналари, урф-одатларига мувофиқ равишда тадрижий равишда рўй берган. Фуқаролик жамиятининг айрим элементлари ва хусусиятлари қадим замонлардаёқ Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистон худудида ҳам мавжуд бўлган. Жамиятда ҳақиқат ва адолат, қатъий тартиб-интизом ўрнатилган, инсон ҳаёти, аҳоли тинчлиги кафолатланган, ҳурфикрилиқ, турли эътиқоддаги кишиларга нисбатан сабр-тоқатлиқ мавжуд бўлган, маънавий маданият ривожланган, дунёвий илм ислом маданияти билан уйғун равишда тараққий этган, айниқса, қариндош-уруғчилик мугносабатлари мустақкам ахлоқ-одоб меъёрларига бўйсунган, нодавлат ташкилотлар катта мавқега эга бўлган. Давлат фуқароларнинг шахсий ва маиший ҳаётига деярли аралашмаган, савдо-сотик, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, билим олиш, оила қуриш ҳокимиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда ахлоқ-одоб ва миллий анъаналар асосида ривожланган. Фуқаролар турли касб-ҳунар ва диний уюшмаларга бирлашганлар ва бир-бирларига ўзаро ёрдамлашганлар.

Ўзбекистонда қарор топаётган фуқаролик жамияти халқимизнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси, миллий анъаналари, фикрлаш тарзи ва маънавий салоҳиятига, тинчлик ва миллатлараро тотувликка асосланади. Ўтиш даврида «миллий манфаатлар ва эҳтиёжлар бундан буён фуқаролик жамияти манфаати билан яқинлаша боради. Ўтиш даври шароитида Ўзбекистонда кўплаб сисий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар вужудга келмоқда. Бу қонуний жараён дидир. Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиш лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи сифатида шакллантирилаётган демократик институтлар ва фуқаролик жамияти элементлари имкониятларини оширишга ҳар жиҳатдан кўмак бермоқда. Фуқаролик жамияти асослари умуминсоний тамойиллар ва меъёрлари, бутун жаҳон демократик қадриятлари негизида шаклланади. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтларини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақл-заковат имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маънавияти ва ахлоқий қадриятлари, заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саҳоватлиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўрта мулкдорлар синфи шаклланоқда, улар эса ўз навбатида шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир. Ижтимоий структура жамият анатомияси бўлиб, ижтимоий меҳнат тақсимоти, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тақозоси билан жамиятнинг катта ва кичик гуруҳларга, ижтимоий бирлик ва ижтимоий Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтларини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилапти. Улар қуйидагилардан иборатдир: Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятимиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақл-заковат имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маънавияти ва ахлоқий қадриятлари, заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саҳоватлиги, бағрикенглиги. ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўрта мулкдорлар синфи шаклланоқда, улар эса ўз навбатида шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир. **Фуқаролик жамиятига хос нодавлат уюшмалар мамлакат ҳаётида салмоқли ўрин эгалламоқда. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли умумий миқдорининг ва ҳосил қилинган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97,7 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.**

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг асарларида фуқаролик жамияти қурилишида сиёсий бошқарув органларининг ўрни ва роли батафсил таҳлил қилинган. "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз фаолиятида ҳокимиятларни тақсимлаш тамойилларига амал қилиб, ислоҳотларни амалга оширишда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини вужудга келтиришда асосий бўгин ҳисобланади. Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди. Турли сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат тузилмаларнинг фаол, энг муҳими, амалий фаолияти учун кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Ижтимоий структура жамият анатомияси бўлиб, ижтимоий меҳнат тақсимоти, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тақозоси билан жамиятнинг катта ва кичик гуруҳларга, ижтимоий бирлик ва ижтимоий қатламларга бўлинганлигини англатади. Ижтимоий структура элементлари кишиларнинг турлича бирликларидан ташкил топади. Булар:

- 1) ишлаб чиқариш бирликлари (корхона меҳнат жамоалари, деҳқон-фермер хўжаликлари, ширкат хўжаликлари);
- 2) меҳнат жамоалари (муассасалар, ташкилотлар, идоралар, фирмалар, илмий текшириш институтлари);
- 3) сиёсий бирликлар (давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар);
- 4) ҳудудий бирликлар (шаҳар.қишлоқ, туман, ўлка, водий);

Агар синфий назария жамиятнинг ижтимоий структурасини горизонтал кесимда ўрганса, ундан фарқли равишда ижтимоий стратификация назарияси жамиятни вертикал кесимда ўрганади. Бу назария ижтимоий мобиллик, ижтимоий кўчиш, ҳаракатчанлик назариясининг шаклланиши учун методик асос бўлиб хизмат қилади. Очиқ ва демократик жамиятда индивид, ижтимоий табақа доимо ҳаракатланиб туради, улар ижтимоий структурада ўз ўринлари ва мавқеларини ўзгартириб турадилар. Индивидлар, ижтимоий бирликлар ва қатламларнинг ижтимоий ҳолат ва мавқеининг ижтимоий структурада ўз ўринлари ва мавқеларини ўзгартириб турадилар. Индивидлар, ижтимоий бирликлар ва қатламларнинг ижтимоий ҳолат ва мавқеининг ижтимоий структурада ўзгартиришига ижтимоий мобиллик дейлади.

Ижтимоий мобиллик (ҳаракатчанлик) вертикал ва горизонтал йўналишда содир бўлади.



## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
5. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз - келажак йўқ.-Т. «Шарқ», 1998.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
13. Каримов И.А.. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
14. Каримов И.А. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. – Т.: «Ўзбекистон », 2005.
15. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксаклаштириш-барча демократик янигилаш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир.-Т.: “Ўзбекистон.” 2007.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т. «Маънавият», 2008 .
17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
18. Каримов И.А. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ва Мустақилликнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзланган нутқ.// Халқ сўзи. 2009 йил 1 сентябрь.
19. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
20. Монтескье Ш. О духе законов. -М.: Наука, 1955. 163 с.
21. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: “Навруз,” 1993. 260 б.
22. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.-228 б.
23. Крапивенский С.Э. Социальная философия. Учебник для вузов.- М., «ВЛАДОС», 1998, 3-17 бетлар.
24. В.С.Барулин «Социальная философия» Учебник для вузов.- М., ФАИР-ПРЕСС, 1999, 4-8 бетлар.
25. Фалсафа. Ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 1999. 268-276 бетлар.
26. Фалсафа: қомусий луғат (тузувчи Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004. 151-152 бетлар.
27. Фалсафа асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2004 йил, 252-255-бетлар.
28. Основы философии. – Т., «Мехнат», 2004 год. Раздел X. – стр. 351-410.
29. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. -Т.: “Файласуфлар миллий жамияти” нашриёти, 2004 йил.
30. Ғарб фалсафаси. – Т.: «Шарқ», 2004. 565-574, 579-580, 632-635-бетлар.
31. Каримов И. Валиева С. Туленова К. Ижтимоий фалсафа. Услубий қўлланма. Т:ТДПУ 112-119 бетлар
32. Фалсафа асослари. (Қ. Назаров таҳрири остида.) -Т.: Шарқ, 2005.-249 б.
33. Билиш фалсафаси. –Т.: Университет, 2005. 197-212-бетлар.
34. Falsafa. – Т.: Ozbekiston Faylasuflari Milliy jamiyati nashiyoti. 2006. 384-388 betlar.
35. Социал фалсафа. Ўқув қўлланма (И.Каримов ва бошқа) - Т.: 2008. - 5-10 бетлар.
36. Тўйчиев Б.Т., Зияутдинова Х.А Основы социальной философии. Т.: ЎЗМУ, 2009. 3-10 с.
37. Маънавият – асосий тушунчалар. Изоҳли луғати. Т.: “Ғофур Ғулом”, 2009.

Kiritilgan kitob sahifasi 248 bet.  
Kitob 16x1 formatda 15.50 bosma taboq.

248,1,246,3,244,5,242,7,240,9,238,11,236,13,234,15,232,17,230,19,228,21,226,23,224,25,222,27,220,29,218,31,216,33,214,  
35,212,37,210,39,208,41,206,43,204,45,202,47,200,49,198,51,196,53,194,55,192,57,190,59,188,61,186,63,184,65,182,67,1  
80,69,178,71,176,73

174,75,172,77,170,79,168,81,166,83,164,85,162,87,160,89,158,91,156,93,154,95,152,97,150,99,148,101,146,103,144,105,  
142,107,140,109,138,111,136,113,134,115,132,117,130,119,128,121,126,123

124,125,122,127,120,129,118,131,116,133,114,135,112,137,110,139,108,141,106,143,104,145,102,147,100,149,98,151,96,  
153,94,155,92,157,90,159,88,161,86,163,84,165,82,167,80,169,78,171,76,173,74,175,72,177,70,179,68,181,66,183,64,185,  
62,187,60,189,58,191

56,193,54,195,52,197,50,199,48,201,46,203,44,205,42,207,40,209,38,211,36,213,34,215,32,217,30,219,28,221,26,223,24,2  
25,22,227,20,229,18,231,16,233,14,235,12,237,10,239,8,241,6,243,4,245,2,247